



Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги

УЎС 2  
65  
Б-94



UN  
DP

Uzbekistan



**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМАЛАР ТўПЛАМИ**

Ташкент 2009

У35.2

65

Б-94

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ  
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ  
ҚЎЛЛАНМАЛАР ТЎПЛАМИ**

**65.052.21**

**Б97**

**Таҳрир хайъати:**

**М.М. Мирзаев** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари;

**Ш.У. Ҳайдаров** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси бошлиғи.

**Тақризчи:**

**Ф.Ф. Ғуломов** — и.ф.н., Тошкент Давлат иқтисодий университетининг «Аудит» кафедраси доценти.

**Б97**      **Бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмалар тўплами /**  
**Х.А. Ортиқов, Л.П. Югай, Х.А. Тўхсанов, Н.Б. Хўжабеков.** – Тошкент,  
**«NORMA», 2010.** — 368-б.

Тўзувчи: Б.Қ. Абдиназаров.

**ББК 65.052.21**



Uzbekistan

Барча ҳуқуқлар БМТнинг Тараққиёт дастурига тегишли. Мазкур нашрдан нутқда ёки кўчирма сифатида ҳар қандай фойдаланиш ёзма розилик, манбани кўрсатиш билан амалга оширилиши мумкин. Кўчириб босиш, таржима қилиш ва харид қилишга тегишли барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, 100029, Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй.

© Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури.  
Ўзбекистон, 100029, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 4-уй.

Тел.: (+998 71) 120-34-50.

Факс: (+998 71) 120-34-85.

Интернет сайт: [www.unfpr.uz](http://www.unfpr.uz)

© БМТТД «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти» лойиҳаси, 2009 й.

Ўзбекистон, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55.

Тел.: (+998 71) 259-21-52.

Факс: (+998 71) 259-20-51.

Интернет сайт: [www.publicfinance.uz](http://www.publicfinance.uz)

ISBN 978-9943-316-49-2

© «NORMA» нашриёти, 2010

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	7
<b>I боб. Давал хом ашё ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма</b> .....	<b>10</b>
1-§. Умумий қоидалар .....	11
2-§. Давал хом ашё билан боғлиқ операцияларнинг ҳуқуқий асослари .....	14
3-§. Давал хом ашё билан боғлиқ операцияларнинг солиққа тортиш асослари .....	21
4-§. Давал хом ашёси билан боғлиқ операцияларни давалга берувчидаги ҳисоби .....	22
5-§. Давал хом ашёси билан боғлиқ операцияларни қайта ишловчидаги ҳисоби .....	35
Иловалар .....	47
<b>II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма</b> .....	<b>60</b>
1-§. Умумий қоидалар .....	61
2-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни тан олиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби .....	65
2.1. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш .....	65
2.2. Харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби .....	67
2.3. Ташкилотнинг ўзида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлардан олинган насларнинг таннархи шаклланиши тартиби ....	92
2.4. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг тирик вазни ортишини аниқлаш .....	95

3-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларнинг келиб тушиши, ички ҳаракати ва чиқиб кетишини бошланғич ҳужжатларда ҳисоби .....	97
3.1. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларнинг ташкилотга келиб тушиши .....	98
3.2. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни ўтказиш ва чиқиб кетиши .....	105
3.3. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонлар тирик вази ўсишининг ҳужжатларда расмийлаштирилиши .....	107
4-§. Сотишнинг соф қиймати .....	109
5-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни инвентаризацияси .....	112
6-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни чиқиб кетиши .....	114
6.1. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларнинг сотилиши натижасида баланسدан чиқариш тартиби .....	116
6.2. Бошқа ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонлар берилганда баланسدан чиқариш тартиби .....	118
6.3. Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чикканда ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни баланسدан чиқариш тартиби .....	123
6.4. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни текинга бериш натижасида баланسدан чиқариш тартиби .....	127
6.5. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни айирбошлаш натижасида баланسدан чиқариш тартиби .....	128
6.6. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни камомади ёки нобуд бўлиши аниқланганда баланسدан чиқариш тартиби .....	134
7-§. Асосий подадан яроқсизга чиқарилган ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари .....	145
Иловалар .....	162
<b>III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича услубий қўлланма .....</b>	<b>182</b>
1-§. Умумий қоидалар .....	182

2-§. Идишларни харид қилиш ва ҳаракатининг ҳисоби .....	187
2.1. Идишларни бухгалтерия ҳисобида тан олиниши .....	187
2.2. Харид қилинган идишларнинг таннархи шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби .....	189
2.3. Ташкилотда ишлаб чиқарилган идишларнинг таннархи шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби .....	214
3-§. Сотишнинг соф қиймати .....	216
4-§. Идишларни ҳаракати бўйича операциялар ҳисоби .....	218
4.1. Бир маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби .....	218
4.2. Кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби .....	221
4.3. Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби .....	229
4.4. Идишларни харидорлардаги ҳисоби .....	234
5-§. Идишларни инвентаризацияси .....	243
6-§. Идишларни чиқиб кетиши .....	245
6.1. Идишларнинг сотилиши натижасида баланسدан чиқариш тартиби .....	250
6.2. Бошқа ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида идишлар берилганда баланسدан чиқариш тартиби .....	252
6.3. Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда идишлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида идишларни баланسدан чиқариш тартиби .....	255
6.4. Идишларни текинга бериш натижасида баланسدан чиқариш тартиби .....	258
6.5. Идишларни айирбошлаш натижасида уларни баланسدан чиқариш тартиби .....	261
6.6. Идишларни камомад, йўқолиши ёки бузилиши натижасида ҳисобдан чиқариш тартиби .....	265
7-§. Идишларнинг келиб тушиши, ички ҳаракати ва чиқиб кетишини бошланғич ҳужжатларда ҳисоби .....	270
Иловалар .....	275

да келтирилган ҳолатларни тушуниш осон бўлиши учун уларнинг мазмуни аниқ мисолларда очиб берилган. Мисолларда келтирилган хўжалик юритувчи субъектларнинг номлари ўйлаб топилган ва молиявий маълумотлар эса ўқув хусусиятига эга. Шунингдек, ушбу услубий қўлланмада иловалар келтирилган бўлиб, улар хўжалик юритувчи субъектларнинг амалиётида қўлланилиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида аграр сектор муҳим ўрин эгаллайди ва келгусида уни ривожлантириш мамлакат аҳолисининг фаровонлигини оширишда сезиларли даражада таъсир этади. Мустақиллик йилларида аграр секторнинг барча йўналишларида катта ютуқларга эришилди ва бу ушбу соҳада меъёрий-ҳуқуқий асоснинг такомиллаштирилганлиги билан боғлиқдир. Услубий қўлланмада ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобида тан олинishi ва акс эттирилиши, уларнинг келиб тушишининг бирламчи ҳисоби, ички ҳаракатланиши ва чиқиб кетиши, соф сотиш қийматини аниқлаш, инвентаризациялаш ва шунингдек, асосий подадан яроксизга чиқарилган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ва батафсил кўриб чиқилган. Кўрсатилган услубий қўлланмада келтирилган мисоллар мазмуннинг янада тўлиқроқ очиб берилишини таъминлайди. Ушбу услубий қўлланмага ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг бухгалтерия ҳисобини юритилишини кўрсатувчи турли далолатномаларнинг, қайдномаларнинг, ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг ўн бешта шакли илова қилинади.

Учинчи бобда идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича услубий қўлланма келтирилган. Барчамизга маълумки, бугунги кунда товарларнинг нафақат сифат кўрсаткичлари, балки унинг ташқи кўриниши, унинг қулайлиги ҳам истеъмолчиларнинг хулқига таъсир қилади. Шундай қилиб, идишларнинг бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектлар учун муҳим саволлардан бири ҳисобланади. Ушбу услубий қўлланма маҳсулотларни (товарларни) ўраш ва ташиш учун ишлатиладиган идишларнинг тан олинishi, баланс қийматини баҳолаш, инвентаризациялаш, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ва қирим қилиниши, ички ҳаракатланиши ва чиқиб кетишини ҳужжатларда расмийлаштиришни (аналитик ҳисоб) тушунтириб бериш учун ишлаб чиқилган.

Тўпламнинг тўртинчи боби корпоратив қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмаларга бағишланган. Ушбу услубий қўлланмада акциялар, облигациялар ва опционларнинг эмитентлар ва инвесторлар нуқтаи назаридан ҳисобга олинishi батафсил ёритиб берилган. Ушбу услубий қўлланма Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва қимматли қоғозлар бўйича миллий қонунчилиги асосида ишлаб чиқилган.

Молиявий ресурслар ҳар қандай иқтисодиётнинг тўхтовсиз фаолият юритиши ва миллатнинг фаровон ҳаёт кечириши учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги молиявий маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш бўйича комплекс тизим ҳисобланадиган бухгалтерия ҳисоби учун субъект эгалик қилаётган пул маблағлари ҳақидаги маълумот муҳим саналади. Шундай қилиб, мазкур тўпламнинг бешинчи бобида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш бўйича услубий қўлланма келтирилган. Ушбу услубий қўлланмада операцион, инвестицион ва молиявий инвестициялар бўйича пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш батафсил ёритиб берилади. Операцион фаолият бўйича пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни икки усул: бевосита ва билвосита усуллар бўйича тузишга алоҳида эътибор берилган. Ушбу услубий қўлланмага иловада мисол келтирилган ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот тузилган, бу пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш усуллари орасидаги фарқни тушунишни осонлаштиради.

БМТТД ва БМТТД экспертлари, услубий қўлланмани ишлаб чиқувчилар агар ушбу тўпламни ўқувчилар ва фойдаланувчилар услубий қўлланмаларнинг мазмуни борасида ўзларининг фикрларини билдирсалар миннатдор бўлар эдилар.



## **I боб. Давал хом ашё ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма**

*Муаллифлик изоҳи:* амалиётда хўжалик юритувчи субъект хом ашёсини ёки материални унга эгаллик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда бошқа хўжалик юритувчи субъектга қайта ишлашга бериш операциялари тез-тез учраб туради. Бу жараёнда қайта ишлашга берилган хом ашё рус тилида «давальческое сырьё» деб номланади. Албатта, бу бухгалтерия ҳисобини юритишда ишлатиладиган махсус термин (атама) бўлгани учун рус тилида умумқабул қилинган сўзлар лугатида деярли учрамайди. Шу сабабли мазкур термин бухгалтерия ва унга турдош соҳалардаги мутахассисларга қулай ҳамда китобхон ўқувчиларнинг тушуниши осон бўлиши учун уни ўзбек тилида шартли равишда «давал» сўзи билан аташни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Баъзи ҳужжатларда ушбу атама «қайта ишлашга берилган хом ашё» деб ҳам ишлатилиши мумкин.

Кўпгина корхоналар ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ харажатларини оптимал ҳолатга келтиришга интилишади ва бунинг кўпроқ оммавийлашган усули бўлиб пудрат шартномаси тузиш ҳисобланади, яъни хом ашё ва материалларни қайта ишлашга ва (ёки) улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга давал шартномаси асосида бериш ҳисобланади. Бу ҳолатда қайта ишловчи корхона давалга берувчидан хом ашё ва материалларни олади, ўзининг ишлаб чиқариш қуввати билан қайта ишлайди, олинган тайёр маҳсулотни давалга берувчига қайтариб беради.

Хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга бериш шартномасининг асосий хусусияти шундан иборатки, давалга берувчи (хом ашё ва материалларни қайта ишлашга берувчи корхона) нафақат тайёр маҳсулотни тасарруф қилади, балки бирламчи хом ашё (материаллар) ва чиқиндиларга эгаллик ҳуқуқини ҳам сақлаб қолади. Қайта ишловчи фақат хом ашё (материаллар)ни қайта ишлайди ва тайёр мах-

сулотларни давалга берувчига қайтариб беради. Бундай шартноманинг имтиёзлари ўз-ўзидан кўриниб турибди. Агар қандайдир бир маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилинган бўлса, лекин ишлаб чиқариш қуввати етмаса, тегишли асбоб-ускуналарни сотиб олишга эса вақт ҳам, пул маблағлари ҳам йўқ бўлса, бундай ҳолатдан чикиб кетишнинг факат бир йўл қолади, бу ҳам бўлса қайта ишловчига тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришини буюртма бериш. Бу ўз навбатида қайта ишловчига ҳам қулай, у ишлаб чиқарилган маҳсулотни кимга ва қандай сотиш кераклиги тўғрисида бош котирмайди.

Мазкур давал хом ашё материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма (кейинги ўринларда Услубий қўлланма деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тартибга солиш бўйича бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва ҳужжатларда расмийлаштириш (аналитик ҳисоби) тартибини тушунтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

## **1-§. Умумий қоидалар**

Мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунушидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда ташкилот деб юритилади) (бюджет ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари)га мазкур Услубий қўлланмани қўллаш тавсия этилади.

Мазкур Услубий қўлланма олинган тайёр маҳсулот давалга берувчида қўшимча қайта ишланмайдиган ёки ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бир қисмини ташкил этмайдиган айрим пудрат шартномалари (манший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳа ва кидирув ишлари пудрати, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати)ни бухгалтерия ҳисобида қўлланилмайди.

Қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарга ҳамда жисмоний шахсларга қаллани қайта ишлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки

ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадида давал хом ашё (давал асосида қайта ишлашга берилган (олинган) хом ашёлар ва материаллар) деб давалга берувчига тегишли бўлган, давалга берувчи уларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга берадиган ҳамда тузилган хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлаш шартномасига мувофиқ уларни кейинчалик давалга берувчига қайтарадиган хом ашё ва материаллар тушунилади.

Давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашёлар билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва иқтисодий адабиётларга мувофиқ давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашёлар билан боғлиқ операцияларни субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— давалга берувчи — хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлаш бўйича тузилган шартномага мувофиқ қайтариш шarti билан хом ашё ва материалларга эгаллик қилиш ҳуқуқини ўзнда сақлаб қолган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш) учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга берувчи шахс;

— қайта ишловчи — хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлаш бўйича тузилган шартномага мувофиқ қайтариш шarti билан хом ашё ва материалларни маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш) учун саноат асосида қайта ишлашга қабул қилувчи шахс.

Давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашёлар билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисоби тартибини белгиловчи асосий меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;

— Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС 4-сон) «Товар-моддий захиралари»;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС 21-сон) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»;

— бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш бўйича бошқа идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасига чет элдан келтирилган давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашёлар билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисоби тартибини белгиловчи асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлари;

— Валютани тартибга солиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС 22-сон) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби»;

— 2004 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 98-сонли, Иқтисодиёт вазирлигининг 41-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-57-сонли, Марказий банкнинг 257-В-сонли, Давлат статистика қўмитасининг 8-сонли қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 августда 1411-сон билан рўйхатга олинган «Чет эл валютасида ифодаланган операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом»;

— валюта операцияларини тартибга солиш масалалари бўйича бошқа идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Давал хом ашё билан боғлиқ операцияларнинг ҳисобини асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— давал хом ашё билан боғлиқ операцияларни ҳужжатларда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;

— давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материалларни сақлаш ва ҳаракатининг барча босқичларида бутлигини назорат қилишни таъминлаш;

— қайта ишловчи корхонада давал хом ашё ва материалларни қайта ишлаш ҳамда улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни таннархини аниқлаш;

— маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишнинг технологик жараёнларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир тайёр маҳсулот бирлигига кетадиган давал хом ашё ва материалларни сарфланиш меъёрини сақлаш.


Мазкур Услубий қўлланмада давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни ҳуқуқий ва солиққа тортиш масалалари асослари, шунингдек давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва ҳужжатларда расмийлаштириш (аналитик ҳисоби) тартиби кўриб чиқилган.

## **2-§. Давал хом ашё билан боғлиқ операцияларнинг ҳуқуқий асослари**

Давал хом ашё деб номланадиган операцияларнинг умумий қондаси қуйидагича. Маълум бир маҳсулотни сотиб олишни мақсад қилган ташкилот уни ишлаб чиқариш учун материалларни сотиб олади ва тегишли маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилотга ушбу материаллардан керакли маҳсулотини ишлаб чиқаришга буюртма беради.

Давал хом ашё термини бу фақат бухгалтерия ҳисоби термини ҳисобланади. Фуқаролик қонунчилиги нуқтаи назаридан қараганда давал хом ашё билан боғлиқ операциялар пудрат шартномаларининг бир тури ҳисобланади. Бунда давалга берувчи ва қайта ишловчи ўртасида товармоддий захираларни қайта ишлаш, саралаш ёки қўшимча қайта ишлаш бўйича тузилган шартномалар бўйича томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Пудрат» номли 37-бобида назарда тутилган меъёрлар билан тартибга солинади.

Давал асосида хом ашё ва материалларни қайта ишлаш ва улардан айёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий чизмаси куйидагича кўри-нишга эга бўлади:



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-моддасига мувофиқ пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатларида ёхуд тарафлар келишувиде бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қилади. Материалларнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, пудратчининг пудрат шартномасида шартлашилган ишни топшириш муддати келгунча материалларни берган тараф зиммасида, бу муддатдан кейин эса ишни топширишни кечиктириб юборган тараф зиммасида бўлади.

Шунингдек юқорида айтиб ўтилган Кодекснинг 632-моддасига мувофиқ пудрат шартномаси ашёни тайёрлаш ёки уни қайта ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буюртмачига бериш ёки бошқача тарзда топшириш ҳақида тузилади. Пудратчи ўзи берган материаллар ва ускуналарнинг сифати тегишли даражада бўлмаганлиги учун, шунингдек учинчи шахслар ҳуқуқлари бўлган материаллар ва ускуналарни берганлиги учун жавобгар бўлади.

Пудрат шартномасида бажариладиган ишнинг баҳоси ёки уни аниқлаш усуллари кўрсатилади. Улар шартномада кўрсатилган бўлмаса ва

шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

Пудрат шартномасидаги ишнинг баҳоси пудратчининг чиқимларини ва унга тўланадиган ҳақни ўз ичига олади. Ишнинг баҳоси смета тузиш йўли билан аниқланиши мумкин. Иш пудратчи томонидан тузилган смета бўйича бажарилган тақдирда, смета буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга эга бўлади ва пудрат шартномасининг бир қисми бўлиб қолади.

Ишнинг баҳоси (смета) тахминий ёки катъий бўлиши мумкин. Пудрат шартномасида бундай кўрсатма бўлмаса, ишнинг баҳоси (смета) катъий ҳисобланади.

Агар қўшимча ишларни бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминан белгиланган баҳосини (тахминий сметани) анча оширишга тўғри келса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини вақтида огохлантириши шарт. Буюртмачи пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) оширишга рози бўлмаган тақдирда, шартномадан воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмининг баҳосини тўлашни талаб қилиши мумкин.

Буюртмачини пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) ошириш зарурлиги тўғрисида ўз вақтида огохлантирмаган пудратчи иш учун шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда шартномани бажариши шарт.

Пудратчи, қонда тарикасида, катъий баҳо (катъий смета)ни оширишни, буюртмачи эса уни камайтиришни талаб қилишга, шу жумладан бажарилиши керак бўлган ишнинг тўла ҳажмини ёки бунинг учун зарур харажатларни пудрат шартномаси тузилаётган пайтда назарда тутиш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам, ҳақли эмас.

Пудратчи томонидан тақдим қилиниши керак бўлган материаллар ва ускуналар, шунингдек учинчи шахслар томонидан унга кўрсатиладиган хизматлар баҳоси анча ошган ва буни шартнома тузиш вақтида назарда тутиш мумкин бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 383-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни 15-моддасига мувофиқ пудратчи белгиланган иш баҳосини (сметани) оширишни талаб қилишга, буюрт-

мачи бу талабни бажаришдан бош тортган тақдирда эса, шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 646-моддасига биноан буюртмачи бажарилган ишни (унинг натижасини) пудрат шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда пудратчи иштирокида кўриб чиқиши ва қабул қилиши, иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида пудратчига дарҳол маълум қилиши шарт.

Агар пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим босқичларига олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчига шартлашилган ҳақни иш тегишли тарзда ва келишилган муддатда ёхуд буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилиб, унинг натижалари узил-кесил топширилганидан кейин тўлаши шарт.

Пудратчи қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва миқдордагина ўзига бўнак ёки закат берилишини талаб қилишга ҳақли (ЎЗР ФК 638-модда).

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги ПФ-2340-сонли ва 2003 йил 4 июлдаги ПФ-3274-сонли Фармонлари билан киритилган ўзгартиришлар билан) Фармони билан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларларга, улар етказиб бериладиган (бажариладиган) ишлар, хизматлар қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқланган, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Шунинг учун пудратчи бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган аванс тўлашни талаб қилиши шарт, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўла тушишини таъминлаш, солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шу-



нингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш учун масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сонли «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 29 мартдаги ПФ-2279-сонли, 2000 йил 5 декабрдаги ПФ-2772-сонли ва 2003 йил 1 октябрдаги ПФ-3274-сонли Фармонлари билан киритилган ўзгартиришлар билан) Фармони билан 1996 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси доирасида бартер асосида махсулот етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузиш тақиқланган.

Шунинг учун бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилиши шарт.

Давал хом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар давал хом ашёни қайта ишлаш баҳосини аниқлаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти буюртмачи пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этганлигини исботлай олмаса, пудратчи ишлар учун пудрат шартномасида кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Пудрат шартномасида пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тақсимланиши назарда тутилиши мумкин (ЎЗР ФК 637-модда).

Пудратчи буюртмачи берган материалдан «тежаб-тергаб ва режали» фойдаланишга мажбур. Иш тугаганидан сўнг пудратчи ишлатилган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши, шунингдек унинг қолдигини қайтариб бериши ёхуд ўз ихтиёридаги фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб, буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосини камайтириши шарт. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 640-моддасида айтиб ўтилган.

Агар буюртма пудратчи томонидан иш натижасини ёмонлаштиришга олиб келадиган ёки уни шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан шартномадан четга чиққан ҳолда бажарилган бўлса, буюртмачи ўз хохишига кўра пудратчидан камчиликларни оқилона муддатда ва ўз ҳисобидан бартараф этишни ёки иш учун белгиланган баҳони мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли. Агар шартномага мувофиқ камчиликларни буюртмачи бартараф қиладиган бўлса, у амалга оширилган харажатлар қиймати пудратчи томонидан қопланишига умид

қилишга ҳақли. Давал хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ёки қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг сифати бўйича томонларнинг муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 647-652-моддаларида назарда тутилган меъёрлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидан келтирилган меъёрлар кўрилаётган операцияларни солиқ ва бухгалтерия ҳисобида талқин қилишни белгиловчи куйидаги ҳуқуқий тавсифларни бериш имкониятини беради:

— қайта ишловчига қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар ҳамда қайта ишловчи томонидан улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаган дақиқадан бошлаб тайёр маҳсулот давалга берувчининг мулки ҳисобланади;

— давалга берувчидан қабул қилинган хом ашё ва материаллар ҳамда улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар давалга берувчига қайтариб берилгунга қадар уларнинг сақланиши ва бутлигига масъул бўлган қайта ишловчининг тасарруфида бўлади;

— қайта ишловчига берилган материалларнинг қиймати пудрат шартномасининг бир тури бўлган мазкур шартноманинг қийматига кирмайди.

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларининг қонуний асослари Ўзбекистон Республикасини «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунда белгилаб ўтилган.

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тadbиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси деб тан олинади.

Хўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортиментини ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг

жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реkvизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 37-боби, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган меъёрлар бўйича давал хом ашё ва материалларни қайта ишлаш ва улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш шартномаси қуйидаги шартларни ўз ичига олиши керак:

- шартнома предмети;
- томонлар ўртасида хавфни тақсимланиши;
- хом ашё ва материалларни номи ва сони;
- тайёр маҳсулотнинг номи, андоза (стандарт)лари ва техник тавсифи;
- бажариш муддати ва уни бузилганлиги учун мажбурият ва жавобгарликлар;
- қайта ишловчига тўланадиган ҳақ ва унинг харажатларини қоплашни ўз ичига оладиган ишнинг қиймати;
- ўзаро ҳисоб-китоб қилиш усуллари;
- тежалган маблағларни тақсимлаш тартиби;
- томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- томонларнинг жавобгарлиги;
- шартномани бекор қилиш тартиби;
- якуний ҳолатлар ва томонларнинг реkvизитлари.

Давал хом ашё ва материалларни қайта ишлаш ва улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш шартномасининг намунавий шакли мазкур Услубий қўлланманинг 1-сонли иловасида келтириб ўтилган.

Шуни алоҳида назарда тутиш керакки, агар хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга бериш ҳужжатларда нотўғри расмийлаштирилса (расмийлаштирилмаса), бундай операциялар солиқ идоралари томонидан мол-мулкни текинган бериш операциялари деб талқин қилиниши мумкин. Бу ўз навбатида хом ашё ва материаллар қийматини қонунчиликда ўрнатилган тартибда солиқларга тортилишига олиб келади.

### **3-§. Давал хом ашё билан боғлиқ операцияларнинг солиққа тортиш асослари**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасига мувофиқ давал хом ашё ва материаллари деб, буюртмачи маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга берадиган ҳамда тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот кейинчалик буюртмачига қайтариладиган буюртмачига тегишли хом ашё ва материаллар тушунилади.

Маҳсулотни давалга берувчига сотиш, яъни маҳсулотга эгалик ҳуқуқини қайта ишловчидан давалга берувчига ўтиш ҳолатининг йўқлиги давал хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш операцияларини солиққа тортиш мақсадида солиқ солинадиган айланмага қўшиш имкониятини бермайди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 199-моддасига мувофиқ товарларни ва бошқа мол-мулкни давал асосида бериш ҚҚС бўйича солиққа тортиш мақсадида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ҳисобланмайди.

Товарлар давал хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 232-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ акциз тўланадиган товарларни давал асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек давал хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиганларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан давал хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш акциз солиғи солинадиган объект бўлиб ҳисобланади.

Давал хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда давал хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 237-моддасига мувофиқ акциз тўланадиган товарлар олинаётганда ёки Ўзбекистон Респуб-

ликасининг божхона худудига импорт қилинаётганда, агар мазкур товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси худудида тўланган акциз солиғи суммаси чегириб ташланади.

Акциз тўланадиган товар (хом ашё) етказиб берувчилар мазкур товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммасини счёт-фактурада ажратиб кўрсатишлари керак. Олинаётган акциз тўланадиган товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммаси счёт-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, акциз солиғининг мазкур суммаси чегириб ташланмайди.

Чегирма солиқ даврида реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган акциз тўланадиган товар (хом ашё) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланган акциз солиғининг счёт-фактурада ёки божхона юк декларациясида кўрсатилган суммасига нисбатан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 237-моддасида назарда тутилган қоидалари давал хом ашё ва материаллардан тайёрланган акциз тўланадиган товарлар топшириладиганда ҳам акциз тўланадиган давал хом ашё ва материалларнинг мулкдори акциз солиғи тўлаганлигини тасдиқлаши шарт билан қўлланилади.

#### **4-§. Давал хом ашёси билан боғлиқ операцияларни давалга берувчидаги ҳисоби**

Давал асосида бериладиган хом ашё ва материалларнинг баҳолаш таннархи бўйича амалга оширилади. Давал асосида бериладиган хом ашё ва материалларнинг таннархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари» да белгиланган тартибда шаклланади.

Чет эл валютасига харид қилинган ва давал асосида бериладиган хом ашё ва материалларнинг таннархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 22) «Чет эл валюта-

сида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби»га ва 2004 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 98-сонли, Иқтисодиёт вазирлигининг 41-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-57-сонли, Марказий банкнинг 257-В-сонли, Давлат статистика қўмитасининг 8-сонли қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 августда 1411-сон билан рўйхатга олинган «Чет эл валютасида ифодаланган операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ амалга оширилади.

Давал асосида бериладиган хом ашё ва материаллар ташкилотга — давалга берувчига қуйидагилар натижасида келиб тушади:

- етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;
- таъсисчилардан ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида келиб туриши;

- таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб туриши;

- текинга келиб туриш (ҳадя шартномаси бўйича);
- айирбошлаш;
- ортиқча (ҳисобга олинмаган)ларини аниқлаш;
- ташкилотнинг ўзида тайёрланиши;
- мулк ҳуқуқи олинишига олиб келадиган бошқа операциялар ва ходисалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га мувофиқ корхонага тегишли хом ашё, материаллар, ёкилғи, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идиш материаллари, инвентарлар, хўжалик жиҳозлари ва бошқа қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида ахборотларни умумлаштириш давал асосида берилгунга қадар материалларни ҳисобга олувчи счётларда (1070 дан ташқари 1000) амалга оширилади.

Даваал асосида бериладиган олди-сотди шартномасига асосан харид қилинган хом ашё ва материаллар таннархини шаклланишини ва уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. Электр двигателлар ишлаб чиқарувчи «Мурод» МЧЖ металл прокатни даваал асосида қайта ишлаш ҳамда улардан электр двигателлар учун деталлар ишлаб чиқаришга бериш учун олди-сотди шартномасига мувофиқ харид қилди. Металлнинг баҳоси 24 000 000 сўмни, ҚҚС (баҳодан 20 %) эса 4 800 000 сўмни ташкил этади. Металл прокатига ҳақ тўлаш бўйича шартноманинг шарти нархнинг 70 % олдиндан тўлаш. Металл прокатини корхонагача олиб келишни «Мурод» МЧЖ амалга оширган. Металл прокатини омборгача олиб келиш харажатлари қуйидагилардан иборат: транспорт харажатлари 300 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм.

Иккита ҳолатни (ҚҚС тўловчиси ҳисобланишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз:

### *1-ҳолат*

«Мурод» МЧЖ ҚҚС тўловчи ҳисобланади ва харид қилинган металл прокати бўйича олинган ҚҚСни қоплашга қабул қилади.

Металл прокатнинг таннархи қуйидагича шаклланади:

**24 362 000 сўм** = 24 000 000 сўм + 362 000 сўм.

Олди-сотди шартномаси бўйича харид қилинган металл прокатини қирим қилиш «Мурод» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— олди-сотди шартномасида назарда тутилган миқдорда аванс тўловлари амалга оширилганда:

*дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти 16 800 000 сўм;*  
*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 16 800 000 сўм;*  
**16 800 000 сўм** = 24 000 000 сўм × 70 % / 100;

— олди-сотди шартномаси бўйича мол етказиб берувчилардан металл прокати келиб тушганда (ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда):

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 24 000 000 сўм;*  
*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 24 000 000 сўм;*

- коплашга қабул қилинадиган ҚҚС суммасига:
- дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти 4 800 000 сўм;
- кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 4 800 000 сўм;
- металл прокатини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар:
- дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 362 000 сўм;
- кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 300 000 сўм;
- кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 50 000 сўм;
- кредит 6520 «Мақсадли давлат жамеармаларига тўловлар» счёти 12 000 сўм;
- олдин берилган авансларни коплашга қабул қилиш:
- дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 16 800 000 сўм;
- кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти 16 800 000 сўм;
- мол етказиб берувчилар олдидаги қарзни тўлаш:
- дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 12 000 000 сўм;
- кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 12 000 000 сўм;
- 12 000 000 сўм = 24 000 000 сўм + 4 800 000 сўм – 16 800 000 сўм;
- олдин тўланган ҚҚСни коплашга қабул қилиш:
- дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти 4 800 000 сўм;
- кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти 4 800 000 сўм.

## 2-ҳолат

«Мурод» МЧЖ ҚҚС тўловчи ҳисобланмайди ва харид қилинган металл прокати бўйича олинган ҚҚС суммасини уларнинг таннарихига киритади.



Металл прокатининг таннархи куйидагича шаклланади:

**29 162 000 сўм = 24 000 000 сўм + 4 800 000 сўм + 362 000 сўм.**

Олди-сотди шартномаси бўйича харид қилинган металл прокатани  
кирим қилиш «Мурод» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича  
акс эттирилади:

— олди-сотди шартномасида назарда тутилган миқдорда аванс тўлов-  
лари амалга оширилганда:

дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб  
берувчилар ва пудратчиларга берилган  
аванслар» счёти 16 800 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 16 800 000 сўм;

— олди-сотди шартномаси бўйича мол етказиб берувчилардан ме-  
талл прокати келиб тушганда (КҚС ҳисобга олинган ҳолда):

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 28 800 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва  
пудратчиларга тўланадиган счётлар»  
счёти 28 800 000 сўм;

— металл прокатини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 362 000 сўм;  
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 300 000 сўм;  
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим  
билан ҳисоблашишлар» счёти 50 000 сўм;  
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига  
тўловлар» счёти 12 000 сўм;

— олдин берилган авансларни қоплашга қабул қилиш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва  
пудратчиларга тўланадиган счётлар»  
счёти 16 800 000 сўм;  
кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб  
берувчилар ва пудратчиларга берилган  
аванслар» счёти 16 800 000 сўм;

— мол етказиб берувчилар олдидаги қарзни тўлаш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва  
пудратчиларга тўланадиган счётлар»  
счёти 12 000 000 сўм;

*кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти» счёти 12 000 000 сўм;  
12 000 000 сўм = 24 000 000 сўм + 4 800 000 сўм – 16 800 000 сўм.*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га мувофиқ хом ашё ва материалларни бошқа корхона давал асосида иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун берган корхона бундай хом ашё ва материалларни балансдан чиқармайди, балки 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счётида ҳисобга олиб боришни давом эттиради.

1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счётида давал асосида қайта ишлаш учун берилган хом ашё ва материалларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Бунда хом ашё ва материалларга қайта ишлов бериш билан боғлиқ четдаги корхоналарга тўланган харажатлар бевосита қайта ишлов беришдан олинган буюмларни ҳисобга оладиган счётларнинг дебетига олиб борилади.

Давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар қиймати (давал асосида берилган хом ашё ва материаллар қийматидан ташқари) куйидагича ҳисобга олинади:

— агар давал асосида берилган хом ашёлар қайта ишловдан кейин тўғридан-тўғри асосий фаолияти тури ҳисобланадиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) учун тўлиқ ҳажмда (барчаси) берилса — асосий ишлаб чиқаришини ҳисобга олувчи счётларида (2000);

— агар давал асосида берилган хом ашёлар қайта ишловдан кейин тўғридан-тўғри ёрдамчи ишлаб чиқариш фаолияти тури ҳисобланадиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) учун тўлиқ ҳажмда (барчаси) берилса — ёрдамчи ишлаб чиқаришини ҳисобга олувчи счётларида (2300);

— агар давал асосида берилган хом ашёлар қайта ишловдан кейин тўғридан-тўғри бир нечта турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) учун тўлиқ ҳажмда (барчаси) берилса — умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётларида (2500);

— агар давал асосида берилган хом ашёлар қайта ишловдан кейин тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришда вужудга келадиган яроксиз маҳсулотлардаги камчиликларни бартараф этиш учун тўлиқ хажмда (барчаси) берилса — ишлаб чиқаришдаги яроксиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлариди (2600);

— агар давал асосида берилган хом ашёлар қайта ишловдан кейин тўғридан-тўғри корхонанинг хизмат кўрсатувчи хўжаликларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) учун тўлиқ хажмда (барчаси) берилса — хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлариди (2700);

— агар давал асосида берилган хом ашёлар қайта ишловдан кейин тўғридан-тўғри давалга берувчининг тегишли омборларига тўлиқ хажмда (барчаси) келиб тушса — материалларни ҳисобга олувчи счётлариди (1000).

Хом ашё ва материалларни давал асосида бериш бўйича операциялар корхонанинг хошишига кўра мазкур Услубий қўлланманинг 2-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатнома»си билан ёки мазкур Услубий қўлланманинг 3-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга топшириш юк хати» билан расмийлаштирилади.

«Хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатнома» ва «Хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга топшириш юк хати»ларида давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар тавсифловчи қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

Бухгалтерия ҳисобида ҳар бир ҳужжатга тартиб рақами берилди. Шунинг учун «\_\_\_-сонли далолатнома» ва «\_\_\_-сонли юк хати» каторларида уларнинг тартиб рақами кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасига мувофиқ бирламчи ҳужжатлар операциялар амалга оширилган санада тузилиши лозим. Шунинг учун «Тузилган сана» каторида кўрсатиладиган далолатнома ёки юк хатини тузиш санаси билан хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга қабул қилиш-топшириш санасига тўғри келиши керак.

«Давалга берувчи» ва «Қайта ишловчи» каторларида уларнинг тўлиқ номи кўрсатилади.

«Жойлашган жойи» қаторларида Давалга берувчи ва Қайта ишловчининг манзиллари кўрсатилади.

Бундан ташқари «Хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатнома» ва «Хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга топшириш юк хати»ларида давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг номи, сони ва баҳоси (шартнома бўйича) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади ва иккита нусхада тузилади ҳамда давалга берувчининг ва қайта ишловчининг вакиллари томонидан имзоланади. Биринчи нусха қайта ишловчига берилади, иккинчи нусха эса давалга берувчида қолади.

Хом ашё ва материалларни давал асосида бериш бўйича операциялар расмийлаштириш учун қўлланиладиган бирламчи ҳужжат давалга берувчи корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши керак.

Агар тузилган шартноманинг шартига кўра қайтариладиган чикиндилар давалга берувчи корхонага қайтариб бериладиган бўлса, у ҳолда қайтариладиган чикиндилар кейинчалик фойдаланиш мумкин бўлган кийматларда қирим қилинади ва материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000)нинг тегишли счётларида ҳисобга олинади.

Қайта ишловга берилган давал хом ашёси ва материалларни қабул қилиш ва топшириш билан боғлиқ хўжалик операцияларни давалга берувчи корхонанинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

«Юлдуз» МЧЖ (давалга берувчи) «Прогресс» МЧЖ (қайта ишловчи) билан металл прокатини қайта ишлаш ва ундан электр двигателлар учун деталь ишлаб чиқариш учун давал асосида шартнома тузди. Давал асосида бериладиган металл прокатининг қиймати 17 000 000 сўм. «Прогресс» МЧЖ давал асосида берилган металл прокатининг 2 000 000 сўм қийматдаги ишлатилмай қолган қисмини қайтариб берди. Тахминий сметага мувофиқ давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматлар қиймати 1 800 000 сўмни ташкил этади. Шартнома шартига кўра давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматлар учун ҳақ тўлаш тахминий сметада кўрсатилган қийматнинг 40 % олдин аванс тариқасида амалга оширилади.

Металл прокатини давал асосида бериш ва давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматлар-

*1 боб. Давал хом ашё ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

ни қабул қилиш билан боғлиқ хўжалик операциялари «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— металл прокатини электр двигателлар учун деталь ишлаб чиқариш мақсадида давал асосида «Прогресс» МЧЖга бериш:

*дебет 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счёти 17 000 000 сўм;*  
*кредит 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 17 000 000 сўм;*

— металл прокатини давал асосида қайта ишлаш шартномасида кўрсатилган аванс тўловлари амалга оширилганда:

*дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти 720 000 сўм;*  
*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 720 000 сўм;*  
 $720\ 000\ сўм = 1\ 800\ 000\ сўм \times 40\ \% / 100.$

Давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматларни қабул қилиш билан боғлиқ хўжалик операциялари икки ҳолат бўйича корxonани ҚҚС тўловчиси ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигига, давал асосида берилган металл прокатидан чиққан чиқиндилар қайтарилишига ва металл прокатидан ишлаб чиқарилган деталларни давалга берувчининг омборига етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни амалга оширилишига қараб кўриб чиқамиз.

***1-ҳолат***

«Юлдуз» МЧЖ ҚҚС тўловчи бўлиб ҳисобланади. Металл прокатини давал асосида қайта ишлаш шартномасига мувофиқ давал асосида берилган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигател деталларини етказиб беришни «Юлдуз» МЧЖ амалга оширади. Давал асосида берилган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигател деталларини етказиб бериш харажатлари қуйидагилардан иборат: корxonанинг транспорт бўлими томонидан кўрсатилган транспорт харажатлари 100 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фонз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм.

Давал асосида берилган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигател деталларини «Прогресс» МЧЖдан қабул қилиш билан боғ-

лик хўжалик операциялари «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— «Прогресс» МЧЖ томонидан қайтарилган ишлатилмай қолган давал асосида берилган металл прокатлар кирим қилинганда:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти	2 000 000 сўм;
кредит 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счёти	2 000 000 сўм;

— давал асосида қайта ишлашга берилган металл прокатини қийматини ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилганда:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	15 000 000 сўм;
кредит 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счёти	15 000 000 сўм;

15 000 000 сўм = 17 000 000 сўм - 2 000 000 сўм;

— давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматларни қийматини ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилганда:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	1 800 000 сўм;
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	1 800 000 сўм;

— давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматларни қийматидан ҳисобланган ва қоплашга қабул қилинган ҚҚС суммасига:

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йеимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти	360 000 сўм;
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	360 000 сўм;

360 000 сўм = 1 800 000 сўм x 20 % / 100;

— давал асосида берилган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигателъ деталларини етказиб бериш харажатлари суммасига:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	162 000 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	100 000 сўм;

*1 боб. Давал хом ашё ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 50 000 сўм;  
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти 12 000 сўм;

— олдин берилган авансларни қоплашга қабул қилиш:  
дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 720 000 сўм;

кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти 720 000 сўм;

— давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматлари ва ҚҚС суммаси учун «Прогресс» МЧЖга пул маблағлари ўтказиб берилганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 440 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 1 440 000 сўм;

1 440 000 сўм = 1 800 000 сўм + 360 000 сўм — 720 000 сўм;

— олдин тўланган ҚҚСни қоплашга қабул қилиш:  
дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти 360 000 сўм;

кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти 360 000 сўм.

## **2-ҳолат**

«Юлдуз» МЧЖ ҚҚС тўловчи бўлиб ҳисобланмайди. Металл прокатини давал асосида қайта ишлаш шартномасига мувофиқ давал асосида берилган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигателъ деталларини етказиб беришни «Прогресс» МЧЖ амалга оширади («Юлдуз» МЧЖ харажатларни қоплаб беради). Давал асосида берилган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигателъ деталларини етказиб бериш харажатлари 162 000 сўмни ташкил қилади. Қиймати 500 000 сўм бўлган металл прокатидан чиққан қайтариладиган чикиндилар давалга берувчига қайтарилган.

Давал асосида берилган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигатель деталларини «Прогресс» МЧЖдан қабул қилиш билан боғлиқ хўжалик операциялари «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— «Прогресс» МЧЖ томонидан қайтарилган ишлатилмай қолган давал асосида берилган металл прокатлар кирим қилинганда:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 2 000 000 сўм;  
кредит 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счёти 2 000 000 сўм;

— «Прогресс» МЧЖ томонидан қайтарилган металл прокатидан чиққан қайтариладиган чиқиндилар кирим қилинганда:

дебет 1010 «Бошқа материаллар» счёти 500 000 сўм;  
кредит 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счёти 500 000 сўм;

— давал асосида қайта ишлашга берилган металл прокатини қийматини ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилганда:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 14 500 000 сўм;  
кредит 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счёти 14 500 000 сўм;  
14 500 000 сўм = 17 000 000 сўм – 2 000 000 сўм – 500 000 сўм;

— давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматларни қийматини ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилганда:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 1 800 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 800 000 сўм;

— давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматларни қийматидан ҳисобланган ва электр двигателлар ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган ҚҚС суммасига:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 360 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 360 000 сўм;

360 000 сўм = 1 800 000 сўм x 20 % / 100;



*1 боб. Давал хом ашё ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

- давал асосида берилган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигатель деталарини етказиб бериш харажатлари суммасига:
- |  |                     |
|--|---------------------|
| <i>дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти</i>   | <i>162 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти</i> | <i>162 000 сўм;</i> |
- олдин берилган авансларни қоплашга қабул қилиш:
- |  |                     |
|--|---------------------|
| <i>дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти</i>            | <i>720 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти</i> | <i>720 000 сўм;</i> |
- давал асосида берилган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматлари ва ККС суммаси учун «Прогресс» МЧЖга пул маблағлари ўтказиб берилганда:
- |   |                       |
|---|-----------------------|
| <i>дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти</i> | <i>1 602 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>  | <i>1 602 000 сўм;</i> |
- 1 602 000 сўм = 1 800 000 сўм + 360 000 сўм + 162 000 сўм –  
– 720 000 сўм.

Харажатлар ҳисоби, тайёр маҳсулотнинг таннархини аниқлаш ва уларни четга (сотиш, бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида бериш, текинга бериш ва бошқа) чиқиб кетишлари қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари»;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси

публикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» ва бошқалар.

#### **5-§. Давал хом ашёси билан боғлиқ операцияларни қайта ишловчидаги ҳисоби**

Агар қайта ишловчи корхона фақатгина давал хом ашёдан эмас, балки ўзининг хом ашё ва материалларидан ҳам маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлса, хом ашё ва материалларнинг омбордаги ҳисобини ва бошқа операциялар ҳисобини ҳам алоҳида-алоҳида ташкил қилиши лозим. Қайта ишловчи давал хом ашё ва материалларнинг аналитик ҳисобини давалга берувчилар, номлари, сони ва қиймати, шунингдек сақлаш ва қайта ишлаш (иш бажариш, маҳсулот ишлаб чиқариш) жойлари бўйича юритади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га мувофиқ қайта ишловчи корхона қайта ишлашга қабул қилинган давал хом ашё ва материалларни балансдан ташқари 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счётида шартномаларда кўрсатилган нархлар бўйича ҳисобга олиб боради.

Балансдан ташқари 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти қайта ишловчи томонидан тўланмайдиган ва қайта ишлашга қабул қилинган буюртмачининг хом ашё ва материалларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бунда балансдан ташқари 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счётида аналитик ҳисоби давалга берувчилар, хом ашё ва материалларнинг турлари, сони ва уларнинг сақлаш жойлари бўйича юритади.

Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материаллар бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннарни си-

фатида уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материаллар бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Бевосита харажатлар бу — алоҳида бир тур товар-моддий захира-ларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ва уларнинг бир бирлиги таннархига олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатларидир.

Билвосита харажатлар бу — бир нечта тур товар-моддий захира-ларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) жараёни билан боғлиқ бўлган, маълум бир тур товар-моддий захира-ларнинг бир бирлиги таннархига тўғридан-тўғри олиб бўлмайдиган ва натижада улар ўртасида тақсимланадиган ҳамда уларнинг бир бирлиги таннархига тақсимлаш йўли билан олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатларидир.

Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва матери-аллар бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар бўйича гуруҳларга ажратилади:

— ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чикитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

— ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари;

— ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва но-моддий активлар амортизацияси;

— ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва матери-аллар қайта ишлаш тугагандан кейин давалга берувчининг омборигача етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар, ташкилотни бошқариш бўйича умумий харажатлар (маъмурий харажатлар), бошқа операцион хара-жатлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда зарар-

лар давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материаллар бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материаллар қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ аниқланади.

Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари»да белгиланган усуллар билан амалга оширилади.

Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материаллар бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар (давал асосида берилган хом ашё ва материаллар қийматидан ташқари) ҳисоби қуйидагича юритилади:

— давал асосида қабул қилинган хом ашё ва материаллар бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар асосий фаолияти тури ҳисобланадиган корхоналарда — асосий ишлаб чиқаришини ҳисобга олувчи счётларда (2000);

— давал асосида қабул қилинган хом ашё ва материаллар бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар ёрдамчи ишлаб чиқариш фаолияти тури ҳисобланадиган корхоналарда — ёрдамчи ишлаб чиқаришини ҳисобга олувчи счётларда (2300);

— давал асосида қабул қилинган хом ашё ва материаллар бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар корxonанинг хизмат кўрсатувчи хўжаликларда амалга оширилган корхоналарда — хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётларда (2700).

Давал асосида қабул қилинган хом ашё ва материаллар кирим қилинганда қайта ишловчининг бирламчи ҳужжатларда мажбурий равишда давалга берувчининг номи, хом ашё ва материалларнинг номи, уларнинг сони ва қиймати, шунингдек сақлаш ва қайта ишлаш жойи хом ашё ва материаллар корхонага хом ашё материалларни давал асосида қайта ишлаш шартномасига мувофиқ келиб тушганлиги тўғрисида белги қўйган ҳолда кўрсатилади.

Агар тузилган шартноманинг шартига кўра қайтариладиган чиқиндилар қайта ишловчи корхонада қоладиган бўлса, қайтариладиган чиқиндилар жорий қиймат бўйича материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000)нинг дебитида даромадларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кирим қилинади.

Қайта ишловчи томонидан хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлаш шартномасида кўрсатилган ишлар бажарилгандан кейин, давал асосида қайта ишланган хом ашё ва материалларни давалга берувчига қайтариб беради ва унга мазкур Услубий қўлланманинг 4-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Давал асосида қайта ишланган хом ашё ва материалларни қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатнома»ни, мазкур Услубий қўлланманинг 5-сон иловасида келтирилган шаклда «Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материалларни ишлатилиши тўғрисида ҳисобот»ни ва счёт-фактурани тақдим қилади.

Давал асосида қайта ишланган хом ашё ва материалларни қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатномада давал асосида қабул қилинган хом ашё материаллардан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар сони ва тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ёки бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Давал асосида қайта ишланган хом ашё ва материалларни қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатнома иккита нусхада тузилади ҳамда давалга берувчининг ва қайта ишловчининг вакиллари томонидан имзоланади. Биринчи нусха давалга берувчига берилади, иккинчи нусха эса қайта ишловчида қолади.

Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материалларни ишлатилиши тўғрисида ҳисобот олинган, ишлатилган, ишлатилмай қолган хом ашё (материаллар)нинг номи ва сони, ушбу хом ашё (материаллар)дан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг сони

ва турлари, шунингдек чиқиндилар қайтариладиганларини (агар улар бўлса) қўшган ҳолда тўғрисида маълумотларни ўз ичига олади.

Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материалларни ишлатилиши тўғрисида ҳисобот иккита нусхада тузилади ҳамда қайта ишловчининг вакили томонидан имзоланади. Биринчи нусха давалга берувчига берилади, иккинчи нусха эса қайта ишловчида қолади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 222-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи шахсга счёт-фактура тақдим этишлари шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

— йўловчилар ташишни йўл чипталари билан расмийлаштириш;  
— товарлар (ишлар, хизматлар) аҳолига нақд пулда реализация қилинган ҳолларда сотиб олувчига фискал хотирали назорат-касса машинаси чеки, терминал чеки, квитанция бериш;

— товарларнинг экспорт-импорт тарзида етказиб берилишини расмийлаштириш;

— қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирила-диган молиявий ижара (шу жумладан лизинг) шартномаси бўйича мол-мулкни топшириш, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 204-моддасининг ўнинчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари юзага келадиган ҳоллар бундан мустасно. Бунда тегишли ҳужжатлар (молиявий ижара шартномасининг таркибий қисми бўлган ижара (лизинг) тўловлари жадвали; счёт; ижарага (лизингга) олувчига ижара (лизинг) тўловларини тўлаш учун юборилган ёзма билдириш ва шу кабилар) билан расмийлаштирилган ҳар бир ижара (лизинг) тўловига ҳам счёт-фактура ёзилмайди;

— банк операцияларини миқдорнинг шахсий счётидан кўчирма бериш орқали расмийлаштириш;

— суғурта хизматларини кафиллик шартномаси ва (ёки) суғурта полиси орқали расмийлаштириш;

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 222-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ишларни (хизматларни) ҳақиқатда мазкур ишлар бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштириш.

Кўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган, шунингдек кўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар счёт-фактурада кўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайди ҳамда «кўшилган қиймат солиғисиз» деган штамп босади (ёзиб қўяди).

Счёт-фактурада фақатгина давал хом ашё ва материалларни қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар қиймати кўрсатилади. Давал хом ашё ва материалларнинг қиймати счёт-фактурада кўрсатилмайди.

Счёт-фактуранинг шакли ва уни тўлдириш тартиби 2007 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 111-сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007-66-сонли «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатга олинган.

Балансдан ташқари 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счётида хом ашё ва материалларни турлари бўйича юритиладиган давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материалларни мавжудлиги ва ҳаракатланишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида корхонанинг бухгалтерияси томонидан мазкур Услубий қўлланманинг 6-илоvasида келтирилган «Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материалларни ҳисобга олиш қайдномаси» тузилади. Бунда, давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материалларнинг миқдорий ва суммавий кўрсаткичларининг камайиши тўғрисидаги маълумот давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё ва материалларнинг гуруҳлари бўйича «Хўжалик операцияси мазмуни» устунининг тегишли қаторида «минус» белгиси билан кўрсатилади.

Давал хом ашёси ва материалларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва уларни қайта ишлов берилдан кейин топшириш билан боғлиқ хўжалик операцияларни қайта ишловчи корхонанинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисол ёрдамида кўриб чиқамиз. «Прогресс» МЧЖ (қайта ишловчи) «Юлдуз» МЧЖ (давалга берувчи) билан металл прокатини қайта ишлаш ва ундан электр двигателлар учун деталь ишлаб чиқариш учун давал асосида шартнома тузди. Давал асосида қабул қилинган металл прокатининг қиймати 15 000 000 сўм. Тахминий сметага мувофиқ давал асосида қабул қилинган металл прокатини қайта

ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматлар қиймати куйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган машина ва асбоб-ускуналар бўйича ҳисобланган эскириши суммаси 850 000 сўм;
- ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси 350 000 сўм;
- ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўлов суммаси 84 000 сўм;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар 500 000 сўм.

Рентабеллилик даражаси 30 фоиз. Шартнома шартига кўра давал асосида қабул қилинган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматлар учун ҳақ тўлаш тахминий сметада кўрсатилган қийматнинг 40 % олдин аванс тариқасида амалга оширилади.

Давал асосида келиб тушган металл прокатини қабул қилиш, қайта ишлаш ва давал асосида келиб тушган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматларни «Юлдуз» МЧЖга топшириш билан боғлиқ хўжалик операциялари «Прогресс» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— металл прокатини давал асосида қайта ишлаш шартномасига мувофиқ келиб тушган металл прокати кирим қилинганда:

дебет 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти 15 000 000 сўм;

— металл прокатини давал асосида қайта ишлаш шартномасида кўрсатилган аванс тўловлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 713 600 сўм;

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти 713 600 сўм;

$713\ 600\ сўм = 1\ 784\ 000\ сўм \times 40\ \% / 100;$

— давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар харажатларини акс эттириш:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 1 784 000 сўм;

кредит 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти 850 000 сўм;

кредит 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти 500 000 сўм;



<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти</i>	<i>350 000 сўм;</i>
<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти</i>	<i>84 000 сўм.</i>

Давал асосида қабул қилинган металл прокатидан ишлаб чиқарилган деталларни топшириш билан боғлиқ хўжалик операциялари икки ҳолат бўйича корхонани ҚҚС тўловчиси ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигига, давал асосида берилган металл прокатидан чиққан чиқиндиларни қайтарилишига ва давал асосида келиб тушган металл прокатидан ишлаб чиқарилган деталларни давалга берувчининг омборига етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни амалга оширилишига қараб кўриб чиқамиз.

### *1-ҳолат*

«Прогресс» МЧЖ ҚҚС тўловчи бўлиб ҳисобланади. Металл прокатини давал асосида қайта ишлаш шартномасига мувофиқ давал асосида қабул қилинган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигателлар учун тайёр деталларни «Юлдуз» МЧЖнинг омборларига етказиб беришни «Прогресс» МЧЖ амалга оширади. Давал асосида қабул қилинган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигател деталларини «Юлдуз» МЧЖнинг омборларига етказиб бериш харажатлари куйидагилардан иборат: корхонанинг транспорт бўлими томонидан кўрсатилган транспорт харажатлари 50 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 30 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 7 200 сўм. Давал асосида қабул қилинган металл прокатидан чиққан чиқиндилар «Прогресс» МЧЖ ихтиёрида қолади ва унинг жорий қиймати 800 000 сўм.

Давал асосида қабул қилинган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигател деталларини «Юлдуз» МЧЖга топшириш билан боғлиқ хўжалик операциялари «Прогресс» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— давал асосида қабул қилинган металл прокатидан электр двигателлар учун ишлаб чиқарилган деталларини «Юлдуз» МЧЖга топширилганда уларни қийматини ҳисобдан чиқариш:

<i>кредит 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти</i>	<i>15 000 000 сўм;</i>
--	------------------------

*1 боб. Давал хом иш ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

— давал асосида қабул қилинган металл прокати қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича тушум суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	2 319 200 сўм;
кредит 9030 «Иш бажариш ва хизмат кўрсатишдан даромадлар» счёти	2 319 200 сўм;
2 319 200 сўм = 1 784 000 сўм + (1 784 000 сўм x 30 % / 100);	

— ҳисобланган ҚҚС суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	463 840 сўм;
кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти	463 840 сўм;
463 840 сўм = 2 319 200 сўм x 20 % / 100;	

— давал асосида қабул қилинган металл прокати қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини ҳисобдан чиқариш:

дебет 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти	1 784 000 сўм;
кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	1 784 000 сўм;

— корхона ихтиёрида қоладиган давал асосида қабул қилинган металл прокатида чикқан қайтариладиган чиккиндилар суммасига:

дебет 1010 «Бошқа материаллар» счёти	800 000 сўм;
кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти	800 000 сўм;

— давал асосида қабул қилинган металл прокатида ишлаб чиқарилган электр двигателъ деталларини «Юлдуз» МЧЖнинг омборларига етказиб бериш харажатлари суммасига:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти	87 200 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	50 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	30 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	7 200 сўм;

— олдин олинган авансларни қоплашга қабул қилиш:

*I боб. Давал хом ашё ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти	713 600 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар» счёти	713 600 сўм;

— давал асосида қабул қилинган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматлари ва ҳисобланган ҚҚС учун «Юлдуз» МЧЖдан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	2 069 440 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар» счёти	2 069 440 сўм;
2 069 440 сўм = 2 319 200 сўм + 463 840 сўм – 713 600 сўм;	

— кўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет олдидаги қарз тўланганда:

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти	463 840 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	463 840 сўм;

— иш бажариш ва хизмат кўрсатишдан даромадлар счётларини ёпилиши:

дебет 9030 «Иш бажариш ва хизмат кўрсатишдан даромадлар» счёти	2 319 200 сўм;
кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	2 319 200 сўм;

— бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи счётини ёпилиши:

дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	1 784 000 сўм;
кредит 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти	1 784 000 сўм;

— бошқа операцион даромадлар счётини ёпилиши:

дебет 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти	800 000 сўм;
кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	800 000 сўм;

— сотиш харажатлари счётининг ёпилиши:

дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	87 200 сўм;
кредит 9410 «Сотиш харажатлари» счёти	87 200 сўм.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида 9910 «Яқуний молиявий натижа» счётининг дебети ва кредити бўйича айланмалари йиғилади ҳамда ҳисо-

бот даврининг якуний молиявий натижасини ифодаловчи ушбу счёти бўйича умумий қолдиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳисобот даври якуни бўйича йиллик молиявий ҳисобот тузишда 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти 8710 «Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

Бу ҳолатда молиявий натижа, яъни давал асосида қабул қилинган металл прокати қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан кўриладиган фойда 1 248 000 сўмни ташкил этади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

*дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти 1 248 000 сўм;*

*кредит 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти 1 248 000 сўм.*

## **2-ҳолат**

«Прогресс» МЧЖ ҚҚС тўловчи бўлиб ҳисобланмайди. Металл прокати давал асосида қайта ишлаш шартномасига мувофиқ давал асосида қабул қилинган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигателлар учун тайёр деталларни ташишни «Юлдуз» МЧЖ амалга оширади.

Давал асосида қабул қилинган металл прокатидан ишлаб чиқарилган электр двигатель деталларини «Юлдуз» МЧЖга топшириш билан боғлиқ хўжалик операциялари «Прогресс» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— давал асосида қабул қилинган металл прокатидан электр двигателлар учун ишлаб чиқарилган деталларини «Юлдуз» МЧЖга топширилганда уларни кийматини ҳисобдан чиқариш:

*кредит 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти 15 000 000 сўм;*

— давал асосида қабул қилинган металл прокати қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича тушум суммасига:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 2 319 200 сўм;*

*кредит 9030 «Иш бажариш ва хизмат кўрсатишдан даромадлар» счёти 2 319 200 сўм;*

$2\,319\,200 \text{ сўм} = 1\,784\,000 \text{ сўм} + (1\,784\,000 \text{ сўм} \times 30\% / 100);$

I боб. Давал ҳам ашё ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма

— давал асосида қабул қилинган металл прокати қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини ҳисобдан чиқариш:

дебет 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти	1 784 000 сўм;
кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	1 784 000 сўм;

— олдин олинган авансларни қоплашга қабул қилиш:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти	713 600 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	713 600 сўм;

— давал асосида қабул қилинган металл прокатини қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва хизматлари учун «Юлдуз» МЧЖдан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	1 605 600 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	1 605 600 сўм;

2 069 440 сўм = 2 319 200 сўм — 713 600 сўм;

— иш бажариш ва хизмат кўрсатишдан даромадлар счётларини ёпилиш:

дебет 9030 «Иш бажариш ва хизмат кўрсатишдан даромадлар» счёти	2 319 200 сўм;
кредит 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти	2 319 200 сўм;

— бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи счётини ёпилиши:

дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти	1 784 000 сўм;
кредит 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти	1 784 000 сўм.

Бу ҳолатда молиявий натижа, яъни давал асосида қабул қилинган металл прокати қайта ишлаш бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан кўриладиган фойда 535 200 сўмни ташкил этади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти	535 200 сўм;
кредит 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти	535 200 сўм.

Давал хом ашё ва материаллар билан  
боғлиқ операцияларни бухгалтерия  
ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
I-сонли илова

**Давал хом ашё ва материалларни қайта ишлаш ва улардан  
тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича намунавий шартнома**

\_\_\_\_\_ ш. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Бир томондан \_\_\_\_\_, кейинги ўринларда  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)  
«Давалга берувчи» деб номланади, \_\_\_\_\_ шахс  
(лавозими, фамилияси, исми шарифи)  
вакиллигида ва иккинчи томондан \_\_\_\_\_, кейинги ўринларда  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)  
«Қайта ишловчи» деб номланади, \_\_\_\_\_ шахс  
(лавозими, фамилияси, исми шарифи)  
вакиллигида, биргаликда «Томонлар» деб номланади, мазкур шартно-  
мани қуйидагилар бўйича туздик:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартнома бўйича Давалга берувчи Қайта ишловчига хом ашёни ва материалларни қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун беради, Қайта ишловчи эса Давалга берувчига тайёр маҳсулотни қайтаради.

1.2. Хом ашёни ва материалларини беришда эгалик қилиш ҳуқуқи унга ўтмайди, Давалга берувчи берилган хом ашёни (материалларни) ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни эгаси сифатида қолади.

1.3. Мазкур шартнома мажбуриятларини бажаришда Қайта ишловчи Давалга берувчини буюртмасини бажариш усулларини ўзи мустақил белгилайди.

### 2. Томонлар ўртасида хавфни тақсимланиши

2.1. Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларни тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфини \_\_\_\_\_ (Давалга берувчи ёки Қайта ишловчи) ўз зиммасига олади.

2.2. Тайёр маҳсулотларни Давалга берувчи қабул қилиб олгунгача уларни тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфини Қайта ишловчи ўз зиммасига олади.

2.3. Тайёр маҳсулотларни қабул қилиш ёки топширишда кечиш бўлган ҳолларда мазкур шартноманинг 2.2.-бандида назарда тутилган хавфни кечикишга йўл қўйган Томон ўз зиммасига олади.

### 3. Давалга берувчининг хом ашёси

3.1. Иш Давалга берувчининг қуйидаги хом ашё ва материалларидан бажарилади:

1. \_\_\_\_\_ сони \_\_\_\_\_ та, баҳоси \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_ сони \_\_\_\_\_ та, баҳоси \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_ сони \_\_\_\_\_ та, баҳоси \_\_\_\_\_

3.2. Давалга берувчининг хом ашё ва материалларини сифати \_\_\_\_\_ га тўғри келиши шарт.

3.4. Берилган хом ашё ва материалларнинг яроқсизлиги аниқланган ҳолларда Давалга берувчи Қайта ишловчи бу ҳақда хабар берган вақтдан бошлаб \_\_\_\_\_ муддатда уларни алмаштириб беришга мажбур.

3.5. Қайта ишловчига хом ашё ва материалларни етказиб бериш шarti: \_\_\_\_\_

### 4. Ишни бажариш бўйича Давалга берувчини талаблари

4.1. Мазкур шартнома бўйича бажарилган ишнинг натижаси бўлиб қуйидаги маҳсулотлар ҳисобланади: \_\_\_\_\_

4.2. Маҳсулот чиқиш меъёри: \_\_\_\_\_

4.3. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сони бўйича тавсифлари: \_\_\_\_\_

4.4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: \_\_\_\_\_

### 5. Ишни бажариш муддатлари

5.1. Томонлар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муддатларини қуйидагича белгиладилар:

Ишни бажаришнинг бошланғич муддати — «\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_ йилдан кечикмасдан.

Ишни бажаришнинг охириги муддати — «\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_ йилдан кечикмасдан.

Тайёр махсулотни топшириш муддати — «\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_ й.

5.2. Белгиланган муддатлар Томонларнинг келишувига ёки Томонларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган вазиятларга мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

## 6. Ишнинг қиймати ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

6.1. Мазкур шартнома бўйича ишнинг қиймати тахминий сметага<sup>1</sup> мувофиқ аниқланади (тахминий смета мазкур шартномага илова қилинади).

6.2. Шартнома баҳоси Қайта ишловчининг ишни бажаришдаги харажатлари ва унга тўланадиган ҳақни ўз ичига олади.

6.3. Тахминий сметадаги баҳоларни кўтариш лозим бўлган ҳолларда Қайта ишловчи бу ҳақда Давалга берувчини \_\_\_\_ кун давомида ёзма равишда хабардор қилишга мажбур.

Берилган хабарномага сметадаги баҳоларни оширишни асословчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши керак.

6.4. Давалга берувчи хабарномани олгандан кейин \_\_\_\_ кун давомида Қайта ишловчига буюртмани тасдиқловчи ёки шартномани бекор қилиш тўғрисидаги тегишли жавобини беришга мажбур.

6.5. Тахминий сметанинг ўсиши тахминий сметанинг умумий қийматига нисбатан \_\_\_\_\_ дан кўп бўлса муҳим ҳисобланади.

6.6. Мазкур шартнома бўйича иш қиймати КҚС ва акциз солиғини ҳисобга олмаган (КҚС ва акциз солиғини ҳисобга олган) ҳолда кўрсатилган.

<sup>1</sup> Ишнинг баҳоси (смета) тахминий ёки катъий бўлиши мумкин. Шартномада бундай кўрсатма бўлмаса, ишнинг баҳоси (смета) катъий ҳисобланади.

Иш пудратчи томонидан тузилган смета бўйича бажарилган тақдирда, смета буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга эга бўлади ва пудрат шартномасининг бир қисми бўлиб қолади.



## 7. Ҳисоб-китоб тартиби

### 7.1. Тўлов муддати:

- мазкур шартнома имзоланган вақтдан бошлаб \_\_\_\_\_  
муддат давомида \_\_\_\_\_ миқдорда<sup>2</sup> аванс тўлови;  
— тайёр маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган вақтдан бошлаб \_\_\_\_\_ муддат давомида узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш.

### 7.2. Ҳисоб-китоб тури:

(нақд пул билан, пул ўтказиш билан, аралаш)

### 7.3. Ҳисоб-китоб шакли:

(тўлов талабномаси, чек, аккредитив)

## 8. Қайта ишловчининг тежами

8.1. Қайта ишловчининг ҳақиқий харажатлари иш баҳосини аниқлаш вақтида назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, агар Давалга берувчи Қайта ишловчининг тежами бажарилган тайёр маҳсулот сифатига таъсир этганлигини исботлай олмаса, Қайта ишловчи ишлар учун мазкур шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

## 9. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари<sup>3</sup>

### 9.1. Давалга берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 9.1.1. Қайта ишловчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтида уни бажараётган ишнинг бориши ва сифатини текшириш;  
9.1.2. агар Қайта ишловчи мазкур шартномани бажарилишига ўз вақтида бажаришга киришмаса ёки ишни суғ бажариши натижасида

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги ПФ-2340-сонли ва 2003 йил 4 июлдаги ПФ-3274-сонли Фармонлари билан киритилган ўзгартиришлар билан) Фармонига мувофиқ аванс тўловининг миқдори етказиб бериладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қийматининг камиди 15 фоизи қилиб белгиланган, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

<sup>3</sup> Шартномаларда томонлар эга бўлиши керак бўлган ҳуқуқлар ва бажариши керак бўлган мажбуриятлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юртурувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунида белгилаб ўтилган.

уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлса, шартномани бажаришдан воз кечиш ва зарарларни қоплашни талаб қилиш;

9.1.3. агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, Қайта ишловчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни Қайта ишловчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда мазкур шартномадан воз кечиш ёхуд бу камчиликларни Қайта ишловчи ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

9.1.4. Қайта ишловчига тайёр маҳсулотнинг сифати билан боғлиқ талабларни қўйиши;

9.1.5. ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

9.2. Давалга берувчи қуйидагиларга мажбур:

9.2.1. хом ашё ва материалларни қайта ишлашга қабул қилиш-топшириш далалатномасига мувофиқ Қайта ишловчига беришга;

9.2.2. мазкур шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда пудратчи иштирокида тайёр маҳсулотни кўриб чиқишга ва қабул қилишга, камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида пудратчига дарҳол маълум қилишга;

9.2.3. мазкур шартноманинг 4-бўлимида назарда тутилган тартибда ва муддатларда Қайта ишловчига бажарилган иш учун ҳақ тўлашга;

9.2.4. ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

9.3. Қайта ишловчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

9.3.1. ўзининг мажбуриятларини бажаришга бошқа шахсларни (ёрдамчи пудратчиларни) жалб қилиш;

9.3.2. Давалга берувчи мазкур шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини бажармаганлиги, хусусан ишлов берилиши керак бўлган хом ашё ва материалларни бермаганлиги Қайта ишловчининг шартномани бажаришига тўсқинлик қилган ҳолларда, шунингдек мазкур мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаслигини яққол кўрсатиб турган ҳолатлар мавжуд бўлганида ишга киришмасликка, бошланган ишни эса тўхтатиб қўйишга;

9.3.3. Давалга берувчи тайёр маҳсулотни қабул қилишдан бош тортганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 646-моддасининг 6-қисмида белгиланган тартибда сотиши, тушган пулни эса, ўзига

тегишли ҳамма тўловларни чегириб ташлаб, нотариал идоранинг депозитига Давалга берувчининг номига киритиб қўйишга;

9.3.4. ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

9.4. Қайта ишловчи қуйидагиларга мажбур:

9.4.1. Давалга берувчи томонидан берилган хом ашёларни ва материалларни тежаб-тергаб ва режали фойдаланишга;

9.4.2. иш тугагандан кейин Давалга берувчига давал хом ашё ва материалларни ишлатилиши тўғрисида ҳисобот беришга;

9.4.3. қуйидагилар аниқланган тақдирда дарҳол Давалга берувчини огоҳлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриши шарт:

— Давалга берувчи берган хом ашё ва материалларнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлиги аниқланганда;

— Қайта ишловчига боғлиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган бошқа ҳолатларни;

9.4.4. ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

## 10. Тайёр маҳсулотни қабул қилиш

10.1. Тайёр маҳсулотни Давалга берувчига бериш тайёр маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далалотномаси билан тайёр маҳсулотни топшириш вақтида расмийлаштирилади.

10.2. Тайёр маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далалотномасида аниқланган камчиликлар акс эттирилади. Давалга берувчи камчиликларни бартараф қилиш бўйича талабнома киритганда унга асосланиши мумкин.

10.3. Агар Давалга берувчи тайёр маҳсулотни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишда аниқланиши мумкин бўлган камчиликларни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

10.4. Қайта ишланган хом ашё ва материалларни Давалга берувчига \_\_\_\_\_ кўринишда тақдим қилиниши керак.

10.5. Қабул қилиш-топшириш жойи: \_\_\_\_\_

10.6. Ишлаб чиқарилган махсулотни етказиб бериш \_\_\_\_\_  
 (Давалга берувчи ёки Қайта ишловчи) томонидан \_\_\_\_\_  
 ҳисобидан қуйидаги тартибда \_\_\_\_\_  
 амалга оширилади.

## II. Томонларнинг жавобгарлиги

11.1. Тайёр махсулотларда камчиликлар аниқланган ҳолларда Давалга берувчи Қайта ишловчидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этишни;
- иш учун ўрнатилган баҳоларни маълум бир қисмини қисқартиришни талаб қилишга;
- камчиликларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга.

11.2. Қайта ишловчи ишдаги ўзи жавобгар бўлган камчиликларни бартараф этиш ўрнига, Давалга берувчига шартномани бажаришни кечиктирганлик натижасида етказган зарарни қоплаган ҳолда ишни янгидан бепул бажариб беришга ҳақли. Бундай ҳолда Давалга берувчи илгари ўзига топширилган иш натижасини Қайта ишловчига қайтариб бериши шарт.

11.3. Давалга берувчи томонидан берилган хом ашёларнинг сақланмаганлиги учун Қайта ишловчи жавобгар бўлади.

11.4. Мазкур шартномани кучга эга даври давомида бир томонлама ўз мажбуриятларини асосланмаган равишда бажаришдан воз кечилганда айбдор томон \_\_\_\_\_ миқдорда жарима тўлайди.

11.5. Мазкур шартноманинг шартларини бузган томонлар бунинг натижасида кўрилган зарарларни қоплайдилар, шу жумладан қонунчиликда белгиланган тартибда бой берилган фойдани ҳам.

## 12. Шартномани бекор қилиш тартиби

12.1. Давалга берувчи мазкур шартномани бир томонлама қуйидаги вазиятларда бекор қилиши мумкин:

12.1.1. Қайта ишловчи томонидан тайёр махсулотларни топшириш муддатлари бир неча бор бузилганда;

12.1.2. Қайта ишловчи томонидан тайёр маҳсулотлар сифатига кўйилган талабларга риоя қилинмаганда.

12.2. Давалга берувчи томонидан тайёр маҳсулот учун ҳақ тўлаш тизимли равишда бузилган ҳолларда Қайта ишловчи мазкур шартнома-ни бекор қилишга ҳақли.

12.3. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

### 13. Яқуний ҳолатлар

13.1. Мазкур шартнома имзоланган вақтдан кучга киради ва у «\_\_\_\_\_» 20\_\_ йилгача кучга эга бўлади.

13.2. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиши ва ҳар иккала Томондан имзоланган бўлиши шарт.

13.3. Мазкур шартнома бир хил кучга эга бўлган иккита нусхада ҳар бир томон учун битта нусхадан тузилди.

13.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолларда томонлар амалдаги фуқаролик қонунчилигини қўллайдилар.

13.5. Мазкур шартнома имзолангандан кейин бу бўйича олдиндан олиб борилган келишувлар, ёзишмалар, мазкур шартномага тааллуқли бирламчи келишувлар ва айрим масалалар бўйича баённомалар ўзининг ҳуқуқий кучини йўқотади.

### 14. Томонларнинг реквизитлари ва имзолари

Давалга берувчи  
Манзил \_\_\_\_\_  
Телефон \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ банкдаги  
ҳисоб-китоб рақами № \_\_\_\_\_  
МФО \_\_\_\_\_  
СТИР \_\_\_\_\_

(имзо)  
М.Ў.

Қайта ишловчи  
Манзил \_\_\_\_\_  
Телефон \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ банкдаги  
ҳисоб-китоб рақами № \_\_\_\_\_  
МФО \_\_\_\_\_  
СТИР \_\_\_\_\_

(имзо)  
М.Ў.

Давал хом ашё ва материаллар билан  
боғлиқ операцияларни бухгалтерия  
хисоби бўйича услубий қўлланмага  
2-сонли илова

**Хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга  
қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги  
\_\_\_\_\_ -сонли далолатнома**

Тузилган сана «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Давалга берувчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Жойлашган жойи: \_\_\_\_\_

Қайта ишловчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Жойлашган жойи: \_\_\_\_\_

Мазкур далолатнома бўйича хом ашёни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолига келтириш учун Давалга берувчи хом ашёни беради, Қайта ишловчи эса қабул қилиб олади.

Томонлар ўзаро келишган ҳолда хом ашёни сақлаш ва қайта ишлаш жойи деб \_\_\_\_\_ белгилашди.  
(манзил)

Т/р	Хом ашё ва материалларнинг номи	Сони	Бир бирлигининг қиймати	Умумий қиймати
		(_____ да) (ўлчов бирлиги)		

Давалга берувчи  
номидан топширди: \_\_\_\_\_  
лавозими      имзо      (фамилияси, исми шарифи)

Қайта ишловчи  
номидан қабул қилди: \_\_\_\_\_  
лавозими      имзо      (фамилияси, исми шарифи)

Давал хом ашё ва материаллар билан  
борлик операцияларни бухгалтерия  
хисоби бўйича услубий қўлланмага  
3-сонли илова

**Хом ашё ва материалларни давал асосида қайта ишлашга  
топшириш \_\_\_\_\_-сонли юк хати**

Тузилган сана «\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_ й.

Давалга берувчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Жойлашган жойи: \_\_\_\_\_

Қайта ишловчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Жойлашган жойи: \_\_\_\_\_

Т/р	Хом ашё ва материаллар		Ўлчов бирлиги	Сони	Баҳоси	Суммаси
	номи	коди				
			<b>Жами</b>		<b>x</b>	

Давалга берувчи  
номидан топширди: \_\_\_\_\_  
лавозими                      имзо                      (фамилияси, исми шарифи)

Қайта ишловчи  
номидан қабул қилди: \_\_\_\_\_  
лавозими                      имзо                      (фамилияси, исми шарифи)

Давал хом ашё ва материаллар билан  
боғлиқ операцияларни бухгалтерия  
хисоби бўйича услубий қўлланмага  
4-сонли илова

**Давал асосида қайта ишланган хом ашё ва материалларни  
қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги  
\_\_\_\_\_ -сонли далолатнома**

Тузилган сана «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Давалга берувчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Жойлашган жойи: \_\_\_\_\_

Қайта ишловчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Жойлашган жойи: \_\_\_\_\_

Т/р	Тайёр маҳсулотларнинг номи	Сони (____ да)	Ишлаб чиқариш харажатларининг қиймати
		(ўлчов бирлиги)	

Қайта ишловчи  
номидан қабул қилди: \_\_\_\_\_  
лавозими \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Давалга берувчи  
номидан топширди: \_\_\_\_\_  
лавозими \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)



Давал хом ашё ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
5-сонли илова

**Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё  
ва материалларни ишлатилиши тўғрисида ҳисобот**

Қайта ишловчи \_\_\_\_\_ Тузилган сана «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Жойлашган жойи: \_\_\_\_\_  
Давалга берувчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Жойлашган жойи: \_\_\_\_\_

№	Хом ашё ва материалларнинг номи	Қабул қилинган хом ашё ва материалларнинг миқдори (_____ да)	Тайёр маҳсулотларнинг номи	Тайёр маҳсулотларнинг миқдори (_____ да)	Ишлатилмаган хом ашё ва материалларнинг миқдори (_____ да)	Чиқиндилар миқдори (_____ да)
		(ўлчов бирлиги)		(ўлчов бирлиги)	(ўлчов бирлиги)	(ўлчов бирлиги)

\_\_\_\_\_ ҳисоботни имзоловчини лавозимининг номи

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Давал хом ашё ва материаллар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
6-сонли илова

**Давал асосида қайта ишлашга қабул қилинган хом ашё  
ва материалларни ҳисобга олиш қайдномаси**

Ҳўжалик операцияси мазмуни	Хом ашё ва материалларнинг турлари							
	металл прокати		ёғоч		тери		ва бошқалар	
	миқдори	суммаси	миқдори	суммаси	миқдори	суммаси	миқдори	суммаси
_____ 20__ йилга қолдиқ								
1.								
2.								
...								
Жами:								
_____ 20__ йилга қолдиқ								

\_\_\_\_\_ лавозими

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

\_\_\_\_\_ лавозими

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

## **II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма**

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб борилаётгани, аҳолига кўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллар кўпайишига, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.

Айни пайтда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустахкамлаш, биринчи навбатда қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 26 мартдаги ПҚ-308-сонли қарорида чорва мол боқаётган шахсларни иш билан банд аҳоли тоифасига киритиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳал этилмаганлиги, хўжаликларни зотдор, сермахсул чорва мол билан, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш борасидаги ишлар қониқарсиз аҳволда, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи, шунингдек шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги таъкидлаб ўтилган.

Аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, энг аввало қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликларини сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 26 мартдаги ПҚ-308-сонли қарорида 2006–2010 йиллар даврида шахсий

ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш Дастури маъқулланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан 2006–2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича қабул қилиниши зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган. Юқорида айтиб ўтилган рўйхатга мувофиқ республикада 2006–2007 йилларда республикада қорамол етиштириш тизимини яна такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитларни белгилаб берадиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма (кейинги ўринларда Услубий қўлланма деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тартибга солиш бўйича бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан катъи назар юридик шахсга (кейинги ўринларда ташкилот деб юритилади) мулк ҳуқуқида тегишли бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни тан олиш, баланс кийматини баҳолаш, инвентаризация қилиш, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва ҳужжатларда қирим қилиш, ички ҳаракати ва чиқиб кетишини расмийлаштириш (аналитик ҳисоби) тартибинини, шунингдек асосий подадан яроқсиз қилинган боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобини ўзига хос хусусиятларини тушунтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

### **1-§. Умумий қоидалар**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари»га мувофиқ ўстиришда ва боқувда бўлган йирик ва майда шохли чорва моллари, ёввойи ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари ва бошқа ҳайвонлар бухгалте-

рия ҳисобида «ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар» атамаси билан ҳисобга олинади.

Иш кучи сифатида ишлатиладиган ҳайвонлар — отлар, ҳўкизлар, туялар, эшаклар ва бошқа иш ҳайвонлари (шу жумладан юк ташиш учун фойдаланиладиган ҳайвонлар), шунингдек маҳсулот берадиган (насл, сут, жун ва ҳ.к.) чорва моллари — сигирлар, қўтослар, наслдор биялар (иш ҳайвони бўлмаган), қўйлар, эчкилар ва бошқалар бухгалтерия ҳисобида кишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий подасидаги ҳайвонлар ҳисобланади. Асосий подадаги ҳайвонлар асосий воситалар таркибида ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг бухгалтерия ҳисоби тартибини аниқлаб берадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб мазкур Услубий қўлланманинг I-сон иловасида назарда тутилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олишнинг асосий қоидалари бўлиб: тан олиш пайтини белгилаш, таснифлаш, баланс қийматини баҳолаш, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, харажатларни, шу жумладан харажат сифатида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қийматини кейинчалик тан олиш, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қийматини сотиш (баҳолаш)нинг соф қийматига қадар камайтириш; уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш ҳисобланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ташкилотда боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (боқувга қўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар кўринишида бўлиши мумкин.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар мохиятан чорвачилик тармоғининг тугалланмаган ишлаб чиқаришига тенглаштирилади, бироқ улар товар-моддий захиралари сифатида ҳисобга олинишида бир қатор белгиларга эга. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ улар биологик активлар сифатида ҳисобга қабул қилинади ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилади. Одатда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бир қатор ўзининг хусусиятларига эга. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар муайян ёшга етганда маълум жинс — ёш гуруҳга ва асосий подага ўтказилади. Асосий подага ўтаётганда мазкур активлар асосий воситалар тар-

кибига ўтади. Асосий подадан яроқсиз қилинган (чиқарилган) ва бўрдоқига боқишга қўйилган, аксинча айланма маблағлар гуруҳига ўтади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар боқиш ҳамда тутиб туриш жараёни моддий, молиявий ва меҳнат харажатлари билан бирга боради. Юқорида баён этилган хусусиятлар уларни баҳолашнинг ўзига хослиги ва хусусиятларини, ўлчагичларни, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари, аналитик ва синтетик ҳисоб, счётлар боғланишини бухгалтерия регистрлари, инвентаризациясини ва ҳоказоларни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотларида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олишининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— ҳайвонлардан олинадиган наслларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобга қабул қилиш;

— харид қилинган ва ўз подасидан олинган ҳайвонларнинг асосланган баҳосини шакллантириш;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш, келиб тушиши ва олиб ўтилиши бўйича операцияларни ҳужжатларда тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш ҳамда ишончли маълумотлар билан таъминлаш;

— асосланган ҳисоб нархларини ишлаб чиқиш, режа таннархининг ҳақиқий таннархдан тафовутларини (калькуляция фарқлари) ўз вақтида акс эттириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни моддий жавобгар шахслар қўлида, уларни тутиб туриш жойларида ва ҳаракатланишининг барча босқичларида бут сақланишини мунтазам назорат қилиш;

— тутиб туриш жойларида ва ҳаракатланишида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг мавжудлиги тўғрисида ўз вақтида аниқ ахборот олиш;

— фермалар ва бошқа тутиб туриш жойларида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисобининг ўз вақтида ва тўғри юритилиши устидан назорат қилиш;

— пода таркибида юз бераётган барча ўзгаришларни мунтазам акс эттириш, ўстириш ва боқиш натижаларини тўғри белгилаш;

— инвентаризацияни, оғирлигини тортиш ва ўсишни аниқлашни ўз вақтида амалга ошириш.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

— ҳаракатланишини (кириш, чиқиш, олиб ўтиш) ва туёқ сонини мавжудлигини узлуксиз ва тўлиқ акс эттириш;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобининг тезкорлиги (ўз вақтидалиги) ва ишончлилиги;

— фермалар ва чорва молларини бошқа тутиб туриш жойларида ҳисоб маълумотларини уларни ҳаракатланишини тезкор ҳисобининг маълумотларига, синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига (айланмалар ва қолдиқлар бўйича) мувофиқлиги.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш объектлари бўлиб: насл, ортган вазн ва ўсиш; ёш ҳайвонларни катта ёшдаги гуруҳларга ва асосий подага ўтказиш; асосий подадан яроқсиз қилинган ҳайвонларнинг боқувга қўйилиши ҳисобланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобининг бирлиги ташкилот томонидан мустақил равишда, улар тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш ҳамда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати устидан лозим даражада назоратни таъминлаш мақсадида белгиланади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобининг бирлиги қуйидаги қўринишларда белгиланиши мумкин: гуруҳи, тури, ёши, насли, ҳайвонлар бош сонига, ҳайвонларнинг оиласи.

Масалан: бухгалтерия ҳисобини бирлиги сифатида йирик шохли чорва молларини ўстириш ва боқишда ҳар бир сигир, бука, бия, паррандачиликда ёши бўйича (ғоз, жўжа, товук, ўрдак ва ҳ.к.), майда шохли чорва молларини ўстириш ва боқишда турлари бўйича (қўй, эчки ва ҳ.к.)лар, асаларчиликда — ариларнинг оилалари бўйича ўрнатилиши мумкин.

Мазкур Услубий қўлланмага мувофиқ ташкилотлар томонидан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобини тегишли равишда ташкил этиш ва уларни ҳаракатини назорат қилиш учун зарур бўладиган ички низом, йўриқнома, бошқа ташкилий-таксимловчи ҳужжатларни ишлаб чиқишлари мумкин. Юқоридаги ҳужжатлар билан:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қабул қилиш, топшириш, ҳаракати ва гуруҳдан гуруҳга ўтказиш бўйича ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бошланғич ҳужжатларнинг шакллари ва уларни расмийлаштириш (тузиш) тартибини, шунингдек ҳужжат айланишининг қоидаларини;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш, олиш ва чиқаришга ишонч билдирилган бўлинмаларининг масъул шахслари рўйхатини;

— сақланиши таъминлашни назоратини амалга ошириш тартибини, бош сонини сақлаб туришни, ҳисобни тўғри юритилишини, уларни мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни ишончлилигини ва бошқаларни тасдиқлаши мумкин.

## **2-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни тан олиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

### **2.1. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни актив сифатида тан олинади, агар:

— ташкилотга келгусида актив билан боғлиқ иктисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;

— актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;

— уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга бўлган мулк ҳуқуқи, улар билан боғлиқ хатарлар ва мукофотларнинг ўтиш пайти унинг шартлари келишиладиган етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси асосида белгиланади.

Мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар баланسدан ташқари счётларда шартномада назарда тутилган баҳо ёки эгаси билан келишилган нархи бўйича акс эттирилади. Агар шартномада кўрсатилган идишларнинг нархи ёки эгаси билан келишилган нархи бўлмаганда улар шартли баҳолаш асосида ҳисобга олиниши мумкин.

Мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида баланسدан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товар-моддий захиралар» счётининг дебетида акс эттирилади.

Мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги

ҳайвонларни қайтариш бухгалтерия ҳисобида балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товар-моддий захиралар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. Чорвачилик билан шуғулланувчи «Азамат» фермер хўжалиги ва «Фаррух» фермер хўжалиги «Азамат» фермер хўжалигига тегишли бўлган 150 бош бузокни «Фаррух» фермер хўжалигида вақтинча сақлаб туриш бўйича келишиб олдилар. Бузоклар бўйича мулк ҳуқуқи «Фаррух» фермер хўжалигига тегишли эмас, балки «Азамат» фермер хўжалигида қолади. Барча бузоклар 9 850 500 сўмга шартли равишда баҳоланган ва «Фаррух» фермер хўжалигининг фермасида 20 кун давомида сақланади.

Мулк ҳуқуқи «Фаррух» фермер хўжалигига тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида (яъни масъул саклашда) бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қайтариш «Фаррух» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар фермер хўжалигига келиб тушганда:

*дебет балансдан ташқари 004 «Комиссияга  
қабул қилинган товар-моддий захиралар»  
счёти* *9 850 500 сўм;*

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар «Азамат» фермер хўжалигига қайтарилганда:

*кредит балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган  
товар-моддий захиралар» счёти* *9 850 500 сўм.*

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қуйидагилар натижасида ташкилотнинг бухгалтерия балансида киритилиши лозим:

— етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;

— таъсисчилардан ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши;

— таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушиши;



- текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);
- айирбошлаш;
- асосий подадан яроқсиз қилиш;
- инвентаризация натижасида ортиқча (ҳисобга олинмаган) ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар аниқлаш;
- ташкилотнинг ўзидан олинган насл;
- ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга бўлган мулк ҳуқуқи олинишига олиб келадиган бошқа операциялар ва ходисалар.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қуйидаги икки қиймат энг кам қиймат бўйича баҳоланади: таннарх (харид қиймати ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки ҳисобот даври охиридаги сотишнинг соф қиймати.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг бухгалтерия ҳисобида тегишли тарзда тан олинган таннархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 4) «Товар-моддий захиралари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилиги билан белгиланган ҳоллардан ташқари ўзгартирилмайди.

## **2.2. Харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қишлоқ хўжалиги корхонасининг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (мол етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритилмаган харажатларга қуйидагилар киритилади:

- божхона божлари ва йиғимлари;
- ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);
- ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар харид қилинганда иштирок этган таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик хақи;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сертификатлаш бўйича харажатлари;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш жойига ташиш учун тарифлар (фрахт)-ни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлардан ташкил топади;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Савдо дисконтлари, чегирмалар ва бошқа шу каби чегирувлар ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш харажатларини белгилаш чоғида амалга оширилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш харажатлари, ўтказмалар учун банк комиссияси, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чет эл валютасига харид қилиш чоғида валютани конвертациялаш бўйича комиссия ва бошқа банк хизматлари), ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш бўйича контрактларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

Муддатидан олдин тўлаш натижасида ёки катта ҳажмда харид қилиш натижасида ёхуд тарафларнинг келишувида назарда тутилган бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра олинган пул чегирмалари харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қийматини камайтирмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қарз олинган пул маблағлари (капитали) ҳисобига харид қилинганда ёки тайёрланганда кредит (қарз)-

дан фойдаланганлик учун фоизлар кўринишидаги харажатлар тўлиқ ёки қисман унинг ҳисобидан сотиб олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархига киритилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ юқорида саналган харажатлар бошқа операцион харажатлар ёки молиявий фаолият билан боғлиқ харажатлар таркибига киритилади.

Агар шартнома шартларида харид қилинадиган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар учун тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, мазкур ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бухгалтерия ҳисобига тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймат бўйича қабул қилинади. Бунда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймати билан сотиб олинаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бўйича умумий тўлов суммаси ўртасидаги фарқ тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври мобайнида жорий тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий суммасидаги солиштирма оғирлигига боғлиқ ҳолда молиявий харажатлар (фоизлар бўйича харажатлар) сифатида тан олинади.

Ташкилотнинг транспорт-тайёрлов харажатлари қуйидаги усуллардан бири бўйича ҳисобга қабул қилинади ёки харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қийматиغا киритилади:

— транспорт-тайёрлов харажатларини ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш (шартнома нархига қўшиш, устав капиталига киритилган бадалнинг пул баҳосига қўшиш, текинга олинганнинг жорий қийматиغا қўшиш ва ҳ.к.);

— мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига биноан транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётига олиб бориб, кейинчалик уларни ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархига ёки ишлатилишига (асосий пода таркибига ўтказилиши, сотилиши, текинга берилиши ва ҳ.к.) қараб корхонанинг харажатлари (капитал қўйилмалари, сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи, давр харажатлари ва ҳ.к.)га киритиш.

Транспорт-тайёрлов харажатларини ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усулида транспорт-тайёрлов харажатлари ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлари таркибида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар (1100)га олиб борилади.

Транспорт-тайёрлов харажатларини ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усулини қўп бўлмаган турдаги (гуруҳ) ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарида, шунингдек ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг алоҳида турлари ва гуруҳларининг киймати катта аҳамиятга эга бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётига олиб бориш усулида транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида йиғилади ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг тегишли турлари (ушбу транспорт-тайёрлов харажатлари тегишли бўлган турлари, гуруҳлари) ўртасида тақсимланади.

Алоҳида йиғиладиган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгиланган даврга боғлиқ ҳолда давр охиридаги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қолдиғи суммаси ва ушбу даврда чиқиб кетган (асосий пода таркибига ўтказилган, сотилган, текинга берилган ва ҳ.к.) ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар суммаси ўртасида тақсимланади. Чиқиб кетаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга тегишли бўлган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фоизи билан чиқиб кетган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қийматининг қўпайтмаси сифатида аниқланиб, ушбу ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг чиқиб кетиши акс эттирилган счётлар билан билан боғланишда улар акс эттирилган худди ўша счётларда акс эттирилади. Транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фоизи давр бошидаги транспорт-тайёрлов харажатлари қолдиғи ва давр ичида қилинган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаларини давр бошидаги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қолдиғи ва давр ичида келиб тушган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар суммасига бўлиш билан аниқланади.

Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олишнинг қўлланиладиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан

тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 1) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»да ўрнатилган тартибда ақс эттирилиши лозим.

Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олиш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Азамат» фермер хўжалиги йирик шохли қорва молларини, улардан гўшт тайёрлаш ва уларни тирик ҳолатда четга сотиш, шунингдек насл олиш мақсадида асосий подани шакллантириш учун ўстириш ва боқиш билан шуғулланади. Бунинг учун фермер хўжалиги ҳайвонларни жисмоний ва юридик шахслардан харид қилади. Фермер хўжалигининг ҳисоб сиёсатида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олишда алоҳида материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счётлар (1500)дан фойдаланилиши назарда тутилган. 2.1-жадвалда мазкур фермер хўжалиги бўйича ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатларини суммаси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

2.1-жадвал

*Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатларини суммаси тўғрисида «Азамат» фермер хўжалигининг маълумотлари*

Мазмуни	Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қиймати, млн сўмда	Транспорт-тайёрлов харажатлари, млн сўмда
1 Ой бошига қолдиқ	200,0	50,0
2 Ой давомида келиб тушган	400,0	100,0
3 Чиқиб кетган (сотилган, сўйишга берилган, улуш сифатида берилган ва ҳ.к.) ва шу ойда асосий подани шакллантириш учун берилган	500,0	125,0
4 Ой охиридаги қолдиқ (1-қт + 2-қт - 3-қт)	100,0	25,0

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

Ҳисобот ойда чиқиб кетган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бўйича тақсимланиши керак бўлган транспорт-тайёрлов харажатларини суммаси қуйидагидан иборат:

$$\frac{50 \text{ минг сўм} + 100 \text{ минг сўм}}{200 \text{ 000 минг сўм} + 400 \text{ 000 минг сўм}} \times 500 \text{ 000 минг сўм} = 125 \text{ минг сўм.}$$

Мазкур ойдаги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади: инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибда ҳисобга олинган буюмлар — 10 000 сўм, фермер хўжалигининг транспорт бўлими томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 80 400 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 40 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фонди-дан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 9 600 сўм.

Мазкур ойда қиймати 345 000 000 сўм бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар гуруҳи асосий подани шакллантириш учун асосий воситалар таркибига ўтказилган. Қолган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар четга сотилган.

Транспорт-тайёрлов харажатларини ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархига транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётига олиб бориш усулида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар харид қилинганда:

дебет 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти	100 000 сўм;
кредит 1080 «Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счёти	10 000 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	40 400 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	40 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	9 600 сўм;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар асосий пода таркибига ўтказилганда:

дебет 0840 «Асосий подани ташкил қилиш» счёти	86 250 сўм;
кредит 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти	86 250 сўм;

$$\frac{345\,000 \text{ минг сўм}}{500\,000 \text{ минг сўм}} \times 125 \text{ минг сўм} = 86,25 \text{ минг сўм};$$

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар четга сотилганда:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг  
таннархи» счёти 38 750 сўм;

кредит 1510 «Материалларни тайёрлаш ва  
харид қилиш» счёти 38 750 сўм;

$$38\,750 \text{ сўм} = 125\,000 \text{ сўм} - 86\,250 \text{ сўм}.$$

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БХМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га мувофиқ корхонага тегишли ёш ҳайвонлар; боқувдаги катта ёшдаги яйловдаги ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; қуёнлар; асалари онлалари; сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган катта қорамоллар (боқувга қўйилмасдан); сотиш учун аҳолидан қабул қилинган қорамолларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар (1100) гуруҳида очиладиган куйидаги счётларда амалга оширилади: 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар».

Юқорида кўрсатилган ҳайвонларни ўстириш ёки боқиш билан боғлиқ харажатлар, агар чорвачилик асосий фаолият тури ҳисобланса 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида, агар чорвачилик кўшимча хўжалик ҳисобланса 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётида ҳисобга олинади.

Ҳақ эвазига, шу жумладан ўстириш ва боқиш учун харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи қопланадиган (ҳисобга киритишга қабул қилинадиган) солиқлар чегирилган ҳамда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қўшилган ҳолда, шартномага ёки уларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ етказиб берувчи (сотувчи)га тўланадиган сумма тарикасида аниқланади.

**II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма**

Ҳақ эвазига харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини ўстиришдаги ҳайвонларни харид қилиш мисолида кўриб чиқамиз. Чорвачилик билан шуғулланувчи «Азамат» фермер хўжалиги ўстириш ва кейинчалик асосий подани шакллантириш учун «Лочин» от заводидан наслдор от харид қилган. Отни «Азамат» фермер хўжалигигача етказиб беришни «Санжар» транспорт-экспедиторлик фирмаси томонидан амалга оширилган. Отнинг баҳоси — 2 600 000 сўмни, ҚҚС суммаси (баҳодан 20 %) — 580 000 сўмни, транспорт харажатлари 200 000 сўмни ташкил этган. От учун ҳақ тўлаш бўйича шартнома шарти баҳодан 50 % миқдорда, «Санжар» транспорт-экспедиторлик фирмасининг хизматлари учун кўрсатилган суммадан 40 % миқдорда олдидан ҳақ тўлаш.

«Азамат» фермер хўжалиги ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайди, от харид қилиш бўйича ҚҚС суммаси уни таннархига қўшилади.

Отнинг таннархи қуйидагидан иборат:

**3 320 000 сўм = 2 600 000 сўм + 520 000 сўм + 200 000 сўм.**

Олди-сотди шартномаси бўйича харид қилинган отни қирим қилиш «Азамат» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— етказиб бериш (олди-сотди) шартномасида назарда тутилган миқдорда аванс тўловлари амалга оширилганда:

*дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар*

*ва пудратчиларга берилган аванслар»*

*счёти*

*1 300 000 сўм;*

*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти*

*1 300 000 сўм;*

**1 300 000 сўм = 2 600 000 сўм x 50 % / 100;**

— транспорт хизмати кўрсатиш шартномасида назарда тутилган миқдорда аванс тўловлари амалга оширилганда:

*дебет 4330 «Бошқа берилган аванслар» счёти*

*80 000 сўм;*

*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти*

*80 000 сўм;*

**80 000 сўм = 200 000 сўм x 40 % / 100;**

— етказиб бериш шартномаси бўйича от келиб тушганда (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда):

*дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти*

*3 120 000 сўм;*



кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	3 120 000 сўм;
— отни харид қилиш билан боғлиқ транспорт харажатлари суммасига:	
дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	200 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	200 000 сўм;
— «Лочин» от заводига олдин берилган авансларни қоплашга қабул қилиш:	
дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	1 300 000 сўм;
кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти	1 300 000 сўм;
— «Лочин» от заводи билан охириги ҳисоб-китоблар:	
дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	1 820 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	1 820 000 сўм;
— «Санжар» транспорт-экспедиторлик фирмасига олдин берилган авансларни қоплашга қабул қилиш:	
дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	80 000 сўм;
кредит 4330 «Бошқа берилган аванслар» счёти	80 000 сўм;
— «Санжар» транспорт-экспедиторлик фирмаси билан охириги ҳисоб-китоблар:	
дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	120 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	120 000 сўм.

Ҳақ эвазига харид қилинган боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи шаклланиши тартиби ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби ўстиришдаги ҳайвонларникига ўхшаш тартибда амалга оширилади. 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти ўрнига 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти қўлланилади.

Чет эл валютасида харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 22) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби»га ва 2004 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 98-сонли, Иқтисодиёт вазирлигининг 41-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-57-сонли, Марказий банкнинг 257-В-сонли, Давлат статистика қўмитасининг 8-сонли қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 августда 1411-сон билан рўйхатга олинган «Чет эл валютасида ифодаланган операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ аниқланади.

Импорт бўйича харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. Чорвачилик билан шуғулланувчи «Уста Ортик» фермер хўжалиги ўстириш ва кейинчалик асосий подани шакллантириш учун наслдор сигирларни чет эл валютасига харид қилган. Сигирларни шартнома қиймати 3 500 АҚШ долларини (50% олдиндан тўлаш), транспорт харажатлари 1 000 АҚШ долларини (40% олдиндан тўлаш ва счёт-фактура Божхона юк декларациясини тўлдириш санасида тақдим қилинган), суғурта бўйича харажатлар 100 АҚШ долларини (100% олдиндан тўлаш) ташкил этади. Воситачи ташкилотларга комиссия мукофоти 350 000 сўмни ташкил этади. Сертификация харажатлари 25 000 сўмни ташкил қилган. Қуйидаги божхона тўловлари тўланган: божхона божи 5% (мисол тариқасида), ҚҚС 20% ва божхона йиғими 0,2%. Божхона юк декларациясини тўлдириш ва қарздорлик бўйича охириги ҳисоб-китоб санасидаги Марказий банкнинг бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатган курси 1 305 сўм.

Мол етказиб берувчи, транспорт ва суғурта ташкилотлари олдидаги қарзини қоплаш учун ўзининг ваколатли банки орқали бир АҚШ долларининг сўмга нисбати 1 310 сўм бўлган курс бўйича чет эл валютасини харид қилган. Чет эл валютасини сотиб олиш санасида Марказий банкнинг бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатган курси

1 300 сўмни ташкил этган. Валютани конвертация қилиш учун банкнинг комиссияси 0,03 % (мисол тариқасида), ўтказма учун банкнинг комиссияси 0,01 % (мисол тариқасида). Курс фарқларининг ҳисоби тўғри олиб бориш усули билан амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҚҚСни тўловчи ташкилотлар четдан келтирилган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшмайди, балки умумий белгиланган тартибда бюджетга тўлаши лозим бўлган ҚҚСни аниқлашда чегириб боради. ҚҚСни тўловчи бўлмаган ташкилотлар четдан келтирилган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшади. «Уста Ортик» фермер хўжалиги ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайди, импорт қилинган сигирлар бўйича ҚҚС суммаси уларнинг таннархига қўшилади.

Сигирларни таннархини ҳисоблаш учун биринчи навбатда сигирларни шартнома қийматини уларни чет эл валютасида ифодаланган шартнома қийматини божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банки курсига кўпайтириш йўли билан аниқлаймиз, яънининг 3 500 АҚШ доллари x 1 305 сўм = 4 567 500 сўм.

Иккинчи навбатда сигирларни шартнома қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини аниқлаймиз. Божхона тўловлари: божхона божи 228 375 сўм (4 567 500 сўм x 5% / 100), ҚҚС 959 075 сўм [(4 567 500 сўм + 228 375 сўм) x 20% / 100], божхона йиғими 9 135 сўм (4 567 500 сўм x 0,2 % / 100). Харид қийматига қўшиладиган божхона йиғимлари 1 196 685 сўм (228 375 + 959 175 + 9 135)ни ташкил этади.

Учинчи навбатда суғурта бўйича харажатлар ва транспорт харажатларини эквивалентини аниқлаймиз. Транспорт харажатлари 1 305 000 сўм (1 000 АҚШ доллари x 1 305 сўм)ни, суғурта бўйича харажатлар эса 130 500 сўм (100 АҚШ доллари x 1 305 сўм)ни ташкил этади.

Сигирларни харид қиймати қуйидагича бўлади:

**7 574 185 сўм** = 4 567 500 + 1 196 685 + 1 305 000 + 130 000 + 350 000 + 25 000.

Олди-сотди шартномаси бўйича сигирларни харид қилиш билан боғлиқ операциялар «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— чет эл валютасини сотиб олиш учун харид кунига бўлган валюта бозоридаги битим курси бўйича ҳисоб-китоб счётидан сўм маблағларини ўтказиш (кўчириш):

II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма

дебет 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти 6 026 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 6 026 000 сўм;  
6 026 000 сўм = 4 600 АҚШ доллари x 1 310 сўм;

— чет эл валютаси харид қилинганда:

дебет 5220 «Мамлакат ичидаги валюта  
счётлари» счёти 5 980 000 сўм;

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан  
зарарлар» счёти 46 000 сўм;

кредит 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти 6 026 000 сўм;

5 980 000 сўм = 4 600 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

46 000 сўм = 6 026 000 сўм - 5 980 000 сўм;

6 026 000 сўм = 4 600 АҚШ доллари x 1 310 сўм;

— етказиб бериш (олди-сотди) шартномасида назарда тутилган миқ-  
дорда аванс тўловлари амалга оширилганда:

дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб  
берувчилар ва пудратчиларга берилган  
аванслар» счёти 2 275 000 сўм;

кредит 5220 «Мамлакат ичидаги валюта  
счётлари» счёти 2 275 000 сўм;

1 750 АҚШ доллари = 3 500 АҚШ доллари x 50 % / 100;

2 275 000 сўм = 1 750 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

— транспорт хизмати кўрсатиш шартномасида назарда тутилган миқ-  
дорда аванс тўловлари амалга оширилганда:

дебет 4330 «Бошқа берилган аванслар» счёти 520 000 сўм;

кредит 5220 «Мамлакат ичидаги валюта  
счётлари» счёти 520 000 сўм;

400 АҚШ доллари = 1 000 АҚШ доллари x 40 % / 100;

520 000 сўм = 400 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

— суғурта шартномасида назарда тутилган миқдорда суғурта бўйи-  
ча харажатлар тўлови (аванс тўлови) амалга оширилганда:

дебет 3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи»  
счёти 130 000 сўм;

кредит 5220 «Мамлакат ичидаги валюта  
счётлари» счёти 130 000 сўм;

130 000 сўм = 100 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

— етказиб бериш шартномаси бўйича мол етказиб берувчилардан  
сигирлар келиб тушганда:

дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти 7 574 185 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва  
пудратчиларга тўланадиган счётлар»  
счёти 4 567 500 сўм;

— шартномада назарда тутилган баҳо бўйича ҳақиқат-  
да келиб тушган сигирлар суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти 1 196 685 сўм;

— божхона тўловлари суммасига;

кредит 3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи»  
счёти 130 000 сўм;

— суеурта бўйича харажатлар суммасига;

кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 1 680 000 сўм;

— суеурта бўйича харажатлар ташқари харид билан  
боғлиқ бошқа харажатлар суммасига;

— баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш

дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар  
ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти 8 750 сўм;

дебет 4330 «Бошқа берилган аванслар» счёти 2 000 сўм;

дебет 5220 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари»  
счёти 11 750 сўм;

кредит 9540 «Валюта курси фарқидан даромадлар»  
счёти 22 500 сўм;

2 275 000 сўм = 1 750 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

2 283 750 сўм = 1 750 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

8 750 сўм = 2 283 750 сўм - 2 275 000 сўм;

520 000 сўм = 400 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

522 000 сўм = 400 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

2 000 сўм = 522 000 сўм - 520 000 сўм;

2 350 АҚШ доллари = 4 600 - 1 750 - 400 - 100;

3 055 000 сўм = 2 350 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

3 066 750 сўм = 2 350 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

11 750 сўм = 3 055 000 сўм - 3 066 750 сўм;

22 500 сўм = 8 750 сўм + 2 000 сўм + 11 750 сўм;

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

— сигирларни етказиб берувчиларга олдин берилган авансларни қоплашга қабул қилиш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва  
пудратчиларга тўланадиган счётлар»  
счёти 2 283 750 сўм

кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб  
берувчилар ва пудратчиларга берилган  
аванслар» счёти 2 283 750 сўм;

2 283 750 сўм = 1 750 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

— транспорт ташкилотига олдин берилган авансларни қоплашга қабул қилиш:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 522 000 сўм

дебет 4330 «Бошқа берилган аванслар» счёти 522 000 сўм;

522 000 сўм = 400 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

— мол етказиб берувчилар ва транспорт ташкилоти билан охириги ҳисоб-китоблар:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва  
пудратчиларга тўланадиган счётлар»  
счёти 2 283 750 сўм

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 783 000 сўм

кредит 5220 «Мамлакат ичидаги валюта  
счётлари» счёти 3 066 750 сўм;

2 283 750 сўм = 1 750 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

783 000 сўм = 600 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

3 066 750 сўм = 2 350 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

— валюталарни конвертация қилиш ва валютани ўтказиш бўйича банкнинг комиссиясига харажатлар:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»  
счёти 240 120 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 240 120 сўм;

138 АҚШ доллари = 4 600 АҚШ доллари х 0,03 % / 100;

180 090 сўм = 138 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

46 АҚШ доллари = 4 600 АҚШ доллари х 0,01 % / 100;

60 030 сўм = 46 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

240 120 сўм = 180 090 сўм + 60 030 сўм;

— бюджет, воситачи ташкилотлар олдидаги ва сертификация бўйича қарзларни қопланиши:

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти	1 196 685 сўм
дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	375 000 сўм
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	1 571 685 сўм;
375 000 сўм = 350 000 сўм + 25 000 сўм;	
1 571 685 сўм = 1 196 685 сўм + 375 000 сўм.	

Қуйидаги ҳолларда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ташкилот томонидан амалга оширилса ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи тегишли харажатлар суммасига ошади:

— таъсисчилардан ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши;

— таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушганда;

— текинга (ҳадя шартномасига мувофиқ) келиб тушганда;

— айирбошланганда.

Ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига мувофиқ мулкдор хусусий корхонанинг устав капиталига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддасига мувофиқ жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшилаётган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади. Шу билан бирга «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 33-модда-

си жамиятни таъсис этиш чоғида акцияга тўланадиган ҳақ сифатида топшириладиган мол-мулкнинг пулдаги баҳоси муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ чиқарилишини аниқлайди. Агар жамиятнинг шу йўсинда сотиб олинаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида топшириладиган мол-мулкнинг пулдаги баҳосини мустақил нархловчи чиқариши керак.

Шунинг учун ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннарихи, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосига асосан аниқланади.

Шу билан бирга оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларнинг акциялар номинал қийматидан ошган миқдори, яъни акцияларни дастлабки сотишда номинал қийматидан юқори баҳода олинган эмиссион даромад, шунингдек устав капиталини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган курс фарқларни суммаси кўринишидаги қўшилган капитал мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар қўшилган капитал таркибида ҳисобга олинишига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннарихи шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг устав капитали 50 000 000 сўм қилиб рўйхатдан ўтказилган. Таъсис ҳужжатларида мувофиқ фермер хўжалигини раҳбари устав капиталига улуш сифатида қиймати 30 000 000 сўм бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар (сигирлар, буқалар, қўйлар ва бошқа ҳайвонлар)ни ва 20 000 000 сўм суммадаги пул маблағларини киритиши керак.

Иккита ҳолатни (таъсис ҳужжатларда назарда тутилганга нисбатан устав капиталига улушни миқдори ва харид қилиш билан боғлиқ харажатларни амалга оширилишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

#### ***I-ҳолат***

«Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг таъсисчиси устав капиталига улуш сифатида қиймати 30 000 000 сўм бўлган ўстиришдаги ҳайвон-



лар (сигирлар, буқалар, қўйлар ва бошқа ҳайвонлар)ни киритди. Ўстиришдаги ҳайвонларни «Уста Ортиқ» фермер хўжалигигача етказиб бериш харажатларини таъсисчи ўз кучи билан амалга оширди.

«Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан келиб тушган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— корхона рўйхатга олинаётганда устав капитали суммасига:

дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	50 000 000 сўм;
кредит 8330 «Пай ва улушлар» счёти	50 000 000 сўм;

— устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар келиб тушганда:

дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	30 000 000 сўм;
кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	30 000 000 сўм.

## 2-ҳолат

«Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг таъсисчиси устав капиталига улуш сифатида қиймати 31 000 000 сўм бўлган ўстиришдаги ҳайвонлар (сигирлар, буқалар, қўйлар ва бошқа ҳайвонлар)ни киритди. Фермагача етказиб беришни фермер хўжалигининг ишчилари амалга оширди. Ўстиришдаги ҳайвонларни фермагача етказиб бериш харажатлари қуйидагилардан иборат: ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм.

Ушбу ҳолатда ҳайвонларнинг таннархи қуйидагича бўлади:

$31\,062\,000 \text{ сўм} = 31\,000\,000 \text{ сўм} + 50\,000 \text{ сўм} + 12\,000 \text{ сўм}$ .

«Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан келиб тушган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— корхона рўйхатга олинаётганда устав капитали суммасига:

дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	50 000 000 сўм;
кредит 8330 «Пай ва улушлар» счёти	50 000 000 сўм;

— устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар келиб тушганда:

II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма

дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	31 062 000 сўм;
кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчилар- нинг улушлари бўйича қарзи» счёти	31 062 000 сўм;
кредит 8530 «Текинга олинган мулк» счёти	1 000 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	50 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамеармала- рига тўловлар» счёти	12 000 сўм.

Таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи, агар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосига асосан аниқланади.

Олинаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қиймати бошқа корхонанинг устав капиталидаги улуши бўйича қарз суммасидан юқори бўлган ҳолларда, фарқ таъсисчилар таркибидан чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан қопланади.

Бошқа корхонанинг устав капиталидаги улуши бўйича қарз суммаси олинаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қиймати юқори бўлган ҳолларда, фарқ бераётган ташкилот томонидан қопланади.

Таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида ақс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Уста Ортик» фермер хўжалигини «Фаррух» МЧЖни устав капиталида суммаси 10 000 000 сўм бўлган улуши мавжуд. «Уста Ортик» фермер хўжалиги таъсисчилари таркибидан чиқиб кетмокчи. «Фаррух» МЧЖнинг таъсисчиларининг қарорига мувофиқ «Уста Ортик» фермер хўжалиги устав капиталидаги улушини боқувдаги ҳайвонлар билан олади.

Учта ҳолатни (таъсис улуши қайтарилганда келиб тушган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қийматидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### 1-ҳолат

«Уста Ортик» фермер хўжалиги олдин «Фаррух» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасига тенг бўлган қиймати 10 000 000 сўмлик боқувдаги ҳайвонларни олади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олдин бошқа корхонани устав капиталига киритилган мол-мулкни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ташкилотнинг «Фаррух» МЧЖнинг устав капиталига олдин киритган таъсис улуши суммасига:  
*дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 10 000 000 сўм;*  
*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти 10 000 000 сўм;*

— узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган «Фаррух» МЧЖнинг устав капиталидаги улушнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти 10 000 000 сўм;*  
*кредит 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти 10 000 000 сўм;*

— олдин «Фаррух» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасига тенг бўлган қиймат бўйича боқувдаги ҳайвонлар келиб тушганда:  
*дебет 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти 10 000 000 сўм;*  
*кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 10 000 000 сўм.*

### 2-ҳолат

«Уста Ортик» фермер хўжалиги олдин «Фаррух» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан юкори бўлган қиймати 12 500 000 сўмлик боқувдаги ҳайвонларни олади ва 2 500 000 сўмни пул маблағлари билан қайтариши керак.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олдин бошқа корхонани устав капиталига киритилган мол-мулкни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ташкилотнинг «Фаррух» МЧЖнинг устав капиталига олдин киритган таъсис улуши суммасига:  
*дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 10 000 000 сўм;*

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 10 000 000 сўм;

— узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган «Фаррух» МЧЖнинг устав капиталидаги улушнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 10 000 000 сўм;

кредит 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвести-  
циялар» счёти 10 000 000 сўм;

— олдин «Фаррух» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан юқори бўлган қиймат бўйича боқувдаги ҳайвонлар келиб тушганда:

дебет 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти 10 000 000 сўм;

кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 10 000 000 сўм;

кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 2 500 000 сўм;

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олинган мол-мулкнинг қиймати олдин «Фаррух» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан юқори бўлганлиги ҳисобига юзага келган қарз суммасини ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан қопланиши:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 2 500 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 2 500 000 сўм.

### 3-ҳолат

«Уста Ортик» фермер хўжалиги олдин «Фаррух» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан кам бўлган қиймати 9 250 000 сўмлик боқувдаги ҳайвонларни олади ва қўшимча 750 000 сўм пул маблағлари олади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олдин бошқа корхонани устав капиталига киритилган мол-мулкни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ташкилотнинг «Фаррух» МЧЖнинг устав капиталига олдин киритган таъсис улуши суммасига:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 10 000 000 сўм;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 10 000 000 сўм;

— узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган «Фаррух» МЧЖнинг устав капиталидаги улушнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	10 000 000 сўм;
кредит 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти	10 000 000 сўм;

— олдин «Фаррух» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан кам бўлган қиймат бўйича боқувдаги ҳайвонлар келиб тушганда:

дебет 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	9 250 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	9 250 000 сўм;

— олдин «Фаррух» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммаси бўйича қарзни юқори бўлганлиги ҳисобига юзага келган қарз суммасини қоплаш учун ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	750 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	750 000 сўм.

Ташкилот томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 4) «Товар-моддий захиралари»га мувофиқ жорий қиймат — бу маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича товар-моддий захираларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган суммадир.

Ташкилот томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархини шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Уста Азимбой» фермер хўжалиги наслчилик фаолиятини ривожлантириш учун «Уста Ортиқ» фермер

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

хўжалигига 100 та наслдор ғоз ва 10 та наслдор букани текинга берди. Ғозлар ўстиришдаги ҳайвонлар сифатида, буқалар эса боқувдаги ҳайвонлар сифатида кирим қилинган. Ғозларнинг жорий қиймати 4 500 000 сўмга тенг, буқаларники эса — 3 820 000 сўм.

Текинга (ҳада шартномаси бўйича) келиб тушган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг кирим қилиш «Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>4 500 000 сўм;</i>
<i>дебет 1110 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>3 820 000 сўм;</i>
<i>кредит 8530 «Текинга олинган мулк» счёти</i>	<i>8 320 000 сўм.</i>

Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча (ҳисобга олинмаган) ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи улар аниқланган санадаги жорий қийматдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча (ҳисобга олинмаган) ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қийматини кирим қилиш бошқа операцион даромадлар сифатида 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счётида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар (1100) билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча (ҳисобга олинмаган) ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархини шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Уста Ортиқ» фермер хўжалиги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни инвентаризациясини ўтказди ва инвентаризация натижасида ортиқча (ҳисобга олинмаган) ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг борлиги аниқланди. Мазкур ортиқчалар ўстиришда бўлган 10 та жўжа ва бўрдоқига боқилаётган битта қўйдан иборат. Жўжаларнинг ҳар бирининг жорий қиймати 1 250 сўм, қўйники эса 95 000 сўм.

Инвентаризация натижасида аниқланган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни кирим қилиниши «Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>12 500 сўм;</i>
<i>дебет 1110 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>95 000 сўм;</i>
<i>кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти</i>	<i>107 500 сўм.</i>

Конун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

— худди шундай ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга айирбош-лаш йўли билан олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи берилган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг баланс қий-матига тенг;

— худди шундай бўлмаган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга айирбошлаш йўли билан олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвон-ларнинг таннархи берилган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг жорий қийматига тенг.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қўшимча тўлов билан айир-бошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи берилган ўстиришдаги ва боқув-даги ҳайвонларнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (ка-майтирилган) жорий қийматига тенг.

Конун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўлов-ни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда ту-тиладиган шартномалар бўйича олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳай-вонларнинг таннархи деб ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган активларнинг жорий қиймати ёки бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг жорий қиймати тан олинади.

Ташкилот томонидан берилган ёки бериладиган активларнинг қий-матини белгилаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, мажбурият-ларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш-ни назарда тутадиган шартномалар бўйича ташкилот томонидан олин-ган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи шунга ўхшаш вазиятларда худди шундай ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар харид қилинадиган жорий қийматдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Айирбошлаб олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни кир-им қилиш бухгалтерия ҳисобида мазкур Услубий қўлланманинг 6-параграфида назарда тутилган тартибда акс эттирилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар битта умумий суммага харид қилинган ҳолларда жами харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлардан ҳар бирининг таннархи ушбу суммани алоҳида ўстириш-даги ва боқувдаги ҳайвонларнинг жорий қийматига мутаносиб равиш-да тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бу ерда, агар ташкилот битта келишилган қийматга бухгалтерия ҳисобида алоҳида-алоҳида объект

сифатида идентификация қилинадиган бир нечта гуруҳ ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилса, битта умумий суммага харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳар бири кирим қилиниши лозим бўлган таннарх, яъни қиймати ҳар бир объектнинг бозор (жорий) қийматининг харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг умумий бозор қийматидаги улушидан келиб чиқиб аниқланиши назарда тутилган.

Битта умумий суммага харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархини шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. 2008 йилнинг 15 феввалида «Уста Ортиқ» фермер хўжалиги «Тезкор» АЖдан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан бирга умумий қиймати 450 000 000 сўм бўлган мулк мажмуасини (фермани) харид қилди. Бундан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг умумий қиймати 125 000 000 сўмни ташкил этади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таркиби қуйидагилардан иборат: ўстиришда бўлган ғунажинлар, қўйлар, ғозлар, ўрдақлар, шунингдек бўрдоқига боқилаётган отлар, буқалар ва сигирлар. Харид бўйича барча сумма 2008 йилнинг 25 феввалида ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан тўланган. Баҳоловчи компаниянинг хулосасига мувофиқ ҳар бир гуруҳ ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қуйидагича баҳоланган: ғунажинлар — 19 000 000 сўм, қўйлар — 16 500 000 сўм, ғозлар — 1 700 000 сўм, ўрдақлар — 1 600 000 сўм, отлар — 6 900 000 сўм, буқалар — 43 500 000 сўм, сигирлар — 37 500 000 сўм.

Баҳоловчи компаниянинг хулосасидан келиб чиқиб ҳар бир гуруҳ ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг бозор қийматини харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг умумий бозор қийматидаги улушини қийинчиликсиз аниқлаш мумкин ва бу қуйидаги кўри-нишга эга бўлади:



2.2-жадвал

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар гуруҳи	Бозор қиймати (сўм)	Улуши (%)	Ҳисоблаш
Фунажинлар	19 000 000	14,9	$19\,000\,000 / 126\,700\,000 \times 100$
Қўйлар	16 500 000	13,0	$16\,500\,000 / 126\,700\,000 \times 100$
Ғозлар	1 700 000	1,4	$1\,700\,000 / 126\,700\,000 \times 100$
Ўрдақлар	1 600 000	1,3	$1\,600\,000 / 126\,700\,000 \times 100$
Отлар	6 900 000	5,4	$6\,900\,000 / 126\,700\,000 \times 100$
Буқалар	43 500 000	34,4	$43\,500\,000 / 126\,700\,000 \times 100$
Сигирлар	37 500 000	29,6	$37\,500\,000 / 126\,700\,000 \times 100$
<b>Жами:</b>	<b>126 700 000</b>	<b>100,0</b>	

Харид қилинган ҳар бир гуруҳ ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

2.3-жадвал

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар гуруҳи	Таннархи (сўм)	Бозор қийматининг улуши (%)	Ҳисоблаш
Фунажинлар	18 625 000	14,9	$125\,000\,000 \times 14,9 / 100$
Қўйлар	16 250 000	13,0	$125\,000\,000 \times 13,0 / 100$
Ғозлар	1 750 000	1,4	$125\,000\,000 \times 1,4 / 100$
Ўрдақлар	1 625 000	1,3	$125\,000\,000 \times 1,3 / 100$
Отлар	6 750 000	5,4	$125\,000\,000 \times 5,4 / 100$
Буқалар	43 000 000	34,4	$125\,000\,000 \times 34,4 / 100$
Сигирлар	37 000 000	29,6	$125\,000\,000 \times 29,6 / 100$
<b>Жами:</b>	<b>125 000 000</b>		

**II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ операциялар «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилардан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар келиб тушганда:

дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	38 250 000 сўм;
дебет 1110 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	86 750 000 сўм;
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	125 000 000 сўм;

— харид қилинган мулк мажмуаси (ферма) бўйича «Тезкор» АЖнинг қарзлари қопланганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	450 000 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	450 000 000 сўм.

Асосий подадан чиқарилган ва бўрдоқига боқила бошлаган ҳайвонлар ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар сифатида уларнинг баланс қиймати бўйича қирим қилинади.

Асосий подадан чиқарилган ҳайвонларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари мазкур Услубий қўлланманинг 7-параграфидида кўриб чиқилган.

Ташкилотга тегишли, бироқ йўлда бўлган ёки харидорга гаровга берилган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бухгалтерия ҳисобига кейинчалик таннархига аниқлик киритиш билан шартномада назарда тутилган баҳода қабул қилинади.

**2.3. Ташкилотнинг ўзида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлардан олинган наслларнинг таннархи шаклланиши тартиби**

Ташкилотнинг ўзида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлардан олинган наслларнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита

меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Бевосита харажатлар бу — алоҳида бир тур товар-моддий захира-ларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) жара-ёни билан бевосита боғлиқ бўлган ва уларнинг бир бирлиги таннархи-га олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатларидир.

Билвосита харажатлар бу — бир нечта тур товар-моддий захира-ларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) жара-ёни билан боғлиқ бўлган, маълум бир тур товар-моддий захиралари-нинг бир бирлиги таннархига тўғридан-тўғри олиб бўлмайдиган ва на-тижада улар ўртасида тақсимланадиган ҳамда уларнинг бир бирлиги таннархига тақсимлаш йўли билан олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатларидир.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ишлаб чиқариш таннар-хини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар бўйича гуруҳларга ажратилади:

а) ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари;

б) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш ха-ражатлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари;

в) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва но-моддий активлар амортизацияси;

г) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Сотиш харажатлари, ташкилотни бошқариш бўйича умумий хара-жатлар (маъмурий харажатлар), бошқа операцион харажатлар, молия-вий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда зарарлар ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ишлаб чиқариш таннар-хига қўшиладиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъ-камасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқлан-ган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш хара-жатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тар-тиби тўғрисида Низомга мувофиқ аниқланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қирим қилишда баҳоси қуй-идаги тартибда аниқланади:

а) сут йўналишидаги қорамолчиликдаги бузоқлар — олинган насл-нинг ҳақиқий таннархи бўйича. Бир бош наслнинг ҳақиқий таннархи

(бахоси) сут берувчи сигирлар ва наслдор буқаларни боқиш харажатларидан қўшимча махсулотларнинг қиймати чегирилган ҳолда аниқланади. Бунда қўшимча махсулотнинг қиймати айирилгандан кейин қолган сумма сутга 90 % ва наслга 10% мутаносиб равишда олиб борилади;

б) гўшт йўналишидаги қорамолчиликдаги бузоқлар — бузоқнинг тирик вазни ва сут эмизишдан ажратилган бузоқларнинг бир килограммининг ҳақиқий таннархидан келиб чиқиб;

в) чўчка болалари — туғилгандаги тирик вазни ва сут эмизишдан ажратилган чўчка болаларининг бир килограммининг ҳақиқий таннархидан (қўшилган махсулотлар қиймати чегирилган умумий харажатлар суммасини чўчкаларнинг тирик вазнининг ўсиши миқдорига олинган наслнинг туғилгандаги тирик вазини қўшилган суммага бўлиб аниқланади) келиб чиқиб;

г) қўзилар — таннархни ҳисоблашда қабул қилинган баҳоларда (асосий подадаги қўиларни сақлаб туриш харажатларининг умумий суммасининг жун-гўшт ва гўшт-жун етиштириш учун қўй боқишда 10 %, роман турдаги қўиларни боқишда 12%, қорақўлчиликда 15 % миқдорда);

д) мўйнали ёввойи ҳайвонлар — ёш ҳайвон туғилган кундаги битта бошни ҳақиқий баҳосининг 50 % га тенг бўлган шартли баҳоларда;

е) қулонлар — ёши катта бир бошни сақлаб туришнинг 60 озуқа кунининг ҳақиқий таннархи миқдорда;

ж) жўжалар, ўрдакчалар, розчалар, куркачалар (бир кунлик паррандалар) — инкубация таннархига мувофиқ бир бошнинг ҳақиқий таннархи бўйича;

з) янги асалари оилалари — ҳақиқий таннархига мувофиқ баҳоларда ҳисобга қабул қилинади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари»да белгиланган усуллар билан амалга оширилади.

#### 2.4. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг тирик вазни ортишини аниқлаш

Ҳисобот йили давомида ёш ҳайвонлар бошқа жинс-ёши гуруҳларга ёки асосий подага ўтказилганда уни йил бошидаги қиймати парвариш харажатларига ва 1 ц тирик вазнини ўсиши ёки ҳар ойда ўтказиш вақтидаги ҳисобий ўсиш аниқланадиган ҳайвонлар бўйича 1 озуқа кундан келиб чиқиб ҳисобланадиган режа таннархига қўлайган ҳолда баҳоланади.

Боқувдаги ҳайвонларнинг тирик вазни ўстириш ва боқиш натижасида ошади, шунинг учун ҳайвонлар тирик вазнининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда қўшимча баҳоланади.

Тирик вазнининг ўсиши ҳайвонлар бириктирилган моддий жавобгар шахслар бўйича турлари ва ҳисоб-ишлаб чиқариш гуруҳлари бўйича аниқланади. Бунинг учун мазкур гуруҳ ҳайвонларининг ҳисобот даври охирида белгиланган тирик вазнига мазкур ёшдаги гуруҳдан ҳисобот даври мобайнида чиқиб кетган ҳайвонларнинг тирик вазни қўшилади ва мазкур гуруҳга тегишли ҳисобот даврида келиб тушган ҳайвонларнинг тирик вазни ҳамда ҳисобот даври бошида мавжуд бўлган ҳайвонларнинг тирик вазни айирилади. Олинган натижа ҳисобот даври мобайнида ўстиришда ёки боқувда ва яйловда бўлган ҳайвонларнинг ёш гуруҳи бўйича тирик вазнининг ўсишини акс эттиради.

Қўшимча баҳолаш суммаси 1 ц ўсишнинг режа таннархини ҳайвонларнинг ҳар бир тур ва жинс-ёш гуруҳи бўйича ўсиш (ц) сонига қўлайтириш йўли билан аниқланади. Тирик вазнини ўсиши аниқланмайдиган ҳайвонларнинг ҳар бир тур ва жинс-ёш гуруҳи бўйича қўшимча баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

а) наслчилик йўналишидаги йилкичиликдаги қулунлар, шунингдек кўзилар, куёнлар, ёш мўйнали ёввойи ҳайвонлар — сут эмишдан ажратиш ва боқиш бошлаганда сут эмишдан ажратгунча бўлган тўлик режа таннархи бўйича (қолганлар режа суммасидан 50 %);

б) сут эмишдан ажратилган кўзилар — танлаб олиб тортиб кўриш билан аниқланадиган тирик вазни ўсишидан келиб чиқиб;

в) ишчи биялардан олинмайдиган қулонлар, шунингдек ёш ёввойи ҳайвонлар, куёнлар, паррандаларни ўсиши уларни ташкилотда боқилган кунлари сони ва 1 кунлик боқишнинг режа таннархидан келиб чиқиб. Катта ёшдаги паррандалар, куёнлар ва ёввойи ҳайвонлар қайта баҳо-

ланмайди. Уларни бокиш қиймати улардан олинadиган маҳсулотлар (тухум, тери)га олиб бoрилади.

Ўсиш ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган (қўйлар, эчкилар, паррандалар, қуёнлар) ёки ўсиш ҳисобга олинмайдиган (қулонлар, ёш туялар ва эшаклар, ёввойи ҳайвонлар) ёш ҳайвонлар бўйича ўсиш қиймати ҳар ойда озуқа-қунини ҳақиқий сони ва озуқа-қунидан келиб чиқиб ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган режа таннархи бўйича ҳисобланади.

Қўйлар, эчкилар, паррандалар, қуёнларнинг (ихтисослаштирилмаган ташкилотларда) ўсиши ёш гуруҳлари бўйича танлаб олиш йўли билан ўрнатилadиган тирик вазнидан келиб чиқиб аниқланади.

Бунинг учун зоотехник ферма мудирини ёки бригадир билан бирга белгиланган сондаги ҳайвонлар ва паррандаларни бош сонини (5 % дан кам бўлмаган) алоҳида ажратиб олади ва оғирлигини тортади. Ҳар бир ёш гуруҳларидан шу ёш гуруҳларига ўртача мансуб келадиганлари танлаб олинади.

Ундан кейин оғирлиги тортилган ҳайвонлар ва паррандаларнинг умумий тирик вазнини оғирлиги тортилганларнинг бош сонига бўлиш йўли билан ҳар бир ёш гуруҳи бўйича алоҳида оғирлиги тортилган бир бошнинг ўртача тирик вазни аниқланади.

Кейин бир бошнинг ўртача тирик вазни мазкур ёш гуруҳидаги ҳайвонларнинг умумий сонига кўпайтирилади ва шу йўл билан барча гуруҳлар бўйича йил (квартал) охиридаги бош сонининг тирик вазни аниқланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг оғирлигини тортиш ва тирик вазнини ортиши кейинги катта ёшдаги гуруҳга ўтказилган, асосий подага ўтказилган, асосий подадан чиқарилган, нобуд бўлган, сўйилган, давлатга сотилган ва бошқа турли сотиш ҳолларида ҳам амалга оширилади.

Йил охирида олинган насл ва тирик вазнини ўсиши таннархи ҳисобот калькуляциясидан келиб чиқиб тўғриланади. Агар ҳисоботдаги таннархдан юқори бўлса қийматига қўшимча қўшиш бўйича ёзув қилинади, агар паст бўлса тўғриловчи ёзув амалга оширилади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар йил охирида йиллик бухгалтерия балансида ҳақиқий таннархи бўйича баҳода акс эттирилади.

Чорвачилик асосий фаолият тури ҳисобланадиган ташкилотларда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни парваришlash ва бокиш бўйи-

ча харажатлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида ҳисобга олинади. Чорвачилик асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган, балки қўшимча ишлаб чиқариш ҳисобланадиган саноат ва бошқа ташкилотларда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни парваришlash ва боқиш бўйича харажатлар 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётида ҳисобга олинади.

Насл сифатида олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ёш ҳайвонлар 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счётининг дебетига ва насл олинган ҳайвонларни саклаш харажатларини парваришлар ва боқишни режа таннархи бўйича ҳисобга олувчи 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётларининг кредитидан кирим қилинади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ортган вазни қиймати хар ойда 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счётларининг дебетига ушбу ҳайвонларни парваришlash ва боқиш харажатларини парваришлар ва боқишни режа таннархи бўйича ҳисобга олувчи 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётларининг кредитидан ўтказилади. Йил охирида кўрсатилган счётлар бўйича йил давомида парваришlashнинг режа таннархи бўйича қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қўшилган вазни ёки ўсиш қийматини парваришlashнинг хақиқий таннархигача ўзгартирувчи ёзув амалга оширилади.

Асосий подага ўтказиладиган ўстиришдаги ва боқувдаги ёш ҳайвонлар 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счётидан 0840 «Асосий подани ташкил этиш» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Бир вақтнинг ўзida ёш ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилишида 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счёти дебетланади ва 0840 «Асосий подани ташкил этиш» счёти кредитланади.

### **3-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг келиб тушиши, ички ҳаракати ва чиқиб кетишини бошланғич хужжатларда ҳисоби**

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликда барча хўжалик операцияларини бошланғич хужжатлар билан расмийлаштириш бўйича талаб мавжуд. Хўжалик операцияларини бошланғич хужжатлар билан

## ***II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма***

расмийлаштириш жараёнини ҳужжатлаштириш деб номлаш қабул қилинган. Ҳужжатлаштириш ёрдамида ҳўжалик операциялари амалга оширилган пайтда ва улар содир этилгандан жойда ёппасига акс эттириш амалга оширилади. Шундай қилиб, ҳужжатлаштириш бу барча ёзувлар бошланғич ҳужжатларга асосан амалга ошириладиган бухгалтерия ҳисобининг ажралиб турадиган усулларидан биридир.

Корхоналарда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бўйича операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини қайд этадиган ва уларни амалга ошириш учун фармойиш берадиган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади. Корхоналарда бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳўжалик операциялари амалга оширилган пайтда ёки улар содир этилгандан сўнг дарҳол (кечиктирмасдан) тузилади.

Корхоналарда тузиладиган бошланғич ҳужжатларнинг мажбурий реквизитлари, уларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, шунингдек ҳужжатлар айланмасини амалга ошириш тартиби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низомга мувофиқ тартибга солинади.

Белгиланган шаклда тузилган, барча мажбурий реквизитларга эга бўлган ва ҳақиқатда содир этилган ҳамда қонуний ҳўжалик операциясини тўғри акс эттирадиган ҳужжат тўлақонли ҳужжат ҳисобланади. Ушбу талабларни қондирмайдиган ҳужжат тўлақонли ҳисобланмайди, у ҳисобга қабул қилинмаслиги керак. Тасдиқланган бирхиллаштирилган шакллар мавжуд бўлмаса, ташкилот шаклларни мустақил равишда ишлаб чиқиши мумкин.

### ***3.1. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ташкилотга келиб тушиши***

Аналитик ҳисоб учун ташкилотларда, бўлинмада ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг мавжудлиги, келиб тушиши ва чиқиб кетишини ҳисобга олиш бўйича асосий бошланғич ҳужжат бўлиб «Ўсти-





ришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл) ҳисобланади.

«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари»ни (301-АСМ-сон шакл) моддий жавобгар шахслар (ферма мудирилари, бригадирлар ва х.к.) бир нусхада ҳайвонларнинг жинс-ёш гуруҳлари бўйича юритадилар. «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл)даги ёзувлар ҳар куни ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш, бош сони ва уларнинг тирик вазни бўйича бошланғич ҳужжатлар асосида қайд этилади.

«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл) икки қисмдан иборат: қирим ва чиқим. Ой охирида «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл)да яқунлар чиқарилади, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича уларни сақлаб туришнинг боқиш кунлари миқдори ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслардан харид қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар товар-транспорт юкхатлари ва счёт-фактуралар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари, ветеринария, насл гувоҳномалари ва бошқа ҳужжатлар асосида қирим қилинади.

Счёт-фактуранинг шакли ва уни тўлдириш тартиби 2007 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 111-сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007-66-сонли «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатга олинган.

Аҳолидан қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қабул қилиш ҳамда ҳисобга олишни расмийлаштириш учун мазкур Услубий қўлланманинг 2-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Аҳолидан қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қабул қилиш-топшириш қайдномаси» (КХ-40-сон шакл) қўлланилади.

«Аҳолидан қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қабул қилиш-топшириш қайдномаси» (КХ-40-сон шакл)ни ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қабул қилувчи ҳисобланган ходим бир нусхада бошланғич ҳужжатларда қайд этилган ёзувлар асосида тузади. «Аҳолидан қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қабул қилиш-топшириш қайдномаси» (КХ-40-сон шакл)да топширув-

чининг фамилияси, исми шарифи, ундан қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг миқдори, уларнинг семизлик даражаси, тирик вазни, нархи ва тўланадиган сумма кўрсатилади.

«Аҳолидан қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қабул қилиш-топшириш қайдномаси» (ҚХ-40-сон шакл) топширувчиларга тегишли суммани бериш учун асос ҳисобланади. Пул маблағларини бериш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ташкилотнинг фермасида ҳайвонлардан олинган насли ва кўпайишдаги янги асалари оилаларини расмийлаштириш учун мазкур Услубий қўлланманинг 3-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Ҳайвонлардан олинган насли кириш қилишнинг далолатномаси» (ҚХ-39-сон шакл) қўлланилади.

Далолатнома икки нусхада насл олинган кундан кечиктирмасдан тузилади. Далолатнома ҳар бир тур ҳайвондан олинган насл бўйича алоҳида-алоҳида тузилади. Далолатномада ҳайвонлар бириктирилган шахснинг фамилияси, исми шарифи, насл олинган ҳайвоннинг лақаби ёки рақами кўрсатилади, олинган наслнинг ажралиб турадиган белгилари (ранги, лақаби ва х.к.) бўйича белгилаб қўйиш амалга оширилади, насл олинганлигини тасдиқловчи шахснинг имзоси қўйилади ва алоҳида ўлик тузилганлар кўрсатиб борилади.

Расмийлаштирилган далолатнома «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл)да фермадаги зоотехник ҳисоб ва ёзувлар учун ишлатилади. Далолатноманинг бир нусхаси у тузилгандан кейинги кун бевосита бухгалтерияга тақдим этилади. «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл)га ёзувни амалга оширишга асос бўлган далолатноманинг нусхаси ҳам ойнинг охирида «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (ҚХ-51-сон шакл) билан бирга бухгалтерияга келиб тушади.

Мазкур далолатномалар ўзининг асосий мақсади, яъни ҳайвонлар бош сони ҳисобидан ташқари бухгалтерия томонидан иш ҳақи ҳисоблаш учун ҳам ишлатилади.

Қоракўл қўйчилигида бригадир (ҳисобчи) ва сараловчи томонидан ҳар ўтган кун учун ҳар бир подада кўзилаштириш бориши тўғрисидаги барча маълумотлар икки нусхада тузиладиган «Ҳайвонлардан олинган насли кириш қилишнинг далолатномаси» (ҚХ-39-сон шакл)да ёки

«Қўйларни кўзилатишнинг бориши тўғрисидаги далолатнома»да (шакл ташкилот томонидан мустақил тасдиқланади) ёзиб борилади.

Ҳар бир подада далолатномаларнинг ўзининг (алоҳида) тартиб рақами юритилади. Сўйиш жойига жўнатилган кўзилатишнинг товар тери (тери учун сўйиладиган, ўлик туғилган, ҳомиладан олинган, тушган ҳомила, саралангунча ва саралашдан кейин нобуд бўлган ҳамда мажбурий бўғизланган кўзилар) ва товар тери бўлмаган (эмбрионлар) билан барча маҳсулотлари юкхати билан расмийлаштирилади.

Бригадалар бўйича қоракўл сонини ҳисобга олиш учун сўйиш жойларига жўнатиладиган кўзиларга бригадалар рақами туширилган тамға осиб қўйилади. Сўйилганда тамға шилиб олинган терига ўтказилади. Подада сўйилиб сўйиш жойларига жўнатиладиган кўзиларнинг қоракўл териларига ҳам шундай тамғалар осиб қўйилади. Юкхати катта чўпон (бригадир) томонидан учта нусхада тузилади ва катта чўпон (топширувчи) ва кўзиларни етказиб бериш учун қабул қилган ҳайдовчи (ташувчи) томонидан имзоланади. Юкхатининг икки нусхаси ҳайдовчига берилади, учинчи нусха эса катта чўпон (топширувчи) қолади. Ҳайдовчи (ташувчи) кўзиларни топшириб бўлгандан кейин юкхатининг бир нусхасини сўйиш жойининг қабул қилувчисига қолдиради, иккинчи нусхани эса сўйиш жойининг мудирининг кўзиларни қабул қилганлик тўғрисидаги ёзув билан жўнатувчи чўпон (ёки бригадир)га қайтаради. Жўнатувчи чўпон (ёки бригадир) ҳайдовчи (ташувчи) иштирокида учинчи нусха юкхатининг орқа томонига ўзининг имзоси билан «Мазкур жўнатма бўйича ҳайдовчи (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ ҳисоблашди» белгисини қўяди. Юкхатининг учинчи нусхаси йўналиш варағига бажарилган ишни (ҳайдовчига) ёки меҳнатни ҳисобга олиш варағи ва бажарилган ишни (ташувчига) ҳажмини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Бўғоз қўйларнинг нобуд бўлиши ва сўйилиши ҳам қўйларни кўзилатишнинг бориши тўғрисидаги далолатнома (ҳайвонлар ва паррандаларнинг чиқиб кетишининг далолатномаси, КХ-54-сон шаклдан ташқари) кўрсатилади. Бунда ҳайвонлар ва паррандаларнинг чиқиб кетишининг далолатномасида ҳомидалардан олинган териларнинг сони ва сифати албатта кўрсатилади. Шу билан бир вақтнинг ўзида товар тери билан бўлган ҳамда товар тери билан бўлмаган ҳомилали қўйларни кўзилатишнинг бориши тўғрисидаги далолатнома кўрсатилади.

Бир кунда сўйиш пунктларига келиб тушган қоракўл қўйларининг кўзилатиш маҳсулотлари ҳайвонлар ва паррандаларнинг чиқиб кети-

ши далолатномасининг тегишли устунларида алоҳида қатордан ҳар бир юкхати бўйича ёзилади. Далолатнома тегишли устунларида қайта ишлаш (сўйишдан) олинган терилар, товар бўлмаган терилар (эмбрионлар), ҳомилалар ҳам кўрсатилади.

Иш куни тугагандан кейин ҳайвонларни чиқиб кетиши бўйича далолатнома, сўйиш жойларида сифатли маҳсулот олиш учун кўзилатиш мавсумига қорхона раҳбари томонидан тайинланган комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Далолатноманинг охирида сўйиш жойи бўйича моддий жавобгар шахс маҳсулотни ташкилотнинг омборига жўнатгунча масъул сақлашга қабул қилганлиги тўғрисида имзо чекади.

Сўйиш жойлари томонидан товар терилар, товар бўлмаган терилар (эмбрионлар), ҳомилаларни жўнатиш ва топшириш сўйиш жойлари томонидан уч нусхада ёзиладиган юкхати билан расмийлаштирилади. Маҳсулотни қабул қилувчи юкхатининг бир нусхасини ўзида олиб қолади, иккинчи нусхасини маҳсулотни қабул қилганлиги тўғрисида ёзув билан маҳсулотни қузатувчи шахс орқали сўйиш жойига қайтаради. Мазкур нусха сўйиш пункти учун маҳсулотни топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Сўйиш жойининг мудирини маҳсулотни ҳар кунлик топширилишини ва маҳсулотни тўширилганлигини тасдиқловчи юкхатларини келиб тушишини назорат қилишга мажбур.

Кўзиларни сўйишдан олинган маҳсулотларни кирими ва чиқимини ҳисобга олиш учун сўйиш жойлари икки нусхада тайёр маҳсулот ҳаракатининг қайдномасини юритади. Қайдноманинг кирим бўлими «Қайта ишлашдан қабул қилган»даги ёзув ҳар куни ҳар бир далолатнома бўйича амалга оширилади. Чиқим бўлими «Жўнатиш ва топширилган»даги ёзув ҳар куни ҳар бир юкхати бўйича сўйиш жойидан чиқиб кетиши билан амалга оширилади.

Ой тугаши (ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 1-санасидан кечикмасдан) билан қайдноманинг биринчи нусхаси унга тегишли барча ҳайвонларни чиқиб кетиш далолатномалари ва юкхатлари билан бирга бухгалтерияга тақдим этилади, иккинчи нусхаси эса сўйиш жойининг мудиринида қолади.

Ихтисослашган паррандачилик ташкилотларида ва парранда фабрикаларида инкубация натижасида олинган (чиқарилган) жўжаларни қабул қилиш учун мазкур Услубий қўлланманинг 4-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Ёш паррандаларни бир кунлик чиқиши ва ажратишни далолатномаси» (КХ-41-сон шакл) қўлланилади.

Далолатнома инкубация цехининг бошлиғи ёки зоотехник томонидан паррандаларни чиқиш кунда тузилади. Далолатнома маълумотларига асосан қўйилган тухумлардан чиқарилган жўжаларнинг чиқиш фойизи ва сони аниқланади. Бундан ташқари далолатнома чиқарилган ёш паррандалар бош сонини кирим қилиш учун хизмат қилади.

Далолатнома цех бошлиғи, зоотехник, катта оператор, оператор томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Ундан кейин далолатноманинг маълумотлари паррандаларни унда кўрсатилган ҳисоб гуруҳлари бўйича ҳисобга олиш ва чиқиндиларни ҳисобдан чиқариш учун фойдаланилади.

Кичик ёшдаги паррандаларни инкубация цехларидан парваришlash цехларига чиқариш юкхатлари ёки бошқа бошланғич ҳужжатлар бўйича амалга оширилади.

Ихтисослашган паррандачилик ташкилотларида ва парранда фабрикаларида «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (КХ-51-сон шакл)дан ташқари кичик ёшдаги ва катта ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳар куни ҳисобга олиш учун ихтисослаштирилган хўжаликларда мос равишда мазкур Услубий қўлланманинг 5-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Кичик ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси» (КХ-52-сон шакл), мазкур Услубий қўлланманинг 6-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Катта ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси» (КХ-53-сон шакл) қўлланилади.

Кичик ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси (КХ-52-сон шакл) кичик ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳар куни ҳисобга олиш учун паррандачилик фабрикалари ва ихтисослаштирилган паррандачилик ташкилотларида қўлланилади.

Бир кунлик жўжалар инкубация цехида саралангандан кейин парваришlash цехига алоҳида партияларда ҳақиқий сони ва оғирлиги бўйича лимит-забор қайдномаларига асосан берилади.

Кичик ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси (КХ-52-сон шакл) парваришlash цехининг ишчиси томонидан ҳар бир ишчи ўрин учун очилади. Карточкада кирим ва чиқимнинг асосий ҳаракат йўналишлари (масалан, чиқим бўйича: сўйиш, сотиш, нобуд бўлиши, бошқа чиқиб кетишлар) бўйича кичик ёшдаги паррандаларни ҳар кунлик содир бўладиган ҳаракати, ҳар ой учун қолдик ва жами ҳаракатларни ажратиб кўрсатиш билан ёзиб борилади.

Ойнинг охирида карточкада қуйидагиларнинг жами кўрсатилади: бош сони қолдиги ва ой бошига ҳамда охирига тирик вазни, ой учун ялли ўсиши, ўртача кунлик ўсиш ва ой учун бош сонини сақланиш фонзи.

Нобуд бўлган жўжаларнинг жасади мазкур маълумотлар йиғиладиган алоҳида лимит-забор қайдномалари билан йўқ қилишга берилади. Кичик ёшдаги паррандаларнинг нобуд бўлиши бўйича маълумотлар ҳар куни расмийлаштириладиган ҳайвонлар ва паррандаларнинг чиқиб кетишининг далолатномаси (КХ-54-сон шакл) маълумотларига тўғри келиши керак.

Катта ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси (КХ-53-сон шакл) катта ёшдаги паррандаларни бош сонини ҳаракатини ҳар куни ҳисобга олиш учун ихтисослашган паррандачилик ташкилотларида қўлланилади.

Катта ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси (КХ-53-сон шакл) 180 (210) кунлик ёшга етган ҳар бир катта ёшдаги паррандалар гуруҳи учун очилади ва бригадир томонидан ҳар куни тўлдирилади.

Карточкада катта ёшдаги паррандалар бош сонига қарайдиган парранда боқувчининг фамилияси, исми ва шарифи, тухум берадиган товукларнинг ҳар кунлик ҳаракати (мавжудлиги, келиб тушиши, чиқиб кетиши) ҳар куни йиғиладиган тухум ва ой учун ҳар бир тухум берувчи товукқа тухум бериш даражаси кўрсатилади. Ой учун ва йил бошидан катта ёшдаги паррандалар жами бош сони ўртача бош сонини аниқлаш учун фойдаланилади.

Катта ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси (КХ-53-сон шакл) (она пода) бош сонини ҳаракати тўғрисидаги бошланғич ҳужжатларга асосан тўлдирилади. Ой давомида карточкалар цехда (бригадада) сақланади. Карточка ва паррандаларни кирими ва чиқиб кетиши бўйича бошланғич ҳужжатлар «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (КХ-51-сон шакл) билан бирга бухгалтерияга ўрнатилган тартибда тақдим этилади.

Жавобгарлик асосида берилган ҳайвонлар бош сонини ва бириктирилган инвентарларни ҳисобга олиш учун, шунингдек маъмуриятни ва хўжаликнинг мутахассисларининг подалар, уюрлар, ўтовларга чиққан вақтида фармойишларини ёзиш учун мазкур Услубий қўлланманинг 7-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳай-

вонларни ҳисобга олиш китобчаси» қўлланилади. Китобча: қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг рўйхати, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати, насл олишни, сут эмизишдан чиқаришни ва қочиришни ҳисобга олиш, подадаги инвентарлар рўйхати, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни мавжудлиги тўғрисидаги назорат маълумотлари бўлимларидан иборат.

Китобчада ёзув зоотехник (бригадир) томонидан китобча берилганда ва подалар, уюрлар, ўтовлар текширилганда амалга оширилади. Чўпон, отбоқар, туябоқарлар эса насл олинганда, нобуд бўлганда, бош сони ва инвентарь таркибида бошқа ўзгаришлар бўлганда ёзиб боради. Ҳар ойда китобчанинг маълумотлари ташкилотнинг бухгалтерияси маълумотлари билан солиштириб борилади.

Қонда бўйича ҳар ойнинг биринчи санасида китобча текшириш учун бухгалтерияга тақдим қилинади. Текширилгандан кейин китобча чўпон, отбоқар, туябоқарларга қайтариб берилади. Ҳайвонларни яйловларда боқишда китобчалардаги ёзувларни текшириш бевосита пода (уюр)ларда амалга оширилади.

### **3.2. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ўтказиш ва чиқиб кетиши**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олишнинг бир ёш гуруҳидан бошқасига (ҳайвонларни асосий подага ўтказиш билан бирга) ўтказишнинг барча ҳолларида, шунингдек кичик ёшдаги ёввойи ҳайвонлар ва қуёнларни ажратиб олишда мазкур Услубий қўлланманинг 8-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Ҳайвонларни ўтказиш далолатномаси» (ҚХ-47-сон шакл) тузилади.

Далолатнома ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бир жинс-ёш гуруҳидан бошқасига ўтказишнинг барча ҳолларида, ёввойи ҳайвонлар ва қуёнларни ажратиб олишда, ҳайвонларни асосий подага ўтказишни расмийлаштириш учун қўлланилади. Ҳужжат универсал ҳисобланади, яъни ҳайвонларнинг барча турлари ва ҳисоб гуруҳлари учун қўлланилади.

Далолатнома зоотехник, ферма мудирини ёки бригадир томонидан ҳайвонларни бир гуруҳдан бошқасига ўтказиш кунини тузилади.

Ҳужжатда ҳайвонларни қайси гуруҳдан қайси гуруҳга ўтказилаётганлиги, уларнинг инвентарь рақами, жинси, синфи, ранги ва бошқа хусусиятлари, туғилган вақти, бош сони (агар ҳайвонлар гуруҳи ўтка-

зилаётган бўлса), баланс қиймати, ҳайвонларни қабул қилиш кимга бириктирилганлиги ва уларни қабул қилган ишчиларнинг имзоси кўрсатилади.

Ферма мудир, зоотехник ва ҳайвонларни кейинги боқиш учун қабул қилган ишчилар томонидан имзоланиб, ташкилот ёки бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланиб расмийлаштирилган далолатнома «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл)га ёзувлар учун фойдаланилади. Ой охирида далолатномалар «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (КХ-51-сон шакл) билан бирга бухгалтерияга топширилади ва ҳайвонларни ҳаракатини бухгалтерия ҳисобининг регистрларида акс эттириш учун ҳамда улар қайси ишчининг гуруҳига ўтказилган бўлса, шу ишчига иш ҳақи ҳисоблаш учун фойдаланилади.

Ҳайвонларни келиб тушиши, ўтказилиши ва чиқиб кетиши бўйича бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосан «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл)га ёзувлар ҳар куни амалга оширилади, ойнинг охирида эса ҳисобот даврида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини акс эттирувчи маълумотларни умумлаштириш мақсадида мазкур Услубий қўлланманинг 9-сон иловасида келтирилган шаклда «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (КХ-51-сон шакл) тузилади.

«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (КХ-51-сон шакл) бригадир ёки зоотехник томонидан ҳар ойда икки нусхада ҳайвонларнинг тури ва жинс-ёш гуруҳи бўйича тузилади. Унда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қолдиғи, ҳаракатнинг барча асосий каналлари бўйича кирими ва чиқими, келиб тушиши ва чиқиб кетиши тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Ҳисоботни тузишга асос бўлиб «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл)га ёзувлар тўғрисидаги якуний маълумотлар ҳисобланади.

Ҳисобот оyi тугагандан кейин ҳисоботнинг биринчи нусхаси ҳайвонларнинг ҳаракати бўйича бошланғич ҳужжатлар билан бирга текшириш ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳаракати ҳисоби бўйича бухгалтерия регистраларига ёзувлар учун бухгалтерияга тақдим қилинади. Иккинчи нусхаси фермада қолади.



Ҳисоботнинг маълумотлари асосий кўрсаткичлар бўйича бошқа ҳужжатлар билан солиштирилади. «Озуқа-қуни сони» кўрсаткичи озуқаларни чиқимини ҳисобга олувчи қайдноманинг маълумотларига, олинган ҳайвонларнинг тирик вазнини ўсиши сони эса ҳайвонларнинг тирик вазнини ўсиши аниқлаш ҳисоб-китобларига тўғри келиши керак.

### **3.3. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар тирик вазни ўсишининг ҳужжатларда расмийлаштирилиши**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар оғирлигини тортиш, уларнинг ҳақиқий тирик вазнини аниқлаш натижалари мазкур Услубий қўлланманинг 10-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (ҚХ-43-сон шакл)да акс эттирилади.

«Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (ҚХ-43-сон шакл) зоотехник ёки бригадир томонидан ҳайвонларнинг турлари ва ҳисоб гуруҳлари бўйича ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни тирик вазни ўсишини аниқлашда уларнинг оғирлиги даврий ва танлаб олиб тортилганда, шунингдек ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ташкилотга келиб тушган ва чиқиб кетаётган ҳолларда тузилади.

«Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (ҚХ-43-сон шакл)да оғирлиги тортилаётган бош сонини оғирлиги тортилаётган санадаги, олдинги оғирлиги тортилган санадаги вазни кўрсатилади ва фарқ тирик вазн ўсишини ёки оғирлик ортишини ташкил этади. «Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (ҚХ-43-сон шакл) зоотехник, бригадир ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бириктирилган ишчи томонидан имзоланади.

«Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (ҚХ-43-сон шакл)нинг тегишли ҳайвон гуруҳлари тўғрисидаги умумий жамилари «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл)га ёзилади, шунингдек мазкур Услубий қўлланманинг 11-сон иловасида келтирилган шаклдаги «Тирик вазн ўсишини аниқлаш ҳисоб-китоби» (ҚХ-44-сон шакл)ни тузишда фойдаланилади.

«Тирик вазн ўсишини аниқлаш ҳисоб-китоби» (ҚХ-44-сон шакл)ни ҳар ойда зоотехник, бригадир умумий ферма ва ҳайвонларни ҳисоб гуруҳи бўйича «Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (ҚХ-43-сон шакл) ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни келиб тушиши ва чиқиб кетишига тегишли ҳужжатларнинг маълумотларига асосан тузадилар.

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

Мазкур шакл «Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (КХ-43-сон шакл)ни узвий жамламачи ҳисобланади. «Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (КХ-43-сон шакл)да тирик вазн ўсишини оғирлигини тортиш амалга оширилган давр бошида ва охирида, яъни мазкур оғирлиги тортилган ва олдинги оғирлиги тортилган санада мавжуд бўлган бош сони бўйича аниқлаш мумкин. Ўз навбатида мазкур иккита сана ўртасида ҳайвонлар бош сониди ўзгартириш рўй беради: мазкур ҳисоб гуруҳига ҳайвонлар келиб тушади ва ушбу гуруҳдан ҳайвонлар чиқиб кетади. Шунинг учун тегишли ҳисоб гуруҳи бўйича умумий тирик вазн ўсишини аниқлашда «Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (КХ-43-сон шакл)нинг маълумотларидан ташқари бош сони таркибида бўлган ўзгаришлар (унинг келиб тушиши ва чиқиб кетишини) эътиборга олиш лозим. Тирик вазн ўсишининг ҳисоб-китоби бош сонини ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда «Тирик вазн ўсишини аниқлаш ҳисоб-китоби» (КХ-44-сон шакл) бўйича тузилади. Бунинг учун ҳисобот даври охиридаги ҳайвонларнинг вазнига чиқиб кетган бош сонини (нобуд бўлганларини қўшиб) вазни қўшилади ва ҳисобот даври бошидаги ҳамда ҳисобот даври давомида келиб тушган бош сонини вазни айирилади. Мазкур ҳисоб-китобнинг жами ҳисобот даври давомида ўстиришда ёки боқувда ва яйловда турган моллар, паррандаларнинг катта ёшдаги гуруҳлари бўйича, яъни нобуд бўлган ҳайвонларни вазнини чегирилган ҳолдаги тирик вазни ўсишини ялпи миқдорини беради.

Оғирлигини ўлчаш имконияти бўлмаган ҳолларда (масалан, хомилдорликнинг маълум бир босқичидаги бўғоз ғунажинлар, бир марта бола олинадиган ва синовдаги чўчкалар, кичик ёшдаги бўғоз қўйлар) уларнинг тирик вазни охириги марта оғирлигини тортилгандагиси қабул қилинади. Кейинчалик ўсиши (тирик вазни ўсиши) ушбу ҳайвонлар болалагандан ёки қўзилагандан кейин уларни оғирлиги тортиб қўриш билан аниқланади.

«Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси» (КХ-43-сон шакл), умумлаштирилган «Тирик вазн ўсишини аниқлаш ҳисоб-китоби» (КХ-44-сон шакл) «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (КХ-51-сон шакл) билан бир вақтда бухгалтерияга тақдим этилади ва олинган ўсишни кирим қилиш ва чорвачиликдаги ишчиларга иш хақи ҳисоблашга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётларда (1100) ҳисобга олинадиган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг

мавжудлиги ва ҳаракатланишини ҳайвонларнинг гуруҳлари бўйича (ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, боқувдаги, яйловдаги ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; қуёнлар; асалари оиласи; катта ёшдаги чорва моллари, сотиш учун асосий подадан ярқсизга чиқарилган, аҳолидан сотиш учун қабул қилинган чорва моллари ва бошқалар) бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида ташкилотнинг бухгалтерияси томонидан мазкур Услубий қўлланманинг 12-сон иловасида келтирилган шаклда «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш кайдномаси» тузилади. Бунда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг миқдорий ва суммавий кўрсаткичларининг камайиши тўғрисидаги маълумот ҳайвонлар гуруҳлари бўйича «Хўжалик операцияси мазмуни» устунининг тегишли қаторида «минус» белгиси билан кўрсатилади.

#### **4-§. Сотининг соф қиймати**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари»га мувофиқ, сотининг соф қиймати — бу товар-моддий захираларни мақсадига кўра ишлатиладиган ҳолатга келтириш ва сотиш бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда жорий қийматидир.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар, агар сотининг соф қиймати уларнинг таннархидан паст бўлса, сотининг соф қиймати бўйича акс эттирилади. Сотининг соф қиймати ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳар бир бирлиги (тури) бўйича белгиланади.

Сотининг соф қийматини аниқлаш мақсадида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қайта баҳолаш — улар қийматини жорий қийматга мувофиқлаштириш мақсадида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қийматини вақти-вақти билан аниқлаштиришдир.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар уларнинг алоҳида бирликлари таннархини қайта баҳолашни ўтказиш санасида шаклланган ўхшаш баҳоланадиган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳужжат билан тасдиқланган жорий қийматлари бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан қайта баҳоланади.

Қайта баҳолаш ташкилот томонидан мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига (лицензиясига) эга бўлган ихтисослаштирилган ташкилот (мутахассис-экспертлар)ни жалб этиш орқали амалга оширилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бирлигининг жорий қиймати-ни ҳужжатли тасдиқлаш учун ташкилотнинг ихтиёрига кўра қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

— ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржаларидан ёзма шаклда олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ўхшаш бирлигининг жорий қиймати (нархи) тўғрисида маълумотлар;

— харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганида) ЭАВда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бирлигининг таннархи тўғрисида маълумотлар, бунда хорижий валюталар курсларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта баҳолашни ўтказиш санаси ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг тегишли бирлигини харид қилиш санасида белгиланган сўмга нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўлланади;

— тегишли давлат органларидаги мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— баҳоловчининг ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар тегишли бирлигининг жорий қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархининг ушбу ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сотишнинг соф қиймати суммасидан ошадиган суммаси, яъни қайта баҳолаш натижасида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг арзонлашиш суммаси у юзага келган ҳисобот даврининг харажатларига киритилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни таннархини пасайтирилиши суммасини акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. Фермер хўжалигининг подасида ўстиришдаги ҳайвонлар таркибида ҳисобга олинадиган бузоқ мавжуд. Бузоқнинг баланс қиймати, яъни таннархи 600 000 сўмни ташкил этади. Қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари чоп этилган нархлар даражаси тўғриси-

даги маълумотлардан келиб чиқиб ҳисобот даврининг охирида бузоқни сотишнинг соф қиймати суммаси 550 000 сўм қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, фермер хўжалигининг подасида боқувдаги ҳайвонлар таркибида ҳисобга олинмаган, асосий подадан чиқарилган ва бўрдоқига боқишга қўйилган бука ҳам мавжуд. Буқанинг баланс қиймати, яъни таннархи 980 000 сўмни ташкил этади. Баҳоловчининг ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар тегишли бирлигининг жорий қиймати тўғрисидаги ҳисоботидан келиб чиқиб ҳисобот даврининг охирида буқани сотишнинг соф қиймати суммаси 945 000 сўм қилиб белгиланди.

Қайта баҳолаш натижасида бузоқ ва буқанинг қийматининг пасайтирилиши бухгалтерия ҳисобида қуйндагича акс эттирилади:

— бузоқнинг қиймати пасайтирилганда:

дебет 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти	50 000 сўм;
кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	50 000 сўм;

— буқанинг қиймати пасайтирилганда:

дебет 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти	35 000 сўм;
кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	35 000 сўм;

— бошқа операция харажатлар счётини ёпилиши:

дебет 9910 «Яқиний молиявий натижа» счёти	85 000 сўм;
кредит 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти	85 000 сўм;

Ҳар бир кейинги даврда сотишнинг соф қийматини янгидан қайта баҳолаш ўтказилиши мумкин. Иқтисодий конъюнктуранинг ўзгарганлиги сабабли ташкилотнинг мулкидаги илгари қиймати пасайтирилган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сотишнинг соф қиймати ошган ҳолда тегишли ҳисобдан чиқариш суммаси шу тарих тикланадиги (тиклаш дастлабки ҳисобдан чиқариш миқдорлари билан чекланган), бунда янги баланс қиймати қонунчиликда назарда тутилган тартибда ушбу икки қийматнинг энг ками — таннарх ёки қайта кўриб чиқилган сотишнинг соф қийматига қадар келтирилади.

## **5-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни инвентаризацияси**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, уларнинг сотиш соф қийматини тасдиқлаш ва уларнинг бут сакланишини назорат қилиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан вақти-вақти билан, лекин йилда камида бир мартаба ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни инвентаризацияси ўтказилади.

Ҳисобот йилида ўтказиладиган инвентаризация сони, уларни ўтказиш санаси, текшириладиган мол-мулк ва молиявий мажбуриятлар рўйхати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади. Одатда катта ёшли маҳсулдор ҳайвонлар, иш ҳайвонлари, ёш ҳайвонлар, бўрдоқига боқиладиган ҳайвонлар, қуёнлар, ёввойи ҳайвонлар, тажриба остидаги ҳайвонлар ва паррандаларнинг ҳақиқий бош сонини инвентаризацияси чоракда камида бир марта ўтказилади.

Паррандалар кенг ҳажмли катаклар, бошқариладиган микроклиматли деразасиз хоналарда боқиладиган ишлаб чиқаришнинг саноат усуллари қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги ташкилотларида инвентаризация йилда бир марта ҳисобот йилининг 31 декабрдаги ҳолат бўйича; асалари оилалари — бир йилда камида икки марта (баҳорда 1 июндан ва кузда 1 октябрдан кечиктирмай) ўтказилади.

Ташкилотнинг мулкни, шу жумладан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни инвентаризациясини ўтказиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштиришнинг умумий қоидалари ва умумбелгиланган тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (19-сон БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» билан белгиланган.

Камомати инвентаризация вақтида аниқланган, етишмаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг баланс қиймати, айбдор шахслар аниқланишига қадар, 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар (1100) билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар камомати суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳол-

ларда табиий йўқолиш меъёрлари чегарасида, шунингдек камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда, уни молия-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳисобот давридаги молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Аниқ айбдор шахслар аниқланган ҳолда инвентаризация натижасида аниқланган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар камомати суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади.

Мол етказиб берувчилардан келиб тушган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қабул қилишда аниқланган камомат ва йўқотишлар, шунингдек уларнинг шартномада назарда тутилгандан юқори камомати ёки нобуд бўлиши 4860 «Даъволар бўйича олинаниган счётлар» счётининг дебетида ҳисобга олинади. Йўқотишларнинг айбдорларига даъво тақдим этилади ва агар улар даъвога қанотлангирмасалар, хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилинади. Суд томонидан юқоридаги йўқотишлар суммасини айбдорлардан ундириш рад этилган ҳолларда, бундай операциялар бухгалтерия ҳисобида 9430 «Бошқа операциялар харажатлар» счётининг дебети ва 4860 «Даъволар бўйича олинаниган счётлар» счётининг кредити бўйича ёзув билан акс эттирилади.

Бундан ташқари, ўстиришдаги ва бўрдоқига бокилаётган ҳайвонлар талафоти (нобуд бўлиши) бошқа турли сабабларга кўра юз беради. Улар ҳайвонларнинг касали (оксим, куйдирги, қутуриш, сил), эпизоотия (оммавий юқумли захарланиш), табиий офатлар (ёнғинлар, тошқинлар, каттиқ совуқлар) ёки қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ходимларининг айби, шу жумладан уларнинг совуққон муносабати туфайли юз бериши мумкин.

Ушбу талафотлар миқдори нобуд бўлган ҳайвонларнинг қийматидангина шаклланмайди. Унга қуйидагилар ҳам кирилади:

— нобуд бўлган ҳайвонларни расмийлаштириш, кўмиш ва ташиш билан боғлиқ ходимлар меҳнатига тўланадиган сумма (ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда);

— нобуд бўлган ҳайвонларни йўқотиш билан банд ходимлар учун махсус кийим ва махсус пойабзалга харажатлар;

— ҳайвонлар қабристонларини сақлаб туриш ва таъмирлаш харажатлари;

— ветеринария хулосаси қиймати;

— нобуд бўлган ҳайвонларни кўмиш харажатлари.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни йўқолиши (нобуд бўлиши)ни ҳужжатларда расмийлаштириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мазкур Услубий қўлланманинг 6-параграфиди кўриб ўтамиз.

### **6-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чиқиб кетиши**

Чиқиб кетаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг кийма-ти чиқиб кетиш далилини аниқлаш пайтида балансдан ҳисобдан чиқарилиши керак. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ташкилотнинг балансидан:

- сотиш;
- бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсис улуши кўринишида бериш;
- таъсисчи таъсисчилар таркибидан чиққанида ёки тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкани унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаётганда илгари ташкилотнинг устав капиталига киритилган улушни таъсисчига қайтариш (матнда кейинги ўринларда — таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан ҳисоб-китоблар);
- текинга бериш;
- айирбошлаш;
- камомад ва йўқотиш аниқланиши;
- товар қарзи кўринишида тақдим этиш ёки илгари олинган товар қарзини қайтариш;
- бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг баланс қиймати ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ билвосита солиқларни чегириш орқали аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (янги таҳрирдаги) 199-моддасига мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш эътироф этилади. Мол-мулкка бўлган



мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишга қуйидагилар кирadi:

- товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш);
- устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса;
- мол-мулк (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)ни, шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун белул бериш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);
- гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарасини бериш;
- заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш.

Бундан ташқари юридик шахснинг иштирокчиси (таъсисчиси) таъсисчилар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкида бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (янги таҳрирдаги) 208-моддасининг 18-бандига мувофиқ ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилади.

Чиқиб кетаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннарихи улар билан боғлиқ даромад тан олинадиган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинади. Чиқиб кетиш муносабати билан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни исталган ҳисобдан чиқариш суммаси ва уларга доир барча зарарлар ҳисобдан чиқариш юз берган ёки зарар етказилган ҳисобот даври мобайнида харажат сифатида ҳисобга олиниши керак.

**6.1. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг сотилиши  
натijasида балансдан чиқариш тартиби**

Ташкилотлар томонидан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар конунчиликка мувофиқ мустақил равишда сотилади. Масалан: Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги конунининг 25-моддасига мувофиқ, фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат хариди тартибида реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Тарафлар шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда, конун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда нарх белгилайди.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сотишнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарари) ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сотишдан тушган тушум билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарк сифатида, билвосита солиқлар ва сотиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг сотилиши натижасида балансдан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Чорвачилик билан шуғулланувчи «Уста Ортик» фермер хўжалигининг раҳбари бошқа фермер хўжалигига бўрдоқига бокилаётган 5 бош буқани ва ўстиришдаги 250 та жўжани сотишга қарор қилди. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сотишдан ялпи тушум 14 000 000 сўм. Буқанинг баланс қиймати 10 000 000 сўмга тенг, жўжаларники эса — 700 000 сўм. Шартнома шартларига мувофиқ ҳайвонларни харидорга фермер хўжалигининг ишчилари етказиб беради. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сотиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобга олинмаган ишлатилган буюмлар — 8 000 сўм, ташкилотнинг транспорт бўлими томонидан кўрсатилаги транспорт хизматлари 25 000 сўм, ишчиларга иш хақи ҳисоблаш 20 000 сўм ва ишчиларнинг иш хақи фондидан 24 фониз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 4 800 сўм.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сотилиши натижасида балансдан чиқарилиши «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

- буқалар ва жўжаларни сотиш тушум суммасига:
- дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 14 000 000 сўм;*
- кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти 14 000 000 сўм;*
- буқалар ва жўжаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:
- дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг  
таннархи» счёти 10 700 000 сўм;*
- кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти 700 000 сўм;*
- кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти 10 000 000 сўм;*
- сотиш харажатлари суммасига:
- дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 57 800 сўм;*
- кредит 1080 «Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари»  
счёти 8 000 сўм;*
- кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 25 000 сўм;*
- кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан  
ҳисоблашишлар» счёти 20 000 сўм;*
- кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғарма-  
ларига тўловлар» счёти 4 800 сўм;*
- харидорлардан пул маблавларни келиб тушганда:
- дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 14 000 000 сўм;*
- кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 14 000 000 сўм;*
- тайёр маҳсулот сотишдан даромадлар счётларини ёпилиши:
- дебет 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти 14 000 000 сўм;*
- кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 14 000 000 сўм;*
- сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи счётини ёпилиши:
- дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 10 700 000 сўм;*
- кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулот-  
ларнинг таннархи» счёти 10 700 000 сўм;*
- сотиш харажатлари счётининг ёпилиши:
- дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 57 800 сўм;*
- кредит 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 57 800 сўм.*

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

Ҳар бир ҳисобот даври охирида 9910 «Яқуний молиявий натижа» счётининг дебети ва кредити бўйича айланмалари йиғилади ҳамда ҳисобот даврининг яқуний молиявий натижасини ифодаловчи ушбу счёт бўйича умумий қолдиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳисобот даври якуни бўйича йиллик молиявий ҳисобот тузишда 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 8710 «Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

Бизнинг мисолимизда молиявий натижа, яъни ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сотилишидан фойда 3 242 200 сўмни ташкил этади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

*дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 3 242 200 сўм;  
кредит 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган  
фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти 3 242 200 сўм.*

**6.2. Бошқа ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар берилганда балансдан чиқариш тартиби**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида таъсис ҳужжатларига асосан берилади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни устав капиталига улуш сифатида киритаётган ташкилотларнинг балансдан баланс киймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига мувофиқ мулкдор хусусий корхонанинг устав капиталига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддасига мувофиқ жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшилдиغان пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади. Шу билан бирга «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 33-моддаси жамиятни таъсис этиш чоғида акцияга тўланадиган ҳақ сифатида топшириладиган мол-мулкнинг пулдаги баҳоси муассаслар ўртасидаги

келишувга мувофиқ чиқарилишини аниқлайди. Агар жамиятнинг шу йўсинда сотиб олинаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати конун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида топшириладиган мол-мулкнинг пулдаги баҳосини мустақил нархловчи чиқариши керак.

Шунинг учун ҳам ташкилотлар бошқа корхонанинг устав капиталига улуш сифатида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда баланс қийматидан фарқ қиладиган бошқа қийматда киритиши мумкин.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни устав капиталига таъсис улуши сифатида беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарар), таъсис ҳужжатлари ёки бошқа қонунчиликда ўрнатилган тартибга мувофиқ баҳоланган қиймат билан бериладиган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида кўшилган қиймат солиғи ва уни устав капиталига таъсис улуши сифатида бериш харажатларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсис улуши сифатида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар берилганда уларни балансдан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини куйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Уста Ортик» фермер хўжалиги янги ташкил этилган «Азизбек» масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчилари таркибига киради. «Уста Ортик» фермер хўжалигининг «Азизбек» МЧЖни устав капиталидаги улуши 7 000 000 сўмни ташкил этади. Таъсисчиларнинг қарорига мувофиқ «Уста Ортик» фермер хўжалиги устав капиталига улуш сифатида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни киритади. Ҳайвонларни «Азизбек» МЧЖга фермер хўжалигининг ишчилари транспорт ташкилотининг тракторида етказиб беради. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар куйидагилардан иборат: транспорт ташкилоти томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 35 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 28 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 6 720 сўм.

Иккита ҳолатни («Азизбек» МЧЖни устав капиталидаги улуши сифатида берилган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қийматидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### I-ҳолат

«Уста Ортиқ» фермер хўжалиги устав капиталига улуш сифатида баланс қиймати 1 000 000 сўм (250 дона) бўлган товукларни ва бўрдоқига боқилаётган баланс қиймати 6 000 000 сўм букаларни беради.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида бериш натижасида уларни баланسدан чиқариш «Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида таъсис шартномаси ёки қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳужжатлар билан аниқланган қийматда берилиши:

дебет 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти	7 000 000 сўм;
кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти	7 000 000 сўм;

— товуклар ва букаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти	7 000 000 сўм;
кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	1 000 000 сўм;
кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	6 000 000 сўм;

— етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти	69 720 сўм;
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	35 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	28 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғарма- ларига тўловлар» счёти	6 720 сўм;

— тайёр маҳсулот сотишдан даромадлар счётларини ёпилиши:

дебет 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти	7 000 000 сўм;
кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	7 000 000 сўм;

— сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи счётини ёпилиши:  
дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти 7 000 000 сўм;  
кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг  
таннархи» счёти 7 000 000 сўм;

— сотиш харажатлари счётининг ёпилиши:  
дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти 69 720 сўм;  
кредит 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 69 720 сўм.

Мазкур ҳолатда чиқиб кетишдан молиявий натижа, яъни зарар  
69 720 сўмни ташкил этади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув  
билан акс эттирилади:

дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган  
фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти 69 720 сўм;  
кредит 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти 69 720 сўм.

## 2-ҳолат

«Уста Ортик» фермер хўжалиги устав капиталига улуш сифатида  
қиймати 1 000 000 сўм (250 дона) бўлган товукларни ва бўрдокига  
бокилаётган қиймати 6 000 000 сўм буқаларни беради. Товукларни  
баланс қиймати 925 450 сўм (250 дона)ни ташкил этади, бўрдокига  
бокилаётган буқаларни баланс қиймати эса 5 545 500 сўмга тенг.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни устав капиталига таъсис-  
чининг улуши сифатида бериш натижасида уларни балансдан чиқариш  
«Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича  
акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар (товуқлар ва буқалар)ни  
устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида таъсис шартномаси  
ёки қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳужжатлар билан аниқланган қий-  
матда берилиши:

дебет 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестиция-  
лар» счёти 7 000 000 сўм;  
кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти 7 000 000 сўм;

— товуқлар ва буқаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:  
дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»  
счёти 6 470 950 сўм;  
кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти 925 450 сўм;

**II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма**

<i>кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>5 545 500 сўм;</i>
— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар суммасига:	
<i>дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти</i>	<i>69 720 сўм;</i>
<i>кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти</i>	<i>35 000 сўм;</i>
<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашмишлар» счёти</i>	<i>28 000 сўм;</i>
<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти</i>	<i>6 720 сўм;</i>
— тайёр маҳсулот сотишдан даромадлар счётларини ёпилиши:	
<i>дебет 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти</i>	<i>7 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти</i>	<i>7 000 000 сўм;</i>
— сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи счётини ёпилиши:	
<i>дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти</i>	<i>6 470 950 сўм;</i>
<i>кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти</i>	<i>6 470 950 сўм;</i>
— сотиш харажатлари счётининг ёпилиши:	
<i>дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти</i>	<i>69 720 сўм;</i>
<i>кредит 9410 «Сотиш харажатлари» счёти</i>	<i>69 720 сўм.</i>
Мазкур ҳолатда молиявий натижа чиқиб кетишдан фойда 459 330 сўмни ташкил этади ва бухгалтерия ҳисобида куйидаги ёзув билан акс эттирилади:	
<i>дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти</i>	<i>459 330 сўм;</i>
<i>кредит 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти</i>	<i>459 330 сўм.</i>



**6.3. Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни балансдан чиқариш тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунининг 22-моддасига мувофиқ жамиятдан чиқариб юборилаётган ёки чиқиб кетаётган иштирокчига чиқариш ёки чиқиб кетиш кунидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки чиқариб юборилаётган ёки чиқиб кетаётган иштирокчининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётган таъсисчига ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бериш таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётган таъсисчи билан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан ҳисоб-китоб қилинганда, ташкилотларнинг балансидан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётган таъсисчи билан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар), чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарзни ҳисоб-китоб қилиш учун берилаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бериш қиймати билан чиқиб кетаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида, кўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун мазкур солиқни ҳисобга олган ҳолда, аниқланади.

Берилаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қиймати чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарздан юқори бўлган ҳолларда, фарқ чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан қопланади.

Чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарзи берилаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қийматидан юқори бўлган ҳолларда, фарқ бераётган ташкилот томонидан қопланади.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни балансдан чиқаришни бухгалтерия ҳисо-

бнда акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Азамат» МЧЖ «Уста Ортик» МЧЖнинг устав капиталида 15 000 000 сўм бўлган улушга эга. «Азамат» МЧЖ таъсисчилар таркибидан чикаяпти. Таъсисчиларининг қарорига мувофиқ «Азамат» МЧЖнинг устав капиталидаги улуш ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан амалга оширилади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар таъсисчилар таркибидан чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан амалга оширилган.

Мазкур мисолда «Азамат» МЧЖнинг «Уста Ортик» МЧЖнинг устав капиталидаги улуши бўйича қарзи суммаси олдин устав капиталига улуш сифатида киритилган мулки суммасига тенг. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бериш билан «Азамат» МЧЖни қарзини ёпишда «Уста Ортик» МЧЖ фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди.

Учта ҳолатни (устав капиталидаги таъсисчининг улушини қайтариш учун берилаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қийма-тидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### *1-ҳолат*

«Уста Ортик» МЧЖ қиймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасига тенг бўлган 15 000 000 сўмлик ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар (умумий қиймати 6 244 440 сўм бўлган ёш қўйлар ва умумий қиймати 8 755 560 сўм бўлган 5 та от)ни беради.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни балансдан чиқариш «Уста Ортик» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар берилганда:

<i>дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти</i>	<i>15 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти</i>	<i>15 000 000 сўм;</i>

— ёш қўйлар ва отларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти</i>	<i>15 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>6 244 440 сўм;</i>
<i>кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>8 755 560 сўм;</i>

— тайёр маҳсулот сотишдан даромадлар счётларини ёпилиши:

дебет 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти	15 000 000 сўм;
кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	15 000 000 сўм;

— сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи счётини ёпилиши:

дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	15 000 000 сўм;
кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти	15 000 000 сўм.

## 2-ҳолат

«Уста Ортиқ» МЧЖ қиймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасидан кам бўлган 13 000 000 сўмлик ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар (умумий қиймати 5 244 440 сўм бўлган ёш қўйлар ва умумий қиймати 7 755 560 сўм бўлган 5 та от)ни беради ва қўшимча равишда 2 000 000 сўмни пул маблағлари билан коплаш керак.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни балансдан чиқариш «Уста Ортиқ» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар берилганда:

дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти	13 000 000 сўм;
кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти	13 000 000 сўм;

— ёш қўйлар ва отларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти	13 000 000 сўм;
кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	5 244 440 сўм;
кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	7 755 560 сўм;

— «Азамат» МЧЖнинг олдин устав капиталига киритган улуши бўйича қарзини суммасини унга берилаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни суммасидан ошган қисмини ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан копланганда:

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

<i>дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти</i>	<i>2 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>2 000 000 сўм;</i>
<i>— тайёр маҳсулот сотишдан даромадлар счётларини ёпилиши:</i>	
<i>дебет 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти</i>	<i>13 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти</i>	<i>13 000 000 сўм;</i>
<i>— сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи счётини ёпилиши:</i>	
<i>дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти</i>	<i>13 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар- нинг таннархи» счёти</i>	<i>13 000 000 сўм.</i>

### **3-ҳолат**

«Уста Ортик» МЧЖ киймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасидан юқори бўлган 17 000 000 сўмлик ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар (умумий киймати 7 244 440 сўм бўлган ёш қўйлар ва умумий киймати 9 755 560 сўм бўлган 5 та от)ни беради ва «Азамат» МЧЖ 2 000 000 сўмни пул маблағлари билан қайтариши керак.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни балансдан чиқариш «Уста Ортик» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар берилганда:</i>	
<i>дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти</i>	<i>15 000 000 сўм;</i>
<i>дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти</i>	<i>2 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти</i>	<i>17 000 000 сўм;</i>
<i>— ёш қўйлар ва отларни баланс киймати ҳисобдан чиқарилганда:</i>	
<i>дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти</i>	<i>17 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>7 244 440 сўм;</i>
<i>кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>9 755 560 сўм;</i>

- «Азамат» МЧЖнинг қарзи суммасини қоплаш учун ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари келиб тушганда:
- |  |                |
|--|----------------|
| дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти       | 2 000 000 сўм; |
| кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти | 2 000 000 сўм; |
- тайёр маҳсулот сотишдан даромадлар счётларини ёпилиши:
- |  |                 |
|--|-----------------|
| дебет 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти | 17 000 000 сўм; |
| кредит 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти                 | 17 000 000 сўм; |
- сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи счётини ёпилиши:
- |   |                 |
|---|-----------------|
| дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти                   | 17 000 000 сўм; |
| кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти | 17 000 000 сўм. |

#### **6.4. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни текинга бериш натижасида балансдан чиқариш тартиби**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни текинга бериш ҳомийлик (ҳомийлик фаолияти) кўрсатиш мақсадида амалга оширилади. Ҳомийлик (ҳомийлик фаолияти) Ўзбекистон Республикасининг «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ — юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий бегараз ёрдами (фаолияти).

Шунинг учун ташкилотлар томонидан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қонунчилиққа мувофиқ мустақил равишда текинга берилди.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни текинга беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарари) берилаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни баланс қиймати, билвосита солиқлар ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар суммасига тенг.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг текинга берилиши натижасида уларни балансдан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Уста Ортик» фермер хўжалиги ҳомийлик ишларини амалга ошириш мақсадида кам таъ-

минланган 10 оила учун умумий қиймати 2 450 000 сўм бўлган ўстиришдаги бузоқларни ва қиймати 600 000 сўм бўлган бўрдоқига боқилаётган битта буқани ажратди. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар амалга оширилмади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни текинга берилиши натижасида уларни балансдан чиқарилиши «Ўста Ортиқ» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти</i>	<i>3 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>2 450 000 сўм;</i>
<i>кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>600 000 сўм;</i>

— бошқа операцион харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши:

<i>дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти</i>	<i>3 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти</i>	<i>3 000 000 сўм.</i>

Мазкур ҳолатда молиявий натижа 3 000 000 сўм зарарни ташкил этади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

<i>дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти</i>	<i>3 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти</i>	<i>3 000 000 сўм.</i>

### **6.5. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлаш натижасида балансдан чиқариш тартиби**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлаш қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бошқа ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга айирбошлаш учун бераётган ташкилотнинг балансидан улар баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 497-моддасига мувофиқ айирбошлаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

Айирбошлаш йўли билан олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг таннархини шаклланиши мазкур Услубий қўлланманинг 2-параграфида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлаш натижасида уларни баланسدан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Наслчилик фаолиятини амалга ошириш учун «Уста Ортик» фермер хўжалиги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашни амалга оширди ва айирбошлаш учун баланс қиймати 1 250 000 сўм бўлган бўрдоқига боқиладиган отни ва умумий баланс қиймати 1 350 000 сўм бўлган ўстиришдаги бузоқларни берди. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлаш билан боғлиқ харажатлар тарафлар томонидан амалга оширилган. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлаш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: фермер хўжалигининг транспорт бўлими томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 20 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 18 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 4 320 сўм.

Тўртта ҳолатни (ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни худди шундай бўлганига (ўхшашига), худди шундай бўлмаганига ва қўшимча пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини тўлаш (олиш) билан айирбошланишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат**

«Уста Ортик» фермер хўжалиги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашда худди шундай бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни худди шундай бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга айирбошлаш натижасида баланسدан чиқарилиши «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

счёти

2 600 000 сўм;

кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти

1 350 000 сўм;

кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти

1 250 000 сўм;

**11 боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма**

— айирбошлаб олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар берилаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг баланс қиймати бўйича кирим килинганда:

дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	1 350 000 сўм;
дебет 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	1 250 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	2 600 000 сўм;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашдаги харажатлар суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	43 320 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	20 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	18 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	4 320 сўм;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	42 320 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	42 320 сўм.

## **2-ҳолат**

«Уста Ортиқ» фермер хўжалиги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашда худди шундай бўлмаган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилади. Бўрдоқига боқилаётган отни жорий қиймати 1 190 000 сўмни, ўстиришдаги бузоқларни қиймати эса 1 485 000 сўмни ташкил этади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни худди шундай бўлмаган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга айирбошлаш натижасида балансдан чиқарилиши «Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:



дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	2 600 000 сўм;
кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	1 350 000 сўм;
кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	1 250 000 сўм;

— айирбошлаб олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар берилаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг жорий киймати бўйича кирим қилинганда:

дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	1 485 000 сўм;
дебет 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	1 190 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	2 675 000 сўм;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашдаги харажатлар суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	43 320 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	20 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	18 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	4 320 сўм;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашдан фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	32 680 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	32 680 сўм.

### 3-ҳолат

«Уста Ортиқ» фермер хўжалиги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашда худди шундай бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни кўшимча пул маблағларини тўлаш билан харид қилади. Бўрдоқига бокилаётган отни жорий киймати 1 185 000 сўмни, ўстиришдаги бузоқларни киймати эса 1 478 000 сўм ташкил этади. Бўрдоқига бокилаётган отга кўшимча пул маблағлари тўлови 50 000 сўмни, ўстиришдаги бузоқларга эса 150 000 сўмни ташкил этади.

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни худди шундай бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга қўшимча пул маблағларини тўлаш билан айирбошлаш натижасида баланسدан чиқарилиши «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	2 600 000 сўм;
кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	1 350 000 сўм;
кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	1 250 000 сўм;

— қўшимча пул маблағларини тўлаш билан айирбошлаб олинган бузоқлар кирим қилинганда:

дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	1 628 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	1 478 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	150 000 сўм;

— қўшимча пул маблағларни тўлаш билан айирбошлаб олинган от кирим қилинганда:

дебет 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	1 235 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	1 185 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	50 000 сўм;

— ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан қўшимча тўлов билан боғлиқ қарз суммасини қопланиши:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	200 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	200 000 сўм;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашдаги харажатлар суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	43 320 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	20 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	18 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	4 320 сўм;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашдан фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	20 680 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	20 680 сўм.

#### 4-ҳолат

«Уста Ортик» фермер хўжалиги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашда худди шундай бўлмаган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни қўшимча пул маблағларини олиш билан харид қилади. Бўрдоқига боқилаётган отни жорий қиймати 1 215 000 сўмни, ўстиришдаги бузоқларни қиймати эса 1 468 000 сўмни ташкил этади. Бўрдоқига боқилаётган отга қўшимча олинадиган пул маблағлари 35 000 сўмни, ўстиришдаги бузоқларга эса 125 000 сўмни ташкил этади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни худди шундай бўлмаган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларга қўшимча пул маблағларини олиш билан айирбошлаш натижасида балансдан чиқарилиши «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	2 600 000 сўм;
кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	1 350 000 сўм;
кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	1 250 000 сўм,

— қўшимча пул маблағларини олиш билан айирбошлаб олинган бузоқлар кирим қилинганда:

дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	1 343 000 сўм;
дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти	125 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	1 468 000 сўм;

— қўшимча пул маблағларини олиш билан айирбошлаб олинган от кирим қилинганда:

дебет 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	1 180 000 сўм;
дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти	35 000 сўм;

**II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма**

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	1 215 000 сўм;
— ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари олиш билан боғлиқ қарз суммасини келиб тушиши:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	160 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти	160 000 сўм;
— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашдаги харажатлар суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	43 320 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	20 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	18 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	4 320 сўм;
— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни айирбошлашдан фойда суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	40 680 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	40 680 сўм.

**6.6. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни камомади ёки нобуд бўлиши аниқланганда балансдан чиқариш тартиби**

Бугунги кунда қонунчиликда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни камомади ёки нобуд бўлишини расмийлаштириш учун фойдаланиладиган ҳужжатларнинг алоҳида шакллари тасдиқланмаган. Бошланғич ҳужжатларда барча мажбурий реквизитлар бўлиши ҳамда улар Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 9-моддасида ва ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низомда назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак.

Ходимлар томонидан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг нобуд бўлиши ҳамда камомати етказган зарар қопланаётганида қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштиришни тавсия қиламиз:

— ҳайвонларнинг чиқиб кетишига (сўйиш, бўғизлаш, нобуд бўлиши) далолатнома;

— ҳалок бўлиш (нобуд бўлиш) сабаблари тўғрисида ветеринария шифокорининг хулосаси;

— зарарни қоплаш тўғрисида даъво билдирилган шахсларга нисбатан (агар улар жинойий жавобгарликка тортилган бўлишса) суд ҳукми ёки тергов органлари қарорининг нусхаси;

— ҳайвонларнинг қиймати тўғрисида маълумотнома;

— нобуд бўлган ҳайвонлар учун суғурта қопламани тўлаш тўғрисида (агар улар суғурта қилинган бўлса) ҳужжатлар.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сўйиш, мажбурий бўғизлаш, уларнинг нобуд бўлиши, табиий офатлар қурбони бўлиши, йўқолиши ҳар бир ҳодисасига мазкур Услубий қўлланманинг 13-сон иловасида келтирилган шаклда «Ҳайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг далолатномаси» (ҚХ-54-сон шакл) тузилади. Далолатнома ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни нобуд бўлиши, мажбурий бўғизлаш, шунингдек барча ҳайвон гуруҳларини (ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни) сўйишни ҳисоби учун қўлланилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сўйилиши, мажбурий бўғизлаш, нобуд бўлиши, табиий офатлардан ҳалок бўлиши, йўқолишини сабабларини ўрганиш учун корхона раҳбари (раҳбар ўринбосари) раислигида комиссия тузишни тавсия қиламиз. Комиссия таркибига тегишли мутахассислар (ферма мудир, зоотехник, ветеринария шифокори), бухгалтерия ходимлари ва зиммасига ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сақлаш учун жавобгарлик юкланган шахслар киритилиши лозим. Комиссия ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тузилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сўйилиши, мажбурий бўғизлаш, нобуд бўлиши, табиий офатлардан ҳалок бўлиши, йўқолишини сабабларини ўрганиш учун тузилган комиссия қуйидаги ваколатларга эга:

— бунда зарур ҳужжатлар (паспорт ва бошқа ҳужжатлар), шунингдек бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиб, сўйинладиган, мажбурий бўғизланадиган, нобуд бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бевосита кўриқдан ўтказиши;

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чиқиб кетиш сабабларини аниқлайди (табiiй офатлар, тузатиб бўлмайдиган касалликлар, жароҳатли шикастланишлар, иллатлар, кексалик ва х.к.);

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чиқиб кетишида айбдор бўлган шахсларни аниқлайди, ушбу шахсларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чиқиб кетишидан олинган гўшт, тери, шох, туёк, техник ёғ ва бошқаларни бундан кейин фойдаланиш ёки четга сотиш мумкинлигини белгилайди ва уларни баҳолайди;

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чиқиб кетишидан олинмайдиган гўшт, тери, шох, туёк, техник ёғ ва бошқаларни олиб қўйиш устидан назоратни амалга оширади, уларнинг миқдори, вазнини белгилайди ва тегишли омборга топширилишини назорат қилади.

Комиссия томонидан қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чиқиб кетиши тўғрисидаги қарор натижалари «Ҳайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг далолатномаси» (ҚХ-54-сон шакл) билан расмийлаштирилади ва тезда кўриб чиқиш учун ташкилот маъмуриятига тақдим этилади.

«Ҳайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг далолатномаси» (ҚХ-54-сон шакл)да чиқиб кетаётган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни тавсифловчи қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

Ҳар бир ҳужжатга унинг тартиб рақами берилади ва у «\_\_\_-сонли далолатнома» каторида кўрсатилиши керак.

«Тузиш санаси» устунда кўрсатиладиган тузиш санаси ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чиқиб кетиш санасига тўғри келиши керак. Чунки «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ бошлангич ҳужжатлар операциялар амалга оширилган санада тузилиши лозим.

«Ташкилот» каторида унинг тўлиқ номи ва КТУТ бўйича коди кўрсатилади.

«Ферма (жой, цех)» устунда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар чиқиб кетаётган таркибий бўлинманинг, яъни ферма (жой, цех) номи келтирилади. Агар ташкилотда таркибий бўлинма бўлмаса, мазкур устун тўлдирилмайди ва чизикча қўйилади.

«Чикиб кетиш сабаби ва ташхис» устунда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чикиб кетиш сабаби ва ҳолатлари кўрсатилади. Ҳайвонларни нобуд бўлиши ва мажбурий бўғизланиши натижасида чикиб кетиш ҳолатларида далолатномада сабаби ва ташхис кўрсатилади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни нобуд бўлиши ва мажбурий бўғизланиши айрим ишчиларнинг айби билан бўлган ҳолларда мазкур ҳайвонлар ва паррандаларнинг қиймати бозор баҳосигача қайта баҳола-  
ниб айбдор ишчининг ҳисобига ёзиб қўйилади ва ундан қонунчиликда ўрнатилган тартибда ундирилади.

«Инвентарь рақами, лақаби, насли» устунда чикиб кетаётган ҳайвоннинг қирим қилингандаги инвентарь рақами, лақаби ва унинг насли кўрсатилади.

«Баланс қиймати» устунда «Ҳайвонлар ва паррандаларни чикиб кетишининг далолатномаси» (КХ-54-сон шакл)ни тузиш санасидаги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётларда акс эттирилган баланс қиймати кўрсатилади.

Бошқа устунларда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чикиб кетаётгандаги ёши, жинси, семизлик даражаси, тирик вазни (кг), улардан кейинги фойдаланиш мумкинлиги ва бошқа кўрсаткичлар кўрсатилади.

Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатида ҳайвонларни асосий подадан яроқсизга чиқариш далолатномасининг нусхаси, шикастланганлиги, табиий офатлар, авария натижасида тасдиқловчи ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни чикиб кетиши билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар кўшилиши мумкин.

«Ҳайвонлар ва паррандаларни чикиб кетишининг далолатномаси» (СХ-54-сон шакл)нинг орқа томонида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сўйилиши (нобуд бўлиши) натижасида олинган маҳсулотларнинг номи, баҳоси, суммаси ва кейинги фойдаланиш мақсади кўрсатилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни сўйилиши (нобуд бўлиши) натижасида олинган маҳсулотлар (гўшт, тери) ташкилот омборига топширилади ва маҳсулотларни қабул қилган омборчининг имзоси билан ҳайвонлар ва паррандаларни чикиб кетишининг далолатномасига илова қилинади.

Агар нобуд бўлган ҳайвоннинг, ёввойи ҳайвон (қуён)нинг териси товар қийматлигига эга бўлса ва сотиш мумкин бўлса, «Ҳайвонлар ва паррандаларни чикиб кетишининг далолатномаси» (КХ-54-сон шакл)-

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

да «Тери шилиб олинди ва омборга топширилди, 20\_\_йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли юкхати» кўрсатилади. Агар бирор-бир сабабларга кўра тери ишлатилмайдиган бўлса, далолатномада «Жасад тери билан бирга йўқ қилинган» ёзуви амалга оширилади.

Махсулотларни ишлатиш қатъий равишда далолатномада кўрсатилган мақсадларгагина рухсат этилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни нобуд бўлиши натижасидаги махсулотлар хўжалик омборига бир нусхаси «Хайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг далолатномаси» (КХ-54-сон шакл)га илова қилинадиган юкхати билан топширилади.

«Хайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг далолатномаси» (КХ-54-сон шакл) икки нусхада тузилади, корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Унинг биринчи нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси ўстиришдаги хайвонларни сақланиши учун жавобгар шахсда қолади, у чиқиб кетиш натижасида олинган тери, шох, туёқ, техник ёғ ва хоказоларни омборга топшириш учун асос ҳисобланади.

«Хайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг далолатномаси» (КХ-54-сон шакл) ташкилот раҳбари томонидан тасдиқлангандан кейин «Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (301-АСМ-сон шакл)да бош сонини ҳисобга олиш учун фойдаланилади ва «Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (КХ-51-сон шакл) билан биргаликда бухгалтерия счёtlари бўйича ёзувларни амалга ошириш учун тақдим этилади.

Сўйиш, мажбурий бўғизлаш, нобуд бўлиш ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш яқунлангач, ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижани аниқлаш мақсадида мазкур Услубий қўлланманинг 14-сон иловасида келтирилган шаклда ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар ва уларни чиқиб кетишидан олинган махсулотлар тўғрисида маълумотнома тузишни тавсия қиламиз. Мазкур маълумотномада сўйиш, мажбурий бўғизлаш, нобуд бўлиш ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек «Хайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг далолатномаси» (КХ-54-сон шакл)да кўрсатилган махсулотнинг номи, вази, нархи ва суммаси кўрсатилади.



«Чикиб кетиш натижалари» сатрида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг чикиб кетишидан молиявий натижа кўрсатилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг инвентаризацияси пайтида аниқланган камомади, шунингдек бойликларнинг бузилиши, нобуд бўлган ва мажбуран сўйилган ҳайвонларнинг қиймати ҳам (эпизоотия ёки табиий офатлар муносабати билан нобуд бўлганларидан ташқари) ҳақиқий (баланс) қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Аниқ айбдор шахслар топилган тақдирда, инвентаризация натижасида аниқланган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг камомади суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади.

Ташкилотларда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни камомади ёки нобуд бўлиши аниқланганда балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида акс эттириш 2004 йил 10 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 37-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-26-сонли, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 20/1-сонли қўшма қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан рўйхатга олинган «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ амалга оширилади.

Иш берувчининг мулкига етказилган зарар ҳажми, зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Бир ойлик ўртача иш ҳақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбдор ходимдан ундириш иш берувчининг фармойишига мувофиқ амалга оширилади. Фармойиш етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан чиқарилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича ҳисобланади.

Агар ходимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан юқори ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд орқали амалга оширилади.

Иш берувчининг мулки ўғирланганда, кам чиққанда, қасддан йўқотиш ёки қасддан бузиш натижасида ҳамда бошқа ҳолларда етказилган зарар ҳажми бозор қиймати бўйича ҳисобланади.

Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

— ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-ҳом ашё биржалари ёзма шаклда олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ўхшаш бирлигининг жорий қиймати (нархи) тўғрисида маълумотлар;

— харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганида) ЭАВда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бирлигининг таннархи тўғрисида маълумотлар, бунда хорижий валюталар курсларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта баҳолашни ўтказиш санаси ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг тегишли бирлигини харид қилиш санасида белгиланган сўмга нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффиценти қўлланади;

— тегишли давлат органларидаги мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— баҳоловчининг ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар тегишли бирлигининг жорий қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Аниқ айбдор шахслар аниқланган ҳолларда инвентаризация натижасида аниқланган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг камомоди суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади.

Ишчидан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарарлар суммасини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби қуйидаги мисолда кўрсатилган. «Уста Ортиқ» фермер хўжалиги ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар инвентаризациясини ўтказди ва ўстиришда турган умумий баланс қиймати 25 000 сўм бўлган иккита курка ҳамда боқувда турган баланс қиймати 125 000 сўм бўлган қўйни камомоди мавжудлигини аниқлади.

Учта ҳолатни (ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг бозор қиймати ва айбдор шахслар аниқланишидан келиб чиқиб) кўриб ўтамыз.

### **1-ҳолат**

Ўстиришда турган иккита курканинг бозор қиймати 30 000 сўм миқдорда ва боқувда турган қўйники 128 000 сўм миқдорда қилиб ўрнатилган. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг камомоди суммаси моддий жавобгар шахсдан ундирилади. Моддий зарарни коплаш бўйича

ходимнинг қарзининг 40 фоизи моддий жавобгар шахснинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинган. Қолган қисми нақд пул маблағлари билан қопланган.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни камомади натижасида балансдан чиқариш тартиби «Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти	150 000 сўм;
кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	25 000 сўм;
кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	125 000 сўм;

— моддий жавобгар шахсдан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг камомади суммаси ундирилганда:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти	158 000 сўм;
кредит 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти	150 000 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	8 000 сўм;

— ходимнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи моддий жавобгар шахснинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинганда:

дебет 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	63 200 сўм;
кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти	63 200 сўм;

— моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи моддий жавобгар шахс томонидан нақд пул маблағлари билан қопланганда:

дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти	94 800 сўм;
кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти	94 800 сўм.

## 2-ҳолат

Ўстиришда турган иккита курканинг бозор қиймати 22 000 сўм миқдорда ва боқувда турган қўйники 123 000 сўм миқдорда килиб ўрна-

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

тилган. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг камомали суммаси моддий жавобгар шахсдан ундирилади. Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимнинг қарзининг 40 фоизи моддий жавобгар шахснинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинган. Қолган қисми нақд пул маблағлари билан қопланган.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни камомали натижасида балансдан чиқариш тартиби «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти</i>	<i>150 000 сўм;</i>
<i>кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>25 000 сўм;</i>
<i>кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>125 000 сўм;</i>

— моддий жавобгар шахсдан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг камомали суммаси ундирилганда:

<i>дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти</i>	<i>145 000 сўм;</i>
<i>дебет 9430 «Бошқа операциялар харажатлар» счёти</i>	<i>5 000 сўм;</i>
<i>кредит 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти</i>	<i>150 000 сўм;</i>

— ходимнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи моддий жавобгар шахснинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинганда:

<i>дебет 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти</i>	<i>58 000 сўм;</i>
<i>кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти</i>	<i>58 000 сўм;</i>

— моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи моддий жавобгар шахс томонидан нақд пул маблағлари билан қопланганда:

<i>дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти</i>	<i>87 000 сўм;</i>
<i>кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти</i>	<i>87 000 сўм.</i>

### 3-ҳолат

Камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар камомади бўйича зарарлар суммаси «Уста Ортиқ» фермер хўжалигини молиявий натижаларига олиб борилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни камомади натижасида баланстан чиқариш тартиби «Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни баланс киймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти	150 000 сўм;
кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти	25 000 сўм;
кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти	125 000 сўм;

— бошқа операцион харажатларга олиб борилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	150 000 сўм;
кредит 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти	150 000 сўм.

Касаллик (оксим, куйдирги, кутуриш, сил), эпизоотия (оммавий юкумли захарланиш), табиий офатлар (ёнғинлар, тошқинлар, қаттиқ совуқлар) муносабати туфайли юз берган камомад ва нобуд бўлишлар ва уларни бартараф этиш ҳамда оқибатларини тугатиш харажатлари тўғридан-тўғри 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига ҳисобдан чиқарилади. Нобуд бўлган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг терилари, шунингдек нобуд бўлганларни бошқа ишлатиладиган маҳсулотлари (шоҳ, туёк, пат ва х.к.) сотиш (ишлатиш) мумкин бўлган нархларда қилинади ва уларнинг қийматига касаллик туфайли юз берган камомад ва нобуд бўлишлар билан боғлиқ харажатлар камайтирилади.

Касаллик (оксим, куйдирги, кутуриш, сил), эпизоотия (оммавий юкумли захарланиш), табиий офатлар (ёнғинлар, тошқинлар, қаттиқ совуқлар) муносабати туфайли юз берган камомад ва нобуд бўлишлар ва уларни бартараф этиш ҳамда оқибатларини тугатиш харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш қуйидаги мисолда кўрсатилган. Чорвачилик билан шуғулланувчи «Уста Ортиқ» фермер хўжалигида касал-

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

лик натижасида боқувда турган баланс қиймати 115 000 сўм бўлган қўй ва ўстиришда турган қиймати 25 000 сўм бўлган ғозлар нобуд бўлган. Чикиб кетиш натижасида қўйдан қиймати 27 000 сўм бўлган тери ва юнг олинган, ғозлардан эса ҳеч нарса олинмай, кўмиб ташланган. Оқибатларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар қуйдагилардан иборат: инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобга олинди-ган буюмлар — 5 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 17 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 4 080 сўм.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни камомати ва касалликдан нобуд бўлиши натижасида балансдан чиқариш тартиби «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ўстиришда турган ғозларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти</i>	<i>25 000 сўм;</i>
<i>кредит 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>25 000 сўм;</i>

— олинган тери ва юнгни кирим қилиш билан бирга боқувда турган қўйни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти</i>	<i>88 000 сўм;</i>
<i>дебет 1090 «Бошқа материаллар» счёти</i>	<i>27 000 сўм;</i>
<i>кредит 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти</i>	<i>115 000 сўм;</i>

— оқибатларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар:

<i>дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти</i>	<i>26 080 сўм;</i>
<i>кредит 1080 «Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счёти</i>	<i>5 000 сўм;</i>

<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти</i>	<i>17 000 сўм;</i>
---	--------------------

<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамеармаларига тўловлар» счёти</i>	<i>4 080 сўм;</i>
--	-------------------

— бошқа операцион харажатларни ҳисобга олувчи счётларни ёпилиши:

<i>дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти</i>	<i>139 080 сўм;</i>
<i>кредит 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти</i>	<i>139 080 сўм.</i>

Мазкур ҳолатда молиявий натижа, яъни зарар 139 080 сўмни ташкил этади ва у бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган  
фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти 139 080 сўм;  
кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 139 080 сўм.

### **7-§. Асосий подадан яроқсизга чиқарилган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар» хўжалик юритувчи субъектга мулк, хўжалик юритиш ва тезкор бошқариш ҳуқуқларида тегишли бўлган асосий воситаларни ҳисобга олиш услубиятини белгилайди ҳамда Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади. Мазкур стандартда бухгалтерия ҳисобида барча тармоқларда асосий воситалар тўғрисида ахборотни шакллантиришнинг ягона услубий асослари назарда тутилади. Бунда у иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида асосий воситалар бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларини ҳисобга олмаслигини қайд этиш лозим. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида бир қатор объектларнинг бухгалтерия ҳисоби ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган асосий воситалар ва бухгалтерия ҳисоби ҳам ўз хусусиятларига эга.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни бошқа тармоқларнинг ишлаб чиқариш жараёнидан фарқ қилади ва ўз навбатида мазкур тармоқнинг асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобида ўзининг хусусиятлари мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг қишлоқ хўжалиги тармоғида хўжалик фаолиятининг ўзига хослиги билан белгиланадиган хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

— асосий воситаларнинг бошланғич ҳисоб ҳужжатларида, синтетик ва таҳлилий ҳисобни ташкил этишда, ҳисобварақлар корреспонденциясида, бухгалтерия регистрларида;

— асосий воситаларнинг бир қатор объектлари бўйича амортизацияни ҳисоблашда ва ҳисобга олишда, пулда баҳоланадиган ер майдонларини ҳисобга олиш, сувориладиган ва лалми ерларни ҳисобида;

— ерларни тубдан яхшилаш бўйича капитал харажатларни акс эттириш ва уларни ҳисобга олиш тартибида, ижарага олинган ва ижарага берилган ерларни ҳисобга олишда, кишлок хўжалиги ташкилотлари ходимлари ва бошқа фойдаланувчилар ўртасида пайлар (улушлар) бўйича тақсимланган ерларни ҳисобга олишда;

— лизинг асосида сотиб олинган асосий воситалар ва маҳсулдор молларни ҳисобга олишда, консервациядаги асосий воситаларнинг ҳисобида, айрим турдаги асосий воситаларнинг чиқиб кетишида;

— асосий воситаларнинг алоҳида турларини таъмирлашнинг ҳисобида, асосий воситаларнинг чиқиб кетишида;

— асосий подани ўз ёш чорва молларини парваришлаш ва четдан катта ёшли ҳайвонларни харид қилиш ҳисобига шакллантиришни ҳисобга олишда;

— боғлар, узумзорлар, кўп йиллик дов-дарахтлар, ихота ўрмон майдонлари, кўчатларнинг бошқа турлари ва хоказоларни ҳисобга олишда;

— ўстиришдаги ва боқувдаги, асосий подадан яроксизга чиқарилган ва бошқа ҳайвонларни ҳисобга олишда.

Мазкур Услубий қўлланманинг олдинги бўлимларида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни тан олиш, баҳолаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, шунингдек чиқиб кетишини ҳисобга олишнинг хусусиятларига тушунтириш берилган эди. Мазкур бўлимда асосий подадан яроксизга чиқариш ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни расмийлаштириш тартиби ва буни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш хусусиятлари ҳақида сўз юритамиз.

Иш кучи сифатида фойдаланиладиган — отлар, хўкизлар, туялар, эшаклар ва бошқа иш ҳайвонлари (шу жумладан аравада юк ташишларда фойдаланиладиган ҳайвонлар), шунингдек маҳсулот берадиган моллар (насл, сут, жун ва х.к.) — сигирлар, кўтослар, наслдор биялар (иш кучи ҳисобланмайди), совлиқлар ва бошқа моллар бухгалтерия ҳисобида кишлок хўжалиги ташкилотининг асосий подадаги ҳайвонла-



ри ҳисобланади. Асосий подадаги ҳайвонлар асосий воситалар таркибида ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинади.

Баланс кийматини эътироф этиш пайти, баҳолаш ва уларга нисбатан қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усулларини аниқлаш, шунингдек ҳайвонларнинг асосий подадан ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар тарзида чиқиб кетишидан баланс киймати ўзгаришлари ва молиявий натижаларни белгилаш ҳамда ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БХМС) «Асосий воситалар»га мувофиқ амалга оширилади.

Уларнинг келтирилиши, ташкилот ичида ҳаракати ва ҳисобдан чиқиб кетишини акс эттириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га мувофиқ амалга оширилади.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишчи ҳайвонларга асосий воситалар сифатида қонунчиликда назарда тутилган усуллар бўйича эскириш ҳисобланади, маҳсулдор ҳайвонлар бўйича эскириш ҳисобланмайди.

Ташкилотларда ҳайвонлар асосий подадан вақти-вақти билан яроқсизга чиқарилиши керак. Бунинг сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

— белгиланган хизмат қилиш муддатининг (тўлиқ эскириш ҳисобланиши) тугаши;

— жисмоний эскириш, табиий офатлар, тузатиб бўлмайдиган касалликлар, фойдаланишнинг меъёрий шартлари бузилиши, жароҳатли шикастланишлар, иллатлар, кексалик ва ҳоказолар оқибатида яроқсиз ҳолатга келиш;

— иш қобилияти, маҳсулдорлик ва ўзидан қўпайиш қобилиятининг анчагина пасайиши;

— тегишли давлат органларининг қарорларига кўра чиқиб кетиш.

Асосий подадан чиқарилган ҳайвонлар:

— гўшт, тери, шох, туёк, техник ёр ва хоказолар сингари тегишли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиш учун сўйишга;

— боқишга қўймасдан бошқа юридик ва жисмоний шахсларга сотиш учун (текинга бериш, айирбошлаш, таъсис улуши сифатида устав капиталига бериш, таъсисчининг юридик шахснинг таъсисчилари таркибидан чиқаётганида асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиш учун бериш);

— бўрдокига боқишга бериледи.

Боқишга қўймасдан бошқа юридик ва жисмоний шахсларга сотиш (текинга бериш, айирбошлаш, таъсис улуши сифатида устав капиталига бериш, таъсисчининг юридик шахснинг таъсисчилари таркибидан чиқаётганида асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиш учун бериш) асосий воситаларга ўхшаш тарзда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 101-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида» Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Боқишга қўймасдан бошқа юридик ва жисмоний шахсларга сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чикамиз. Чорвачилик билан шуғулланувчи «Уста Ортик» фермер хўжалиги асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқаришни амалга оширган. Асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқариш натижасида фермер хўжалиги раҳбари асосий подада маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинган маълум бир ҳайвонларни сақлаб туриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қилди ва уларни бошқа фермер хўжалигига сотди.

Иккита ҳолатни (маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларни сотиш шартларидан келиб чиқиб) кўриб чикамиз.

### **1-ҳолат**

Асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқариш натижасида фермер хўжалиги раҳбари маҳсулдор ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинган 5 та сигирни сақлаб туриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қилди ва уларни бошқа фермер хўжалигига ҳар бирини 950 000 сўмдан сотди. Ҳисоб маълумотларига мувофиқ ҳар бир сигирнинг баланс қиймати 800 000 сўмни ташкил этади. Маҳсулдор

ҳайвон сифатида уларга эскириш ҳисобланмайди. Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган сигирларни ҳар йили 1 январ ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) 200 000 сўмга тенг. Сигирлар харидоргача транспорт ташкилоти ёрдамида етказиб берилган. Сигирларни харидорга етказиб бериш харажатлари 50 000 сўмни ташкил этади ва харидор томонидан тўланган.

Сигирларни сотилиши натижасида балансдан чиқариш «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— 5 сигирнинг сотилган умумий қиймати суммасига:		
дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти		4 750 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти		4 750 000 сўм;
— сигирларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:		
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти		4 000 000 сўм;
кредит 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счёти		4 000 000 сўм;
— сотиш бўйича харажатлар суммасига:		
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти		50 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти		50 000 сўм;
— резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган сигирларнинг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:		
дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти		200 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти		200 000 сўм;
— сигирларни сотишдан фойда суммасига:		
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти		900 000 сўм;
кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти		900 000 сўм;
— харидордан пул маблағлари келиб тушганда:		

**II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма**

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	4 750 000 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти	4 750 000 сўм.

**2-ҳолат**

Асосий подадан хайвонларни яроксизга чиқариш натижасида фермер хўжалиги раҳбари ишчи хайвонлар сифатида ҳисобга олинadиган отни саклаб туриш иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қилди ва уни бошқа фермер хўжалигига 500 000 сўмга сотди. Отнинг сотиш санасидаги бошланғич қиймати 950 000 сўмни ташкил этади. Сотиш санасига у бўйича ҳисобланган эскириш 400 000 сўмни ташкил этган. Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган отни ҳар йили 1 январ ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдик) 35 000 сўмга тенг. Отни харидоргача фермер хўжалигининг ишчилари етказиб берган. Отни харидорга етказиб бериш харажатлари қуйидагилардан иборат: ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 30 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 7 200 сўм.

От сотилиши натижасида балансдан чиқариш «Уста Ортиқ» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— отнинг сотилган умумий қиймати суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти	500 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	500 000 сўм;

— от бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	950 000 сўм;
кредит 0170 «Ишчи ва маҳсулдор хайвонлар» счёти	950 000 сўм;

— ишчи хайвон (от) бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0270 «Ишчи хайвонларнинг эскириши» счёти	400 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	400 000 сўм;

— отни сотиш бўйича харажатлар суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	37 200 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	30 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	7 200 сўм;

— резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган ишчи ҳайвонлар (от)нинг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти	35 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	35 000 сўм;

— отни сотишдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	52 200 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	52 000 сўм;

— харидордан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	500 000 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти	500 000 сўм.

Ҳайвонларни асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун раҳбар (раҳбар ўринбосари) раислигида комиссия тузилади. Комиссия таркибига тегишли мутахассислар, бухгалтерия ходимлари ва зиммасига асосий подадаги ҳайвонларни сақлаш учун жавобгарлик юкланган шахслар киритилиши керак. Комиссия ташкилотнинг раҳбарининг буйруғи билан тузилади.

Асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тузилган комиссия куйидаги ваколатларга эга:

— бунда зарур ҳужжатлар (паспорт ва бошқа ҳужжатлар), шунингдек бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиб, асосий подадан яроқсизга чиқариладиган ҳайвонларни бевосита кўрикдан ўтказадн;

— уларни бундан кейин ушлаб туришнинг мумкин эмаслиги ёки иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини белгилайди;

— ҳайвонни асосий подадан яроксизга чиқариш сабабларини аниқлайди (тўлиқ эскиришни ҳисоблаш, жисмоний эскириш, табиий офатлар, тузатиб бўлмайдиган касалликлар, фойдаланиш нормал шароитлари бузилганлиги, жароҳатли шикастланишлар, иллатлар, кексалик ва ҳ.к.);

— ҳайвонни асосий подадан фойдаланиш вақтидан илгари яроксизга чиқаришда айбдор бўлган шахсларни аниқлайди, ушбу шахсларни Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

— асосий подадан яроксизга чиқарилган ҳайвонлардан бундан кейин фойдаланиш ёки четга сотиш мумкинлигини белгилайди ва уларни баҳолайди;

— асосий подадан яроксизга чиқарилган ҳайвондан олинган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари: гўшт, тери, шох, туёқ, техник ёғ ва бошқаларни олиб қўйиш устидан назоратни амалга оширади, уларнинг микдори, вазнини белгилайди ва тегишли омборга топширилишини назорат қилади.

Комиссия томонидан қабул қилинган ҳайвонларни асосий подадан яроксизга чиқариш тўғрисидаги қарор натижалари мазкур Услубий қўлланманинг 15-сон иловасида назарда тутилган ҳайвонларни асосий подадан яроксизга чиқариш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Асосий подадаги йирик ҳайвонлар (сигирлар, наслдор буқалар, бнялар, айғирлар ва ҳ.к.) учун «Ҳайвонларни асосий подадан яроксизга чиқариш далолатномаси» (КХ-106-сон шакл)ни асосий подадан яроксизга чиқарилаётган ҳар бир йирик ҳайвон учун алоҳида, асосий подадан яроксизга чиқарилаётган майда ҳайвонлар (мегажинлар, совликлар ва ҳ.к.) учун эса турлар (гурухлар) бўйича, унда асосий подадан яроксизга чиқарилган барча ҳайвонлар алоҳида саналади, расмийлаштириш мумкин.

«Ҳайвонларни асосий подадан яроксизга чиқариш далолатномаси» (КХ-106-сон шакл)да қуйидагилар кўрсатилади:

Ҳар бир ҳужжатга унинг тартиб рақами берилади ва у «\_\_-сонли далолатнома» каторида кўрсатилиши керак.

«Тузиш санаси» устунида кўрсатиладиган тузиш санаси ҳайвонларни асосий подадан яроксизга чиқариш санасига тўғри келиши керак.

Чунки «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ бошланғич ҳужжатлар операциялар амалга оширилган санада тузилиши лозим.

«Ташкилот» каторида унинг тўлиқ номи ва КТУТ бўйича коди кўрсатилади.

«Ферма (жой, цех)» устунда ҳайвонларни асосий подадан яроксизга чиқариш амалга оширилаётган таркибий бўлинманинг, яъни ферма (жой, цех) номи келтирилади. Агар ташкилотда таркибий бўлинма бўлма-са, мазкур устун тўлдирилмайди ва чизикча қўйилади.

«Инвентарь рақами, лақаби, насли» устунда асосий подадан яроксизга чиқарилаётган ҳайвоннинг кирим қилингандаги инвентарь рақами, лақаби ва унинг насли кўрсатилади.

«Бошланғич (қайта тиклаш) киймати» устунда асосий подадан яроксизга чиқарилаётган ҳайвоннинг бошланғич (қайта баҳоланганлар учун қайта тиклаш) киймати кўрсатилади. Мазкур устунда маҳсулдор ҳайвонлар бўйича баланс киймати кўрсатилади.

«Жамғарилган эскириш суммаси» устунда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича фойдаланиш давридаги ишчи ҳайвонлар бўйича жамғарилган эскириш суммаси кўрсатилади. Мазкур устун маҳсулдор ҳайвонлар бўйича тўлдирилмайди ва чизикча қўйилади.

Объектнинг қисқача характеристикаси таркибида ҳайвонларни асосий подадан яроксизга чиқариш билан боғлиқ операцияларни расмийлаштирадиган комиссияни тасдиқлаган ҳужжатнинг номи ва реквизитлари (сана ва рақами), яроксизга чиқарилаётган ҳайвонни ёши, жинси, семизлик даражаси, тирик вазни (кг), яроксизга чиқариш сабаби (касаллик ташхиси), кейинчалик фойдаланиш мумкинлиги ва бошқа кўрсаткичлар кўрсатилади.

Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига шикастланганлиги, табиий офатлар, авария натижасида тасдиқловчи ва ҳайвонларни асосий подадан яроксизга чиқариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар қўшилиши мумкин.

«Ҳайвонларни асосий подадан яроксизга чиқариш далолатномаси» (КХ-106-сон шакл) икки нусхада тузилади, корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Унинг биринчи нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси асосий подада ҳайвонлар сақланиши учун жавобгар шахсда қолади, у ҳайвонни бўрдоқига боқишга ўтқа-

зиш, четга сотиш ёки яроқсизга чиқариш натижасида олинган тери, шох, туёк, техник ёғ ва ҳоказоларни омборга топшириш учун асос ҳисобланади.

Фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиши натижасида ишчи ҳайвонлар асосий подадан яроқсизга чиқиб кетаётганда «Ҳайвонларни асосий подадан яроқсизга чиқариш далолатномаси» (ҚХ-106-сон шакл)га фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиши ҳақидаги далолатнома нусхаси илова қилинади ҳамда фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиш сабаблари тушунтирилади ва айбдор шахсларга нисбатан қўлланилган чоралар кўрсатилади.

Табий офат натижасида ҳайвонлар асосий подадан яроқсизга чиқиб кетаётганда яроқсизга чиқариш далолатномасига махсус ҳукумат комиссиясининг ҳулосаси илова қилиниши мумкин.

Ҳайвонларни асосий подадан яроқсизга чиқаришдан молнявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда олдинги қайта баҳолашлардан ҳосил бўлган асосий пода ҳайвонлари қиймати ошиши суммасининг қолдиғи, яъни ушбу асосий пода ҳайвонининг қайта баҳолашлар натижасида баҳосининг ошган суммаси баҳосининг пасайган суммасидан ошган қисми асосий воситаларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи сўтнинг кредитига олиб борилиб, бир вақтнинг ўзида 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сўтини камайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 101-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 5-бандига мувофиқ мазкур Низомнинг 2-бандида келтирилган сабабларга кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар» кучга киргунига қадар чиқиб кетган асосий воситалар бўйича 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сўтида ҳисобга олинган чиқиб кетган асосий воситаларнинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи), яъни ушбу асосий воситаларни қайта баҳолашлар натижасида баҳоси ўсиши суммасининг баҳоси пасайиши суммасидан ошган суммаси 8520 «Резерв капитали» сўтига ўтказилади.



Шунинг учун корхона ва ташкилотлар 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган қайта баҳолаш натижаси (қолдик)ни, яъни олдинги қиймат ошиши суммасининг олдинги қиймат пасайиши суммасидан ошган суммасини икки қисмга: балансда ҳисобда бўлган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдик)га ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БХМС) «Асосий воситалар» кучга киргунинга қадар чиқиб кетган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдик)га бўлиши лозим.

Шунинг учун ҳам 2004 йилнинг 30 январигача асосий подадан яроксизга чиқарилган ҳайвонлар бўйича 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга асосий подадан яроксизга чиқарилган ҳайвонларнинг қайта баҳолаш натижаси (қолдик), яъни ушбу асосий пода ҳайвонларини қайта баҳолашлар натижасида баҳоси ўсиши суммасининг баҳоси пасайиши суммасидан ошган суммаси 8520 «Резерв капитали» счётига ўтказилади.

Шунинг учун ташкилотлар 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган қайта баҳолаш натижаси (қолдик)ни, яъни олдинги қиймат ошиши суммасининг олдинги қиймат пасайиши суммасидан ошган суммасини икки қисмга: балансда ҳисобда бўлган асосий пода ҳайвонларини қайта баҳолаш натижаси (қолдик)га ва 2004 йилнинг 30 январигача асосий подадан яроксизга чиқарилган ҳайвонларни қайта баҳолаш натижаси (қолдик)га бўлиши лозим.

Асосий подадан яроксизга чиқарилган ва боқувга қўйилган ҳайвонларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришнинг хусусиятларини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Чорвачилик билан шуғулланувчи «Уста Ортиқ» фермер хўжалиги асосий подадан ҳайвонларни яроксизга чиқаришни амалга оширган. Асосий подадан ҳайвонларни яроксизга чиқариш натижасида фермер хўжалиги раҳбари асосий подада маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинмаган маълум бир ҳайвонларни сақлаб туриш иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қилди ва уларни боқувга ўтказди.

Иккита ҳолатни (маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларни боқишга ўтказиш шартларидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### *1-ҳолат*

Асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқариш натижасида фермер хўжалиги раҳбари маҳсулдор ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинмаган 10 та сигирни сақлаб туриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қилди ва уларни боқишга ўтказди. Ҳар бир сигирнинг баланси қиймати 750 000 сўмни ташкил этади. Маҳсулдор ҳайвон сифатида уларга эскириш ҳисобланмайди. Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган сигирларни ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) 150 000 сўмга тенг.

Сигирларни боқувга ўтказилиши билан боғлиқ операциялар «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— сигирларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:  
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 7 500 000 сўм;  
кредит 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счёти 7 500 000 сўм;

— сигирлар боқувдаги ҳайвонлар гуруҳига ўтказилганда:  
дебет 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счёти 7 500 000 сўм;  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 7 500 000 сўм;

— резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинмаган сигирларнинг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 150 000 сўм;  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 150 000 сўм;

— сигирларни ўтказишдан фойда суммасига:  
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 150 000 сўм;  
кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти 150 000 сўм.

## 2-ҳолат

Асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқариш натижасида фермер хўжалиги раҳбари ишчи ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинмаган отни сақлаб туриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қилди ва уни боқувга ўтказди. Отнинг бошланғич қиймати 1 250 000 сўмни ташкил этади. Яроқсизга чиқарилган санага у бўйича ҳисобланган эскириш 875 000 сўмни ташкил этган. Резерв капиталини ҳисобга олувчи сўмларда ҳисобга олинган отни ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдик) 40 000 сўмга тенг.

Отни боқувга ўтказилиши билан боғлиқ операциялар «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— от бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» сўми 1 250 000 сўм;

кредит 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» сўми 1 250 000 сўм;

— от бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0270 «Ишчи ҳайвонларнинг эскириши» сўми 875 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» сўми 875 000 сўм;

— от боқувдаги ҳайвонлар гуруҳига ўтказилганда:

дебет 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» сўми 375 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» сўми 375 000 сўм;

— резерв капиталини ҳисобга олувчи сўмларда ҳисобга олинмаган отнинг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сўми 40 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» сўми 40 000 сўм;

— отни ўтказишдан фойда суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» сўми 150 000 сўм;

*кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетишидан фойда» счёти*

*150 000 сўм.*

Яроқсизга чиқарилгандан кейин тўғри сўйилган ҳайвонлар учун берилган «Ҳайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг далолатномаси» (КХ-54-сон шакл) тузилади ва сўйиш якунлангач, ҳайвонларни асосий подадан яроқсизга чиқаришдан молиявий натижани аниқлаш мақсадида ҳайвонларни асосий подадан яроқсизга чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва уларни чиқиб кетишидан маҳсулотлар келиб тушиши тўғрисида маълумотнома тузишни тавсия қиламиз. «Ҳайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг далолатномаси» (КХ-54-сон шакл) ва ҳайвонларни асосий подадан яроқсизга чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва уларни чиқиб кетишидан маҳсулотлар келиб тушиши тўғрисида маълумотнома тузиш билан боғлиқ масалалар мазкур Услубий қўлланманинг 5-параграфида кўриб ўтилган.

Яроқсизга чиқарилгандан кейин тўғри сўйилган ҳайвонлар бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришнинг хусусиятларини куйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Чорвачилик билан шуғулланувчи «Уста Ортик» фермер хўжалиги асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқаришни амалга оширган. Асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқариш натижасида фермер хўжалиги раҳбари асосий подада маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинган маълум бир ҳайвонларни сақлаб туриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қилди ва уларни сўйишга бериб юборди.

Иккита ҳолатни (маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларни сўйишга бериш шартларидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат***

Асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқариш натижасида фермер хўжалиги раҳбари маҳсулдор ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинган 7 та қўйни сақлаб туриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қилди ва уларни сўйишга бериб юборди. Хар бир қўйнинг баланс қиймати 125 000 сўмни ташкил этади. Маҳсулдор ҳайвон сифатида уларга эскириш ҳисобланмайди. Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган қўйларнинг хар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдик) 42 000 сўмга тенг. Сўйиш натижасида қиймати 980 сўм (196 кг х 5 000 сўм) бўлган 196 кг гўшт ва суммаси 21 000 сўм (7 х 3000 сўм) бўлган тери олинган. Қўйларни

*II боб. Устиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий ҳўлланма*

сўйиш фермер хўжалигининг ишчилари томонидан амалга оширилган. Кўйларни сўйиш харажатлари кўйидагилардан иборат: ишчиларга иш хақи ҳисоблаш 40 000 сўм ва ишчиларнинг иш хақи фондидан 24 фонд миқдорда ягона ижтимоий тўловга 9 600 сўм. Бундан ташқари суммаси 5 000 сўм бўлган ёрдамчи материаллар (арқон, дока ва х.к.) ишлатилган.

Кўйларни сўйилиши натижасида балансдан чиқариш «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида кўйидагича акс эттирилади:

— кўйларнинг баланс киймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 875 000 сўм;

кредит 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счёти 875 000 сўм;

— кўйларни сўйишдан олинган гўшти омбордаги тайёр маҳсулотлар сифатида кирим қилиш:

дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти 980 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 980 000 сўм;

— кўйларни сўйишдан олинган терини кейинчалик қайта ишланган материал сифатида кирим қилиш:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 21 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 21 000 сўм;

— кўйларни сўйиш бўйича харажатлар суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 54 600 сўм;

кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти 5 000 сўм;

кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 40 000 сўм;

кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти 9 600 сўм;

— резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган кўйларнинг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 42 000 сўм;

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>42 000 сўм;</i>
<i>— кўйларни сўйишдан фойда суммасига:</i>	
<i>дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>113 400 сўм;</i>
<i>кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти</i>	<i>113 400 сўм.</i>

**2-ҳолат**

Асосий подадан ҳайвонларни яроқсизга чиқариш натижасида фермер хўжалиги раҳбари ишчи ҳайвонлар сифатида ҳисобга олиндиған иккита буқани сақлаб туриш иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қилди ва уларни сўйишга бериб юборди. Ҳар бир буқаларнинг бошланғич қиймати 1 475 000 сўмни ташкил этади. Сўйиш санасига улар бўйича ҳисобланган эскириш 885 000 сўмни ташкил этган. Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган буқаларни ҳар йили 1 январ ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдик) 30 000 сўмга тенг. Сўйиш натижасида қиймати 2 925 000 сўм (650 кг х 4 500 сўм) бўлган 650 кг гўшт ва суммаси 28 000 сўм (2 х 14 000 сўм) бўлган тери олинган. Буқаларни сўйиш фермер хўжалигининг ишчилари томонидан амалга оширилган. Буқаларни сўйиш харажатлари қуйидагилардан иборат: ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 45 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фонидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 10 800 сўм. Бундан ташқари сўйишда суммаси 6 000 сўм бўлган ёрдамчи материаллар (аркон, дока ва ҳ.к.) ишлатилган.

Буқаларни сўйилиши натижасида балансдан чиқариш «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>— буқаларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:</i>	
<i>дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>2 950 000 сўм;</i>
<i>кредит 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счёти</i>	<i>2 950 000 сўм;</i>
<i>— буқалар бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:</i>	
<i>дебет 0270 «Ишчи ҳайвонларнинг эскириши» счёти</i>	<i>1 770 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>1 770 000 сўм;</i>

*II боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

— буқаларни сўйишдан олинган гўштни омбордаги тайёр маҳсулотлар сифатида кирим қилиш:		
<i>дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»</i>		
<i>счёти</i>		<i>2 925 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»</i>	<i>счёти</i>	<i>2 925 000 сўм;</i>
— буқаларни сўйишдан олинган терини кейинчалик қайта ишланган материал сифатида кирим қилиш:		
<i>дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар»</i>	<i>счёти</i>	<i>28 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»</i>	<i>счёти</i>	<i>28 000 сўм;</i>
— буқаларни сўйиш бўйича харажатлар суммасига:		
<i>дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»</i>	<i>счёти</i>	<i>61 800 сўм;</i>
<i>кредит 1090 «Бошқа материаллар»</i>	<i>счёти</i>	<i>6 000 сўм;</i>
<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»</i>	<i>счёти</i>	<i>45 000 сўм;</i>
<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»</i>	<i>счёти</i>	<i>10 800 сўм;</i>
— резерв капитални ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган буқаларнинг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:		
<i>дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»</i>	<i>счёти</i>	<i>30 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»</i>	<i>счёти</i>	<i>30 000 сўм;</i>
— буқаларни сўйишдан фойда суммасига:		
<i>дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»</i>	<i>счёти</i>	<i>1 741 200 сўм;</i>
<i>кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»</i>	<i>счёти</i>	<i>1 741 200 сўм.</i>

Асосий подадан яроксизга чиқарилган ва сўйишга берилган ҳайвонлардан олинган териларни ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиш ва гўштлини кейинчалик сотиш конунчиликлда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги  
хайвонларни бухгалтерия ҳисоби  
бўйича услубий қўлланмага  
1-сонли илова

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳисоби тартибини  
аниқлаб берадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

№	Ҳужжатнинг номи	Қайси идора ва қачон қабул қилинган
1	Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонуни	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 30.08.1996 й.
2	«Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»	05.02.1999 й. 54-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори
3	БҲМС «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»	14.08.1998 й. 475-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган
4	БҲМС №1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»	14.08.1998 й. 474-сон _ _ _
5	БҲМС №2 «Асосий ҳужжалик фаолиятдан тушган даромадлар»	26.08.1998 й. 483-сон _ _ _
6	БҲМС №4 «Товар-моддий захиралар»	17.07.2006 й. 1595-сон _ _ _
7	БҲМС №5 «Асосий воситалар»	20.01.2004 й. 1299-сон _ _ _
8	БҲМС №19 «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»	02.11.1999 й. 833-сон _ _ _
9	БҲМС №20 «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида»	24.01.2000 й. 879-сон _ _ _
10	БҲМС №21 «Ҳужжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳужжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»	23.10.2002 й. 1181-сон _ _ _



№	Хужжатнинг номи	Қайси идора ва қачон қабул қилинган
11	БҲМС №22 «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби»	21.05.2004 й. 1364-сон _*_
12	Асосий фондларни ҳар йили 1 январ ҳолатига қайта баҳолаш ўтказишнинг тартиби тўғрисидаги Низом	04.12.2002 й. 1192-сон _*_
13	Товар-молдий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги Низом	27.05.2003 й. 1245-сон _*_
14	Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом	20.01.2004 й. 1297-сон _*_
15	Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги Низом	06.04.2004 й. 1334-сон _*_
16	Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом	29.08.2004 й. 1401-сон _*_
17	Чет эл валютасида ифодаланган операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом	17.09.2004 й. 1411-сон _*_
18	Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёزلарни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом	02.04.2005 й. 1463-сон _*_

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
2-сонли илова  
ҚХ-40-сонли намунавий шакл

Аҳолидан қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги  
ҳайвонларни қабул қилиш-топшириш қайдномаси

20\_\_ й. \_\_\_\_\_ учун

Ташкилот \_\_\_\_\_

Ҳайвонларнинг турлари \_\_\_\_\_

№	Тошширувчи		Сони бош	Се- миз- лик дара- жаси	Ҳайвонларни қабул қилиш- да тирик вазни, кг		Баҳо- си	Сум- маси	Тош- ши- рув- чи- нинг имзо- си
	Ф.И.Ш.	пас- порт маълу- мотлари			чеги- мага- ча	чеги- мадан кейин			

Мазкур қайднома бўйича оғирлиги (ошқозон-ичак йўлларида бўлган  
нарсалар учун чегирилган ҳолда) \_\_\_\_\_ кг

ёзувада  
бўлган \_\_\_\_\_ бош ҳайвон қабул қилинган.  
ёзувада

Рахбар	_____	_____
	ИМЗО	(фамилияси, исми шарифи)
Бригадир	_____	_____
	ИМЗО	(фамилияси, исми шарифи)
Зоотехник	_____	_____
	ИМЗО	(фамилияси, исми шарифи)
Бухгалтер	_____	_____
	ИМЗО	(фамилияси, исми шарифи)

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
3-сонли илова  
ҚХ-39-сонли намунавий шакл

«Тасдиқлайман»

раҳбар Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_ имзо  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ҳайвонлардан олинган насли киришнинг  
\_\_\_\_\_ -сонли далолатномаси

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_

Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

Ҳайвонларнинг ҳисоб гуруҳи \_\_\_\_\_

Ҳайвонларнинг \_\_\_\_\_

гуруҳига қабул амалга оширилди

Ҳайвонлар бирикти- рилган шахснинг Ф.И.Ш.	Ҳайвон- нинг лақаби ёки рақами	Тирик туғилди		Инвен- тар рақами	Ўлик туғилди (бош)	Белги- лар (ла- қаби, ранги ва бошқа маълумотлар)	Насли олиш- даги ишчи- нинг имзоси
		сон (бош)	тирик вазни (кг)				

Бригадир \_\_\_\_\_

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

Зоотехник \_\_\_\_\_

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
4-сонли илова

КХ-41-сонли намунавий шакл

«Тасдиқлайман»

раҳбар Ф.И.Ш.

имзо

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ёш паррандаларни бир кунлик чиқиши ва ажратишнинг  
\_\_\_\_\_-сонли далолатномаси

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_

Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

Ҳайвонларнинг \_\_\_\_\_

гуруҳига қабул амалга оширилди

Кўрсаткичлар	Сони	Баҳоси	Суммаси
Қўйилган тухумлар			
Чиққан бош:			
соғломлари			
нимжонлари			
Тасқаралари, майиб, яхлаганлари			
Йўқ қилинган			
чиққанлари қўйилганларга нисбатан % да			

Бригадир \_\_\_\_\_

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

Зоотехник \_\_\_\_\_

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

Катта оператор \_\_\_\_\_

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

Оператор \_\_\_\_\_

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
5-сонли илова

ҚХ-52-сонли намунавий шакл

Кичик ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳисобга олишнинг  
\_\_\_\_\_ -сонли карточкаси

20\_\_ й. \_\_\_\_\_ учун

Ташкилот \_\_\_\_\_

Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

Катаклар (партия) \_\_\_\_\_

Ёши (паррандалар) \_\_\_\_\_

Ой-нинг са-наси	Қун бошида бош сони, бош	Келиб тушган		Сўйилиши		Сотилган		Нобуд бўлган		Бошқа чиқиб кетишлар	
		бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
10											
11											
12											
13											
14											
15											
16											
17											
18											
19											
20											

ҚХ-52-сонли шаклнинг орқа томони

Ойнинг саны	Кун бошда бош сони, бош	Келиб тушган		Суйилган		Сотилган		Нобуд бўлган		Бошқа чиқиб кетишлар	
		бош	вазн, кг	бош	вазн, кг	бош	вазн, кг	бош	вазн, кг	бош	вазн, кг
21											
22											
23											
24											
25											
26											
27											
28											
29											
30											
31											
Шу ой учун жами											
Йил бошидан											

Режа: шу ой учун тирик сақлаш \_\_\_\_\_ %  
 ўртача кунлик ўсиш \_\_\_\_\_ кг  
 шу ойда ўсиш \_\_\_\_\_ кг

Тирик вази: ой бошига \_\_\_\_\_ кг  
 ой охирида \_\_\_\_\_ кг  
 шу ойда ўсиш \_\_\_\_\_ кг  
 ўртача кунлик ўсиш \_\_\_\_\_ кг  
 тирик сақлаш \_\_\_\_\_ %

Бригадир \_\_\_\_\_  
 имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Зоотехник \_\_\_\_\_  
 имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Бухгалтер текширди \_\_\_\_\_  
 имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Парранда боқувчи \_\_\_\_\_  
 имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
6-сонли илова  
ҚХ-53-сонли намунавий шакл

Катта ёшдаги паррандаларни ҳаракатини ҳисобга олишнинг  
\_\_\_\_\_сонли карточкаси  
20\_\_ й. \_\_\_\_\_ учун

Ташкилот \_\_\_\_\_  
Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_  
Катак (партия) \_\_\_\_\_  
Ёши (паррандалар) \_\_\_\_\_

Ой-нинг саваси	Қуи бо-нида бош сонн, бош	Келиб тушган		Сўйилиши		Сотилган		Ўобуд бўлган		Бошқа чиқиб кетишлар		Қуи учун ҳақи-қатда йн-ғил-ган ту-хум-лар, донн
		бош	вазн, кг	бош	вазн, кг	бош	вазн, кг	бош	вазн, кг	бош	вазн, кг	
1												
2												
3												
4												
5												
6												
7												
8												
9												
10												
11												
12												
13												
14												
15												
16												
17												
18												
19												
20												

## КХ-53-сонли шаклнинг орқа томони

Ойнинг саноиси	Кун бошида бош сони, бош	Келиб тушган		Суйилиши		Сотилган		Нобуд бўлган		Бошқа чиқиб кетишлар		Кун учун ҳақиқатда йирилган тухумлар, дона
		бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	
21												
22												
23												
24												
25												
26												
27												
28												
29												
30												
31												
Шу ой учун жами												
Йил бошидан, шу жумладан:												
Товуқлар бош сони												
шу ой учун жами												
Йил бошидан												

Тухум йириш режаси: бир кунда \_\_\_\_\_ дона  
 бир ойда \_\_\_\_\_ дона  
 тухум бериш \_\_\_\_\_ дона

Ҳақиқатда:  
 шу ойдаги тухум берадиган товуқлар ўртача бош сони \_\_\_\_\_ бош  
 шу ойдаги битта тухум берадиган товуққа тўғри  
 келадиган тухум бериш \_\_\_\_\_ дона

Бригадир \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Зоотехник \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Бухгалтер текширди \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Парранда боқувчи \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)  
 \* \* \* 20\_\_ й.



Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
7-сонли илова  
ҚХ-50-сонли намунавий шакл

Ўстиришдаги ва боқувдаги  
(чўпон, отбоқар ва х.к., зарури ёзилади)  
ҳайвонларни ҳисобга олиш китобчаси

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_  
Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_  
Кимга берилган \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Мазкур намунада ҚХ-50-сонли шакл бўйича журналнинг муқоваси босмадан чиқарилиши керак.

Қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг рўйхати

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар (тури, насли, жинси, ёши)	Бош сони	Белгилар

Топширди \_\_\_\_\_  
имзо (фамилияси, исми шарифи)

Қабул қилди \_\_\_\_\_  
имзо (фамилияси, исми шарифи)

Мазкур намунада ҚХ-50-сонли шакл бўйича журналнинг 1-дан 5-гача varaқлари босмадан чиқарилиши керак. Бунда топширди ва қабул қилди 5-варақнинг охирида босмадан чиқарилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати

Сана	Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар (тури, насли, жинси, ёши)	Келиб тушган бош сони		
		насл олишдан	бошқа келиб тушишлар	
			қардан	бош сони

Мазкур намунада ҚХ-50-сонли шакл бўйича журналнинг 6-дан 24-гача бўлган барча жуфт сонли varaқлари босмадан чиқарилиши керак.

(жадвалнинг давоми)

Чиқиб кетганларнинг бош сони				Сўйишнинг ёки ҳаром ўлишининг сабаби
сотилган	сўйилган	нобул бўлган	бошқа чиқиб кетишлар	

Мазкур намунада ҚХ-50-сонли шакл бўйича журналнинг 7-дан 25-гача бўлган барча тоқ сонли varaқлари босмадан чиқарилиши керак.

**Насл олишни, сут эмизидан чиқаришни ва қочаришни ҳисобга олиш**

Сана	Насл бералган ҳайвонлар сони	Олинган насл, бош		Тирик олинган насдан		
		тирик	ўлик тутилган	сана	сўйилган	ўлган ва йўқолган

Мазкур намунада ҚХ-50-сонли шакл бўйича журналнинг 26-дан 32-гача бўлган барча жуфт сонли varaқлари босмадан чиқарилиши керак.

(жадвалнинг давоми)

Сут эмизидан чиқарилган			Қочиртирилган		
сана	эркаги, бош	урғочи, бош	сана	уруғ берувчининг лақаби ва насли	қочирилган, бош

Мазкур намунада ҚХ-50-сонли шакл бўйича журналнинг 27-дан 33-гача бўлган барча тоқ сонли varaқлари босмадан чиқарилиши керак.

#### Поладаги инвентарлар рўйхати

Т/р	Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар (тури, насли, жинси, ёши)	Сони	Белгилар

Мазкур намунада ҚХ-50-сонли шакл бўйича журналнинг 34-дан 38-гача бўлган барча varaқлари босмадан чиқарилиши керак.

#### Ҳайвонларни мавжудлиги тўғрисидаги назорат маълумотлар

Сана	Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар (тури, насли, жинси, ёши)	Сони	Имзо

Мазкур намунада ҚХ-50-сонли шакл бўйича журналнинг 39-варағи ва 40-варақлари босмадан чиқарилиши керак.

Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
8-сонли илова  
КХ-47-сонли намунавий шакл

Тасдиқлайман:

раҳбар Ф.И.Ш.

имзо

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Хайвонларни ўтказишнинг \_\_\_\_\_-сонли далолатномаси

(хайвонларнинг турлари)

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_

Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ гуруҳдан

\_\_\_\_\_ гуруҳга

Ишпа- тар рақами	Жинси, син- фи, ранги, лақаби ва бошқа хусу- сиятлари	Туғил- ган санаси	Сони, бош	Вазни, кг	Ба- ланс қий- мати	Хайвонларни қа- бул қилиш бирик- тирилган ишчи	
						Ф.И.Ш.	имзо
Жами							

Хайвонларни  
топширди

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Бригадир

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Зоотехник

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Бухгалтер текширди

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
9-сонли илова  
КХ-51-сонли намунавий шакл

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_  
Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар- нинг гуруҳи	Ой бошига мажмуа- лиги		Қарин										Чинди										Ой охирида мажмуа- лиги				
	олдинги насл		бошда гуруҳда утқазилган (жой)		чистдан келиб тушган		усиш		жалби		бошда гуруҳда руққатланган (жой)		чиста чиқиб кетган		сўйилган		ҳаром ўлган		жалби								
	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг	бош	вази, кг		

Бригадир \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Зоотехник \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Бухгалтер текширди \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
10-сонли илова  
ҚХ-43-сонли намунавий шакл

**Ҳайвонларни оғирлигини тортиш қайдномаси**

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_

Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

Ҳайвонларнинг гуруҳи (тури) \_\_\_\_\_

Ҳайвонлар бириктирилган шахс \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Инвентар рақами, лақаби, насли	Жинси, ёши, йил	Сони, бош	Вазни, кг		
			20__ й. «__» ____ га (одднинг оғирли- гини тортишдаги)	оғирлиги- ни тортиш санасига	оғирлиги- ни ортиши

Бригадир \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Зоотехник \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Веттехник \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
11-сонли илова  
КХ-44-сонли намунавий шакл

Тирик вази ўсишни аниқлашнинг \_\_\_\_\_-сонли ҳисоб-китоби

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_  
Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

Хайвонлар бириктирилган ишнинг Ф.И.Ш.	Хайвонларнинг ҳисобга олиш гуруҳи	Ой бошига қолдиқ		Келиб тушган		Чикиб кетган (ҳаром ўлган-дан ташқари)		Ҳаром ўлган		Ой охирига қолдиқ (оғирлигини тўғри шаснага)		Оғирлигини ортинш	Озуқа бериш кунлари соми	Кунлик ўртача оғирлигини ортинш, кг
		бош	тирик вазни, кг	бош	тирик вазни, кг	бош	тирик вазни, кг	бош	тирик вазни, кг	бош	тирик вазни, кг			

Бригадир \_\_\_\_\_  
Зоотехник \_\_\_\_\_  
Бухгалтер текширди \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)  
\_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)  
\_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
12-сонли илова  
КХ-106-сонли намунавий шакл

Боқувдаги ва ўстиришдаги хайвонларни ҳисобга олиш қайдномаси  
20\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун  
\_\_\_\_\_ -счёт бўйича

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Боқувдаги ва ўстиришдаги хайвонлар гуруҳи												Корреспонденцияланувчи счётлар	
	Қуй			Эчки			Бузоқ			ва х.к.				
	бош	оғирлиги, кг	сум-маси	бош	оғирлиги, кг	сум-маси	бош	оғирлиги, кг	сум-маси	бош	оғирлиги, кг	сум-маси	дебет	кредит
20__ й. _____ даги қолдиқ													X	X
1.														
2.														
...														
Жами:													X	X
20__ й. _____ даги қолдиқ													X	X

Раҳбар \_\_\_\_\_  
Бригадир \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)  
\_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
13-сонли илова  
КХ-54-сонли намунавий шакл

Тасдиқлайман:

раҳбар Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_ имзо  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Хайвонлар ва паррандаларни чиқиб кетишининг  
\_\_\_\_\_ -сонли далолатномаси

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_

Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

Чиқиб кетишининг сабаби ва ташхис \_\_\_\_\_

Хайвонларнинг гуруҳи (гури)	Инвентар рақами, лақаби, насли	Жинси, ёши, йили	Семизлиги	Сони, бош	Тирик вазни, кг	Баланс қиймати	Чиқиб кетаётган хайвон бириктирилган ишчи	
							Ф.И.Ш.	имзо

Илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:

1. Хайвонларни асосий подадан чиқаришнинг далолатномаси:

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ -сонли.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ -сонли.

Бригадир \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Зоотехник \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Веттехник \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

## ҚХ-54-сонли шаклнинг орка томони

Маҳсулотнинг номи	Вазни, кг	Баҳоси	Суммаси	Маҳсулотнинг иплатилиши

Маҳсулот омборга қуйидаги юк хати билан қабул қилинган:

\*\_\*\_ 20\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_-сонли.

\*\_\*\_ 20\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_-сонли.

Омбор мудирини \_\_\_\_\_  
имзо (фамилияси, исми шарифи)

М.Ў.

\*\_\*\_ 20\_\_ й.



Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни  
бухгалтерия хисоби бўйича услубий қўлланмага  
14-сонли илова

Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни чиқиб кетиши  
билан боғлиқ харажатлар ва уларни чиқиб кетишидан  
келиб олинган маҳсулотлар тўғрисида  
маълумотнома

Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

Чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатлар				Чиқиб кетишдан фойдаланиш мумкин бўлган баҳо бўйича келиб тушди				
иш тури	ҳуж-жат рақами	хара-жат модда-си	сум-маси	ҳуж-жат рақами	маҳсу-лот номи	сони	баҳоси	сум-маси

Чиқиб кетиш натижалари \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер  
(бухгалтер)

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

М.Ў.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни  
бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмага  
15-сонли илова  
ҚХ-106-сонли намунавий шакл

Тасдиқлайман:

рахбар Ф.И.Ш.

имзо

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ҳайвонларни асосий подадан яроқсизга чиқаришнинг  
\_\_\_\_\_ -сонли далолатномаси

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_

Ферма (жой, цех) \_\_\_\_\_

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ -сонли буйруқ билан тайинлан-

ган комиссия \_\_\_\_\_ кўриб чиқди

хайвонларнинг тури ва гуруҳи

Ҳайвонлар бириктирилган \_\_\_\_\_

фамилияси, исми шарифи

Инвен- тар ра- қами, лақа- би, насли	Ёши	Жинси	Семиз- лиги	Бош- ланғич (қайта тик- лаш) қий- мати	Жам- гарил- ган эски- риш сум- маси	Тирик вазни, кг		Чиқа- риш сабаби ва ке- йинги ялла- тилиш мақ- сади
						ҳисоб маълум- от- лари бўйича	ҳақи- қатда	
		<b>Жами</b>						

Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати \_\_\_\_\_

Комиссия раиси \_\_\_\_\_

лавозим

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

Комиссия  
аъзолари:

лавозим

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

лавозим

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

### **III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича услубий қўлланма**

Идишлар билан бўлган операциялар, материаллар билан бўлган операциялар ҳар доим ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб келган. «Идишлар» тушунчаси моддий ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарида маҳсулотларни, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товарларни ўраш-жойлаш ва ташиш учун фойдаланиладиган материалларни ўз ичига олади.

Мазкур идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича услубий қўлланма (кейинги ўринларда Услубий қўлланма деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонуни, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тартибга солиш бўйича бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, маҳсулот (товар)ларни ўраш-жойлаш ва ташиш учун мўлжалланган идишларни тан олиш, баланс кийматини баҳолаш, инвентаризация қилиш, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва ҳужжатларда қирим қилиш, ички ҳаракати ва чиқиб кетишини расмийлаштириш (аналитик ҳисоби) тартибини тушунтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

#### **1-§. Умумий қоидалар**

Мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда ташкилот деб юритилади) (бюджет ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари)га мазкур Услубий қўлланмани қўллаш тавсия этилади.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотувчи сотиб олувчига товарни идишда ёки ўраб-жойланган ҳолда топшириши шарт, ўз хусусиятига қўра идишга жойлаш ва (ёки) ўрашни талаб қилмайдиган товар бундан мустасно.

Агар олди-сотди шартномасида идиш ва ўраш ҳақида талаблар белгиланган бўлмаса, товар бундай товар учун одатдаги усулда, агар талаблар белгиланган бўлса эса сотувчи харидорга товарни ушбу мажбурий талабларга мос келадиган идишда ва (ёки) ўралган ҳолда топшириши шарт.

Идишларни ҳисобга олишнинг асосий қоидалари бўлиб: тан олиш пайтини белгилаш, таснифлаш, баланс қийматини баҳолаш, идишлар таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, харажатларни, шу жумладан харажат сифатида идишлар қийматини кейинчалик тан олиш, идишлар қийматини сотиш (баҳолаш)нинг соф қийматига қадар камайтириш; уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш ҳисобланади.

Идишларни тан олиш пайтини белгилаш, баланс қийматини баҳолаш, идишлар таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, харажатларни, шу жумладан харажат сифатида идишлар қийматини кейинчалик тан олиш; идишлар қийматини сотишнинг соф қиймати даражасигача камайтириш, уларни чиқиб кетиши бўйича молиявий натижаларни аниқлаш, шунингдек инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг тегишли мезонларига мос келадиган идишлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 4) «Товар-моддий захиралари» ва товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Идишлар бажарадиган вазифаларига қараб қуйидагиларга бўлинади:

— товар-моддий қийматликларини омборларда сақлаш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш технологик жараёни амалга ошириш учун мўлжалланган идишлар (сақлаш учун идиш);

— товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш жараёнида, омборларда ёки савдо жойларида ўраш-жойлаш учун мўлжалланган идишлар (ўраш-жойлаш учун идиш);

— товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига қадар ҳаракати жараёнида ташиш ва сақлаш учун мўлжалланган идишлар (ташиш учун идиш).

Етказиш шартлари ва фойдаланиш миқдорига (маротабасига) кўра кўп маротаба ва бир маротаба ишлатиладиган идишларга бўлинади.

Кўп маротаба ишлатиладиган идишлар мол етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) билан харидор ўртасида кўп маротаба айланади ва товар-моддий захираларидан бўшатиладиган кейин қонунчиликда ёки шартномада белгиланган тартибда мол етказиб берувчи корхонага қайтарилиши лозим.

Бир маротаба ишлатиладиган идишлар корхона томонидан уларни ишлаб чиқаришга берилганда ёки товар-моддий захиралари чиқиб кетганда харажатларга ҳисобдан чиқарилади ва қайтарилиши лозим эмас.

Идишлар бажарадиган функцияларига кўра ташки ва бевосита ўраш-жойлаш идишларига бўлинади. Бевосита (бирламчи) ўраш-жойлаш идишлари ўзига жойланган товардан ажралмайди ва товарни сақлаш воситаси (масалан, ичимликлар учун шиша ва пластик бутилкалар, тунука консерва банкалари ва бошқалар) ҳисобланади. Ташки ўраш-жойлаш (масалан, полиэтилен ва қоғоз қоплар, яшиқлар ва бошқалар) бирламчи шикастланишдан ва ташки таъсирлардан сақлайди.

Идишларнинг аналитик ҳисоби қуйидаги турлар бўйича юритилади:

- ёғоч материалларидан бўлган идишлар;
- картон ва қоғоздан бўлган идишлар;
- металлдан бўлган идишлар;
- пластмассадан бўлган идишлар;
- шишадан бўлган идишлар;
- газлама ва ногазлама материаллардан бўлган идишлар;
- ва бошқа идишлар.

Шунингдек идишларнинг таркибида идишларни тайёрлаш ва таъмирлаш учун махсус мўлжалланган материаллар ва деталлар — идиш-боп материаллар (яшиқларни йиғиш учун деталлар, бочка тахтаси, темир гардиш, пардали ва полиэтиленли тикин, вискозадан тўкилган қалпоқчалар, зар қоғоз ва бошқалар) ҳам ҳисобга олиб борилади.

Юкланадиган маҳсулотлар (товарлар)нинг сақланишини таъминлаш мақсадида вагонлар, кемалар, автотранспорт ва бошқа транспорт воситаларини қўшимча жихозлаш учун мўлжалланган буюмлар 1010 «Хом ашё ва материаллар» счётида ҳисобга олиб борилади.

Идишлар ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— идишларни тайёрлаш, келиб тушиши ва уларни омборларга, цехларга, ишлаб чиқариш бўлинмаларига ҳамда бошқа сақлаш жойларига бериш билан боғлиқ операцияларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатларда акс эттириш;

— идишларни ҳаракати ва сақланишининг барча босқичларида бутдигини назоратини таъминлаш;

— ишлаб чиқарувчилардан ёки идиш таъмирловчи корхоналардан харид қилинган ва корхонани ўзида ишлаб чиқарилган идишларни таннархини аниқлаш;

— ҳар бир маҳсулотга идишларни сарфланиши меъёрларига, ўраш-жойлашнинг ва идишларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда идишларни сарфланиши ҳисоби тартибига риоя қилиш;

— харидолар томонидан қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ўз вақтида қайтарилишини ва керак бўлган ҳолларда қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун санкциялар қўллашни назорат қилиш;

— идишлар билан боғлиқ операцияларнинг молиявий натижаларини аниқлаш.

Идишлардан оқилона фойдаланиш, уларни сақланиши ва бут ҳолда бўлишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

— хоҳ бўш бўлган, хоҳ материал қийматликлари билан банд бўлган барча турдаги идишларни яхши сақланиши ташкил этиш;

— идишларни ҳолатини текширишни тизимли равишда ўтказиб туриш, таъмирталаб идишларни аниқлаш ва уни ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш;

— корхона учун ишлатилмайдиган ва ортиқча бўлган идишларни аниқлаш ва ўрнатилган тартибда уларни сотишни амалга ошириш;

— кўп маротаба ишлатиладиган идишларни айланиш сонини кўпайтириш, биринчи навбатда бунини уларга эҳтиёткор муносабатда бўлиш ва уларни юклаш-тушириш ишларини қондага мувофиқ бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш орқали қилиш керак;

— кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш;

— камомад ва йўқотишга йўл қўйган айбдор шахслардан келтирилган зарар қийматини қонунчиликка мувофиқ ундириб олиш;

— идишларни омборлардан олиш ва бериш, шунингдек уларни корхонадан олиб чиқиб кетишга рухсат берадиган ҳужжатларни имзолаш

ҳуқуқига эга бўлган масъул шахсларни рўйхатини тузиш ёки ушбу вазифаларни материал қийматликларини олиш ва беришни амалга оширишга асос бўладиган ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган масъул шахсларга юклаш.

Идишларни бухгалтерия ҳисобининг бирлиги ташкилот томонидан мустақил равишда, улар тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш ҳамда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати устидан лозим даражада назоратни таъминлаш мақсадида белгиланади. Идишларнинг хусусиятлари, уларни харид қилиш ва улардан фойдаланиш тартибига боғлиқ ҳолда идишларнинг бирлиги уларнинг тури, номенклатура рақами, туркум, бир турдаги гуруҳ ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БХМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га мувофиқ барча турдаги идишларнинг (хўжалик инвентари сифатида фойдаланиладигандан ташқари) мавжудлиги ва ҳаракати қуйидагича юритилади:

— савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналарда — 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счётида;

— бошқа корхоналарда — 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётида. Мазкур счётда идишларни тайёрлаш ва уларни таъмирлаш учун мўлжалланган идишбоп материаллар ҳам ҳисобга олиб борилади.

Чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналарининг буфетларидаги шиша идишлар (шишалар, банклар ва бошқалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётида ҳисобга олинади.

Идишларнинг ҳаракати бўйича аналитик ҳисоб бухгалтерия томонидан микдор ва пулда ифодаланган шаклида омборлар, цехлар, ишлаб чиқариш жойлари ва бошқа саклаш жойлари, моддий жавобгар шахслар, идишларнинг турлари ва гуруҳлари, шунингдек уларнинг фойдаланиш мақсади бўйича юритилади.

Мазкур Услубий қўлланмага мувофиқ ташкилотлар томонидан идишларни ҳисобини тегишли равишда ташкил этиш ва уларни ҳаракатини назорат қилиш учун зарур бўладиган ички низом, йўриқнома, бошқа

ташкилий-тақсимловчи ҳужжатларни ишлаб чиқишлари мумкин.  
Юқоридаги ҳужжатлар билан:

— идишларни қабул қилиш, топшириш ва ҳаракати бўйича ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бошланғич ҳужжатларнинг шакллари ва уларни расмийлаштириш (тузиш) тартибини, шунингдек ҳужжат айланганининг қоидаларини;

— идишларни харид қилиш, олиш ва чиқаришга ишонч билдирилган бўлинмаларининг масъул шахслари рўйхатини;

— сақланишини таъминлаш назоратини амалга ошириш тартибини, ҳисобни тўғри юритилишини, уларни мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни ишончлигини ва бошқаларни тасдиқлаши мумкин.

## 2-§. Идишларни харид қилиш ва ҳаракатининг ҳисоби

### 2.1. Идишларни бухгалтерия ҳисобида тан олиниши

Идишлар актив сифатида тан олинади, агар:

— ташкилотга келгусида актив билан боғлиқ иктисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;

— актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;

— уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса.

Идишларга бўлган мулк ҳуқуқи, улар билан боғлиқ хатарлар ва мукофотларнинг ўтиш пайти унинг шартлари келишиладиган етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси асосида белгиланади.

Мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган идишлар баланسدан ташқари счётларда шартномада назарда тутилган баҳо бўйича акс эттирилади. Агар шартномада кўрсатилган идишларнинг нархи ёки эгаси билан келишилган нархи бўлмаганда улар шартли баҳолаш асосида ҳисобга олиниши мумкин.

Мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган идишларни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида баланسدан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товар-моддий захиралар» счётининг дебетида акс эттирилади.

Мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. Салкин ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «Мадина» МЧЖ ва омборхонага мослашган биноси мавжуд бўлган «Абрикос» МЧЖ



«Мадина» МЧЖнинг 2 000 дона ёғоч идишларини «Абрикос» МЧЖда вақтинча сақлаб туриш бўйича келишиб олдидлар. Ёғоч идишлар бўйича мулк ҳуқуқи «Абрикос» МЧЖга тегишли эмас, балки «Мадина» МЧЖда қолади. Барча ёғоч идишлар 2 800 000 сўмга шартли равишда баҳоланган ва «Абрикос» МЧЖнинг омборида 25 кун давомида сақланади.

Мулк ҳуқуқи «Абрикос» МЧЖга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида (яъни масъул сақлашда) бўлган идишларни қирим қилиниши «Абрикос» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади.

— идишлар «Абрикос» МЧЖга келиб тушганда:

*дебет балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган  
товар-моддий захиралар» счёти 2 800 000 сўм;*

— идишлар «Мадина» МЧЖга қайтарилганда:

*кредит балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган  
товар-моддий захиралар» счёти 2 800 000 сўм.*

Идишлар қуйидагилар натижасида ташкилотнинг бухгалтерия балансига киритилиши лозим:

— етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;

— таъсисчилардан ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши;

— таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгарги бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушиши;

— текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

— айирбошлаш;

— ортқача (ҳисобга олинмаган) идишларни аниқлаш;

— ташкилотнинг ўзида тайёрланиши;

— идишларга бўлган мулк ҳуқуқи олиншига олиб келадиган бошқа операциялар ва ходисалар.

Идишлар қуйидаги икки қиймат энг кам қиймат бўйича баҳоланади: таннарх (харид қиймати ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки ҳисобот даври охиридаги сотишнинг соф қиймати.

Идишларнинг бухгалтерия ҳисобида тегишли тарзда тан олинган таннархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Рес-

публикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари» билан белгиланган ҳоллардан ташқари ўзгартирилмайди.

## **2.2. Харид қилинган идишларнинг таннархи шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

Идишлар ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (мол етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Идишларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннаригига киритиладиган харажатларга қуйидагилар киритилади:

- божхона божлари ва йиғимлари;
- идишларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);
- идишлар харид қилинганда иштирок этган таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳақи;
- идишларни сертификатлаш ва уларни идишларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар;
- идишларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари, идишларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига ташиш учун тарифлар (фрахт)ни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан идишларни ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлардан ташкил топади;
- идишларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Савдо дисконтлари, чегирмалар ва бошқа шу каби чегирувлар идишларни харид қилиш харажатларини белгилаш чоғида амалга оширилади.

Харид қилинган идишларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш харажатлари, ўтказмалар учун банк комиссияси, идишларни чет эл валютасига харид қилиш чоғида валютани конвертациялаш бўйича комиссия ва бошқа банк хизматлари), идишларни харид қилиш бўйича контрактларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва

ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда идишларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар идишларнинг таннархига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

Муддатидан олдин тўлаш натижасида ёки катта ҳажмда харид қилиш натижасида ёхуд тарафларнинг келишувида назарда тутилган бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра олинган пул чегирмалари харид қилинган идишлар қийматини камайтирмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Идишлар қарз олинган пул маблағлари (капитали) ҳисобига харид қилинганда ёки тайёрланганда кредит (қарз)дан фойдаланганлик учун фонизлар кўринишидаги харажатлар тўлиқ ёки қисман унинг ҳисобидан сотиб олинган идишларнинг таннархига киритилмайди.

Идишларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Агар шартнома шартларида харид қилинадиган идишлар учун тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, мазкур идишлар бухгалтерия ҳисобига тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймат бўйича қабул қилинади. Бунда идишларнинг тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймати билан сотиб олинаётган идишлар бўйича умумий тўлов суммаси ўртасидаги фарқ тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври мобайнида жорий тўловнинг кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий суммасидаги солиштирма оғирлигига боғлиқ ҳолда молиявий харажатлар (фонизлар бўйича харажатлар) сифатида тан олинади.

Идишларни фойдаланишга ярокли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ харажатлар ташкилотнинг махсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ажратиш, ўраб-жойлаш ва уларни товар кўринишига келтириш бўйича харажатларини ўз ичига олади. Ярокли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ бўлган харажатлар, уларнинг ҳам ташкилот — хариддорнинг ўз кучи билан, ҳам чет ташкилотлар томонидан бажарилишидан қатъи назар идишларнинг таннархига киритилади.

Ташкилотнинг транспорт-тайёрлов харажатлари қуйидаги усуллардан бири бўйича ҳисобга қабул қилинади ёки харид қилинган идишлар қийматига киритилади.

— транспорт-тайёрлов харажатларини идишлар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш (шартнома нархига қўшиш, устав капиталига киритилган бадалнинг пул баҳосига қўшиш, текинга олинганнинг жорий қийматига қўшиш ва ҳ.к.);

— мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига биноан транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётига олиб бориб, кейинчалик уларни идишлар таннархига ёки ишлатилишига (сотилиши, текинга берилиши ва ҳ.к.) қараб корхонанинг харажатлари (капитал қўйилмалари, сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи, давр харажатлари ва ҳ.к.)га киритиш.

Транспорт-тайёрлов харажатларини идишлар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усулида транспорт-тайёрлов харажатлари идишларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлари таркибида ишлаб чиқариш корхоналарида 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётига, савдо ташкилотларида 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счётига олиб борилади.

Транспорт-тайёрлов харажатларини идишлар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усулини кўп бўлмаган номенклатурадаги идишларга эга бўлган ташкилотларда, шунингдек идишларнинг алоҳида турлари ва гуруҳларининг қиймати катта аҳамиятга эга бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётига олиб бориш усулида транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида ййгилади ва идишларнинг тегишли турлари (ушбу транспорт-тайёрлов харажатлари тегишли бўлган партиялари, гуруҳлари) ўртасида тақсимланади.

Алоҳида ййгиладиган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгиланган даврга боғлиқ ҳолда давр охиридаги идишлар қолдиги суммаси ва ушбу даврда чиқиб кетган (ишлатилган, сотилган, текинга берилган ва ҳ.к.) идишлар суммаси ўртасида тақсимланади. Чикиб кетаётган идишларга тегишли бўлган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фонзи билан чиқиб кетган идишлар қийматининг кўпайтмаси сифатида аниқланиб, ушбу идишларнинг чиқиб кетиши акс эттирилган счётлар билан билан боғланишда улар акс эттирилган худди ўша счётларда акс эттирилади. Транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фонзи давр бошидаги транспорт-тайёрлов харажатлари қолдиги ва

давр ичида қилинган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаларини давр бошидаги идишлар қолдиғи ва давр ичида келиб тушган идишлар суммасига бўлиш билан аниқланади.

Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олишнинг қўлланиладиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида қонунчиликда ўрнатилган тартибда акс эттирилиши лозим.

**Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олиш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.** «Мастона» МЧЖ салқин ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва идишлар, яъни шиша бутилкаларни харид қилади. Ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида идишлар (шиша бутилкалар)ни харид қилиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олишда алоҳида материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счётлар (1500)дан фойдаланилиши назарда тутилган. 3.1-жадвалда мазкур ташкилот бўйича шиша бутилкаларни харид қилиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатларини суммаси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жорий ойда ташкилот томонидан қиймати 900 000 000 сўм бўлган шиша идишлар ишлаб чиқариш цехига салқин ичимликларни қуйиш учун берилган. Қолган идишлар бошқа корхонанинг устав капиталига улуш сифатида берилган.

### 3.1-жадвал

#### Шиша бутилкаларни харид қилиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатларини суммаси тўғрисида «Мастона» МЧЖнинг маълумотлари

Мазмуни	Шиша бутилкаларни қиймати, млн сўмда	Транспорт-тайёрлов харажатлари, минг сўмда
1. Ой бошига қолдиқ	400	100
2. Ой давомида келиб тушган	800	200
3. Чиқиб кетган (сотилган, улуш сифатида берилган ва ҳ.к.) ва ишлаб чиқариш жараёнига берилган	1 000	250
4. Ой охиридаги қолдиқ (1-қт + 2-қт - 3-қт)	200	50

Ҳисобот ойда чиқиб кетган идишлар бўйича тақсимланиши керак бўлган транспорт-тайёрлов харажатларини суммаси қуйидагидан иборат:

$$\frac{100 \text{ минг сўм} + 200 \text{ минг сўм}}{400 \text{ млн сўм} + 800 \text{ млн сўм}} \times 1000 \text{ млн сўм} = 250 \text{ минг сўм.}$$

Мазкур ойдаги идишларни харид қилиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади: ёрдамчи материаллар — 20 000 сўм, ташкилотнинг транспорт бўлими томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 80 800 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 80 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фонз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 19 200 сўм.

Транспорт-тайёрлов харажатларини шиша бутилкалар таннархига транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётига олиб бориш усулида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти	200 000 сўм;
кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти	20 000 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	80 800 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	80 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	19 600 сўм.

Шиша бутилкаларни ишлаб чиқариш цехига ва бошқа ташкилотга устав капиталига улуш сифатида бериш «Мастона» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— шиша бутилкалар ишлаб чиқаришга берилганда:	
дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	225 000 сўм;
кредит 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти	225 000 сўм;
900 млн сўм / 1 000 млн сўм × 250 минг сўм = 225 минг сўм;	

— шиша бутилкалар бошқа ташкилотга устав капиталига улуш сифатида берилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	25 000 сўм;
--	-------------

кредит 1510 «Материалларни тайёрлаш ва  
харид қилиш» счёти 25 000 сўм;  
25 000 сўм = 250 000 сўм — 225 000 сўм.

Қўйидаги ҳолларда идишларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ташкилот томонидан амалга оширилса, идишларнинг таннархи тегишли харажатлар суммасига ошади:

— таъсисчилардан ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши;

— таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушганда;

— текинга (ҳада шартномасига мувофиқ) келиб тушганда;

— айирбошланганда.

Ҳақ эвазига харид қилинган идишларнинг таннархи қопланадиган (ҳисобга киритишга қабул қилинадиган) солиқлар чегирилган ҳамда идишларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қўшилган ҳолда, шартномага ёки уларнинг харид қилинганлиги, ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ етказиб берувчи (сотувчи)га тўланадиган сумма тарикасида аниқланади.

Ҳақ эвазига харид қилинган идишларнинг таннархи шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. Ташкилот ҳақ эвазига ёғоч идишларни харид қилади. Ёғоч идишларни ташкилотгача етказиб бериш «Бургут» транспорт-экспедиторлик фирмаси томонидан амалга оширилган. Ёғоч идишларнинг баҳоси — 2 400 000 сўмни, ҚҚС суммаси (баҳодан 20 %) — 480 000 сўмни, транспорт харажатлари 240 000 сўмни ташкил этган. Ёғоч идишлар учун ҳақ тўлаш бўйича шартнома шартли баҳодан 80 % миқдорда олдиндан ҳақ тўлаш.

Иккита ҳолатни (фаолият туридан ва ҚҚС тўловчисилигидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### *1-ҳолат*

Салкий ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Мурод» МЧЖ ҳақ эвазига маҳсулотларни ташиш учун ёғоч идишлар харид қилган.

«Мурод» МЧЖ ҚҚС тўловчиси ҳисобланади, ёғоч идишлар харид қилиш бўйича ҚҚС суммаси қоплашга қабул қилинади.

Ёғоч идишларнинг таннархи куйидагидан иборат:

**2 640 000 сўм** = 2 400 000 сўм + 240 000 сўм.

Олди-сотди шартномаси бўйича харид қилинган ёғоч идишларни қирим қилиш «Мурод» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— етказиб бериш (олди-сотди) шартномасида назарда тутилган миқдорда аванс тўловлари амалга оширилганда:

*дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти* 1 920 000 сўм;  
*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 1 920 000 сўм;

— етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича мол етказиб берувчилардан ёғоч идишлар келиб тушганда (ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда):

*дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти* 2 400 000 сўм;  
*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти* 2 400 000 сўм;

— қоплашга қабул қилинадиган ҚҚС суммасига:

*дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти* 480 000 сўм;  
*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти* 480 000 сўм;

— ёғоч идишларни харид қилиш билан боғлиқ транспорт харажатлари суммасига:

*дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти* 240 000 сўм;  
*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти* 240 000 сўм;

— олдин берилган авансларни қоплашга қабул қилиш:



III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	1 920 000 сўм;
кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти	1 920 000 сўм;
— мол етказиб берувчилар олдидаги қарзни тўлаш:	
дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	960 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	960 000 сўм;
— транспорт ташкилоти олдидаги қарзни тўлаш:	
дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	240 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	240 000 сўм;
— олдин тўланган ҚКСни қоплашга қабул қилиш:	
дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти	480 000 сўм;
кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти	480 000 сўм.

## 2-ҳолат

Салқин ичимликларни улгуржи савдоси билан шуғулланадиган «Мурод» МЧЖ ҳақ эвазига ўраб-жойлаш учун ёғоч идишлар харид қилган. «Мурод» МЧЖ ҚКС тўловчиси ҳисобланмайди, ёғоч идишлар харид қилиш бўйича ҚКС суммаси уларни таннархига қўшилади.

Ёғоч идишларнинг таннархи қуйидагидан иборат:

**3 120 000 сўм** = 2 400 000 сўм + 480 000 сўм + 240 000 сўм.

Олди-сотди шартномаси бўйича харид қилинган ёғоч идишларни қирим қилиш «Мурод» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— етказиб бериш (олди-сотди) шартномасида назарда тутилган миқдорда аванс тўловларни амалга оширилганда:

дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти	1 920 000 сўм;
--	----------------

III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	1 920 000 сўм;
— етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича мол етказиб берувчилардан ёғоч идишлар келиб тушганда (КҚС ҳисобга олинган ҳолда):	
дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	2 880 000 сўм;
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	2 880 000 сўм;
— ёғоч идишларни харид қилиш билан боғлиқ транспорт харажатлари суммасига:	
дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	240 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	240 000 сўм;
— олдин берилган авансларни коплашга қабул қилиш:	
дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	1 920 000 сўм;
кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти	1 920 000 сўм;
— мол етказиб берувчилар олдидаги қарзни тўлаш:	
дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	960 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	960 000 сўм;
— транспорт ташкилоти олдидаги қарзни тўлаш:	
дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	240 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	240 000 сўм.

Чет эл валютасида харид қилинган идишларнинг таннарих Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 22) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар

ҳисоби»га ва 2004 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 98-сонли, Иктисодиёт вазирлигининг 41-сонли, Давлат солиқ кўмитасининг 2004-57-сонли, Марказий банкнинг 257-В-сонли, Давлат статистика кўмитасининг 8-сонли қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 августда 1411-сон билан рўйхатга олинган «Чет эл валютасида ифодаланган операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ аниқланади.

Импорт бўйича харид қилинган идишларнинг таннархи шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. Ташкилот ПЭТ бутилкаларни чет эл валютасига харид қилган. Шартнома қиймати 3 500 АҚШ долларини, транспорт харажатлари 1 000 АҚШ долларини, суғурта бўйича харажатлар 100 АҚШ долларини ташкил этади. Воситачи ташкилотларга комиссия мукофоти 350 000 сўмни ташкил этади. Сертификация харажатлари 25 000 сўмни ташкил қилган. Қуйидаги божхона тўловлари тўланган: божхона божи 10 % (мисол тарикасида), ҚҚС 20% ва божхона йиғими 0,2 %. Божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банкнинг бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатган курси 1305 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҚҚСни тўловчи ташкилотлар четдан келтирилган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшмайди, балки умумий белгиланган тартибда бюджетга тўлаши лозим бўлган ҚҚСни аниқлашда чегириб боради. ҚҚСни тўловчи бўлмаган ташкилотлар четдан келтирилган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшади.

Иккита ҳолатни (фаолият туридан: ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотларидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат***

Салкин ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Мас-тона» МЧЖ салкин ичимликларни қуйиш учун чет валютасига ПЭТ бутилкаларни харид қилган.

«Мас-тона» МЧЖ ҚҚС тўловчиси ҳисобланади, импорт қилинган ПЭТ бутилкалар бўйича ҚҚС суммаси қоплашга қабул қилинади.

ПЭТ бутилкаларни таннархини ҳисоблаш учун биринчи навбатда ПЭТ бутилкаларни шартнома қийматини уларни чет эл валютасида ифодаланган шартнома қийматини божхона юк декларациясини тўлди-

риш санасидаги Марказий банки курсига кўпайтириш йўли билан аниқлаймиз, яъни  $3\,500$  АҚШ доллари  $\times 1\,305$  сўм =  $4\,567\,500$  сўм.

Иккинчи навбатда ПЭТ бутилкаларни шартнома қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини аниқлаймиз. Божхона тўловлари: божхона божи  $456\,750$  сўм ( $4\,567\,500$  сўм  $\times 10\%$  /  $100$ ), ҚҚС  $1\,004\,850$  сўм [ $(4\,567\,500$  сўм +  $456\,750$  сўм)  $\times 20\%$  /  $100$ ], божхона йиғими  $9\,135$  сўм ( $4\,567\,500$  сўм  $\times 0,2\%$  /  $100$ ). Харид қийматига қўшиладиган божхона йиғимлари  $465\,885$  сўм ( $456\,750 + 9\,135$ )ни ташкил этади.

Учинчи навбатда суғурта бўйича харажатлар ва транспорт харажатларини эквивалентини аниқлаймиз. Транспорт харажатлари  $1\,305\,000$  сўм ( $1000$  АҚШ доллари  $\times 1\,305$  сўм)ни, суғурта бўйича харажатлар эса  $130\,500$  сўм ( $100$  АҚШ доллари  $\times 1\,305$  сўм)ни ташкил этади. Идишларни харид қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар суммаси  $1\,810\,500$  сўм ( $1\,305\,000$  сўм +  $130\,500$  сўм +  $350\,000$  сўм +  $25\,000$  сўм)ни ташкил этади.

ПЭТ бутилкаларни харид қиймати қуйидагича бўлади:

**6 843 885 сўм** =  $4\,567\,500 + 465\,885 + 1\,810\,500$ .

Олди-сотди шартномаси бўйича харид қилинган ПЭТ бутилкаларни қирим қилиш «Мастона» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича мол етказиб берувчилардан ПЭТ бутилкалар келиб тушганда (ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда):

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»

счёти

6 843 885 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

счёти

4 567 500 сўм

— шартномада назарда тутилган суммага;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти

465 885 сўм

— божхона тўловлари суммасига;

кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти

1 810 500 сўм

— харид билан боғлиқ бошқа харажатлар суммасига;

— коплашга қабул қилинадиган ҚҚС суммасига:

III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти	1 004 850 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	1 004 850 сўм;

— салкин ичимликлар сотилганда олдин тўланган ҚҚСни қоплашга қабул қилиш:

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти	1 004 850 сўм;
кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти	1 004 850 сўм.

## 2-қолат

Улгуржи савдо билан шуғулланадиган «Мастона» МЧЖ сотиш учун чет валютасига ПЭТ бутилкаларни харид қилган. «Мастона» МЧЖнинг ҳисоб сўёсатида товарлар таннарх бўйича юритилиши назарда тутилган. Савдо устамаси товарлар сотилганда ҳисобланади.

«Мастона» МЧЖ ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайди, импорт қилинган ПЭТ бутилкалар бўйича ҚҚС суммаси уларнинг таннархига қўшилади.

ПЭТ бутилкаларни таннархини ҳисоблаш учун биринчи навбатда ПЭТ бутилкаларни шартнома қийматини уларни чет эл валютасида ифодаланган шартнома қийматини божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банк курсига кўпайтириш йўли билан аниқлаймиз, яъни  $3\,500$  АҚШ доллари  $\times 1\,305$  сўм =  $4\,567\,500$  сўм.

Иккинчи навбатда ПЭТ бутилкаларни шартнома қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини аниқлаймиз. Божхона тўловлари: божхона божи  $456\,750$  сўм ( $4\,567\,500$  сўм  $\times 10\% / 100$ ), ҚҚС  $1\,004\,850$  сўм [ $(4\,567\,500$  сўм +  $456\,750$  сўм)  $\times 20\% / 100$ ], божхона йиғими  $9\,135$  сўм ( $4\,567\,500$  сўм  $\times 0,2\% / 100$ ). Харид қийматига қўшиладиган божхона йиғимлари  $1\,470\,735$  сўм ( $456\,750 + 1\,004\,850 + 9\,135$ )ни ташкил этади.

Учинчи навбатда суғурта бўйича харажатлар ва транспорт харажатларини эквивалентини аниқлаймиз. Транспорт харажатлари  $1\,305\,000$  сўм ( $1000$  АҚШ доллари  $\times 1\,305$  сўм)ни, суғурта бўйича харажатлар эса  $130\,500$  сўм ( $100$  АҚШ доллари  $\times 1\,305$  сўм)ни ташкил этади. Идишларни харид қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар суммаси  $1\,810\,500$  сўм ( $1\,305\,000$  сўм +  $130\,500$  сўм +  $350\,000$  сўм +  $25\,000$  сўм)ни ташкил этади.

ПЭТ бутилкаларни харид қиймати қуйидагича бўлади:

**7 848 735 сўм** = 4 567 500 + 1 470 735 + 1 810 500.

Олди-сотди шартномаси бўйича харид қилинган ПЭТ бутилкаларни қирим қилиш «Мастона» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича мол етказиб берувчилардан ПЭТ бутилкалар келиб тушганда (ККС ҳисобга олинган ҳолда):

дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти 7 848 735 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 4 567 500 сўм

— шартномада назарда тутилган суммага;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти 465 885 сўм

— божхона тўловлари суммасига;

кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 2 815 350 сўм

— ККС суммаси ва харид билан боғлиқ бошқа харажатлар суммасига;

2 815 350 сўм = 1 004 850 сўм + 1 810 500 сўм.

Ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олинган идишларнинг таннари, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига мувофиқ мулкдор хусусий корхонанинг устав капиталига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддасига мувофиқ жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йнғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади. Шу билан бирга «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғри-

сида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 33-моддаси жамиятнинг таъсис этиш чоғида акцияга тўланадиган ҳақ сифатида топшириладиган мол-мулкнинг пулдаги баҳоси муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ чиқарилишини аниқлайди. Агар жамиятнинг шу йўсинда сотиб олинаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида топшириладиган мол-мулкнинг пулдаги баҳосини мустақил нархловчи чиқариши керак.

Шунинг учун ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олинган идишларнинг таннари, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосига асосан аниқланади.

Шу билан бирга оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларнинг акциялар номинал қийматидан ошган миқдори, яъни акцияларни дастлабки сотишда номинал қийматидан юқори баҳода олинган эмиссион даромад, шунингдек устав капиталини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган курс фарқларни суммаси кўринишидаги қўшилган капитал мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар қўшилган капитал таркибида ҳисобга олиншига ҳам эътибор қаратиш лозим.

**Ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олинган идишларнинг таннари шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз.** «Маржона» МЧЖнинг устав капитали 50 000 000 сўм қилиб рўйхатдан ўтказилган. Таъсис ҳужжатларига мувофиқ таъсисчи устав капиталига улуш сифатида қиймати 30 000 000 сўм бўлган идишлар (ПЭТ бутилкалар, шиша бутилкалар ва бошқа идишларни)ни ва 20 000 000 сўм суммадаги пул маблағларини киритиш керак.

Иккита ҳолатни (таъсис ҳужжатларда назарда тутилганга нисбатан устав капиталига улушни миқдори ва харид қилиш билан боғлиқ харажатларни амалга оширилишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

#### ***1-ҳолат***

«Маржона» МЧЖнинг таъсисчиси устав капиталига улуш сифатида қиймати 30 000 000 сўм бўлган идишлар (ПЭТ бутилкалар, шиша

бутилкалар ва бошқа идишлар)ни киритди. «Маржона» МЧЖгача етказиб бериш харажатларини таъсисчи ўз кучи билан амалга оширди.

«Маржона» МЧЖнинг устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан келиб тушган идишларни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— корхона рўйхатга олинаётганда устав капитали суммасига:

дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	50 000 000 сўм;
кредит 8330 «Пай ва улушлар» счёти	50 000 000 сўм;

— «Маржона» МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва олган идишларни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ишлатишган ҳолда, устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан идишлар келиб тушганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	30 000 000 сўм;
кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	30 000 000 сўм;

— «Маржона» МЧЖ савдо билан шуғулланади ва олган идишларни товарни сотиш жараёнида ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан идишлар келиб тушганда:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	30 000 000 сўм;
кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	30 000 000 сўм.

## 2-ҳолат

«Маржона» МЧЖнинг таъсисчиси устав капиталига улуш сифатида қиймати 31 000 000 сўм бўлган идишлар (ПЭТ бутилкалар, шиша бутилкалар ва бошқа идишлар)ни киритди. Омборгача етказиб беришни «Маржона» МЧЖнинг ишчилари амалга оширди. Омборгача етказиб беришни харажатлари куйидагилардан иборат: транспорт харажатлари 500 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 250 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 60 000 сўм.

Ушбу ҳолатда идишларнинг таннархи куйидагича бўлади:

$$31\ 810\ 000\ \text{сўм} = 31\ 000\ 000 + 500\ 000 + 250\ 000 + 60\ 000.$$



**III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма**

«Маржона» МЧЖнинг устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан келиб тушган идишларни кирим килиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— корхона рўйхатга олинаётганда устав капитали суммасига:

дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	50 000 000 сўм;
кредит 8330 «Пай ва улушлар» счёти	50 000 000 сўм;

— «Маржона» МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва олган идишларни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан идишлар келиб тушганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	31 810 000 сўм;
кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	30 000 000 сўм;
кредит 8530 «Текинга олинган мулк» счёти	1 000 000 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	500 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	250 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	60 000 сўм;

— «Маржона» МЧЖ савдо билан шуғулланади ва олган идишларни товарни сотиш жараёнида ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан идишлар келиб тушганда:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	31 810 000 сўм;
кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	30 000 000 сўм;
кредит 8530 «Текинга олинган мулк» счёти	1 000 000 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	500 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	250 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	60 000 сўм.

Таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушган идишларнинг таннархи, агар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосига асосан аниқланади.

Олинаётган идишларнинг қиймати бошқа корхонанинг устав капиталидаги улуши бўйича қарз суммасидан юқори бўлган ҳолларда, фарқ таъсисчилар таркибидан чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан қопланади.

Бошқа корхонанинг устав капиталидаги улуши бўйича қарз суммаси олинаётган идишларнинг қиймати юқори бўлган ҳолларда, фарқ бераётган ташкилот томонидан қопланади.

**Таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушган идишларнинг таннархи шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз.** «Маржона» МЧЖни устав капиталида «Мастона» МЧЖнинг суммаси 5 000 000 сўм бўлган улуши мавжуд. «Маржона» МЧЖни таъсисчилари таркибидан «Мастона» МЧЖ чиқиб кетмоқчи. «Маржона» МЧЖни таъсисчиларининг қарорига мувофиқ «Мастона» МЧЖ устав капиталидаги улушини идишлар (ПЭТ бутилкалар, шиша бутилкалар ва бошқа идишлар) билан олади.

Учта ҳолатни (таъсис улуши қайтарилганда келиб тушган идишларнинг қийматидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат**

«Мастона» МЧЖ олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасига тенг бўлган қиймати 5 000 000 сўмлик идишлар (ПЭТ бутилкалар, шиша бутилкалар ва бошқа идишлар)ни олади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олдин бошқа корхонани устав капиталига киритилган идишларни қилиш «Мастона» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ташкилотнинг «Маржона» МЧЖнинг устав капиталига олдин киритган таъсис улуши суммасига:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	5 000 000 сўм;

— узок муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган «Маржона» МЧЖнинг устав капиталидаги улушининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 0690 «Бошқа узок муддатли инвестициялар» счёти	5 000 000 сўм;

— «Мастона» МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва олган идишларни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасига тенг бўлган қиймат бўйича идишлар келиб тушганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	5 000 000 сўм;

— «Мастона» МЧЖ савдо билан шуғулланади ва олган идишларни товарни сотиш жараёнида ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасига тенг бўлган қиймат бўйича идишлар келиб тушганда:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	5 000 000 сўм.

## 2-ҳолат

«Мастона» МЧЖ олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан юқори бўлган қиймати 6 400 000 сўмлик идишлар (ПЭТ бутилкалар, шиша бутилкалар ва бошқа идишлар)ни олади ва 1 400 000 сўмни пул маблағлари билан қайтариши керак.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олдин бошқа корхонани устав капиталига киритилган идишларни кирим қилиш «Мастона» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ташкилотнинг «Маржона» МЧЖнинг устав капиталига олдин киритган таъсис улуши суммасига:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	5 000 000 сўм;

— узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган «Маржона» МЧЖнинг устав капиталидаги улушнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти	5 000 000 сўм;

— «Мастона» МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва олган идишларни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан юқори бўлган қиймат бўйича идишлар келиб тушганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	6 400 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	1 400 000 сўм;

— «Мастона» МЧЖ савдо билан шуғулланади ва олган идишларни товарни сотиш жараёнида ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан юқори бўлган қиймат бўйича идишлар келиб тушганда:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	1 400 000 сўм.

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олинган идишларнинг қиймати олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан юқори бўлганлиги ҳисобига юзага келган қарз суммасини ҳисобкитоб счётидан пул маблағлари билан қопланиши:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	1 400 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	1 400 000 сўм.

### 3-ҳолат

«Мастона» МЧЖ олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан кам бўлган қиймати 4 500 000 сўмлик идишлар (ПЭТ бутилкалар, шиша бутилкалар ва бошқа идишлар)ни олади ва кўшимча 500 000 сўм пул маблағлари олади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олдин бошқа корхонани устав капиталига киритилган идишларни кирим қилиш «Мастона» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ташкилотнинг «Маржона» МЧЖнинг устав капиталига олдин киритган таъсис улуши суммасига:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	5 000 000 сўм;

— узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган «Маржона» МЧЖнинг устав капиталидаги улушнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти	5 000 000 сўм;

— «Мастона» МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва олган идишларни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан кам бўлган қиймат бўйича идишлар келиб тушганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	4 500 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	4 500 000 сўм;

— «Мастона» МЧЖ савдо билан шуғулланади ва олган идишларни товарни сотиш жараёнида ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан кам бўлган қиймат бўйича идишлар келиб тушганда:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	4 500 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	4 500 000 сўм;

— олдин «Маржона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммаси бўйича қарзни юқори бўлганлиги ҳисобига юзага келган қарз суммасини қоплаш учун ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	500 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	500 000 сўм.

Ташкилот томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган идишларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари»га мувофиқ жорий қиймат — бу маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича товар-моддий захираларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган суммадир.

Ташкилот томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган идишларнинг таннархини шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Фаррух» МЧЖ ташкилотни ривожлантириш мақсадида «Умид» МЧЖга идишларни текинга берди. Идишларнинг жорий қиймати 2 500 000 сўмга тенг.

Текинга (ҳадя шартномаси бўйича) келиб тушган идишларнинг кира килиши «Умид» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— «Умид» МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва олган идишларни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, жорий қиймати бўйича идишлар келиб тушганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	2 500 000 сўм;
кредит 8530 «Текинга олинган мулк» счёти	2 500 000 сўм;

— «Умид» МЧЖ савдо билан шуғулланади ва олган идишларни товарни сотиш жараёнида ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, жорий қиймати бўйича идишлар келиб тушганда:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	2 500 000 сўм;
кредит 8530 «Текинга олинган мулк» счёти	2 500 000 сўм.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

— худди шундай идишларга айирбошлаш йўли билан олинган идишларнинг таннархи берилган идишларнинг баланс қийматига тенг;

— худди шундай бўлмаган идишларга айирбошлаш йўли билан олинган идишларнинг таннархи берилган идишларнинг жорий қийматига тенг.

Идишлар қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан олинган идишларнинг таннархи берилган идишларнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) жорий қийматига тенг.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутилган шартномалар бўйича олинган идишларнинг таннархи деб ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган активларнинг жорий қиймати ёки бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг жорий қиймати тан олинади.

Ташкилот томонидан берилган ёки бериладиган активларнинг қийматини белгилаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажаришни назарда тутадиган шартномалар бўйича ташкилот томонидан олинган идишларнинг таннархи шунга ўхшаш вазиятларда худди шундай идишлар харид қилинадиган жорий қийматдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Айирбошлаб олинган идишларни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида мазкур Услубий қўлланманинг 6-параграфида назарда тутилган тартибда акс эттирилади.

Савдо ташкилотлари томонидан сотиш учун бошқа тарафлардан харид қилинган идишларнинг таннархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июл-

да 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари»га мувофиқ аниқланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 21) «Хўжалик юртувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га мувофиқ товарларни ҳисобга олувчи счётлар (2900, 2950 ва 2980 счётлардан ташқари)да ҳисобга олинади.

Идишлар битта умумий суммага харид қилинган ҳолларда жами харид қилинган идишлардан ҳар бирининг таннархи ушбу суммани алоҳида идишларнинг жорий қийматиغا мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бу ерда, агар ташкилот битта келишилган қийматга бухгалтерия ҳисобида алоҳида-алоҳида объект сифатида идентификация қилинадиган бир нечта тур идишларни харид қилса, битта умумий суммага харид қилинган идишларнинг ҳар бири кирим қилиниши лозим бўлган таннарх, яъни қиймати ҳар бир объектнинг бозор (жорий) қийматининг харид қилинган идишларнинг умумий бозор қийматидаги улушидан келиб чиқиб аниқланиши назарда тутилган.

Битта умумий суммага харид қилинган идишларнинг таннархини шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. 2008 йилнинг 20 майда «Мастона» МЧЖ «Тезкор» АЖдан идишлар билан бирга умумий қиймати 180 000 000 сўм бўлган мулк мажмуасини (омбор биносини) харид қилди. Бундан идишларнинг умумий қиймати 60 000 000 сўмни ташкил этади. Идишларнинг таркиби қуйидагилардан иборат: ПЭТ бутилкалар, шиша бутилкалар, ёғоч идишлар, темир идишлар, қоплар, картон ва пластмасса қоробкалар. Харид бўйича барча сумма 2008 йилнинг 5 июнида ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан тўланган. Баҳоловчи компаниянинг хулосасига мувофиқ ҳар бир тур идиш қуйидагича баҳоланган: ПЭТ бутилкалар — 20 000 000 сўм, шиша бутилкалар — 14 000 000 сўм, ёғоч идишлар — 8 600 000 сўм, темир идишлар — 9 400 000 сўм, қоплар — 6 900 000 сўм, картон қоробкалар — 5 700 000 сўм, пластмасса қоробкалар — 4 300 000 сўм.



III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма

Баҳоловчи компаниянинг ҳулосасидан келиб чикиб ҳар бир тур идишларнинг бозор қийматини харид қилинган идишларнинг умумий бозор қийматидаги улушини қийинчилик аниқлаш мумкин ва бу қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Идишларнинг тури	Бозор қиймати (сўм)	Улуши (%)	Ҳисоблаш
ПЭТ бутилкалар	20 000 000	29,0	20 000 000 / 68 900 000 x 100
Шиша бутилкалар	14 000 000	20,3	14 000 000 / 68 900 000 x 100
Ёғоч идишлар	8 600 000	12,5	8 600 000 / 68 900 000 x 100
Темир идишлар	9 400 000	13,6	9 400 000 / 68 900 000 x 100
Қоплар	6 900 000	10,0	6 900 000 / 68 900 000 x 100
Картон қоробкалар	5 700 000	8,3	5 700 000 / 68 900 000 x 100
Пластмасса қоробкалар	4 300 000	6,3	4 300 000 / 68 900 000 x 100
<b>Жами:</b>	<b>68 900 000</b>		

Харид қилинган ҳар бир гуруҳ идишларнинг таннархи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Идишларнинг тури	Таннархи (сўм)	Бозор қийматининг улуши (%)	Ҳисоблаш
ПЭТ бутилкалар	17 400 000	29,0	60 000 000 x 29,0 / 100
Шиша бутилкалар	12 180 000	20,3	60 000 000 x 20,3 / 100
Ёғоч идишлар	7 500 000	12,5	60 000 000 x 12,5 / 100
Темир идишлар	8 160 000	13,6	60 000 000 x 13,6 / 100
Қоплар	6 000 000	10,0	60 000 000 x 10,0 / 100
Картон қоробкалар	4 980 000	8,3	60 000 000 x 8,3 / 100
Пластмасса қоробкалар	3 780 000	6,3	60 000 000 x 6,3 / 100
<b>Жами:</b>	<b>60 000 000</b>		

Идишларни харид қилиш билан боғлиқ операциялар «Мастона» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— «Мастона» МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва олган идишларни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, мол етказиб берувчилардан етказиб бериш шартномасига мувофиқ идишлар келиб тушганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 60 000 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 60 000 000 сўм;

— «Мастона» МЧЖ савдо билан шуғулланади ва олган идишларни товарни сотиш жараёнида ўраб-жойлаш учун ишлатган ҳолда, мол етказиб берувчилардан етказиб бериш шартномасига мувофиқ идишлар келиб тушганда:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти 60 000 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 60 000 000 сўм;

— харид қилинган мулк мажмуаси (омбор биноси) бўйича «Тезкор» АЖнинг қарзлари қопланганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 180 000 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 180 000 000 сўм.

Ташкилотга тегишли, бироқ йўлда бўлган ёки харидорга гаровга берилган идишлар бухгалтерия ҳисобига кейинчалик таннархига аниқлик киритиш билан шартномада назарда тутилган баҳода қабул қилинади.

Мол етказиб берувчилардан келиб тушган идишларни қабул қилишда аниқланган камомад ва йўқотишлар, шунингдек уларнинг шартномада назарда тутилгандан юқори камомади ёки бузилиши 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебетида ҳисобга олинади. Йўқотишларнинг айбдорларига даъво тақдим этилади ва агар улар даъвони қанотлантирмасалар, хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат

қилинади. Суд томонидан юқоридаги йўқотишлар суммасини айбдорлардан ундириш рад этилган ҳолларда, бундай операциялар бухгалтерия ҳисобида 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебети ва 4860 «Даъволар бўйича олинadиган счётлар» счётининг кредити бўйича ёзув билан акс эттирилади.

### ***2.3. Ташкилотда ишлаб чиқарилган идишларнинг таннархи шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби***

Ташкилотнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган (тайёрланadиган) идишларнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Идишларнинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Бевосита харажатлар бу — алоҳида бир тур товар-моддий захира-ларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ва уларнинг бир бирлиги таннархига олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатларидир.

Билвосита харажатлар бу — бир нечта тур товар-моддий захира-ларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) жараёни билан боғлиқ бўлган, маълум бир тур товар-моддий захира-ларнинг бир бирлиги таннархига тўғридан-тўғри олиб бўлмайдиган ва натижада улар ўртасида тақисмланадиган ҳамда уларнинг бир бирлиги таннархига тақсимлаш йўли билан олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатларидир.

Идишларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иктисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар бўйича гуруҳларга ажратилади:

— ишлаб чиқариш моддий харажатлар (кайтириладиган чикитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

— ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари;

— ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номддий активлар амортизацияси;

— ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Сотиш харажатлари, ташкилотни бошқариш бўйича умумий харажатлар (маъмурий харажатлар), бошқа операцион харажатлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда зарарлар идишларни ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

Идишларнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшилладиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ аниқланади.

Идишларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари»да белгиланган усуллар билан амалга оширилади.

Идишлар ишлаб чиқарувчи ташкилотларда четга сотиш (устав капиталига бериш ва х.к.)лар учун ишлаб чиқарилган идишлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича баҳоланади ва 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётидан (агар идиш ишлаб чиқариш асосий фаолият тури бўлса), 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётидан (агар идиш ишлаб чиқариш ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлса) тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар (2800)га олиб борилади.

Идишлар ишлаб чиқарувчи ташкилотларда маҳсулотни ўраб-жойлаш учун ишлаб чиқарилган идишлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича баҳоланади ва 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётидан (агар идиш ишлаб чиқариш асосий фаолият тури бўлса), 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётидан (агар идиш ишлаб чиқариш ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлса) 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётига олиб борилади.

### 3-§. Сотишнинг соф қиймати

Идишлар, агар сотишнинг соф қиймати уларнинг таннархидан паст бўлса, сотишнинг соф қиймати бўйича акс эттирилади. Сотишнинг соф қиймати идишларнинг ҳар бир бирлиги (тури) бўйича белгиланади.

Сотишнинг соф қийматини аниқлаш мақсадида идишларни қайта баҳолаш — улар қийматини жорий қийматга мувофиқлаштириш мақсадида идишлар қийматини вақти-вақти билан аниқлаштиришдир.

Идишлар уларнинг алоҳида birlikлари таннархини қайта баҳолашни ўтказиш санасида шаклланган ўхшаш баҳоладиган идишларнинг ҳужжат билан тасдиқланган жорий қийматлари бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан қайта баҳоланади.

Қайта баҳолаш ташкилот томонидан мустақил равишда ёки конун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига (лицензиясига) эга бўлган ихтисослаштирилган ташкилот (мутахассис-экспертлар)ни жалб этиш орқали амалга оширилади.

Идишлар бирлигининг жорий қийматини ҳужжатли тасдиқлаш учун ташкилотнинг ихтиёрига кўра қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

— ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-ҳом ашё биржаларидан ёзма шаклда олинган идишлар ўхшаш бирлигининг жорий қиймати (нархи) тўғрисида маълумотлар;

— харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганида) ЭАВда идишлар бирлигининг таннархи тўғрисида маълумотлар, бунда хорижий валюталар курсларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта баҳолашни ўтказиш санаси ва идишларнинг тегишли бирлигини харид қилиш санасида белгиланган сўмга нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўлланади;

— тегишли давлат органларидаги мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— баҳоловчининг идишлар тегишли бирлигининг жорий қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Идишлар, агар улар шикастланган, тўлиқ ёки қисман эскирган ёки уларни сотишнинг соф қиймати пасайган бўлса, арзонлаштирилиши мумкин. Идишларнинг қиймати, агар эътироф этилган бутлаш хара-

жатлари, идишларни товар кўрнинишига келтириш бўйича ишлар ёки мўлжалланган сотиш харажатлари ошган бўлса, камайтирилиши мумкин. Идишларни сотишнинг соф қийматига қадар таннархдан паст арзонлаштириш амалиёти идишларнинг хаддан ташқари тўпланиши ва уларнинг секин айланувчанлиги ҳолларида товар-моддий захиралар молиявий ҳисоботда уларни сотиш ёки ишлатишдан қутиладиган суммадан юқори акс эттирилмаслиги учун қўлланади.

Идишлар одатда «моддалар бўйича усул» асосида сотишнинг соф қийматига қадар арзонлаштирилади. Бунда бир турдаги ёки ўзаро боғланган идишларни гурухлашдан, яъни: биргина ассортиментга тааллуқли бўлган; худди ўша вазифа ёки пировард ишлатишга эга бўлган; биргина географик ҳудудда ишлаб чиқариладиган ёки бозорида талаб қилинадиган; ушбу ассортиментни бошқа материаллардан амалда алоҳида баҳоланиши мумкин бўлмаган идишлардан фойдаланиш мумкин. Идишларни муайян тармоқ ёки биргина географик зонада тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки идишларга таснифлашга асосланиб арзонлаштириш тўғри эмас.

Идишлар таннархининг ушбу идишларни сотишнинг соф қиймати суммасидан ошадиган суммаси, яъни қайта баҳолаш натижасида идишларнинг арзонлашиш суммаси у юзага келган ҳисобот даврининг харажатларига киритилади.

**Идишларни таннархини пасайтирилиши суммасини акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз.** «Мастона» МЧЖнинг омборида 250 000 сўм қийматга эга бўлган 1 000 дона шиша бутилка мавжуд. Қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқиб ҳисобот даврининг охирида шиша бутилкани сотишнинг соф қиймати суммаси ҳар бир бирлигига 240 сўм килиб белгиланди.

Қайта баҳолаш натижасида шиша бутилканинг қийматининг пасайтирилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ишлаб чиқариш корхоналарида шиша бутилканинг қийматининг пасайтирилиши (идишлар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ишлатилади):

*дебет 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти 10 000 сўм;*

*кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 10 000 сўм;*

— ишлаб чиқариш корхоналарида шиша бутилканинг қийматининг пасайтирилиши (идишлар корхонада ишлаб чиқарилган ва четга сотиш учун мўлжалланган):

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 10 000 сўм;  
кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»  
счёти 10 000 сўм;

— савдо корхоналарида шиша бутилканинг қийматининг пасайтирилиши (идишлар қайта сотиш учун мўлжалланган):

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 10 000 сўм;  
кредит 2910 «Омбордаги товарлар» счёти 10 000 сўм;

— савдо корхоналарида шиша бутилканинг қийматининг пасайтирилиши (товарлар билан банд идишлар ва бўш идишлар):

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 10 000 сўм;  
кредит 2950 «Товарлар билан банд идишлар ва  
бўш идишлар» счёти 10 000 сўм;

— бошқа операцион харажатлар счётини ёпилиши:

дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти 10 000 сўм;  
кредит 9430 «Бошқа операцион харажатлар»  
счёти 10 000 сўм.

Ҳар бир кейинги даврда сотишнинг соф қийматини янгидан қайта баҳолаш ўтказилиши мумкин. Иқтисодий конъюнктуранинг ўзгарганлиги сабабли ташкилотнинг мулкидаги илгари қиймати пасайтирилган идишларни сотишнинг соф қиймати ошган ҳолда тегишли ҳисобдан чиқариш суммаси шу тариқа тикланадики (тиклаш дастлабки ҳисобдан чиқариш миқдорлари билан чекланган), бунда янги баланс қиймати қонунчиликда назарда тутилган тартибда ушбу икки қийматнинг энг ками — таннарх ёки қайта кўриб чиқилган сотишнинг соф қийматига қадар келтирилади.

#### 4-§. Идишларни ҳаракати бўйича операциялар ҳисоби

4.1. Бир маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби

Бир маротаба ишлатиладиган идишлар корхона томонидан уларни ишлаб чиқаришга берилганда ёки товар-моддий захиралари чиқиб кет-

ганда харажатларга ҳисобдан чиқарилади ва қайтарилиши лозим эмас. Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларни ўраш-жойлаш учун мўлжалланган идишлар қиймати таннархга қўшилади, савдо жойларида ва оморларда товарларни ўраш-жойлаш учун ишлатилганлари эса сотиш билан боғлиқ харажатларга олиб борилади.

Савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналарда бир маротаба ишлатиладиган идишлар қиймати 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счётидан 9410 «Сотиш харажатлари» счётига ҳисобдан чиқарилади ва сотиш харажатлари сифатида давр харажатлари таркибига қўшилади.

Бошқа корхоналарда бир маротаба ишлатиладиган идишлар 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётидан ҳисобдан чиқарилади ва куйидагиларга олиб борилади:

— 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари», 2610 «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар», 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётларига (яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшилади) — агар маҳсулотни идишларга ўраш-жойлаш асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларида ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда амалга оширилса;

— 9410 «Сотиш харажатлари» счётига (яъни давр харажатларига қўшилади) — агар маҳсулотни идишларга ўраш-жойлаш уларни оморга топширилгандан кейин ёки маҳсулотлар (товарлар)ни сотиш жараёнида амалга оширилса.

**Қиймати мазкур идишга ўраб-жойланган сотиладиган товар-моддий захираларининг сотиш баҳосига кирадиган идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини маҳсулотнинг ўраш-жойлаш амалга оширилган жойидан келиб чиқиб мисолда кўриб ўтамиз.**

### *1-ҳолат*

Салқин ичимлик ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «Мастона» МЧЖ ўзининг маҳсулотларини қуйиш учун бир марталик ПЭТ бутилкаларни харид қилди. Маҳсулотни қуйиш ПЭТ бутилкалари берилган ишлаб чиқариш цехида амалга оширилади. ПЭТ бутилкаларнинг қиймати 2 000 000 сўмни ва ҚҚС суммаси 400 000 сўмни ташкил этади. ҚҚС суммаси қоплашга қабул қилинади.



**III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма**

ПЭТ бутилкаларни кирим қилиш ва ишлаб чиқариш цехига бериш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

- ПЭТ бутилкаларни кирим қилинганда (ККСсиз):
- |   |                |
|---|----------------|
| дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»<br>счёти                                       | 2 000 000 сўм; |
| кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва<br>пудратчиларга тўланадиган счётлар»<br>счёти | 2 000 000 сўм; |
- қоплашга қабул қилинган ККС суммаси:
- |   |              |
|---|--------------|
| дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа<br>мажбурий тўловлар бўйича бўнак<br>тўловлари (турлари бўйича)» счёти | 400 000 сўм; |
| кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва<br>пудратчиларга тўланадиган счётлар»<br>счёти                         | 400 000 сўм; |
- ПЭТ бутилкалар ишлаб чиқариш цехига берилди:
- |  |                |
|--|----------------|
| дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти          | 2 000 000 сўм; |
| кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»<br>счёти | 2 000 000 сўм. |

## **2-ҳолат**

Электр двигатель ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Прогресс» МЧЖ ўзининг маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ёрдамчи ишлаб чиқариш цехида ёғоч яшиклар (бир маротаба ишлатиладиган идиш сифатида) тайёрлайди. Тайёр маҳсулотларни идишларга ўраб-жойлаш ёғоч яшиклар етказиб берилган тайёр маҳсулот омборида амалга оширилади. Ёғоч яшикларнинг ишлаб чиқариш таннари 2 250 000 сўм.

Ёғоч яшикларни кирим қилиш ва ишлаб чиқариш цехига бериш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

- ёғоч яшиклар кирим қилинганда:
- |   |                |
|---|----------------|
| дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»<br>счёти | 2 250 000 сўм; |
| кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти       | 2 250 000 сўм; |

— электр двигателларни ўраб-жойлаш учун ёғоч яшиқлар тайёр маҳсулот омборига берилганда:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти	2 250 000 сўм;
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	2 250 000 сўм.

### 3-ҳолат

«Маржона» МЧЖ ўсимлик мойини бир марталик ПЭТ бутилкаларга куйиб сотади. Ўсимлик мойини куйиш савдо ўринларида амалга оширилади ва савдо ўринларига ҳар бири 200 сўм бўлган 5 000 дона ПЭТ бутилкалари берилган.

ПЭТ бутилкаларини савдо ўринларига бериш бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти	2 250 000 сўм;
кредит 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	2 250 000 сўм.

### 4.2. Кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби

Идишларнинг айланиши масаласи бўйича мол етказиб берувчилар ва харидорларнинг ўзаро муносабатларни аниқлаш бўйича асосий талаблар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 450-моддасида тартибга солинади. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, харидор (олувчи) товар келтирилган кўп маротаба ишлатиладиган идиш ва ўраш материалларини мол етказиб берувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда қайтаришга мажбур. Бошқа идиш ва ўраш материаллари фақат маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина етказиб берувчига қайтарилиши лозим.

Юқорида келтирилган меъёрлар куйидагиларни аниқлаштиради: харидор томонидан ўзининг тавсияси бўйича кўп маротаба ишлатиладиган идишларга тўғри келадиган идишларни қайтармаслиги мумкин бўлиши учун бу ҳолатлар мол етказиб бериш шартномасида белгилаб ўтилиши шарт. Булар асосан маълум бир шароитларга кўра идишларни қайтариш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки имконият бўлмаган ҳолларда бўлиши мумкин. Масалан, товарларни етказиб бериш катта материал харажатларни талаб қиладиган узок тоғли туманларда жойлашган корхоналарда бўлиши мумкин.

Кўп маротаба ишлатиладиган идишлар мол етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) билан харидор ўртасида кўп маротаба айланади ва товар-моддий захираларидан бўшатиладиган кейин қонунчиликда ёки шартномада белгиланган тартибда мол етказиб берувчи корхонага қайтарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ гаров қийматига эга бўлган қайтариладиган тарани, шу жумладан шиша идишни жўнатиш қўшилган қиймат солиғи бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ҳисобланмайди. Қайтариладиган идиш бўлиб махсулот солиб жўнатиладиган, қиймати ушбу махсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу махсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контракта) белгиланган шартларда ва муддатларда махсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган идишлар ҳисобланади.

Шартнома шартлари бўйича харидор кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтаришга мажбур бўлмаган ҳолларда унинг қиймати мол етказиб берувчининг счё-фактурасида унда қадокланган сотилиши лозим бўлган товар-моддий захираларининг сотиш баҳосига қўшилган ҳолда кўрсатилади. Бунда харидор қилмаётганда қийматини аниқлаш учун имконият яратиш мақсадида идиш қийматини алоҳида кўрсатиш ҳуқуқига эга. Мол етказиб берувчида қайтарилмайдиган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг ҳисоби товар-моддий захираларининг сотиш ҳисобига ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Бунда қайтарилиши лозим бўлмаган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтарилиши билан боғлиқ бўлган операциялар мол етказиб берувчининг бухгалтерия ҳисобида четдан кўп маротаба ишлатиладиган идишлар сотиб олишга ўхшаш тарзда акс эттирилади. Мол етказиб берувчига қайтарилган бўш идишлар қиймати мол етказиб берувчи (идиш қабул қилувчи) томонидан харидорга (идиш топширувчига) тегишли шартнома (олди-сотди, етказиб бериш ва х.к.)да назарда тутилган баҳода тўлаб берилади.

Шартнома шартлари бўйича харидор кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтаришга мажбур бўлган ҳолларда унинг қиймати счё-фактура ва (ёки) бошқа йўл (товарларни кузатиб боровчи) ҳужжатларда тегишли шартномаларда кўрсатилган суммада алоҳида қаторда, унда қадокланган махсулотлар (товарлар)нинг сотиш баҳосига қўшилмаган ҳолда кўрсатилади. Мол етказиб берувчиларда кўп маротаба ишлати-

ладиган идишлар қайтарилганда уларни кириш қилиш тегишли шартномаларда кўрсатилган суммаларда амалга оширилади. Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг харидор томонидан қайтарилиши ва ушбу идишлардаги товар-моддий захиралар сотиб олинган етказиб берувчи томонидан идишларнинг олинishi даромад келтирувчи операция сифатида қаралмайди.

Агар қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар белгиланган муддатда ва сонда қайтарилмаса, бухгалтерия ҳисобида уларни бериш асосий фаолиятдан даромад ва харажатлар сифатида улар юзага келган ҳисобот даврида уларнинг жорий қиймати бўйича акс эттирилади. Кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтариш бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун шартнома (етказиб бериш, олди-сотди ва х.к.) шартларида қўшимча санкциялар назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ агар идишлар белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай идишни бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади. Идиш шартномада назарда тутилган муддатда қайтарилмаса, бу идишни қайтариш учун белгиланган сана қайтарилиши лозим бўлган идишнинг реализация қилиш обороти амалга оширилган сана ҳисобланади.

Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилмаганда ҚҚС тўлаш даврини аниқлашда юзага келадиган қийинчиликлардан қочиш мақсадида корхоналар шартномаларни расмийлаштиришга эътиборли бўлиб ёндошишлари лозим. Масалан, солиқ идоралари ходимлари идишларни ортиб жўнатиш санасида ҚҚС ҳисобламасликлари учун харидорлар билан тузилган шартномада қайтариладиган идишлар берилаётганлиги кўрсатишлари шарт. Бундан ташқари мол етказиб берувчига идишлар қайтарилиши лозим бўлган санани ва уларни қайтариш тартибини ҳам кўрсатиб ўтишни тавсия этамиз.

**Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолларда кўриб чиқамиз.** «Юлдуз» МЧЖ тунука банкага ўраб-жойланган ўзи ишлаб чиқарган томат пастасини сотади ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Ҳар бирига 4 донадан жойланган ёғоч яшиқларда 4 000 дона тунука банкадаги томат пастаси сотилди. Ёғоч яшиқлар қайтарилиши лозим.

Ёғоч яшиқларнинг қиймати ва уларнинг қайтарилганлари сонидан келиб чиқиб тўрт ҳолатни кўриб чиқамиз.

### 1-ҳолат

Ёғоч яшиқларнинг таннархи — 2 100 сўм. Ёғоч яшиқларнинг 1 000 донаси ишлатишга яроқли ҳолатда қайтарилган.

Қайтарилиши лозим бўлган ёғоч яшиқлар билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— харидор ва буюртмачиларга томат паста ортилганда (чиқарилганда):

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	2 100 000 сўм;
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	2 100 000 сўм;

— харидор ва буюртмачилар томонидан ёғоч яшиқлар қайтарилганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	2 100 000 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	2 100 000 сўм.

### 2-ҳолат

Ёғоч яшиқларнинг таннархи ва жорий қиймати — 2 100 сўм. Ёғоч яшиқларнинг 900 донаси ишлатишга яроқли ҳолатда қайтарилган.

Қайтарилиши лозим бўлган ёғоч яшиқлар билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— харидор ва буюртмачиларга томат паста ортилганда (чиқарилганда):

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	2 100 000 сўм;
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	2 100 000 сўм;

— харидор ва буюртмачилар томонидан ёғоч яшиқлар қайтарилганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	1 890 000 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	1 890 000 сўм;

1 890 000 сўм = 900 дона х 2 100 сўм;

— қайтарилмаган ёғоч яшикларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти 210 000 сўм;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 210 000 сўм;  
210 000 сўм = 100 дона x 2 100 сўм;

— қайтарилмаган ёғоч яшикларнинг жорий қиймати суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 210 000 сўм;  
кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти 210 000 сўм;  
210 000 сўм = 100 дона x 2 100 сўм;

— қайтарилмаган ёғоч яшикларнинг қийматига нисбатан ҚҚС ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 42 000 сўм;  
кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти 42 000 сўм;  
42 000 сўм = 210 000 сўм x 20 % / 100;

— қайтарилмаган ёғоч яшиклари учун харидор ва буюртмачилардан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб китоб счёти» счёти 252 000 сўм;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 252 000 сўм;  
252 000 сўм = 210 000 сўм + 42 000 сўм.

### 3-ҳолат

Ёғоч яшикларнинг таннархи — 2 100 сўм, уларнинг жорий қиймати — 2 200 сўм. Ёғоч яшикларнинг 900 донаси қайтарилган.

Қайтарилиши лозим бўлган ёғоч яшиклар билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— харидор ва буюртмачиларга томат паста ортилганда (чиқарилганда):

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 2 100 000 сўм;

III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма

кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 2 100 000 сўм;

— харидор ва буюртмачилар томонидан ёғоч яшиклар кайтарилганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 1 980 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 1 890 000 сўм;

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»  
счёти 90 000 сўм;

1 980 000 сўм = 900 дона x 2 200 сўм;

1 890 000 сўм = 900 дона x 2 100 сўм;

90 000 сўм = 1 980 000 сўм — 1 890 000 сўм;

— кайтарилмаган ёғоч яшикларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг  
таннархи» счёти 210 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 210 000 сўм;

210 000 сўм = 100 дона x 2 100 сўм;

— кайтарилмаган ёғоч яшикларнинг жорий қиймати суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 220 000 сўм;

кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти 220 000 сўм;

220 000 сўм = 100 дона x 2 200 сўм;

— кайтарилмаган ёғоч яшикларнинг қийматига нисбатан ҚҚС ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 44 000 сўм;

кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти 44 000 сўм;

44 000 сўм = 220 000 сўм x 20 % / 100;

— кайтарилмаган ёғоч яшиклари учун харидор ва буюртмачилардан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб китоб счёти» счёти 264 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 264 000 сўм;  
264 000 сўм = 220 000 сўм + 44 000 сўм.

#### 4-ҳолат

Ёғоч яшикларнинг таннархи — 2 100 сўм, уларнинг жорий қийма-  
ти — 2 000 сўм. Ёғоч яшикларнинг 900 донаси қайтарилган.

Қайтарилиши лозим бўлган ёғоч яшиклар билан боғлиқ операциялар  
«Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— харидор ва буюртмачиларга томат паста ортилганда (чиқарил-  
ганда):

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 2 100 000 сўм;

кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 2 100 000 сўм;

— харидор ва буюртмачилар томонидан ёғоч яшиклар қайтарилганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 1 800 000 сўм;

кредит 9430 «Бошқа операцион харажатлар»  
счёти 90 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 1 890 000 сўм;

1 800 000 сўм = 900 дона х 2 000 сўм;

1 890 000 сўм = 900 дона х 2 100 сўм;

90 000 сўм = 1 890 000 сўм - 1 800 000 сўм;

— қайтарилмаган ёғоч яшикларнинг таннархи ҳисобдан чиқарил-  
ганда:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг  
таннархи» счёти 210 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 210 000 сўм;

210 000 сўм = 100 дона х 2 100 сўм;

— қайтарилмаган ёғоч яшикларнинг жорий қиймати суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 200 000 сўм;



кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти 200 000 сўм;  
200 000 сўм = 100 дона × 2 000 сўм;

— қайтарилмаган ёғоч яшиқларнинг қийматига нисбатан ҚҚС ҳисоб-  
ланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 42 000 сўм;  
кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти 42 000 сўм;  
42 000 сўм = 210 000 сўм × 20 % / 100;

— қайтарилмаган ёғоч яшиқлари учун харидор ва буюртмачилар-  
дан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб китоб счёти» счёти 242 000 сўм;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 242 000 сўм;  
242 000 сўм = 200 000 сўм + 42 000 сўм.

Харидорлар қайтариб берганда олинган кўп маротаба ишлатилади-  
ган идишларни ишчи ҳолатга келтириш учун амалга оширилган таъ-  
мирлар ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар (масалан, тоза-  
лаш, айрим деталлари, қисмларини алмаштириш ва ҳ.к.) шартномада  
назарда тутилган тартибда харидорлар томонидан қопланиши мумкин.

**Харидорлар қайтариб берганда олинган кўп маротаба иш-  
латиладиган идишларни ишчи ҳолатга келтириш учун амалга  
оширилган таъмирлар ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича ха-  
ражатларни ва шартномада назарда тутилган тартибда хари-  
дорлар томонидан қопланишини ҳисобини қуйидаги мисолда  
кўриб чиқамиз.** «Юлдуз» МЧЖ шиша бутилкаларни олади ва тоза-  
лашни амалга оширади. Тозалаш бўйича харажатлар қуйидагилардан  
иборат: тозалаш воситалари 10 000 сўм; ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш  
20 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фонд миқдорда ягона  
ижтимоий тўловга 4 800 сўм. Харидор харажатларни қоплаб беришга  
рози.

Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар-  
ни тозалаш ва улар бўйича харажатларни қоплаш билан боғлиқ опера-  
циялар «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эт-  
тирилади:

— таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар амалга оширилганда:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти	34 800 сўм;
кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти	10 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	20 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	4 800 сўм;

— таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни қоплаш учун харидор ва буюртмачилардан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	34 800 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти	34 800 сўм.

Савдо ташкилотларида қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ишлаб чиқариш корхоналаридаги тартибга ўхшаш тарзда амалга оширилади. Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ҳисобида 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётининг ўрнига 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти қўлланилади, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар амалга оширилганда эса 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг ўрнига 9410 «Сотиш харажатлари» счёти қўлланилади.

#### 4.3. Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби

Товар-моддий захиралар билан етказиб бериладиган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг бир қанча турлари учун мол етказиб берувчи харидордан гаров суммасини ундириши мумкин, ушбу сумма харидорга ундан идишлар ишга яроқли (бузилмаган) ҳолатда олингандан сўнг қайтарилади. Идиш учун гаров суммаларини ундиришга прејскурантлар, етказиб беришнинг алоҳида шароитлари ёки тарафлар учун мажбурий бошқа қондалар билан назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар счёт-фактура ва (ёки) бошқа йўл (товарларни кузатиб борувчи) ҳужжатларда тегишли шартномаларда кўрсатилган гаров суммаси бўйича

алоҳида каторда, унда кадокланган маҳсулотлар (товарлар)нинг сотиш баҳосига қўшилмаган ҳолда кўрсатилади. Мол етказиб берувчиларда кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтарилганда уларни кириш қилиш баланс киймати бўйича амалга оширилади.

Харидор томонидан гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайта ишлатиш учун етказиб берувчига ишга яроқли (бузилмаган) ҳолатда қайтарилганда, унга (идишни топширувчига) унинг учун тўланган суммалар қайтарилади. Бунда гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг харидор томонидан қайтарилиши ва ушбу идишлардаги товар-моддий захиралар сотиб олинган етказиб берувчи томонидан идишларнинг олинishi даромад келтирувчи операция сифатида қаралмайди.

Агар гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар белгиланган муддатда ва сонда қайтарилмаса, бухгалтерия ҳисобида уларни бериш асосий фаолиятдан даромад ва харажатлар сифатида улар юзага келган ҳисобот даврида акс эттирилади, яъни харидор томонидан мол етказиб берувчига гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилмаган ҳолларда мазкур идишлар учун гаров суммаси қайтарилмайди ва мол етказиб берувчи мазкур гаров суммасини молиявий натижаларига олиб боради. Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтариш бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун шартнома (етказиб бериш, олди-сотди ва х.к.) шартларида қўшимча санкциялар назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ қайтариладиган идиш солиқ солинадиган айланмага киритилган тақдирда, идиш белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур идишнинг қўшилган киймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров киймати асосида белгиланади.

Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилмаганда ҚҚС тўлаш даврини аниқлашда юзага келадиган кийинчиликлардан қочиш мақсадида корхоналар шартномаларни расмийлаштиришга эътиборли бўлиб ёндашишлари лозим. Масалан, солиқ идоралари ходимлари идишларни ортиб жўнатиш санасида ёки олинган гаров суммасидан ҚҚС ҳисобламасликлари учун харидорлар билан тузилган шартномада қайтариладиган идишлар берилаётганлиги кўрсатишлари шарт. Бундан ташқари мол етказиб берувчига идишлар қай-

тарилиши лозим бўлган санани ва уларни қайтариш тартибини ҳам кўрсатиб ўтишни тавсия этамиз.

**Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини ми-  
солларда кўриб чиқамиз.** «Малика» МЧЖ тунука банкага ўраб-жой-  
ланган ўзи ишлаб чиқарган мотор мойини сотади ва ҚҚС тўловчиси  
ҳисобланади. Ҳар бирига 4 донадан жойланган темир яшиқларда  
2 000 дона тунука банкадаги мотор мойи сотилди. Темир яшиқлар қай-  
тарилиши лозим. Ҳар бир темир яшиқга гаров суммаси 5 000 сўм қилиб  
ўрнатилган.

Гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқларнинг қиймати ва қайта-  
рилганларининг сонидан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### 1-ҳолат

Гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқларнинг таннархи 4 000 сўмни  
ташқил этади. Гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқларнинг 500 до-  
наси ишлатишга яроқли ҳолатда қайтарилган.

Гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқлар билан боғлиқ операциялар  
«Малика» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— харидор ва буюртмачилардан гаров суммаси келиб тушганда:  
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 2 500 000 сўм;  
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 2 500 000 сўм;  
2 500 000 сўм = 500 дона х 5 000 сўм;

— харидор ва буюртмачиларга мотор мойи ортилганда (чиқарилган-  
да):

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 2 000 000 сўм;  
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 2 000 000 сўм;

— харидор ва буюртмачилар томонидан гаров суммаси ўрнатилган  
темир яшиқлар қайтарилганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 2 000 000 сўм;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 2 000 000 сўм;

1 800 000 сўм = 450 дона х 4 000 сўм;

*III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма*

— харидор ва буюртмачиларга гаров суммасининг колган қисми қайтарилганда:

<i>дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти</i>	<i>2 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>2 500 000 сўм.</i>

**2-ҳолат**

Гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқларнинг таннархи 4 000 сўмни ташкил этади. Гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқларнинг 450 донаси ишлатишга яроқли ҳолатда яхши ҳолатда қайтарилган.

Гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқлар билан боғлиқ операциялар «Малика» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— харидор ва буюртмачилардан гаров суммаси келиб тушганда:

<i>дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>2 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти</i>	<i>2 500 000 сўм;</i>

*2 500 000 сўм = 500 дона x 5 000 сўм;*

— харидор ва буюртмачиларга мотор мойн ортилганда (чиқарилганда):

<i>дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти</i>	<i>2 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти</i>	<i>2 000 000 сўм;</i>

— харидор ва буюртмачилар томонидан гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқлар қайтарилганда:

<i>дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти</i>	<i>1 800 000 сўм;</i>
<i>кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти</i>	<i>1 800 000 сўм;</i>

*1 800 000 сўм = 450 дона x 4 000 сўм;*

— гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқларнинг қайтарилмаганларини таннархи ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти</i>	<i>200 000 сўм;</i>
<i>кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти</i>	<i>200 000 сўм;</i>

*200 000 сўм = 50 дона x 4 000 сўм;*

— гаров суммаси ўрнатилган қайтарилмаган темир яшикларни гаров суммаси қийматига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 208 334 сўм;

кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти 208 334 сўм;

250 000 сўм = 50 дона x 5 000 сўм;

208 334 сўм = 250 000 сўм x 100 % / 120;

— гаров суммаси ўрнатилган темир яшикларнинг қайтарилмаганларини қийматига нисбатан ҚҚС ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 41 666 сўм;

кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти 41 666 сўм;

41 666 сўм = 208 334 сўм x 20 % / 100;

— гаров суммаси ўрнатилган темир яшикларнинг қайтарилмаганларини учун гаров суммасини қисмини ушлаб қолинганда:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 250 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 250 000 сўм;

— харидор ва буюртмачиларга гаров суммасининг қолган қисми қайтарилганда:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 2 250 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб китоб счёти» счёти 2 250 000 сўм;

2 250 000 сўм = 2 500 000 сўм - 250 000 сўм.

Харидорлар қайтариб берганда олинган гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ишчи ҳолатга келтириш учун амалга оширилган таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар (масалан, тозалаш, айрим деталлари, қисмларини алмаштириш ва ҳ.к.) гаров суммаси ҳисобидан қопланиши мумкин.

Харидорлар қайтариб берганда олинган гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ишчи ҳолатга келтириш учун амалга оширилган таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни ва шартномада назарда тутилган тартибда харидорлар томонидан қопланишини ҳисо-

**бини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.** «Юлдуз» МЧЖ гаров суммаси ўрнатилган темир яшиқларни олади ва таъмирлашни амалга оширади. Таъмирлаш бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат: ёрдамчи материал харажатлари 25 000 сўм; ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 30 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 7 200 сўм. Харидор харажатларни гаров суммаси ҳисобидан қоплаб беришга рози.

Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни таъмирлаш ва улар бўйича харажатларни қоплаш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар амалга оширилганда:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	62 200 сўм;
кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти	25 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	30 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	7 200 сўм.

Савдо ташкилотларида гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ишлаб чиқариш корхоналаридаги тартибга ўхшаш тарзда амалга оширилади. Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ҳисобидан 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётининг ўрнига 2950 «Товарлар билан банд идишлар ва бўш идишлар» счёти қўлланилади, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар амалга оширилганда эса 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг ўрнига 9410 «Сотиш харажатлари» счёти қўлланилади.

#### 4.4. Идишларни харидорлардаги ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган идиш ва ўраш материаллари қиймати уларнинг

амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 142-моддасига мувофиқ агар мол етказиб берувчидан қабул қилинган қайтариладиган идиш қиймати олинган товар-моддий захиралар нархиға қўшилган бўлса, қайтариладиган идишнинг қиймати уларнинг эҳтимол тутилган фойдаланилиши ёки уларни реализация қилиш нархи бўйича уларни сотиб олиш учун қилинган харажатларнинг умумий суммасидан чиқариб ташланади. Мол етказиб берувчидан товар-моддий захиралар билан қабул қилинган ҳамда қайтарилмайдиган идишлар ва ўраш материаллари қиймати уларни сотиб олиш харажатлари суммасига киритилади. Идишларни қайтариладиган ёки қайтарилмайдиган идишлар жумласига киритиш товар-моддий захираларни сотиб олиш шартномаси (контракти) шартлари билан белгиланади.

Мол етказиб берувчилардан товар-моддий захиралари билан бирга келиб тушган идишлар келиб тушган товар-моддий захираларини кирим қилиниши билан бир вақтнинг ўзида қуйидагича ҳисобга олиб борилади:

— бир маротаба ишлатиладиган идишлар — товар-моддий захираларининг қиймати билан биргалликда;

— агар кўп маротаба ишлатиладиган идишларға гаров суммаси ўрнатилган бўлса — шартномада кўрсатилган гаров суммаси бўйича;

— агар кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилиши лозим бўлмаса, лекин қиймати алоҳида қаторда кўрсатилган бўлса — йўл (кузатиш) ҳужжатларида кўрсатилган сумма бўйича;

— агар кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилиши лозим бўлмаса, лекин қиймати товар-моддий захиралар баҳосига қўшилган ва фойдаланиш ёки сотилиши мумкин бўлса — фойдаланилиш ёки сотилиш мумкин бўлган қиймат бўйича.

Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилмаса, уларнинг қиймати товар-моддий захираларини етказиб берувчиларға уларнинг жорий қиймати бўйича коплаб берилади.

Қайтарилиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни кирим қилиш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолларда кўриб ўтамиз.



«Малика» МЧЖ 50 дона пластмасса яшиқларда электр двигателлар учун эҳтиёт қисмларни сотиб олган. Пластмасса яшиқлар қайтариллиши лозим, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган ва шартномада уларнинг қиймати 1 000 сўм деб кўрсатилган.

Фаолият туридан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат**

«Малика» МЧЖ электр двигатель ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва қайтариллиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган 40 дона пластмасса яшиқни қайтарган. Ташкилот ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Қайтариллиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларга бошқа маҳсулотлар ўраб-жойланганлиги сабабли қайтарилмаган ва улар сотилган ҳамда ҚҚС коплашга қабул қилинади.

Қайтариллиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларни кирим қилиш билан боғлиқ операциялар «Малика» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан эҳтиёт қисмлар қайтариллиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларда келиб тушган вақтда:

*дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 50 000 сўм;*

*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 50 000 сўм;*

— қайтариллиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқлар қайтарилганда:

*дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 40 000 сўм;*

*кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 40 000 сўм;*

*40 000 сўм = 40 дона x 1 000 сўм;*

— қайтариллиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларини қийматига тўғри келадиган ҚҚС суммасига тузатишлар киритилганда:

*дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти 2 000 сўм;*

*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 2 000 сўм;*

10 000 сўм = 10 дона x 1 000 сўм;  
2 000 сўм = 10 000 сўм x 20 % / 100;

— қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларининг қиймати қопланадиган суммасига:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 10 000 сўм;  
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 10 000 сўм;  
10 000 сўм = 10 дона x 1 000 сўм;

— КҚС суммаси ва қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларининг қиймати қоплаш суммаси ўтказиб берилганда:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 12 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 12 000 сўм;  
12 000 сўм = 10 000 сўм + 2 000 сўм.

## 2-ҳолат

«Малика» МЧЖ электр двигатель сотиш билан шуғулланади ва қайтарилиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган 47 дона пластмасса яшиқни қайтарган. Ташкилот КҚС тўловчиси ҳисобланамайди, мол етказиб берувчи эса ҳисобланади. Қайтарилиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларга бошқа маҳсулотлар ўраб-жойланганлиги сабабли қайтарилмаган ва улар сотилган ҳамда КҚС қоплашга қабул қилинмайди.

Қайтарилиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларни қайтариш билан боғлиқ операциялар «Малика» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан эҳтиёт қисмлар қайтарилиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларда келиб тушган вақтда:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти 50 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 50 000 сўм;

— қайтарилиши лозим бўлган, бироқ гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқлар қайтарилганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пуд- ратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	47 000 сўм;
кредит 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	47 000 сўм;
47 000 сўм = 47 дона x 1 000 сўм;	

— қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларини қийматига тўғри келадиган ҚҚС суммасига тузатишлар киритилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	600 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	600 сўм;
3 000 сўм = 3 дона x 1 000 сўм;	
600 сўм = 3 000 сўм x 20 % / 100;	

— қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларининг қиймати қопланадиган суммасига:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пуд- ратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	3 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	3 000 сўм;
3 000 сўм = 3 дона x 1 000 сўм;	

— ҚҚС суммаси ва қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларининг қиймати қоплаш суммаси ўтказиб берилганда:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	3 600 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	3 600 сўм;
3 600 сўм = 3 000 сўм + 600 сўм.	

Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни кирим қилиш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолларда кўриб ўтамиз.

«Мадина» МЧЖ 150 дона пластмасса яшиқлар электр двигателлар учун эҳтиёт қисмларни сотиб олган. Пластмасса яшиқларга гаров суммаси ўрнатилган ва улар қайтарилиши лозим. Гаров суммаси 2 000 сўм.

Фаолият туридан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

#### **I-ҳолат**

«Мадина» МЧЖ электр двигателлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиши ва гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларнинг 120 дона-

сини қайтаради. Ташкилот КҚС тўловчиси ҳисобланади. Гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларга бошқа маҳсулотлар ўраб-жойланганлиги сабабли қайтарилмаган ва улар сотилган ҳамда КҚС қоплашга қабул қилинади.

Гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларни кирим қилиш билан боғлиқ операциялар «Мадина» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга гаров суммаси ўтказиб берилганда:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 300 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 300 000 сўм;  
300 000 сўм = 150 дона х 2 000 сўм;

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларида эҳтиёт қисмлар келиб тушганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 300 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 300 000 сўм;

— гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқлар қайтарилганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 240 000 сўм;  
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 240 000 сўм;  
240 000 сўм = 120 дона х 2 000 сўм;

— гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларини қийматига тўғри келадиган КҚС суммасига тузатишлар киритилганда:

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти 10 000 сўм;  
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 10 000 сўм;  
60 000 сўм = 30 дона х 2 000 сўм;  
10 000 сўм = 60 000 сўм х 20 % / 120;

— қайтарилмаган пластмасса яшиқларнинг қиймати гаров суммаси ҳисобидан тўланганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 60 000 сўм;  
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 60 000 сўм;  
60 000 сўм = 30 дона х 2 000 сўм;

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан гаров суммаси қайтарилганда (келиб тушганда):

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 240 000 сўм;  
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 240 000 сўм;  
240 000 сўм = 300 000 сўм – 60 000 сўм.

## 2-ҳолат

«Мадина» МЧЖ электр двигателлар сотиш билан шуғулланди ва гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларнинг 130 донасини қайтаради. Ташкилот ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайди, мол етказиб берувчи эса ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларга бошқа маҳсулотлар ўраб-жойланганлиги сабабли қайтарилмаган ва улар сотилган ҳамда ҚҚС коплашга қабул қилинмайди.

Гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларни кирим қилиш билан боғлиқ операциялар «Мадина» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга гаров суммаси ўтказиб берилганда:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 300 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 300 000 сўм;  
300 000 сўм = 150 дона х 2 000 сўм;

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларида эҳтиёт қисмлар келиб тушганда:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти 300 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 300 000 сўм;

— гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқлар қайтарилганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 260 000 сўм;  
кредит 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти 260 000 сўм;

260 000 сўм = 130 дона х 2 000 сўм;

— қайтарилмаган пластмасса яшиқларнинг қиймати гаров суммаси ҳисобидан тўланганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 40 000 сўм;  
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 40 000 сўм;  
40 000 сўм = 20 дона х 2 000 сўм;

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан гаров суммаси қайтарилганда (келиб тушганда):

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 260 000 сўм;  
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 260 000 сўм;  
260 000 сўм = 300 000 сўм - 40 000 сўм.

Гаров суммаси ўрнатилмаган ва қайтарилиши лозим бўлмаган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни кирим қилиш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолларда кўриб ўтамиз.

«Юлдуз» МЧЖ 70 дона пластмасса бочкаларда ранг берувчи модда харид килди. Пластмасса бочкалар кўп маротаба ишлатиладиган идишлар ҳисобланади. Счёт-фактура бўйича пластмасса бочкаларнинг қиймати билан бирга ранг берувчи модда харид қилиш харажатлари 8 000 000 сўмни ташкил қилади. Пластмасса бочкаларнинг қиймати счёт-фактурада алоҳида қаторда кўрсатилмаган. Пластмасса бочкалар қайтарилиши лозим эмас.

Фаолият туридан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### 1-ҳолат

«Юлдуз» МЧЖ қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғуллади. Пластмасса бочкаларнинг қиймати счёт-фактурада алоҳида қаторда кўрсатилмаган ва комиссиянинг далолатномасига мувофиқ уларнинг ҳар бирининг қиймати 5 000 сўмдан қилиб белгиланган.

Қайтарилиши лозим бўлмаган пластмасса бочкалар билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ранг берувчи модда кирим қилинганда:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 8 000 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пуд-  
ратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 8 000 000 сўм;

— ранг берувчи модда ишлаб чиқариш цехига берилганда:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 8 000 000 сўм;

кредит 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 8 000 000 сўм;

— пластмасса бочкалар омборга кирим қилинганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 350 000 сўм;

кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 350 000 сўм;

350 000 сўм = 70 дона х 5 000 сўм.

## 2-ҳолат

«Юлдуз» МЧЖ кандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ранг берувчи моддаларни сотиш билан шуғулланади. Пластмасса бочкаларнинг қиймати счёт-фактурада алоҳида қаторда кўрсатилмаган. Ранг берувчи моддалар сотилганда пластмасса бочкаларнинг ҳар бирининг қиймати 5 000 сўм қилиб аниқланган.

Қайтарилиши лозим бўлмаган пластмасса бочкалар билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ранг берувчи модда кирим қилинганда:

дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти 8 000 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пуд-  
ратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 8 000 000 сўм;

— ранг берувчи моддалар сотилгандан кейин пластмасса бочкалар омборга кирим қилинганда:

дебет 2950 «Товар билан банд ва бўш идишлар»  
счёти 350 000 сўм;

кредит 2910 «Омбордаги товарлар» счёти 350 000 сўм;

350 000 сўм = 70 дона х 5 000 сўм.

Кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ишчи ҳолатда мол етказиб берувчиларга қайтариш учун амалга оширилган таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар (масалан, тозалаш, айрим деталлари, қисмларини алмаштириш ва х.к.) давр харажатлари (бошқа операция харажатлар) таркибига қўшилади.

Кўп маротаба ишлатиладиган идишларни шартномада назарда тутилган тартибда ишчи ҳолатда мол етказиб берувчиларга қайтариш учун амалга оширилган таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖ темир яшиқларни қайтариш учун таъмирлаш ишларини амалга оширди. Таъмирлаш бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат: ёрдамчи материал харажатлари 45 000 сўм; ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 40 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фонз микдорда ягона ижтимоий тўловга 9 600 сўм.

Темир яшиқларни таъмирлаш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	94 600 сўм;
кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти	45 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	40 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	9 600 сўм.

### 5-§. Идишларни инвентаризацияси

Идишларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, уларнинг сотиш соф қийматини тасдиқлаш ва уларнинг бут сакланишини назорат қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан вақти-вақти билан, лекин йилда камида бир маротаба идишларни инвентаризацияси ўтказилади.

Ташкилотнинг мулкани, шу жумладан идишларни инвентаризациясини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришнинг умумий қоидалари ва умумбелгиланган тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (19-сон БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» билан белгиланган.

Инвентаризацияда аниқланган ортиқча идишларнинг қийматини кинрим қилиш бошқа операцион даромадлар сифатида 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счётида акс эттирилади.



Инвентаризацияда аниқланган ортиқча идишларнинг қийматини қирим қилиш тартибини қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз. «Мастона» МЧЖ омордаги идишларни инвентаризациясини ўтказди ва инвентаризация натижасида ортиқча (ҳисобга олинмаган) 10 дона темир идишларнинг мавжудлиги аниқланди. Темир идишларни ҳар бирининг жорий қиймати — 10 000 сўм.

Фаолият туридан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз:

### *1-ҳолат*

«Мастона» МЧЖ салқин ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва темир идишлардан маҳсулотларни ташиш учун фойдаланади.

Инвентаризация натижасида аниқланган темир идишларнинг қирим қилиниши «Мастона» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 100 000 сўм;  
кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»  
счёти 100 000 сўм.

### *1-ҳолат*

«Мастона» МЧЖ салқин ичимликлар сотиш билан шуғулланади ва темир идишлардан маҳсулотларни ташиш учун фойдаланади.

Инвентаризация натижасида аниқланган темир идишларнинг қирим қилиниши «Мастона» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш  
идишлар» счёти 100 000 сўм;  
кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»  
счёти 100 000 сўм.

Табийий эскириш натижасида ярқисиз ҳолга келиб қолган кўп марта ишлатиладиган идишларни ҳисобдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;  
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти — ишлаб чиқариш ташкилотларида;  
кредит 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти — савдо ташкилотларида.

Камомади инвентаризация вақтида аниқланган ва синиши ёки бузилиши натижасида вужудга келган етишмайдиган идишларнинг баланс қиймати айбдор шахслар аниқланишига қадар 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётида акс эттирилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган идишлар камомад суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда табиий йўқолиш меъёрлари чегарасида, шунингдек камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда, уни молия-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳисобот давридаги молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган ва йўқолиши ёки бузилиши натижасида вужудга келган идишларни камомадни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мазкур Услубий қўлланманинг 6-параграфида кўриб ўтамыз.

### 6-§. Идишларни чиқиб кетиши

Чиқиб кетаётган идишларнинг қиймати чиқиб кетиш далилини аниқлаш пайтида балансдан ҳисобдан чиқарилиши керак. Идишлар ташкилотнинг балансидан:

- а) сотиш;
- б) бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсис улуши кўринишида бериш;
- в) таъсисчи таъсисчилар таркибидан чиққанида ёки тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкни унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаётганда илгари ташкилотнинг устав капиталига киритилган улушни таъсисчига қайтариш (матнда кейинги ўринларда — таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда идишлар билан ҳисоб-китоблар);
- г) текинга бериш;
- д) айирбошлаш;
- е) камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши;
- з) товар қарзи кўринишида тақдим этиш ёки илгари олинган товар қарзини қайтариш;

и) бошқа операциялар ва ходисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Идишларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) идишларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг баланс қиймати ва идишларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ билвосита солиқларни чегирish орқали аниқланади.

Чиқиб кетаётган идишларнинг таннархи улар билан боғлиқ даромад тан олинадиган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинади. Чиқиб кетиш муносабати билан идишларни исталган ҳисобдан чиқариш суммаси ва уларга доир барча зарарлар ҳисобдан чиқариш юз берган ёки зарар етказилган ҳисобот даври мобайнида харажат сифатида ҳисобга олинishi керак. Сотишнинг соф қийматини ошириш натижасида юзага келадиган, илгари ҳисобдан чиқарилган идишларнинг қийматини тиклаш суммаси ошиш юз берган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган, чиқиб кетган (шу жумладан сотилган) идишлар таннархининг пасайishi сифатида тан олинади.

Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари томонидан идишлар ҳисоби сотиш қиймати бўйича юритилганда сотилган идишлар таннархи сотилган идишларнинг сотиш қиймати билан уларга тўғри келувчи савдо устамаси суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Сотилган идишларга тўғри келувчи савдо устамасининг суммаси сотилган идишларнинг сотиш қиймати (товар айланмаси) ва савдо устамасининг ўртача фойзи кўпайтмаси сифатида аниқланади. Савдо устамасининг ўртача фойзи ҳисобот даври бошидаги савдо устамаларининг қолдиги ва ҳисобот даврида келиб тушган идишлар бўйича савдо устамалари суммасини ҳисобот даври бошида идишлар қолдигининг сотиш қиймати ва ҳисобот даврида олинган идишларнинг сотиш қиймати суммасига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 4) «Товар-моддий захиралари»га мувофиқ товар-моддий захиралар қолдиқлари ва чиқиб кетаётган (шунингдек ишлаб чиқаришга берилган) товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш қуйидаги усуллардан бири орқали амалга оширилади:

а) тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи бўйича;

б) ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO);

в) товар-моддий захираларнинг харид қилинган вақт бўйича дастлабки захиралар таннархи бўйича (ФИФО).

Товар-моддий захираларнинг ҳар бир гуруҳи (тури) бўйича ҳисобот йили мобайнида қийматни аниқлашнинг фақат бир усули қўлланади. Товар-моддий захираларнинг гуруҳи (тури) бўйича қийматни аниқлаш усулларида бирини қўллаш ҳисоб сиёсатини қўллаш кетма-кетлигига йўл қўйишдан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ташкилот томонидан алоҳида тартибда фойдаланиладиган (қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва ҳ.к.) ва бир-бирининг ўрнини босмайдиган (яъни улар одатдаги ҳолда бир-бирини алмаштира олмайди), шунингдек махсус лойиҳалар учун ишлаб чиқарилган ва мўлжалланган (ишлатиладиган) товар-моддий захиралар тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи усули бўйича баҳоланади.

Ушбу усулда специфик харажатлар муайян товар-моддий захираларга тааллуқли бўлади. Акс эттиришнинг ушбу усули, улар сотиб олинганлиги ёки ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар, махсус лойиҳалар учун мўлжалланган маҳсулотларга тўғри келади.

AVECO усули бўйича товар-моддий захиралар ҳар бир бирлигининг қиймати давр бошида айнан бир хил бирликларнинг ўртача тортилган қиймати ва давр мобайнида харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган айнан бир хил бирликларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Товар-моддий захиралар ҳар бир бирлиги қийматини AVECO усули бўйича аниқлаш тегишинча давр бошидаги товар-моддий захиралар қолдигининг таннархи ва миқдори ҳамда ушбу давр мобайнида келиб тушган товар-моддий захираларнинг таннархи ва миқдоридан шаклландиган, айнан бир хил бирликларнинг умумий таннархини уларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан амалга оширилади. Ўртача қиймат ташкилот томонидан танланган услуга қараб даврий ёки товар-моддий захираларнинг ҳар бир янги партияси келиб тушишига кўра ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

ФИФО усули бўйича товар-моддий захираларнинг чиқиб кетаётган бирликлари таннархига биринчи навбатда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захираларнинг қиймати киради, давр охиридаги товар-моддий захиралар қиймати эса охириги бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захиралар бирликларининг умумий қийматидан ташкил топади.

Ҳисобот даври охирида товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш уларнинг чиқиб кетишида товар-моддий захиралар қийматини аниқлашнинг қабул қилинган усулига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишида уларнинг қийматини аниқлашнинг қўлланадиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида ақс эттирилиши лозим.

Идишларнинг қолдиқлари ва чиқиб кетаётган (шунингдек ишлаб чиқаришга берилган)ларини қийматини юқорида санаб ўтилган усулларни қўллаган ҳолда аниқлаш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Мастана» МЧЖ салкин ичимликларни ПЭТ бутилкаларда ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Куйидаги жадвалда ой давомида харид қилинган ПЭТ бутилкалар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

*Ой давомида харид қилинган ПЭТ бутилкалар тўғрисида  
маълумотлар*

ТМЗни харид қилиш	Миқдори, дона	Бир бирлиkning қиймати, сўмда	Умумий қиймати
6 майда	5 000	200	1 000 000
14 майда	6 000	180	1 080 000
22 майда	4 000	210	840 000
29 майда	3 000	230	690 000
<b>Жами:</b>	<b>18 000</b>		<b>3 610 000</b>

Ой давомида ишлаб чиқаришга 17 400 дона ПЭТ бутилка берилган. Ой охирида омборда 600 дона ПЭТ бутилка қолган.

Ишлаб чиқаришга берилган ва омборда қолган ПЭТ бутилкаларнинг таннархини аниқлаймиз.

Ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO) усули қўлланганда.

Биринчи навбатда ой давомида харид қилинган ПЭТ бутилкаларнинг хар бир бирлигининг ўртача қийматини аниқлаймиз. Жадвалдан кўрииб турибдики, ПЭТ бутилкаларнинг умумий қиймати — 3 610 000 сўм ва ПЭТ бутилкаларнинг умумий сони — 18 000 дона. ПЭТ бутилкаларнинг хар бир бирлигининг ўртача қиймати куйидагига тенг:  $200,55 \text{ сўм} = 3\,610\,000 \text{ сўм} / 18\,000 \text{ дона}$ .

Ишлаб чиқаришга берилган ПЭТ бутилкаларнинг таннархи  
**3 489 570 сўмга тенг:**

$$3\,489\,570 \text{ сўм} = 17\,400 \times 200,55.$$

Омборда қолган ПЭТ бутилкаларнинг таннархи **120 330 сўмга тенг:**

$$120\,330 \text{ сўм} = 600 \times 200,55.$$

ТМЗ харид қилинган вақт бўйича дастлабки захиралар таннархи  
бўйича (ФИФО) усули қўлланганда.

Ишлаб чиқаришга берилган ПЭТ бутилкаларнинг таннархи  
**3 472 000 сўмга тенг:**

$$3\,472\,000 \text{ сўм} = (5\,000 \times 200) + (6\,000 \times 180) + (4\,000 \times 210) + \\ + (2\,400 \times 230) = 1\,000\,000 \text{ сўм} + 1\,080\,000 \text{ сўм} + 840\,000 \text{ сўм} + \\ + 552\,000 \text{ сўм}.$$

Омборда қолган ПЭТ бутилкаларнинг таннархи **138 000 сўмга тенг:**

$$138\,000 \text{ сўм} = 600 \times 230.$$

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тонфалари учун қўлланилади ва ягона солиқ тўловини, ягона ер солигини ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилишини, шунингдек мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутлади.

Юқорида санаб ўтилган солиқлар Солиқ кодексига назарда тутилган жами умумбелгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўрнига тўланади. Ходимларнинг сонидан қатъи назар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳам ягона солиқ тўловини тўловчилари ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам савдо ташкилотлари ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайди.

Идишлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш ташкилотлари ва идишларни сотиш билан шуғулланувчи савдо ташкилотларида идишларни чиқиб кетиши туфайли уларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби мос равишда тайёр маҳсулотлар ва товарларга ўхшаш тарзда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий

стандарти (21-сонли БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га мувофиқ амалга оширилади.

### **6.1. Идишларнинг сотилиши натижасида балансдан чиқариш тартиби**

Ташкилотлар томонидан идишлар қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда сотилади.

Идишларни сотишнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарари) идишларни сотишдан тушган тушум билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида, қўшилган қиймат солиғи ва сотиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

**Идишларнинг сотилиши натижасида балансдан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.** «Машхура» МЧЖ фойдаланилмаётган (ортиқча) 6 000 дона шиша бутилкаларни сотди. Шиша бутилкаларни сотишдан ялпи тушум — 3 000 000 сўм. Шиша бутилкаларнинг таннари — 2 400 000 сўм. Шартнома шартларига мувофиқ идишларни харидорга «Машхура» МЧЖнинг ишчилари етказиб беради. Идишларни сотиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: ташкилотнинг транспорт бўлими томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 80 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фонд миқдорда ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм.

Фаолият тури ва ҚҚС тўловчилигидан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

#### **1-ҳолат**

«Машхура» МЧЖ тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланади.

Шиша бутилкаларни сотилиши натижасида балансдан чиқарилиши «Машхура» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— шиша бутилкаларни сотиш қиймати суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти	3 000 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	3 000 000 сўм;

— ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	600 000 сўм;
кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти	600 000 сўм;

— шиша бутилкаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	2 400 000 сўм;
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	2 400 000 сўм;

— сотиш харажатлари суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	142 000 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	80 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	50 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	12 000 сўм;

— шиша бутилкаларни сотишдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	142 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	142 000 сўм.

## 2-қолат

«Машхура» МЧЖ савдо билан шуғулланади ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайди.

Шиша бутилкаларни сотиши натижасида балансдан чиқарилиши «Машхура» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— шиша бутилкаларни сотиш қиймати суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	3 000 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	3 000 000 сўм;



— шиша бутилкаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	2 400 000 сўм;
кредит 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	2 400 000 сўм;
— сотиш харажатлари суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	142 000 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	80 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	50 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	12 000 сўм;
— шиша бутилкаларни сотишдан фойда суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	458 000 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	458 000 сўм.

### **6.2. Бошқа ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида идишлар берилганда уларни балансдан чиқариш тартиби**

Идишлар бошқа ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида таъсис ҳужжатларига асосан берилади. Идишларни устав капиталига улуш сифатида киритаётган ташкилотларнинг балансидан баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Бунда ташкилотлар бошқа корхонанинг устав капиталига улуш сифатида идишларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда баланс қийматидан фарқ қиладиган бошқа қийматда киритиши мумкин.

Идишларни устав капиталига улуш сифатида беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарар), таъсис ҳужжатлари ёки бошқа қонунчиликда ўрнатилган тартибга мувофиқ баҳоланган қиймат билан берилётган идишларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида қўшилган қиймат солиғи ва уни устав капиталига улуш сифатида бериш харажатларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

**Бошқа ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида идишлар берилганда балансдан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида**

акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Мастона» МЧЖ янги ташкил этилган «Фаррух» МЧЖнинг таъсисчилари таркибига киради. «Мастона» МЧЖнинг «Фаррух» МЧЖни устав капиталидаги улуши 15 000 000 сўмни ташкил этади. Таъсисчиларнинг қарорига мувофиқ «Мастона» МЧЖ устав капиталига улуш сифатида картон коробкаларни ўзининг улуши сифатида киритади. Шартнома шартларига мувофиқ идишларни «Мастона» МЧЖнинг ишчилари етказиб беради. Идишларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: ташкилотнинг транспорт бўлими томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 70 000 сўм, ишчиларга иш хақи ҳисоблаш 45 000 сўм ва ишчиларнинг иш хақи фондидан 24 фонз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 10 800 сўм.

Иккита ҳолатни («Фаррух» МЧЖни устав капиталидаги улуши сифатида берилган идишларнинг қиймати ва фаолият туридан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

#### **1-ҳолат**

«Мастона» МЧЖ қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва устав капиталига улуш сифатида қиймати 15 000 000 сўм бўлган, баланс қиймати 14 750 000 сўм бўлган картон коробкаларни беради.

Картон коробкалар устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида бериш натижасида уларни балансдан чиқариш «Мастона» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— картон коробкаларни устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида таъсис шартномаси ёки қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳужжатлар билан аниқланган қийматда берилиши:

дебет 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти 15 000 000 сўм;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти 15 000 000 сўм;

— картон коробкаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти 14 750 000 сўм;

кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 14 750 000 сўм;

*III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма*

— картон коробкаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	125 800 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	70 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	45 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	10 800 сўм;

— картон коробкаларни устав капиталига беришдан фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	124 200 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	124 200 сўм.

## **2-ҳолат**

«Мастона» МЧЖ қандалат маҳсулотларини сотиш билан шуғулланади ва устав капиталига улуш сифатида картон коробкаларни баланс қийматида 15 000 000 сўмга беради.

Картон коробкалар устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида бериш натижасида балансдан чиқариш «Мастона» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— картон коробкаларни устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида таъсис шартномаси ёки қонунчиликка мувофиқ бошқа хужжатлар билан аниқланган қийматда берилиши:

дебет 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти	15 000 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	15 000 000 сўм;

— картон коробкаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	15 000 000 сўм;
кредит 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	15 000 000 сўм;

— картон коробкаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлари суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	125 800 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	70 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	45 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	10 800 сўм;

— картон коробкаларни устав капиталига беришдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	125 800 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	125 800 сўм.

### 6.3. Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда идишлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида идишларни балансдан чиқариш тартиби

Таъсисчилар таркибидан чиқаётган таъсисчига идишларни бериш таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётган таъсисчи билан идишлар билан ҳисоб-китоб қилинганда, ташкилотларнинг балансидан идишлар баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётган таъсисчи билан идишлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида идишларнинг чиқиб кетишидан молявий натижа (фойда ёки зарар), чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарзни ҳисоб-китоб қилиш учун берилаётган идишнинг бериш қиймати билан чиқиб кетаётган идишларнинг баланс қиймати ўрта-сидаги фарқ сифатида, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, аниқланади.

Берилаётган идишларнинг қиймати чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарздан юқори бўлган ҳолларда, фарқ чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан қопланади.

Чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарзи берилаётган идишларнинг қийматидан юқори бўлган ҳолларда, фарқ бераётган ташкилот томонидан қопланади.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда идишлар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида идишларни баланسدан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Жасур» МЧЖ қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Ширин» МЧЖнинг устав капиталида 8 000 000 сўм бўлган улушга эга. «Жасур» МЧЖ таъсисчилар таркибидан чиқаяпти. «Ширин» МЧЖни таъсисчиларнинг қарорига мувофиқ устав капиталидаги улуш пластмасса қоплар билан амалга оширилади. Пластмасса қопларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни таъсисчилар таркибидан чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан амалга оширилган.

Мазкур мисолда «Жасур» МЧЖнинг «Ширин» МЧЖнинг устав капиталидаги улуши бўйича қарзи суммаси олдин устав капиталига улуш сифатида киритилган мулк суммасига тенг. Пластмасса қопларни бериш билан қарзни ёпишда «Ширин» МЧЖ фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди, шунингдек ҚКС тўловчиси ҳам ҳисобланмайди.

Учта ҳолатни (устав капиталидаги таъсисчининг улушини қайтариш учун берилётган пластмасса қопларни қийматидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### *1-ҳолат*

«Ширин» МЧЖ қиймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасига тенг бўлган 8 000 000 сўмлик пластмасса қопларни беради.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда пластмасса қоплар билан ҳисоб-китоб қилиниш натижасида пластмасса қопларни баланسدан чиқариш «Ширин» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун пластмасса қоплар берилганда:

<i>дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти</i>	<i>8 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>8 000 000 сўм;</i>

— пластмасса қопларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>8 000 000 сўм;</i>
---	-----------------------

кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 8 000 000 сўм.

### 2-ҳолат

«Ширин» МЧЖ қиймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасидан кам бўлган 7 900 000 сўмлик пластмасса қопларни беради ва қўшимча равишда 100 000 сўмни пул маблағлари билан қоплаши керак.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда пластмасса қоплар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида пластмасса қопларни балансдан чиқариш «Ширин» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуш бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун пластмасса қоплар берилганда:

дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга  
улушлари бўйича қарз» счёти 7 900 000 сўм;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 7 900 000 сўм;

— пластмасса қопларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 7 900 000 сўм;

кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 7 900 000 сўм;

— «Жасур» МЧЖнинг олдин устав капиталига киритган улуш бўйича қарзини суммасини унга берилаётган пластмасса қопларни суммасидан ошган қисмини ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан қопланганда:

дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга  
улушлари бўйича қарз» счёти 100 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 100 000 сўм.

### 3-ҳолат

«Ширин» МЧЖ қиймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасидан юқори бўлган 8 400 000 сўмлик пластмасса қопларни беради ва «Жасур» МЧЖ 100 000 сўмни пул маблағлари билан қайтариши керак.

*III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма*

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда пластмасса қоплар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида пластмасса қопларни балансдан чиқариш «Ширин» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун пластмасса қоплар берилганда:

<i>дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти</i>	<i>8 000 000 сўм;</i>
<i>дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти</i>	<i>400 000 сўм;</i>
<i>кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>8 400 000 сўм;</i>

— пластмасса қопларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>8 400 000 сўм;</i>
<i>кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти</i>	<i>8 400 000 сўм;</i>

— «Жасур» МЧЖнинг қарзи суммасини қоплаш учун ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари келиб тушганда:

<i>дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>400 000 сўм;</i>
<i>кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти</i>	<i>400 000 сўм.</i>

**6.4. Идишларни текинга бериш натижасида балансдан чиқариш тартиби**

Ташкилотлар томонидан идишлар қонунчиликка мувофиқ муस्ताқил равишда текинга берилади.

Идишларни текинга беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) берилаётган идишларни баланс қиймати ва қўшилган қиймат солиғи суммасига тенг.

**Идишларнинг текинга берилиши натижасида уларни балансдан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.** «Шухрат» МЧЖ ўзига эҳтиёт қисмлар етказиб берувчига ёрдам кўрсатиш мақсадида қиймати 1 500 000 сўм бўлган темир яшикларни текинга беради. Темир яшикларни етказиб бериш харажатлари «Шухрат» МЧЖ ишчилари томонидан амалга оширилган. Темир яшикларни етказиб бериш харажатлари қуйидагилардан иборат: ташкилотнинг транспорт бўлими томонидан кўрсатил-

ган транспорт хизматлари 30 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 10 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 2 400 сўм.

Фаолият тури ва ҚҚС тўловчилигидан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### 1-ҳолат

«Шухрат» МЧЖ электр двигателлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланади.

Темир яшиқларни текинга берилиши натижасида уларни балансдан чиқарилиши «Шухрат» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобиде қуйидагича акс эттирилади:

— темир яшиқларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 1 500 000 сўм;

кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 1 500 000 сўм;

— ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 300 000 сўм;

кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти 300 000 сўм;

— темир яшиқларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 42 000 сўм;

кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 30 000 сўм;

кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 10 000 сўм;

кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти 2 400 сўм;

— давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларни ёпилиши:

дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 1 842 400 сўм;

кредит 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 42 400 сўм;

кредит 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 1 800 000 сўм.



*III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма*

Мазкур ҳолатда молиявий натижа 1 842 400 сўм зарарни ташкил этади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти	1 842 400 сўм;
кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	1 842 400 сўм.

**2-ҳолат**

«Шухрат» МЧЖ электр двигателлар сотиш билан шуғулланади ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайди.

Темир яшиқларни текинга берилиши натижасида балансдан чиқарилиши «Шухрат» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— темир яшиқларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	1 500 000 сўм;
кредит 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти	15 000 000 сўм;

— темир яшиқларни етказиб берish билан боғлиқ харажатлар:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти	42 000 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	30 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	10 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамеармаларига тўловлар» счёти	2 400 сўм;

— давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларни ёпилиши:

дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	1 542 400 сўм;
кредит 9410 «Сотиш харажатлари» счёти	42 400 сўм;
кредит 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	1 500 000 сўм.

Мазкур ҳолатда молиявий натижа 1 542 400 сўм зарарни ташкил этади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти	1 542 400 сўм;
кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти	1 542 400 сўм.

### **6.5. Идишларни айирбошлаш натижасида уларни балансдан чиқариш тартиби**

Идишларни бошқа идишларга айирбошлаш қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Идишларни бошқа идишларга айирбошлаш учун бераётган ташкилотнинг балансидан улар баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 497-моддасига мувофиқ айирбошлаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

Айирбошлаш йўли билан олинган идишларнинг таънариhini шаклланиши мазкур Услубий қўлланманинг 2-параграфида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**Идишларнинг айирбошлаш натижасида балансдан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.** «Умар» МЧЖ дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ташкилот ичида ишлатиш мақсадида шиша банкаларни айирбошлашни амалга оширди ва 7 000 000 сўм қийматга эга бўлган шиша банкаларни айирбошлаш учун берди. Шиша банкаларни айирбошлаш билан боғлиқ харажатлар тарафлар томонидан амалга оширилган. Шиша банкаларни айирбошлаш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: ташкилотнинг транспорт бўлими томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 100 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 35 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 8 400 сўм.

Тўртта ҳолатни (шиша банкаларни худди шундай бўлганига (ўхшашига), худди шундай бўлмаганига ва қўшимча пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини тўлаш (олиш) билан айирбошланишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

#### **1-ҳолат**

«Умар» МЧЖ шиша банкаларни айирбошлашда худди шундай бўлган шиша банкаларни харид қилади.

Шиша банкаларни худди шундай бўлган шиша банкаларга айирбошлаш натижасида балансдан чиқарилиши «Умар» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— шиша банкаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	7 000 000 сўм;
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	7 000 000 сўм;
— айирбошлаб олинган шиша банкалар берилаётган шиша банкаларнинг баланс қиймати бўйича кирим қилинганда:	
дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	7 000 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	7 000 000 сўм;
— шиша банкаларни айирбошлашдаги харажатлар суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	143 400 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	100 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	35 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	8 400 сўм;
— шиша банкаларни айирбошлашдан зарар суммасига:	
дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	143 400 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	143 400 сўм.

## 2-қолат

«Умар» МЧЖ шиша банкаларни айирбошлашда худди шундай бўлмаган шиша банкаларни харид қилади. Шиша банкаларни жорий қиймати 7 170 000 сўмни ташкил этади.

Шиша банкаларни худди шундай бўлмаган шиша банкаларга айирбошлаш натижасида балансдан чиқарилиши «Умар» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— шиша банкаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	7 000 000 сўм;
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	7 000 000 сўм;

— айирбошлаб олинган шиша банкалар берилаётган шиша банкаларнинг жорий қиймати бўйича кирим қилинганда:	
дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»	
счёти	7 170 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	
счёти	7 170 000 сўм;
— шиша банкаларни айирбошлашдаги харажатлар суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб	
кетиши» счёти	143 400 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	100 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан	
ҳисоблашишлар» счёти	35 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига	
тўловлар» счёти	8 400 сўм;
— шиша банкаларни айирбошлашдан фойда суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб	
кетиши» счёти	26 600 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб	
кетишидан фойда» счёти	26 600 сўм.

### 3-ҳолат

«Умар» МЧЖ шиша банкаларни айирбошлашда худди шундай бўлган шиша банкаларни қўшимча пул маблағларини тўлаш билан харид қилади. Шиша банкаларни жорий қиймати 7 145 000 сўмни ташкил этади. Қўшимча пул маблағлари тўлови 145 000 сўмни ташкил этади.

Шиша банкаларни худди шундай бўлган шиша банкаларга қўшимча пул маблағларини тўлаш билан айирбошлаш натижасида балансдан чиқарилиши «Умар» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— шиша банкаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб	
кетиши» счёти	7 000 000 сўм;
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»	
счёти	7 000 000 сўм;

— қўшимча пул маблағларини тўлаш билан айирбошлаб олинган шиша банкалар кирим қилинганда:

III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	7 290 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	7 145 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	145 000 сўм;
— ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан қўшимча тўлов би- лан боғлиқ қарз суммасини қопланиши:	
дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	145 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	145 000 сўм;
— шиша банкаларни айирбошлашдаги харажатлар суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	143 400 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	100 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	35 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	8 400 сўм;
— шиша банкаларни айирбошлашдан фойда суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	1 600 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	1 600 сўм.

#### 4-ҳолат

«Умар» МЧЖ шиша банкаларни айирбошлашда худди шундай бўлма-  
ган шиша банкаларни қўшимча пул маблағларини олиш билан харид  
қилади. Шиша банкаларни жорий қиймати 7 150 000 сўмни ташкил  
этади. Шиша банкалар учун олинадиган қўшимча пул маблағлари  
180 000 сўмни ташкил этади.

Шиша банкаларни худди шундай бўлмаган шиша банкаларга қўшимча  
пул маблағларини олиш билан айирбошлаш натижасида балансдан чи-  
қарилиши «Умар» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эт-  
тирилади:

— шиша банкаларни баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	7 000 000 сўм;

кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	7 000 000 сўм;
— кўшимча пул маблағларини олиш билан айирбошлаб олинган шиша банкалар кирим қилинганда:	
дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти	6 970 000 сўм;
дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти	180 000 сўм;
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	7 150 000 сўм;
— ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари олиш билан боғлиқ қарз суммасини келиб тушуши:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	180 000 сўм;
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти	180 000 сўм;
— шиша банкаларни айирбошлашдаги харажатлар суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	143 400 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	100 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	35 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	8 400 сўм;
— шиша банкаларни айирбошлашдан фойда суммасига:	
дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти	6 600 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	6 600 сўм.

#### 6.6. Идишларни камомад, йўқолиши ёки бузилиши натижа- сида ҳисобдан чиқариш тартиби

Агар кўп марта ишлатиладиган идишлар табиий эскириш натижа-  
сида яроқсиз ҳолга келиб қолса, уларнинг қиймати 2950 «Товарлар  
билан банд ва бўш идишлар» счётининг (савдо ва умумий оватла-  
ниш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун) ва 1060 «Идиш  
ва идиш материаллари» счётининг (бошқа корхоналар учун) кредити-

дан ҳисобдан чиқарилади ва 9410 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига олиб борилади.

Фойдали ишлатиш муддати тугашидан олдин (бузилиши, синиши ва бошқалар натижасида) яроқсиз ҳолга келиб қолган кўп марта ишлатиладиган идишлар қиймати 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счётининг (савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун) ва 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётининг (бошқа корхоналар учун) кредитидан 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётининг дебетига олиб бориш билан ҳисобдан чиқарилади.

Камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда кўп марта ишлатиладиган идишлар камомати бўйича зарарлар суммаси молия-хўжалик фаолияти натижаларига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида 9410 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Аниқ айбдор шахслар аниқланган ҳолларда инвентаризация натижасида аниқланган ва синиши (шикастланиши) ёки бузилиши натижаси юзага келадиган кўп марта ишлатиладиган идишларнинг камомати суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади. Етказилган зарарларни моддий жавобгар шахсдан ундириш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш 2004 йил 10 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 37-сонли, Давлат солиқ кўмитасининг 2004-26-сонли, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 20/1-сонли қўшма қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан рўйхатга олинган «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортикчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ амалга оширилади.

Инвентаризация вақтида аниқланган ва синиши ёки бузилишида вужудга келадиган идишларнинг камомати баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Аниқ айбдор шахслар аниқланган ҳолларда инвентаризация натижасида аниқланган ва синиши (шикастланиши) ёки бузилиши натижа-

си юзага келадиган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг камомати суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади.

Иш берувчининг мулкига етказилган зарар ҳажми, зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Бир ойлик ўртача иш ҳақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбдор ходимдан ундириш иш берувчининг фармойишига мувофиқ амалга оширилади. Фармойиш етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан чиқарилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича ҳисобланади.

Агар ходимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан юқори ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд орқали амалга оширилади.

Иш берувчининг мулки ўғирланганда, кам чикканда, қасддан йўқотиш ёки қасддан бузиш натижасида ҳамда бошқа ҳолларда етказилган зарар ҳажми бозор қиймати бўйича ҳисобланади.

Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

— ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари ёзма шаклда олинган идишлар ўхшаш бирлигининг жорий қиймати (нархи) тўғрисида маълумотлар;

— харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганида) ЭАВда идишлар бирлигининг таннархи тўғрисида маълумотлар, бунда хорижий валюталар курсларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта баҳолашни ўтказиш санаси ва идишларнинг тегишли бирлигини харид қилиш санасида белгиланган сўмга нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициенти қўлланади;

— тегишли давлат органларидаги мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— баҳоловчининг идишлар тегишли бирлигининг жорий қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.



**Моддий жавобгар шахслардан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарарлар суммасини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз.** «Мастона» МЧЖ идишларни инветаризациясини ўтказди ва умумий баланс қиймати 100 000 сўм бўлган 20 дона ёғоч яшиклар камомати мавжудлигини аниқлади.

Биринчи навбатда айбдор шахслар аниқлангунча ёғоч яшикларнинг баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқаришни фаолият турларидан келиб чиқиб кўриб чиқамиз:

#### **1-ҳолат**

«Мастона» МЧЖ салқин ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва ёғоч яшиклардан маҳсулотларни ташиш учун фойдаланади. Ёғоч яшиклар камомати туфайли уларни ҳисобдан чиқариш «Мастона» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 5910 «Камомат ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти</i>	<i>100 000 сўм;</i>
<i>кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти</i>	<i>100 000 сўм.</i>

#### **2-ҳолат**

«Мастона» МЧЖ салқин ичимликларни сотиш билан шуғулланади ва ёғоч яшиклардан маҳсулотларни ташиш учун фойдаланади.

Ёғоч яшиклар камомати туфайли уларни ҳисобдан чиқариш «Мастона» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 5910 «Камомат ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти</i>	<i>100 000 сўм;</i>
<i>кредит 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти</i>	<i>100 000 сўм.</i>

Иккинчи навбатда учта ҳолатни (ёғоч яшикларнинг бозор қиймати ва айбдор шахсларни аниқланишидан келиб чиқиб) кўриб ўтамиз:

#### **1-ҳолат**

Ёғоч яшикларнинг бозор қиймати 125 000 сўм килиб ўрнатилган. Ёғоч яшикларнинг камомати суммаси моддий жавобгар шахсдан ундирилади. Моддий жавобгар шахс моддий зарарни қоплаш бўйича қарзини нақд пул билан тўлаган.

Ёғоч яшиқлар камомати суммасини моддий жавобгар шахсдан ундириш билан боғлиқ операциялар «Мастона» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— моддий жавобгар шахсдан ёғоч яшиқларнинг камомати суммаси ундирилганда:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти	125 000 сўм;
кредит 5910 «Камомат ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти	100 000 сўм;
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	25 000 сўм.

— моддий жавобгар шахс моддий зарарни қоплаш бўйича қарзини тўлаганда:

дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти	125 000 сўм;
кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти	125 000 сўм.

## 2-ҳолат

Ёғоч яшиқларнинг бозор қиймати 95 000 сўм қилиб ўрнатилган. Ёғоч яшиқларнинг камомати суммаси моддий жавобгар шахсдан ундирилади. Моддий жавобгар шахснинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи унинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинган.

Ёғоч яшиқлар камомати суммасини моддий жавобгар шахсдан ундириш билан боғлиқ операциялар «Мастона» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— моддий жавобгар шахсдан ёғоч яшиқларнинг камомати суммаси ундирилганда:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти	95 000 сўм;
дебет 9430 «Бошқа операциялар харажатлари» счёти	5 000 сўм;
кредит 5910 «Камомат ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти	100 000 сўм;

— моддий жавобгар шахснинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи унинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинганда:

III боб. Идишларни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш бўйича услубий қўлланма

дебет 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	95 000 сўм;
кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти	95 000 сўм.

### 3-ҳолат

Камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда кўп маротаба ишлатиладиган идишлар камомади бўйича зарарлар суммаси «Мастона» МЧЖни давр харажатларига олиб борилади ва унинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	100 000 сўм;
кредит 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти	100 000 сўм.

## 7-§. Идишларнинг келиб тушиши, ички ҳаракати ва чиқиш кетишини бошланғич ҳужжатларда ҳисоби

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликда барча ҳўжалик операцияларини бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш бўйича талаб мавжуд. Ҳўжалик операцияларини бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш жараёнини ҳужжатлаштириш деб номлаш қабул қилинган. Ҳужжатлаштириш ёрдамида ҳўжалик операциялари амалга оширилган пайтда ва улар содир этилгандан жойда ёппасига акс эттириш амалга оширилади. Шундай қилиб, ҳужжатлаштириш бу барча ёзувлар бошланғич ҳужжатларга асосан амалга ошириладиган бухгалтерия ҳисобининг ажралиб турадиган усулларидан бирidir.

Шунинг учун ҳам корхоналарда ҳўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб, операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини қайд этадиган ва уларни амалга ошириш учун фармойиш берадиган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади. Корхоналарда бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳўжалик операциялари амалга ошилган пайтда ёки улар содир этилгандан сўнг дарҳол (кечиктирмасдан) тузилади.

Корхоналарда тузиладиган бошланғич ҳужжатларнинг мажбурий рекевизитлари, уларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, шунингдек ҳужжатлар айланмасини амалга

ошириш тартиби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низомга мувофиқ тартибга солинади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

- корхонанинг (муассасанинг) номи;
- ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- ҳўжалик операциясининг номи, мазмуни ва микдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);
- масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Шу билан бирга бошланғич ҳисоб ҳужжатларига ҳўжалик операцияларининг характеридан, бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан, шунингдек ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш технологиясидан келиб чиқиб қўшимча реквизитлар киритилиши ҳам мумкин. Лекин бошланғич ҳужжатларнинг тасдиқланган намунавий шаклларидаги барча реквизитлар (код, шаклнинг рақами, ҳужжатнинг номи билан бирга) ўзгармасдан қолиши шарт. Қонунчиликда тасдиқланган намунавий шакллардан айрим реквизитларни олиб ташлаш тақиқланади.

Бошланғич ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган намунавий шаклларда ёки қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда корхоналар томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бланкаларда тузилади. Бунда мустақил равишда ишлаб чиқилган бошланғич ҳужжатлар ҳўжалик операцияларини мазмунини батафсил ёритиши, фойдаланувчиларни керакли ва ишончли маълумотлар билан таъминлаши, қайта ишлашга ва сақлашга қулай бўлиши, шунингдек бошқа бошланғич ҳужжатларни такрорламаслиги шарт.

Агар бошлағич ҳужжатнинг барча реквизитлари тўлдирилган, тўлдирилмаган қаторлари чизиб қўйилган ва корхона бухгалтерияси ходимлари томонидан текширилган бўлса, бошланғич ҳужжат тўлиқ расмийлаштирилган ҳисобланади.

Харид қилинган идишлар кирим қилиниши ва уларнинг харакати, шунингдек уларнинг чиқиб кетиши бошқа товар-моддий захираларига ўхшаш тартибда ва шаклдаги бошланғич ҳужжатлари билан расмийлаштирилади. Шунингдек идишларни ҳисобга олишнинг хусусиятла-

ридан келиб чиқиб уларни ҳаракатини акс эттирадиган бошқа бирламчи ҳужжатлар ҳам ишлатилиши мумкин.

Идишларнинг қиймати мол етказиб берувчининг счёт-фактурасида кўрсатилмаган ва уларнинг қиймати товар-моддий қийматликларининг баҳосига қўшилган, шунингдек улардан корхонада фойдаланиш ёки бошқа корхона сотилиши мумкин бўлган ҳолларда товар-моддий қийматликларини ёйилганда олинган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қабул қилиб олишда ва кирим қилишда комиссия томонидан мазкур Услубий қўлланманинг 1-иловасида келтирилган «Мол етказиб берувчининг счёт-фактурасида кўрсатилмаган идишларни кирим қилиш далолатномаси» тузилади.

Комиссия корхона раҳбари (раҳбар ўринбосари) раислигида тузилади. Комиссия таркибига корхонанинг тегишли мутахассислари, бухгалтерия ходимлари ва идишларни бутлигига моддий жавобгар шахслар қўшилиши шарт. Комиссия корхона раҳбарининг буйруғи билан ташкил этилади.

Комиссия идишларни бевосита кўриб чиқади, кейинчалик корхона фаолиятида фойдаланиш ёки бошқа корхоналарга сотиш имкониятларини аниқлайди ва идишларнинг жорий бозор баҳосини белгилайди.

Мол етказиб берувчининг счёт-фактурасида кўрсатилмаган идишларни кирим қилиш далолатномаси икки нусхада тузилади, корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Биринчи нусха бухгалтерия берилади, иккинчи нусха эса оморга кирим қилишда асос бўлиши учун моддий жавобгар шахсда қолади. Олинган идишларни оморга кирим қилиш фақат корхона раҳбари томонидан далолатнома тасдиқлангандан кейин амалга оширилади.

Мол етказиб берувчига қайтариб берилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилганда мазкур Услубий қўлланманинг 2-иловасида келтирилган «Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтариш юк хати» расмийлаштирилади.

Юк хати моддий жавобгар шахс томонидан унда идиш келиб тушгандаги ҳужжатнинг номи ва рақами кўрсатган ҳолда учта нусхада тузилади ҳамда бухгалтер, моддий жавобгар шахс ва мол етказиб берувчининг вакили томонидан имзоланади. Биринчи нусха бухгалтерияга берилади, иккинчи нусха эса омордан ҳисобдан чиқаришга асос

бўлиши учун моддий жавобгар шахсда қолади, учинчи нусха эса мол  
ётказиб берувчига берилади.

Табиий эскириши, синиши (шикастланиши) ёки бузилиши натижа-  
сида яроқсиз ҳолга келган идишлар чиқиб кетаётганда комиссия томо-  
нидан мазкур Услубий қўлланманинг 3-илоvasида келтирилган «Идиш-  
ларнинг синиши ёки бузилиши натижасида ҳисобдан чиқариш дало-  
латномаси» билан расмийлаштирилади.

Комиссия корхона раҳбари (раҳбар ўринбосари) раислигида тузи-  
лади. Комиссия таркибига корхонанинг тегишли мутахассислари, бух-  
галтерия ходимлари ва идишларни бутлигига моддий жавобгар шахс-  
лар қўшилиши шарт. Комиссия корхона раҳбарининг буйруғи билан  
ташқил этилади.

Комиссия идишларни бевосита кўриб чиқади ва идишларни яроқ-  
сиз ҳолга келиб қолиш сабабларини ва бузилишига, синишига ҳамда  
йўқолишига айбдор шахсларни аниқлайди.

«Идишларнинг синиши ёки бузилиши натижасида ҳисобдан чиқа-  
риш далолатномаси» икки нусхада тузилади, корхона раҳбари томони-  
дан тайинланган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва корхона  
раҳбари томонидан тасдиқланади. Биринчи нусха бухгалтерияга бери-  
лади, иккинчи нусха эса омбордан ҳисобдан чиқаришга асос бўлиши  
учун моддий жавобгар шахсда қолади. Яроқсиз идишларни омбордан  
ҳисобдан чиқариш фақат корхона раҳбари томонидан далолатнома тас-  
диқлангандан кейин амалга оширилади.

Яроқсиз идишларни ҳисобдан чиқариш тугагандан кейин идишлар-  
ни чиқиб кетишидан молиявий натижани аниқлаш мақсадида ташки-  
лот бухгалтерияси томонидан мазкур Услубий қўлланманинг 4-илова-  
сида келтирилган шаклда идишларни чиқиб кетиши билан боғлиқ ха-  
ражатлар ва уларни чиқиб кетишидан келиб тушган материаллар тўғри-  
сида маълумотнома тузилади. Мазкур маълумотномада идишларни чиқиб  
кетиши ва бузилиши (синиши) оқибатларини бартараф этиш билан  
боғлиқ харажатлар, шунингдек идишларни ҳисобдан чиқаришда олин-  
ган материалларнинг номи, оғирлиги, баҳоси ва суммаси кўрсатилади.  
«Чиқиб кетиш натижалари» қаторида идишларни чиқиб кетишидан мо-  
лиявий натижалар кўрсатилади.

Ҳисобот даври учун идишларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғриси-  
даги маълумотларни умумлаштириш учун идишларининг кирими ва  
чиқимига тегишли бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосан мазкур Ус-

лубий қўлланманинг 6-иловасида келтирилган шаклда корхона раҳбари томонидан тасдиқланадиган «Идишларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» тузилади.

Идишларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот моддий жавобгар шахс томонидан икки нусхада тузилади. Бухгалтер ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади. Биринчи нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси моддий жавобгар шахсда қолади.

Ҳисоботнинг биринчи нусхаси ҳисобот тузиш учун асос бўлган хужжатларни илова қилинган ҳолда бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси моддий жавобгар шахсда қолади.

Ишлаб чиқариш ташкилотларида материалларни ҳисобга олувчи счётларда (1000) ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётларда (2800), савдо ташкилотларида товарларни ҳисобга олувчи счётларда (2900) ҳисобга олинадиган идишларнинг мавжудлиги ва ҳаракатланишини идишларнинг гуруҳлари бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида ташкилотнинг бухгалтерияси томонидан мазкур Услубий қўлланманинг 6-иловасида келтирилган шаклда «Идишларни ҳисобга олиш қайдномаси» тузилади. Бунда идишларнинг миқдорий ва суммавий кўрсаткичларининг камайиши тўғрисидаги маълумот идишлар гуруҳлари бўйича «Хўжалик операцияси мазмуни» устунининг тегишли каторида «минус» белгиси билан кўрсатилади.

Идишларни бухгалтерия хисобида акс  
эттириш бўйича услубий қўлланмага  
1-сонли илова

Тасдиқлайман:

раҳбар Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_ имзо  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Мол етказиб берувчининг счёт-фактурасида кўрсатилмаган  
идишларни кирим қилишнинг \_\_\_\_\_-сонли далолатномаси

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_

Таркибий бўлинма \_\_\_\_\_

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_-сонли буйруқ билан тайинланган  
комиссия \_\_\_\_\_ кўриб чиқди

идишларнинг тури ва гуруҳи \_\_\_\_\_

(мол етказиб берувчининг тўлиқ номи)

Кўриб чиқиш натижасида комиссия қуйидагиларни аниқлади:

Т/р	Идишнинг		Ўлчов бирлиги	Сони	Баҳоси	Суммаси	Изох
	номи	коди					
<b>Жами</b>					х		

Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати \_\_\_\_\_

Комиссия раиси \_\_\_\_\_

лавозим

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

Комиссия  
аъзолари:

лавозим

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

лавозим

имзо

(фамилияси, исми шарифи)

Идишни қабул  
қилди

лавозим

имзо

(фамилияси, исми шарифи)



Идишларни бухгалтерия ҳисобида акс  
эттириш бўйича услубий қўлланмага  
2-сонли илова

Қайтарилиши лозим бўлган кўп мартаба ишлатиладиган  
идишларни қайтаришнинг \_\_\_\_-сонли юк хати

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_

Таркибий бўлинма \_\_\_\_\_

Мол етказиб берувчи \_\_\_\_\_

(идишлар қайтариладиган мол етказиб берувчининг тўлик номи)

Т/р	Идишнинг		Ўлчов бир- лиги	Сони	Баҳо- си	Сум- маси	Келиб тушган- даги ҳужжат- нинг номи ва рақами
	номи	коди					
<b>Жами</b>					<b>x</b>		

Бухгалтер \_\_\_\_\_  
лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Идишни  
топширди: \_\_\_\_\_  
лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Идишни қабул  
қилди: \_\_\_\_\_  
лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Идишларни бухгалтерия ҳисобида акс  
эттириш бўйича услубий қўлланмага  
3-сонли илова

Тасдиқлайман:

раҳбар Ф.И.Ш.

имзо

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Идишларнинг сениши ёки бузилиши натижасида ҳисобдан  
чиқаришнинг \_\_\_\_\_-сонли далолатномаси

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_

Таркибий бўлинма \_\_\_\_\_

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_-сонли буйруқ билан тайинланган  
комиссия \_\_\_\_\_ мол етказиб берувчидан келган  
(мол етказиб берувчининг тўлиқ номи)

\_\_\_\_\_ кўриб чикди

\_\_\_\_\_ идишларнинг тури ва гуруҳи

Кўриб чиқиш натижасида комиссия қуйидагиларни аниқлади:

Т/р	Идишнинг		Ўлчов бирлиги	Сони	Баҳоси	Суммаси	Изоҳ
	номи	коди					
<b>Жами</b>					<b>x</b>		

Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати \_\_\_\_\_

Комиссия раиси \_\_\_\_\_ лавозим имзо (фамилияси, исми шарифи)

Комиссия аъзолари: \_\_\_\_\_ лавозим имзо (фамилияси, исми шарифи)

\_\_\_\_\_ лавозим имзо (фамилияси, исми шарифи)

Идишларни бухгалтерия хисобида акс  
эттириш бўйича услубий кўлланмага  
4-сонли илова

**Идишларни чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар  
ва уларни чиқиб кетишидан келиб тушган материаллар  
тўғрисида маълумотнома**

Ташкилот \_\_\_\_\_

Чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатлар				Чиқиб кетишдан фойдаланиш мумкин бўлган баҳо бўйича келиб тушли				
иш тури	ҳуж-жат рақами	хара-жат мод-даси	сум-маси	ҳуж-жат рақами	маҳ-сулот номи	сони	баҳоси	сум-маси

Чиқиб кетиш натижалари \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер  
(бухгалтер)

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

М.Ў.

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й

Идишларни бухгалтерия ҳисобида ақс  
 эттириш бўйича услубий кўлланмага  
 5-сонли илова

**20** \_\_\_ йил \_\_\_ учун  
**Идишларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот**

Тузиш санаси «\_\_\_» 20\_\_ й.

Ташкилот \_\_\_\_\_  
 Таркибий бўлинма \_\_\_\_\_  
 Моддий жавобгар шахс \_\_\_\_\_  
 (лавозими, фамилияси, исми шарифи)

Т/р	Идишнинг		Мол етказиб берув- чининг номи	Баҳо- си	20__ й. «___» даги қолдиқ		Қирим		Чиким		20__ й. «___» даги қолдиқ	
	номи	коди			соғи	сум- маси	соғи	сум- маси	соғи	сум- маси	соғи	сум- маси

Идишларнинг қолдиги

Ҳисоботни топширди \_\_\_\_\_ хужжатлар \_\_\_\_\_ сони ёзув билан \_\_\_\_\_ варақда  
 \_\_\_\_\_ сони ёзув билан \_\_\_\_\_  
 Ҳисоботни топширди \_\_\_\_\_ лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)  
 \_\_\_\_\_ лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

Идишларни бухгалтерия ҳисобида акс  
эттириш бўйича услубий қўлланмага  
б-сонли илова

**Идишларни ҳисобга олиш қайдномаси**  
\_\_\_\_\_ -счёт бўйича

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Идишларнинг турлари									
	ПЭТ бутылкалар		Шина бутылкалар		Ташиш учун ёғоч идишлар		ва ҳ.к.		Корреспондент- пидаиувчи счётлар	
	мик- лори	сум- маси	мик- лори	сум- маси	мик- лори	сум- маси	мик- лори	сум- маси		
20 ___ й. ___ даги қолдиқ									дебет	кредит
1.									X	X
2.										
...										
Жами:									X	X
20 ___ й. ___ даги қолдиқ									X	X

Рахбар

Бухгалтер

\_\_\_\_\_ лавозим

\_\_\_\_\_ ИМЗО

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

\_\_\_\_\_ лавозим

\_\_\_\_\_ ИМЗО

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми шарифи)

## **IV боб. Корпоратив қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма**

### **1-§. Умумий қондалар**

Қимматли қоғозлар деб уларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкый ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайдиган, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутадиган ҳужжатлар тан олинади («Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси, 22.07.2008 й. № ЎРҚ-163, кейинги ўринларда ЎРҚ-163 деб юритилади). Қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади. Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш уларни эмиссияси деб номланади.

Акция — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз. Акциялар фақат ҳужжатсиз шаклда, яъни депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида чиқарилади.

Облигация деб облигацияни сакловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкый эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкый ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз тушунилади. Корпоратив облигациялар бу очик акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган облигациялар бўлиб ҳисобланади. Корпоратив облигацияларни фақат очик акциядорлик жамиятлари:

— аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

— кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўловга қобилиятлилиқ, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти ҳулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлса;

— инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқариши мумкин.

Корпоратив облигациялар уларнинг эгаларига очиқ акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди.

Облигациялар нақд ва нақдсиз шаклда чиқарилиши мумкин. Нақдсиз шаклдаги облигациялар муомалага депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида, нақд шаклида — қоғоз сертификат шаклида чиқарилади.

Бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб эмитентнинг опцион ва қимматли қоғозларга доир фьючерс ҳисобланади. Эмитентнинг опцион — эмитентнинг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини опционда кўрсатилган муддатда қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз.

Қимматли қоғозларга доир фьючерс деб ўзида назарда тутилган муддатда муайян миқдордаги қимматли қоғозларни қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз тан олинади.

## **2-§. Акцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

### *2.1. Акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарорни давлат рўйхатидан ўтказиш*

Акционерлик жамияти — эмитентнинг акция чиқариш тўғрисидаги қарори давлат рўйхатидан куйидагича ўтказилиши керак:

— юридик шахс мақомини олгандан кейин — бир ойдан кечикмасдан;  
— кўшимча чиқарилганда ёки акциянинг номинал қиймати оширилганда ёки уставга ўзгартириш киритилганда — акция чиқариш тўғрисида қарор қабул қилингандан ёки уставга ўзгартириш киритилгандан кейин 3 ойдан кечикмасдан.

Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда куйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) эмитентнинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили);
- 2) акцияларни чиқариш тўқрисидаги қарор тасдиқланган сана;
- 3) акцияларни чиқариш тўқрисидаги қарорни тасдиқлаган эмитент бошқарув органининг номи;
- 4) акцияларнинг номи ва уларнинг чиқарилиш шакли;
- 5) акциялар эгасининг ҳуқуқлари;
- 6) акцияларни жойлаштириш шартлари;
- 7) акцияларнинг чиқарилишдаги сони;
- 8) акцияларни номинал қиймати.

Акцияларни қиймати пул маблағлари билан тўланмаган ҳолларда акция чиқариш тўғрисидаги қарорда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулкнинг рўйхати назарда тутилиши шарт.

Акция чиқариш тўғрисидаги қарорда акциялар чиқаришда эмитент томонидан, улар жойлаштирилмаган ҳолда акциялар чиқариш амалга оширилмаган деб ҳисобланадиган чиқарилган акциялар улушини белгилаши мумкин. Ушбу улуш чиқарилган акцияларнинг умумий ҳажмининг 60 фоизидан кам бўлмаган миқдорда аниқланиши мумкин. Бунда акция чиқариш тўғрисидаги қарорда акциялар чиқариш амалга оширилмаган ва чиқарилган акцияларнинг белгиланган улуши жойлаштирилмаган ҳолларда, акциялар учун ҳақ тўлаш сифатида эмитент томонидан олинган маблағларни қайтариш тартиби кўзда тутилиши керак.

Акция чиқариш тўғрисидаги қарор куйидагилар томонидан тасдиқланади:

— эмитентнинг уставига мувофиқ эмитентни бошқарув органи томонидан (қоидаги кўра мазкур ҳолатда бошқарув органи деб акциядорлар ййғилиши тушунилади);

— агар акциядорлик жамиятининг уставига назарда тутилган бўлса, Кузатув кенгаши томонидан.

Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1) акция чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза;
- 2) акция чиқариш тўғрисидаги қарорни эмитентни ваколатли органи томонидан қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (мажлис баённомаси, мажлис баённомасидан кўчирма) кворум ва овоз бериш натижалари кўрсатилган ҳолда нотариал тасдиқланган нусхаси. Акция чиқариш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилин-



са, овоз беришда иштирок этган Кузатув кенгашининг аъзоларининг Ф.И.Ш. икки нусхада кўрсатилади;

3) кўшимча ва ўзгартиришларни қўшган ҳолда устав ва таъсис ҳужжатлари (биргаликда ишлаш шартномаси)ни нотариал тасдиқланган нусхаси;

4) учта нусхада эмиссия рисоласи (чиқариш анкетаси<sup>4</sup>) ва акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор учта нусхада;

5) эмитентнинг рўйхатга олиш картаси;

6) акция чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган йиғимни тўлаганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси (мазкур чиқарилаётган эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи миқдориди, илгари рўйхатдан ўтказилган чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозларнинг номинал қиймати оширилган ҳолларда, эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қиймати ошган суммасининг 0,01 фонзи миқдориди республика бюджетига йиғим тўлайди);

7) акциялар чиқарилишини рўйхатга олиш бўйича тақдим килинган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун белгиланган йиғимнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси (энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдориди);

8) эмитентнинг ваколатли органи томонидан акцияларнинг эмиссия проспектини (чиқариш анкетаси), (мажлиснинг баёни (баённомадан кўчирма), тасдиқловчи ҳужжатнинг эмитент томонидан тасдиқланган нусхаси, шунингдек кўрсатилган масала бўйича кворум ва сайлаш натижалари кўрсатилган ҳолда. Кузатув кенгаши томонидан эмиссия проспекти (чиқариш анкетаси) тасдиқланганда, икки нусхада сайловда қатнашган Кузатув кенгашининг аъзоларини фамилияси, исми, отасининг исми) кўрсатилади;

9) икки нусхада тақдим килинган ҳужжатлар рўйхати.

Акциялар чиқаришни давлат томонидан рўйхатга олиш қуйидагича амалга оширилади:

---

<sup>4</sup> Эмиссия ҳажми ҳужжатларни тақдим этиш вақтида энг кам иш ҳақининг 25 минг баробаридан ортган ҳолларда обунадан қатъи назар акцияларни жойлаштиришда давлат рўйхатидан ўтказиш эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Қолган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказиш чиқариш анкетасини рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг марказий аппаратида:

— агар эмитентнинг бирламчи чиқарган акциялар эмиссиясининг ҳажми давлат томонидан рўйхатга олиш учун ҳужжатлар тақдим қилинган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 50 минг мартасига тенг ёки ундан кўп бўлса;

— агар эмиссия суғурта ташкилотлари, фонд биржалари, инвестиция институтлари, хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналар томонидан (эмиссия суммасидан қатъи назар) амалга оширилса;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг ҳудудий бўлимларида, агар эмитентнинг бирламчи чиқарган акцияларининг эмиссияси ҳажми, давлат томонидан рўйхатга олиш учун ҳужжатлар тақдим қилинган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 50 минг мартасидан кам бўлса (2002 йил 10 июлда 1159-сон билан рўйхатга олинган «Акциядорлик жамиятлари акцияларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва чиқарилган акцияларни бекор қилиш тартиби тўғрисида Низом»нинг 21-банди).

Чиқариш ҳажмидан қатъи назар акцияларнинг кейинги чиқарилиши дастлабки чиқарилган акциялар рўйхатга олинган оғанда амалга оширилади.

Акциялар чиқарилишининг давлат томонидан рўйхатга олинishi, эмитент томонидан барча зарурий ҳужжатлар илова қилинган ҳолда арiza тақдим қилган вақтдан бошлаб 30 кундан кечикмасдан амалга оширилади.

Чиқарилган акциялар давлат томонидан рўйхатга олингандан кейин эмитентга қуйидагиларни берилади:

— акция чиқариш тўғрисидаги қарорнинг бир нусхаси (бир нусхаси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказида қолади, бир нусхаси Марказий депозитарийга берилади);

— чиқарилган акцияларга давлат идентификация тартиб рақами берилган ва уни давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги белгиси билан акциялар эмиссияси проспектининг (чиқариш анкетаси) нусхаси.

Акциялар чиқарилиши давлат томонидан рўйхатга олингандан сўнгра эмитент икки ҳафта муддат ичида оммавий ахборот воситаларида ак-

циялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотларни чоп эттириш (маълумотларни очиш)га мажбур.

Ахборотлар қуйидагиларни ўзида жам этиши керак:

— чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича маълумотларни қўшган ҳолда акцияларни чиқариш тўғрисидаги маълумотлар;

— инвесторларни эмиссия рисоласи (чиқариш анкетаси) билан танишиш жойи ва тартиби (уларни жойлаштириш бошланишидан икки ҳафта олдиндан кечикмасдан);

— акцияларни эмиссия рисоласи (чиқариш анкетаси)даги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот — мазкур ўзгаришларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинган вақтдан бошлаб икки иш кунидан кечикмасдан.

Маълумотларни очишдан ташқари эмитент бир йил ичида эмиссия қилинган акцияларни ўзининг таъсисчилари ўртасида жойлаштиришни амалга оширишга мажбур.

Акциядорлик жамиятлари ташкил қилинганда акциялар унинг таъсисчилари томонидан номинал қиймати бўйича тўланади ва акцияларнинг биринчи марта чиқарилиши таъсисчилар ўртасида жойлаштирилиши керак.

## **2.2. Акция билан боғлиқ операцияларнинг жамият — эмитентдаги ҳисоби**

Акцияларни чиқарувчи (сотувчи) эмитент — жамият акцияларни эмиссияси ва жойлаштириш билан боғлиқ операцияларни қуйидаги сўтлардан фойдаланиб акс эттиради:

— 8310 «Оддий акциялар»;

— 8320 «Имтиёзли акциялар»;

— 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи».

Акцияларни чиқариш ва жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибига қўшилади.

Депозитарийларнинг хизмат хақи бошқа операцион харажатлар таркибига қўшилади.

Акция билан боғлиқ операциялар эмитент — акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

а) жамият рўйхатдан ўтганда таъсисчиларнинг устав капиталидаги қарзи (акцияларнинг номинали бўйича умумий қийматига) акс эттирилади:

дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти;

кредит 8310 «Оддий акциялар» счёти;

кредит 8320 «Имтиёзли акциялар» счёти;

б) устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи қопланади:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти;

дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000);

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти;

дебет 0830 «Номоддий активларни харид қилиш» счёти;

кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти.

Эмитент — акциядорлик жамиятининг акцияларни чиқариш ва жойлаштириш билан боғлиқ харажатлари қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади:

дебет 9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар» счёти;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти ва бошқалар.

Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишда эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи миқдорда республика бюджетига йиғим тўлайди:

дебет 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти.

**Мисол.** Ёпиқ акциядорлик жамияти (ЁАЖ) учта таъсисчи томонидан таъсис этилган. ЁАЖнинг устав капитали — 600 млн сўм (413 793 \$, 1 \$ учун доллар курси 1450 сўм). У 60 000 дона оддий акциялар ажратилган. Акцияларнинг номинал қиймати — 10 000 сўм. ЁАЖ таъсис этилганда акциялар номинал қиймати бўйича жойлаштирилиши ва пул маблағлари билан тўланиши таъсис ҳужжатларида айтиб ўтилган. Таъсисчилар ўртасида акциялар қуйидаги шаклда тақсимланган: таъсисчи И.И. Сафаровга — 40 % акциялар, таъсисчи А.М. Долматовга — 35 % акциялар, таъсисчи К.М. Лавровга — 25 % акциялар тегишли. Акциялар жойлаштирилганда таъсисчилар томонидан уларнинг 50 % қийма-

ти тўланган, қолган 50 % акцияларни чиқариш рўйхатга олингандан кейин уч ой ўтиб тўланган.

Бухгалтерия ҳисобида аналитик ҳисобни шундай ташкил қилиш керакки, у ЁАЖ таъсисчилари бўйича ахборотни капитални шаклланиш босқичлари ва акцияларни турлари бўйича жамлашни таъминлаб берсин. 8310 «Оддий акциялар» счётини Счётлар режасида назарда тутилмаган, лекин устав капитални шаклланишини тўғри акс эттириш учун зарур бўлган қуйидаги счётларга ажратиш лозим:

8310 «Оддий акциялар — эълон қилинган» — акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ жойлаштиришга мўлжалланган акцияларнинг номинал қийматини акс эттириш учун;

8311 «Оддий акциялар — обуна капитали» — обуна бўлинган акцияларни ҳисобга олиш учун;

8312 «Оддий акциялар — тўланган капитали» — таъсисчилар томонидан қиймати тўланган акцияларни акс эттириш учун.

8311 «Оддий акциялар — обуна капитали» ва 8312 «Оддий акциялар — тўланган капитали»ни таъсисчилар кесимида ҳам тақдим этиш мумкин, масалан:

8311-1 «Оддий акциялар — И.И. Сафаровнинг обуна капитали»;

8311-2 «Оддий акциялар — А.М. Долматовнинг обуна капитали»;

8311-3 «Оддий акциялар — К.М. Лавровнинг обуна капитали».

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, миг сўм	Сётларнинг боғламини	
			дебет	кредит
<b>ЁАЖнинг давлат рўйхатидан ўтган санасига</b>				
1	Таъсис ҳужжатларига мувофиқ ЁАЖнинг устав капитали акс эттирилди	600 000	4610	8310
<b>Акцияларни 50 % қиймати тўланиш санасига</b>				
2	И.И. Сафаровнинг тўлови акс эттирилган. Акциянинг қийматининг 50 % (600 000 x 0,4 x 0,5)	120 000	5110	4610
3	А.М. Долматовнинг тўлови акс эттирилган. Акциянинг қийматининг 50 % (600 000 x 0,35 x 0,5)	105 000	5110	4610
4	К.М. Лавровнинг тўлови акс эттирилган. Акциянинг қийматининг 50 % (600 000 x 0,35 x 0,5)	75 000	5110	4610

*IV боб. Корпоратив қимматли қозғалар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

№	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Сўётларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
<b>Акцияларни чиқариш тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланиш санасига</b>				
5	И.И. Сафаров обуна бўлган ва тўлаган акцияларнинг қиймати акс эттирилади	240 000 120 000	8310 8311-1	8311-1 8312-1
6	А.М. Долматов обуна бўлган ва тўлаган акцияларнинг қиймати акс эттирилади	210 000 105 000	8310 8311-2	8311-2 8312-2
7	К.М. Лавров обуна бўлган ва тўлаган акцияларнинг қиймати акс эттирилади	150 000 75 000	8310 8311-3	8311-3 8312-3
<b>Акцияларни чиқариш тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланиш санасига</b>				
8	И.И. Сафаровнинг акциялар қийматини қолган қисмини тўлови акс эттирилади (240 000 – 120 000)	120 000	5110 8311-1	4610 8312-1
9	А.М. Долматовнинг акциялар қийматини қолган қисмини тўлови акс эттирилади (210 000 – 105 000)	105 000	5110 8311-2	4610 8312-2
10	К.М. Лавровнинг акциялар қийматини қолган қисмини тўлови акс эттирилади (150 000 – 75 000)	75 000	5110 8311-3	4610 8312-3

Акцияларни биринчи марта (биринчи эгаларига сотилишида) номинал қийматидан юкори нархда сотилишидан эмиссия даромади юзага келади ва уларни ҳисобга олиш учун махсус 8410 «Эмиссия даромади» сўёти назарда тутилган.

8410 «Эмиссия даромади» сўётининг кредити бўйича биринчи марта (биринчи эгаларига) сотилишда акцияларни номинал қийматидан ортган сумма ҳисобга олинади. У фойда солиғи, ягона солиқ тўловини ҳисоблаш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

8410 «Эмиссия даромади» сўётининг кредити бўйича мазкур суммаларни сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда сотиб олиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фаркни қоплаш учун ишлатилиши ҳисобга олинади.

Акциядорлик жамиятининг эмиссия даромади куйидагича акс эттирилади:

*IV боб. Корпоратив қимматли қозғалар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

- дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти;
- дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;
- кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти;
- кредит 8410 «Эмиссия даромади» счёти.

**Мисол.** ОАЖ номинал киймати 10 000 сўм бўлган 10 000 дона акция чиқаради. Улар бир дона акциянинг нархи 10 500 сўм килиб сотилган.

Жамиятнинг эмиссия даромади 5 000 минг сўмни  $[(10\,500 - 10\,000) \times 10\,000]$  ташкил этади.

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Счётларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
<b>ЕАЖнинг давлат рўйхатидан ўтган санасига</b>				
1	Акцияларни номинал кийматидан юқори нархда сотилиши акс эттирилади	100 000 5 000	5010 5110	4610 8410

Акциядорлик жамиятининг устав капитали чет эл валютасида шаклланган ҳолларда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш вақтидаги валюта курси билан устав капиталига улушларнинг ҳақиқатда кириши вақтидаги валюта курсининг ҳар хил бўлиши натижасида курс фарқи келиб чиқади. Бундай курс фарқлари 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётида ҳисобга олинади.

Салбий курс фарқлари 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётининг дебетида олдинги ижобий курс фарқлари микдорида ҳисобга олинади. Устав капиталини шаклланишида салбий курс фарқини ижобий курс фарқидан ошиб кетган суммалари молиявий фойда олият бўйича харажатларга олиб борилади.

**Мисол.** Таъсис ҳужжатларига мувофиқ ОАЖ (чет эл инвестицияси мавжуд бўлган корхона)нинг устав капитали 400 минг АҚШ долларини ташкил этади. Чет эллик таъсисчининг улуши 100 % га тенг. Улуш сифатида киймати 350 минг АҚШ доллари бўлган асбоб-ускуна ва 50 минг АҚШ доллари микдорида пул маблағи киритилган.

*IV боб. Корпоратив қимматли қозғолар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

Доллар курси куйидагича бўлган:  
 ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш санасига — 1 450 сўм;  
 асбоб-ускуналар ва пул маблағлари киритилган санага — 1 465 сўм.

№	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Счётларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
<b>ОАЖнинг давлат рўйхатидан ўтказиш санасига</b>				
1	Таъсис ҳужжатларига мувофиқ ОАЖ-нинг устав капитали акс эттирилади (400 x 1 450)	580 000	4610	8310
<b>Акцияларнинг қийматини тўлаш (асбоб-ускуналар ва пул маблағлари киритиш) санасига</b>				
2	Акцияларнинг қиймати улуш сифатида асбоб-ускуна билан тўлаш курс фарқи акс эттирилади [(1465 - 1450) x 350]	507 500 5 250	0820	4610 8420
3	Акцияларнинг қийматини тўлаш курс фарқи акс эттирилади [(1465 - 1450) x 350]	72 500 75	5210	4610 8420
4	Устав капиталига улуш сифатида киритилган асбоб-ускуналар фойдаланишга киритилганда	512 750	0130	0820

Чет эл валютасида акс эттирилган устав капитали оширилганда (камайтирилганда) бухгалтерия ҳисоби мақсадида устав капиталининг факат оширилган (камайтирилган) қисми таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилган санадаги Марказий банк курси бўйича миллий валютага қайта ҳисобланади.

**2.3. Сотиб олинган хусусий акцияларнинг ҳисоби**

Акциядорлик жамиятлари хусусий акцияларини сотиб олиши мумкин. Одатда булар куйидаги сабаблар билан асосланади:

- акция курсини сақлаб туриш;
- қолган ҳар бир акцияга дивидендларни ошириш;
- акцияларни ўзининг ходимлари ўртасида жойлаштириш;
- қолган акцияларни номинал қийматини ошириш;



— назорат ўрнатиш учун акцияларни бошқа корхоналар томонидан сотиб олинишини олдини олиш.

Акциядорлик жамияти томонидан хусусий акцияларни сотиб олиш факти улар томонидан молиявий қўйилмаларни амалга оширишни эмас, балки маблағларни хусусий манбаларини камайишини намоён қилади. Сотиб олинган хусусий акциялар ҳисоби қуйидаги бир номдаги контрпассив счётларда юритилади:

8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий»;

8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли».

Устав капиталига контрпассив счёти сифатида улар акциядорлик жамиятининг хусусий капиталини камайтиради ва балансда устав капитали миқдоридан чиқариб ташланиши керак. Хусусий акцияларни харид қилиш натижаси бўлиб активлар ва акционер капиталининг камайиши ҳисобланади.

Акциядорлик жамияти томонидан сотиб олинган хусусий акциялар жамият томонидан белгиланган барча жараёнлар (таъсис ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказиш) бажарилгандан кейин тугатилиши мумкин. Яъни акциядорлик жамиятининг устав капитали сотиб олинган акцияларнинг номинал қийматига уларни тугатиш йўли билан камаяди.

Сотиб олинган хусусий акциялар бошқа сармоядорларга ҳаттоки номинал қийматидан паст нархга сотилиши мумкин. Акцияларни биринчи эмиссиясида бунга рухсат этилмайди.

Акциядорлик жамияти томонидан хусусий акцияларини сотиб олиш, тугатиш ва сотиш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

а) акциядорлик жамияти томонидан хусусий акцияларни сотиб олиш акс эттирилади:

дебет 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» счёти;

дебет 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти;

кредит 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

кредит 6620 «Чикиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти;

б) сотиб олинган хусусий акциялар тугатилиши (номиналдан паст) акс эттирилади:

— сотиб олиш қийматига:

дебет 8310 «Оддий акциялар» счёти;

дебет 8320 «Имтиёзли акциялар» счёти;  
кредит 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» счёти;  
кредит 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти;  
— номинал қийматдан паст бўлган фарқка:  
дебет 8310 «Оддий акциялар» счёти;  
дебет 8320 «Имтиёзли акциялар» счёти;  
кредит 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счёти;  
в) сотиб олинган хусусий акциялар тугатилиши (номиналдан юқори)

акс эттирилади:

— номинал қийматига:

дебет 8310 «Оддий акциялар» счёти;  
дебет 8320 «Имтиёзли акциялар» счёти;  
кредит 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» счёти;  
кредит 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти;  
— номинал қийматдан юқори бўлган фарқка:  
дебет 8410 «Эмиссион даромад» счёти;  
дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счёти;  
кредит 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» счёти;  
кредит 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти;  
г) сотиб олинган хусусий акцияларни сотиб олиш қийматидан юқори

нархда сотилиши акс эттирилади:

— сотиб олиш қийматига:

дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти;  
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;  
кредит 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» счёти;  
кредит 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти;  
— сотиб олиш қийматидан юқори бўлган фарқка:  
дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти;  
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;  
кредит 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счёти;  
д) сотиб олинган хусусий акцияларни сотиб олиш қийматидан паст

нархда сотилиши акс эттирилади:

— сотиш қийматига:

дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти;  
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;  
кредит 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» счёти;  
кредит 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти;

— сотиб олиш қийматидан паст бўлган фарққа:

дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счёти;

кредит 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» счёти;

кредит 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти.

Сотиб олинган акциялар сотиб олиш қийматидан паст нархда сотилганда ва 8410 «Эмиссия даромади» счётидаги суммалар камлик қилганда акциядорлик жамияти зарар кўради ҳамда уларни молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар таркибида акс эттиради.

**Мисол.** Акциядорлик жамияти акциядорлардан номинал қиймати 10 000 сўм бўлган 10 000 дона хусусий оддий акцияларни ҳар бири 11 000 сўмдан сотиб олди.

Акцияларни сотиб олиш акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ устав капиталини камайтириш мақсадида амалга оширилган. Сотиб олишдан кейин акциялар тугатилади ва жамиятнинг устави қайта рўйхатдан ўтказилади. Жамиятда эмиссия даромади йўқ.

Бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинади:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Счёتلарнинг боғланиши	
			дебет	кредит
1	Хусусий оддий акцияларни сотиб олиш акс эттирилади	110 000	8610	5110
2	Сотиб олинган хусусий акцияларни тугатилиши (номинал қиймати бўйича) акс эттирилади	100 000	8310	8610
3	Номиналдан юқори қисм фарқи харажатларга ҳисобдан чиқарилади	10 000	9690	8610

**Мисол.** Акциядорлик жамияти акциядорлардан номинал қиймати 10 000 сўм бўлган 10 000 дона хусусий оддий акцияларни ҳар бири 9 000 сўмдан сотиб олди.

Акцияларни сотиб олиш акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ устав капиталини камайтириш мақсадида амалга оширилган. Сотиб олишдан кейин акциялар тугатилади ва жамиятнинг устави қайта рўйхатдан ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинади:

*IV боб. Корпоратив қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

№	Ҳужалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Счётларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
1	Хусусий оддий акцияларни сотиб олиш акс эттирилади	90 000	8610	5110
2	Сотиб олинган хусусий акцияларни тугатилиши (номинал қиймати бўйича) акс эттирилади	100 000	8310	8610
3	Номиналдан паст қисм фарқи даромадларга ҳисобдан чиқарилади	10 000	8610	9590

**2.4. Акциялар билан боғлиқ операцияларни инвестордаги ҳисоби**

Сотиб олинган акциялар харидорда молиявий инвестициялар сифатида кўрилади.

Улар харид қиймати бўйича баҳоланади ва бу қийматга брокерлар хизмати учун тўланган ҳақ, банк хизмати учун тўловлар, божлар ва бошқа харажатлар киритилади.

Акция — инвестицияларни харид қилиш инвесторнинг бухгалтерия ҳисобида инвестор учун депозитарийда очилган депо счётида кирим ёзуви амалга оширилган сана бўйича акс эттирилади.

Жамиятни таъсис этиш (ташқил этиш)да харид қилинган акциялар куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

а) пул маблағлари билан улуш киритилганда:

дебет 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти;

дебет 5810 «Қимматли қоғозлар» счёти (тез сотиладиган акцияларни, яъни зарурат бўлганда тезда пул маблағларига айлантириш мумкин бўлган акцияларни харид қилганда. Бундай акциялар бир йилгача бўлган муддатга харид қилинади);

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

б) мол мулк билан улуш киритилганда:

дебет 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти;

дебет 5810 «Қимматли қоғозлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти.

*IV боб. Корпоратив қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

Агар харид қилинган акцияларни сотиб олиш қиймати номинал қийматидан юқори бўлса, харид қилинган вақт билан қоплаш (сотиш) вақтигача бўлган давр давомида сотиб олиш ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ суммасини қисмларини ҳисобдан чиқариш амалга оширилади: дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счёти; кредит 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти.

Акцияларни қопланиш вақтида 0610 «Қимматли қоғозлар» счётида ҳисобга олинадиган баҳоси номинал қийматига тўғри келиши керак.

**Мисол.** Корхона суммаси 22 млн сўм бўлган 2 000 дона акцияни харид қилди. Акцияларнинг номинал қиймати 10 минг сўм. Корхона мазкур акциялар пакетини 15 ой ўтгандан кейин сотишни режалаштирган.

Акцияларни сотиб олиш нархи ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ 2 млн сўмни  $[(11\ 000 - 10\ 000) \times 2\ 000]$  ташкил этади. У 15 ой давомида молиявий фаолият бўйича харажатларга ҳисобдан чиқарилиши керак.

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Счётларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
1	Инвестиция — акция акс эттирилди	22 000	0610	5110
2	Ҳар ойда 15 ой давомида акцияларнинг сотиб олиш нархи ва номинал қиймат ўртасидаги фарқни қисмлари тенг равишда (бир меъёрда) ҳисобдан чиқарилади (2 000 / 15)	133 333	9690	0610

Агар корхона томонидан харид қилинган акцияларни сотиб олиш қиймати номинал қийматидан паст бўлса, харид қилинган вақт билан қоплаш (сотиш) вақтигача бўлган давр давомида сотиб олиш ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ суммасини қисмларини қўшимча ҳисоблаш амалга оширилади. Бунда қуйидаги ёзувлар қилинади:

дебет 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти;

кредит 9690 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счёти.

Бу ҳолда ҳам акцияларни қопланиш вақтида 0610 «Қимматли қоғозлар» счётида ҳисобга олинадиган баҳоси номинал қийматига тўғри келиши керак.

**Мисол.** Корхона суммаси 18 млн сўм бўлган 2000 дона акцияни харид қилди. Акцияларнинг номинал қиймати 10 минг сўм. Корхона мазкур акциялар пакетини 15 ой ўтгандан кейин сотишни режалаштирган.

Акцияларни номинал қиймати ва сотиб олиш нархи ўртасидаги фарк 2 млн сўмни  $[(10\ 000 - 9\ 000) \times 2\ 000]$  ташкил этади. Ўз навбатида у 15 ой давомида тенг улушларда молиявий фаолиятнинг даромадларига ҳисобдан чиқарилиши керак.

№	Ҳужалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Счётларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
1	Инвестиция — акция акс эттирилади	18 000	0610	5110
2	Хар ойда 15 ой давомида акцияларнинг сотиб олиш нархи ва номинал қиймат ўртасидаги фарқни қисмлари тенг равишда (бир меъёрда) ҳисобдан чиқарилади (2 000 / 15)	133 333	0610	9590

Узоқ муддатли активлар сифатида тасниф этилган акцияларга инвестициялар харид қилингандан кейин қуйидаги усулларнинг бири бўйича балансда:

- харид қиймати бўйича;
- қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича;
- харид қиймати ва бозор қийматининг умумий инвестициялар усули бўйича аниқланган энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли инвестицияларни қайта баҳолашнинг амалга ошириш даврийлиги корхонанинг ҳисоб сиёсатида аниқланган бўлиши керак.

Қисқа муддатли инвестицияларга кирадиган қимматли қозғозларни сотиб олиш бўйича операциялар ҳисобда узоқ муддатли қимматли қозғозларга ўхшаш тарзда акс эттирилади.

Акция мурожаат қилиш муддатига эга бўлмайди, шунинг учун сотиб олиш нархи ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни ҳисобдан чиқариш муддатини инвестор ўзи аниқлаши керак.

**Мисол.** Корхона 100 дона, номинал қиймати 10 000 сўм бўйича харид қилган қимматли қозғоз — акцияни қайта баҳолашни амалга оши-

ради. Акцияларни қайта баҳолаш вақтидаги бозор қиймати 11 200 сўмни ташкил этади.

Корхонанинг ҳисоб сиёсатида акциялар қайта баҳоланган қиймат бўйича ҳисобга олинishi назарда тутилган.

Акциялар қийматининг ўсиш суммаси резерв капиталининг таркибида 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинади.

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Счётларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
1	Акцияларни харид қилиш номинал қиймати бўйича акс эттирилади	1 000	0610	5110
2	Акциялар қийматининг ўсиш суммаси акс эттирилади [(11 200 - 10 000) x 100]	120	0610	8510

### 3-§. Корпоратив облигацияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби

#### 3.1. Корпоратив облигацияларни чиқариши ва қоплаши давлат рўйхатидан ўтказиш

Облигацияларни чиқариш, рўйхатдан ўтказиш ва сотиш «Корпоратив облигацияларни чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва улар бўйича қарзларни узиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (2002 йил 10 июлда 1158-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ амалга оширилади.

Облигациялар нақдсиз ва нақд шаклда чиқарилиши мумкин. Нақдсиз шаклдаги облигациялар операцияга депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида, нақд шаклида — қоғоз сертификат шаклида чиқарилади.

Қимматли қоғозларнинг чиқарилиш шакли конун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланади.

Нақд облигациялар қуйидаги мажбурий реквизитлардан иборат бўлиши шарт (лотин алифбосига асосланган давлат тилида):

- эмитентнинг фирма номи ва жойлашган манзили;
- қимматли қоғознинг номи — «OBLIGATSIA»;
- облигация бланкасининг тартиб рақами ва серияси;

- облигациянинг тури (оддий, ютуқли, фонзли ва бошқалар);
- облигациянинг номинал қиймати;
- чиқарилган облигацияларнинг давлат томонидан рўйхатга олинган санаси ва давлат идентификация тартиб рақами;
- даромаднинг фонзли ставкаси (агар у чиқариш бўйича қарорда кўзда тутилган бўлса);
- эмитентнинг раҳбари ва бош бухгалтернинг имзоси;
- юридик шахснинг фирма номи ёхуд облигациялар ушловчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номига ёзилган облигациялар учун);
- тиражларни, ўйинларни ўтказиш шартлари (ютуқли облигациялар учун);
- облигацияга нисбатан чиқарилган товарнинг номини кўрсатиш (мақсадли облигациялар учун);
- облигацияларнинг қарзларини узиш шартлари.

Облигацияга фонзлар тўлаш учун купонли варақ илова қилиниши мумкин. Фонзлар тўлаш учун купон куйидаги асосий реквизитлардан иборат бўлиши керак:

- купоннинг тартиб рақами;
- облигациянинг тартиб рақами ва серияси;
- эмитентнинг номи;
- давлат идентификация тартиб рақами;
- фонзлар тўлашнинг даврийлиги (санаси);
- ваколатли шахсларнинг имзолари ва эмитентнинг муҳри.

Эмитент — жамият томонидан облигацияларни биринчи эгаларига сотиш облигацияларни жойлаштириш деб номланади. У фуқаролик-ҳуқуқий шартномага асосан амалга оширилади ва облигацияларни тўлиқ тўлаш шартларини назарда тутати.

Облигациялар чегараланмаган инвесторлар доираси ўртасида очик обуна бўлиш (очик жойлаштириш) йўли билан ва олдиндан аниқ бўлган чегараланган инвесторлар доираси ўртасида ёпик обуна бўлиш (хусусий жойлаштириш) йўли билан жойлаштирилиши мумкин.

Кейинчалик облигациялар айланиши ва сотиш, сотиб олиш, айирбошлаш ҳамда облигациянинг эгасини алмашишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар объекти бўлиши мумкин.

Облигацияларни очик обуна бўлиш ва ёпик обуна бўлиш йўли орқали жойлаштиришда ҳужжатларни тақдим қилишда эмиссия хажми



энг кам иш ҳақи миқдорининг 25 минг мартасидан кўп бўлса, давлат томонидан рўйхатга олиш эмиссия проспектини рўйхатга олиш йўли орқали амалга оширилади. Бошқа ҳолларда эса давлат томонидан рўйхатга олиш чиқариш анкетасини рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.

Облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади, агар жамиятнинг уставида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса. Облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда эмитент томонидан чиқарилган облигацияларнинг шундай улуши белгила- ниши мумкинки, улар жойлаштирилмаган ҳолда облигацияларнинг чи- қарилиши амалга оширилмаган деб ҳисобланади. Ушбу улуш чиқарил- ган облигацияларнинг умумий ҳажмининг 60 фоизидан кам бўлмаган миқдорда аниқланиши мумкин. Бунда облигацияларни чиқариш бўйи- ча қарорда, облигацияларни чиқариш амалга оширилмаган ва чиқарил- ган облигацияларнинг белгиланган улуши жойлаштирилмаган ҳоллар- да, облигациялар учун ҳақ тўлаш сифатида эмитент томонидан олин- ган маблағларни қайтариш тартиби кўзда тутилиши керак.

Ёпиқ обуна бўлиш йўли орқали жойлаштирилмаган облигациялар чиқариш бўйича қарорда, ушбу қарорга мувофиқ эмитент жойлашти- рилиши керак бўлган шахслар доираси аниқланиши шарт.

Облигациялар чиқариш (эмиссияси) ўз ичига қуйидаги босқичлар- ни олади:

а) Кузатув кенгаши томонидан облигациялар чиқариш бўйича қарор қабул қилиш;

б) эмиссия рисоласини ёхуд облигациялар чиқариш анкетасини тай- ёрлаш ва тасдиқлаш;

в) облигацияларнинг чиқарилишини давлат томонидан рўйхатга олиш;

г) рўйхатга олувчи орган томонидан ҳисобга қўйиш мақсадида об- лигацияларнинг чиқарилишини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нус- халарини Марказий депозитарийга юбориш;

д) облигациялар сертификатларини тайёрлаш (нақд облигациялар чиқариладиган бўлса);

е) облигацияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни чоп этиш йўли орқали ахборотларни очиш;

ж) рўйхатга оладиган органга облигациялар чиқарилишининг яқун- лари тўғрисида ҳисоботни тақдим этиш;

з) облигациялар чиқарилишининг якунлари тўғрисидаги ахборотларни очиш.

Облигациялар:

— оддий ва ютуқли;

— фоизли ва фоизсиз (мақсадли) қилиб чиқарилиши мумкин.

Оддий облигациялардан даромад куйидагилардан ташкил топади:

а) чиқариш шартларида белгиланган номинал қиймат бўйича белгиланган муддатларда қарзни узиш ва белгиланган фоизларни тўлаш ҳисобидан (фоизли облигациялар);

б) номинал қиймати бўйича белгиланган муддатда қайтариш ҳисобига, бунда фойда облигацияларнинг номинал қиймати ва уларнинг жойлаштириш нархи ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади (дисконт облигациялар).

Номинал қийматга дисконт ёки фоиз кўринишида фойдага кўшимча равишда белгиланган ютуқли облигациялар чиқаришда, мунтазам (доимий) равишда ўтказиладиган тиражлар бўйича ютуқ кўринишида тўланадиган даромад белгиланиши керак. Даромади фақат мунтазам равишда ўтказиладиган тиражлар кўринишида белгиланадиган облигациялар чиқариш тақиқланади.

Мақсадли (фоизсиз) облигациялар бўйича даромад товар (хизмат) кўринишида белгиланади. Мақсадли облигацияларнинг мажбурий реквизици бўлиб қайси товарга (хизматга) нисбатан чиқарилганлигини кўрсатилиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги облигацияларни муомалага чиқаришга руҳсат берилади.

Облигацияларнинг чиқарилиши давлат томонидан рўйхатга олингандан сўнг эмитент куйидагиларга мажбур:

— икки ҳафта муддат ичида облигацияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни ОАВда чоп этиш йўли билан очиши;

— уч ой муддат ичида рўйхатга оладиган орган билан келишилган ҳолда (нақд ҳолда чиқаришда) намунага мувофиқ облигацияларни тайёрлаши.

Облигацияларнинг жойлаштириш муддати облигациялар эмиссияси рисоласи (чиқариш анкетаси)да белгиланади, лекин чиқарилган облигациялар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 1 йил муддатдан ошиб кетмаслиги керак.

Чиқарилган облигациялар эмитент томонидан турли нархларда жойлаштирилиши мумкин (облигацияларнинг жойлаштириш нархи эмитент томонидан аниқ белгиланган ҳоллар бундан мустасно).

Эмиссия рисоласида (чиқариш анкетаси) облигацияларни жойлаштиришнинг рақамлардаги тахминий нархи (нархлари) ёхуд жойлаштириш нархларининг (нархини) белгилаш тартиби белгиланади.

Жойлаштириш нархларининг (нархини) белгилаш тартиби ўзгарувчан миқдорли формула кўринишида белгиланиши мумкин, яъни:

— аниқ хорижий валюта курсини ўзгаришидан;

— қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилувчиларда қимматли қоғозлар котировкасини ўзгаришидан;

— савдо натижаларидан, шунингдек бошқа омиллардан (аукцион, конкурс).

Облигацияларнинг жойлаштириш нархини белгилаш тартиби ушбу тартибдаги кўрсатилган кўрсаткичлар (омиллар)нинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда жойлаштиришнинг муддати давомида белгиланган барча санага облигацияларнинг жойлаштириш нархини белгилаш имконини бериши керак.

Облигацияларнинг эмиссия рисоласи (чиқариш анкетаси)да уларнинг номинал қийматидан (дисконт облигациялар) паст нархда жойлаштириш кўзда тутилиши мумкин.

Облигацияларнинг эмиссия рисоласи (чиқариш анкетаси)га ўзгаришлар ёки қўшимчалар киритиш, у давлат томонидан рўйхатга олингандан сўнг (уларни чиқариш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилгунча) куйидаги ҳолларда рухсат берилади:

— эмиссия рисоласи (чиқариш анкетаси)да сезиларли аҳамиятга эга бўлмаган ноаникликлар ёхуд нотўғри маълумотлар аниқланганда;

— облигацияларнинг чиқариш шакли ўзгарганда.

Облигациялар бўйича қарзларни тўлаш ва чиқариш бўйича мажбуриятларни бажариш, эмитент томонидан облигациялар эмиссия рисоласида (чиқариш анкетасида) белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Эмитент кайтадан ташкил қилинган ҳолларда, унинг облигациялар бўйича қарзларини узиш мажбуриятлари фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг ҳукукий ворисига ўтади.

### 3.2. Корпоратив облигациялар билан боғлиқ операцияларнинг облигацияларни жамият — эмитентдаги ҳисоби

Облигацияларни чиқарувчи (сотувчи) эмитент — жамият облигацияларни эмиссияси ва жойлаштириш билан боғлиқ операцияларни куйидаги счётлардан фойдаланиб акс эттиради:

— 0960 «Дисконт (чегирма)лар бўйича узок муддатли кечиктирилган харажатлар» облигацияларни қопланиш даври давомида харажатларга тақсимланадиган облигацияларни номинал кийматидан паст нархда сотишдаги дисконт (чегирмалар) бўйича;

— 3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар» облигацияларни қопланиш даври давомида харажатларга тақсимланадиган облигацияларни номинал кийматидан паст нархда сотишдаги дисконт (чегирмалар) бўйича;

— 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» облигацияларни қопланиш даври давомида даромадларга тақсимланадиган облигацияларни номинал кийматидан юкори нархда сотишдаги мукофот (устама)лар бўйича;

— 6830 «Тўланадиган облигациялар» ёки 7830 «Тўланадиган облигациялар» — олинган суммага;

— 9530 «Фонзлар кўринишидаги даромадлар» (9590 «Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари»);

— 9610 «Фонзлар кўринишидаги харажатлар».

Хусусий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар, хусусан қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини тайёрлаш, варақлар (бланкалар)ни тайёрлаш ва харид қилиш, қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш ва шунга ўхшаш бошка харажатлар молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибига кўшилади.

Депозитарийларнинг хизмат хақи ҳамда республика бюджетига рўйхатга олиш йиғими тўлаш бошка операцион харажатлар таркибига кўшилади:

дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар» счёти;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти.

*IV боб. Корпоратив қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

Облигацияларни номинал бўйича сотиш, қарз бўйича фойзлар ҳисоблаш ва облигацияларни қоплаш эмитентда куйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади:

а) облигацияларни номинал нархи бўйича сотиш акс эттирилади:  
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти — келиб тушган пул маблағлари суммасига;

кредит 6830 «Тўланадиган облигациялар» счёти — келиб тушган пул маблағлари суммасига;

б) қарз бўйича фойзлар ҳисобланади ва тўланади (облигацион қарашартлари бўйича ҳисоб-китобда):

дебет 9610 «Фойзлар кўринишидаги харажатлар» счёти;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

в) облигацияларни қопланиши:

дебет 6830 «Тўланадиган облигациялар» счёти;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти.

**Мисол.** Акциядорлик жамияти ҳар бирининг номинал қиймати 100 минг сўм бўлган 1 000 дона облигацияни жойлаштиради. Облигациялар номинал қиймати бўйича 12 ой муддатга, облигация қиймати ва йиллик 26 % дан келиб чиққан тўловлар бир вақтда қопланиши шarti билан тўлиқ жойлаштирилган.

Облигацияларни жойлаштириш ва уларни қиймати фойзлар билан бирга қопланиши бухгалтерия ҳисобида куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Сўтларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
1	Облигацияларни номинал бўйича жойлаштирилганда пул маблағларини олиниши акс эттирилади	100 000	5110	6830
2	Облигацияларнинг қиймати қопланиши акс эттирилади	100 000	6830	5110
3	Облигацияларга фойз тўлаш билан ҳисобланади	26 000	9610	5110

Облигацияларни мукофот билан сотиш (облигацияларнинг сотиш нархи унинг номинал қийматидан юқори) эмитент томонидан қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

а) облигацияларни номиналдан юқори нархи бўйича сотиш акс эттирилади:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти — келиб тушган пул маблағлари суммасига;

кредит 6830 «Тўланадиган облигациялар» счёти — облигациянинг номинал суммасига;

кредит 7830 «Тўланадиган облигациялар» счёти — облигациянинг номинал суммасига;

кредит 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти — мукофот (устама)лар суммасига;

кредит 7220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти — мукофот (устама)лар суммасига;

б) узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг бир қисмини жорийга ўтказиш акс эттирилади:

дебет 7220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;

кредит 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти;

в) жорий кечиктирилган даромадларнинг бир қисмини ҳисобдан чиқарилади (даромад ҳисобланади):

дебет 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти — мукофот (устама)лар суммасига;

кредит 9530 «Фонзлар кўринишидаги даромадлар» счёти.

**Мисол.** Акциядорлик жамияти ҳар бирининг номинал қиймати 100 минг сўм бўлган 1 000 дона облигацияни 12 ой муддатга жойлаштирилади. Облигациялар 110 минг сўм нархи бўйича тўлиқ жойлаштирилган. Облигация қарзининг шarti бўйича облигация қиймати ва йиллик 26 % (номинал қийматдан)дан келиб чиққан тўловлар бир вақтда қопланиши назарда тутилган.

Облигацияларни номиналдан юқори нархлар бўйича жойлаштириш ва уларни қиймати фоизлар билан бирга қопланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

IV боб. Корпоратив қимматли қозғалар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Счётларнинг боғланishi	
			дебет	кредит
1	Облигацияларни номиналдан юқори нарх бўйича жойлаштирилганда пул маблағларини олинishi акс эттирилади	100 000 10 000	5110	6830 6220
2	Номиналдан юқори нарх бўйича сотилган облигацияларни қопланиishi муддати давомида даромад акс эттирилади	10 000	6220	9530
3	Облигацияларнинг қиймати қопланиishi ва фоиз ҳисоблаш акс эттирилади	100 000 26 000	6830 9610	5110

Облигацияларни дисконт билан сотиш (облигацияларнинг сотиш нархи унинг номинал қийматидан паст) эмитент томонидан қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

а) облигацияларни номиналдан паст нархи бўйича сотиш акс эттирилади:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти — келиб тушган пул маблағлари суммасига;

дебет 0960 «Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти;

дебет 3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар» счёти;

кредит 6830 «Тўланадиган облигациялар» счёти — облигациянинг номинал суммасига;

кредит 7830 «Тўланадиган облигациялар» счёти — облигациянинг номинал суммасига;

б) узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг бир қисмини жорийга ўтказиш акс эттирилади:

дебет 3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар» счёти;

кредит 0960 «Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти;

в) жорий кечиктирилган харажатларнинг бир қисмини ҳисобдан чиқарилади:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счёти;

кредит 3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар» счёти.

**Мисол.** Акциядорлик жамияти ҳар бирининг номинал қиймати 100 минг сўм бўлган 1 000 дона облигацияни 12 ой муддатга жойлаштиради. Облигациялар 95 минг сўм нархи бўйича тўлиқ жойлаштирилган. Облигация қарзининг шarti бўйича облигация қиймати ва йиллик 26 % (номинал қиймат)дан келиб чиққан тўловлар бир вақтда қопланиши назарда тутилган.

Облигацияларни номиналдан паст нархлар бўйича жойлаштириш ва уларни қиймати фоизлар билан бирга қопланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Счётларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
1	Облигацияларни номиналдан паст нарх бўйича жойлаштирилганда пул маблағларини олинishi акс эттирилади	95 000 5 000	5110 3220	6830
2	Номиналдан юқори нарх бўйича сотилган облигацияларни қопланиши муддати давомида харажат акс эттирилади	5 000	9610	3220
3	Облигацияларнинг қиймати қопланиши ва фоиз ҳисоблаш акс эттирилади	95 000 26 000	6830 9610	5110

Бошқа маблағлар бўлмаган ҳолларда облигацияларни қоплаш резерв фонди ҳисобидан амалга оширилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонунининг 34-моддаси, 26.04.1996 й. № 223-1).

### 3.3. Облигацияларни эмитент-ташкilotнинг акцияларига алмаштириш йўли билан қопланиши

Бир нечта ҳолларда, хусусан эмитент — жамият ўзининг қарз мажбуриятларини бажара олмаганда облигация эгаларига уларни оддий акцияларга алмаштириш йўли билан таъсисчилар таркибига киришни таклиф қиладилар.



Кўрсатилган операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) белгиланган муддатда эмитент — жамиятнинг акцияларига алмаштирилиши керак бўлган облигацион қарзларни жойлаштирилиши:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

кредит 6830 «Тўланадиган облигациялар» счёти;

кредит 7830 «Тўланадиган облигациялар» счёти;

б) белгиланган муддатда облигациялар эмитентнинг акцияларига алмаштириш йўли билан копланеди:

дебет 6830 «Тўланадиган облигациялар» счёти;

дебет 7830 «Тўланадиган облигациялар» счёти;

кредит таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6600);

в) облигацияларга алмаштириш йўли билан жойлаштирилган қўшимча акциялар суммасига устав капиталини кўпайиши акс эттирилади (таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейинги ёзув):

дебет таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6600);

кредит устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8300).

Акцияларни алмаштириш йўли билан жойлаштирилган акцияларнинг номинал қиймати билан акцияга алмаштирилган облигациянинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ эмиссия даромадини ўзида намоён этади.

Олинган эмиссия даромадининг суммаси қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

дебет таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6600);

кредит 8410 «Эмиссия даромади» счёти.

### **3.4. Облигация билан боғлиқ операцияларнинг инвестордаги ҳисоби**

Облигацияларни харид қилиш харидорда молиявий инвестициялар сифатида кўрилади. Улар брокерлар хизмати учун тўланган ҳақ, банк хизмати учун тўловлар, божлар ва бошқа харажатлар қўшиладиган харид қиймати бўйича баҳоланади.

Агар облигация тўлиқ ёки қисман уларни эмиссиясини амалга ошириш йўли билан харид қиланаётган бўлса, у ҳолда харид қиймати чиқарилган қимматли қозғаларнинг жорий қийматига тенг бўлади, яъни уларнинг номинал қийматига тенг бўлмайди.

Агар облигация тўлиқ ёки қисман уларни бошқа активга айирбошлаш йўли билан харид қиланаётган бўлса, у ҳолда унинг харид қиймати берилган активнинг жорий қийматига қараб аниқланади.

Харид қилгунгача бўлган давр учун фойзалар улушини ўз ичига олган харид қиймати бўйича облигацияларни харид қилиш сотувчига тўланган фойзалар миқдорини чиқариб ташлаб, харид қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Облигацияларнинг харид қиймати билан қоплаш қиймати ўртасидаги тафовут (дисконт ёки харид қилиш чоғида мукофот тарзида берилган мукофот) харид қилинган пайтдан бошлаб то қопланиш пайтигача бўлган давр давомида ҳисобдан чиқарилади.

Қисқа муддатли облигациялар:

- бозор қиймати;
- харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками бўйича ҳисобга олинishi керак.

Агар қисқа муддатли облигациялар харид ва бозор қийматларидан энг кам баҳоланиш бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, баланс қиймати умуман барча инвестициялар қиймати асосида ёки инвестициялар турлари бўйича ёхуд алоҳида инвестициялар асосида аниқланади.

Қисқа муддатли облигациялар бозор қийматининг ўзгаришидан келадиган даромад ёки зарар шу даромад ёки зарар содир бўлган ҳисобот даврида тан олинади.

Агар қисқа муддатли облигациялар бозор қиймати бўйича ҳисобга олинса, у ҳолда инвестицияларнинг баланс қийматининг камайиши ёки кўпайишини қуйидагича акс эттиради:

- даромад ёки харажат сифатида;
- хусусий капитал таркибида қайта баҳолашдан даромад сифатида. Молиявий инвестициялар қиймати камайган тақдирда камайтириш хусусий капиталда акс эттирилган ўша инвестицияларни баҳосини ўсиши суммаси ҳисобидан амалга оширилади. Агар молиявий инвестициялар қийматини камайтириш миқдори қайта баҳолашдан олинган даромад миқдоридан кўп бўлса, бу тафовут харажат сифатида ҳисобга олинishi лозим. Қиймати пасайтирилган инвестицияларни баҳосини ўсиши миқдори шу инвестициялардан келган зарар қоплангандан сўнг хусусий капитални кўпайишига киритилади.

Узоқ муддатли облигациялар бухгалтерия балансида:

- харид қиймати бўйича:

— қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича;  
— харид қиймати ва бозор қийматининг умумий инвестициялар усули бўйича аниқланган энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинади.

Облигацияларни сотиб олувчи облигацияларни харид қилишни қуйидаги счётлардан фойдаланиб акс эттиради:

— 0610 «Қимматли қоғозлар», 5800 «Қиска муддатли инвестициялар»;

— 6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» копланиш даври давомида даромадларга тақсимланадиган харид қилинган облигациялар бўйича дисконт (чегирма)лар бўйича;

— 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» (9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари»);

— 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар».

Облигацияларни чегирма билан (номинал қийматидан паст нархда) сотиб олиш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

а) облигацияларни чегирма билан харид қилиш акс эттирилади:

дебет 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти — облигацияларнинг номинал қийматига;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти — чегирмани ҳисобга олган ҳолда тўлов суммаси;

кредит 6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти — чегирма суммасига;

кредит 7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

б) узоқ муддатли кечиктирилган чегирмалар жорийга ўтказилиши акс эттирилади:

дебет 7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

кредит 6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти;

в) даромад ҳисобланади (чегирма ҳисобдан чиқарилади):

дебет 6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти;

кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти.

**Мисол.** Корхона ҳар бирининг номинал қиймати 100 минг сўм бўлган 100 облигацияни 95 минг сўмга сотиб олади. Облигацияларни қоплаш муддати — 12 ой. Облигация қарзининг шарти бўйича облига-

*IV боб. Корпоратив қимматли қозғалар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

ция қиймати ва йиллик 26 % (номинал қиймат)дан келиб чиққан тўловлар бир вақтда қопланиши назарда тутилган.

Облигацияларни чегирма билан (номинал қийматидан паст нархда) сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Ҳужалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Сўтларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
1	Облигациялар номинал қийматидан паст нархда харид қилиниши акс эттирилади	9 500 500	5810, 0610	5110 6210
2	Номинал қийматидан паст нархда харид қилинган облигацияларни қопланиши даври давомидаги даромадлар акс эттирилади	5 000	6210	9530
3	Облигация қиймати ва облигацион қарз бўйича фоизни қопланиши акс эттирилади	95 000 26 000	5110	5810 0610 9530

Облигацияларни устамалар (мукофот) билан сотиб олиш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

а) мукофот билан облигацияларни харид қилиш акс эттирилади:  
дебет 0610 «Қимматли қозғалар» сўти — облигацияларнинг номинал қийматига;

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» сўти — устама (мукофот) суммасига;

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» сўти — устама (мукофот) суммасига;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб сўти» сўти — чегирмани ҳисобга олган ҳолда тўланган сумма;

б) узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг бир қисми жорийга ўтказиш акс эттирилади:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» сўти;

кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» сўти;

*IV боб. Корпоратив қимматли қозғалар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланма*

в) облигацияни қопланиши даври давомидаги харажат (кўшимча тўлов ҳисобдан чиқариш) акс эттирилади:

дебет 9610 «Фонизлар кўринишидаги харажатлар» счёти;

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.

**Мисол.** Корхона ҳар бирининг номинал қиймати 100 минг сўм бўлган 100 облигацияни 110 минг сўмга сотиб олади. Облигацияларни қоплаш муддати — 12 ой. Облигация қарзининг шарти бўйича облигация қиймати ва йиллик 26 % (номинал қиймат)дан келиб чиққан тўловлар бир вақтда қопланиши назарда тутилган.

Облигацияларни устама билан сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	Сўтларнинг боғланиши	
			дебет	кредит
1	Облигацияларни номинал қийматидан юқори нархда сотиб олиш акс эттирилади	10 000 1 000	5810 3220	5110
2	Облигацияларни қопланиши даври давомидаги харажатлар акс эттирилади	5 000	9610	3220
3	Облигацияларнинг қиймати ва ҳисобланган фонизлар қопланиши акс эттирилади	95 000 26 000	5110	5810 9530

## V боб. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш бўйича услубий қўлланма

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади ва у қуйидаги шакллارни ўз ичига олади:

- 1) бухгалтерия баланси;
- 2) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- 3) асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- 4) пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- 5) хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
- 6) изохлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Мазкур Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикасида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тартибини тушунтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

### 1-§. Умумий қоидалар

Мазкур Услубий қўлланма мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувдан қатъи назар (бюджет ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташкилотлари бундан мустасно) барча хўжалик юритувчи субъектлар (келгусида — ташкилотлар) томонидан қўлланилиши мумкин.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот тузилиши ва тақдим этилиши лозим бўлган асосий меъёрий ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 475-сон билан рўйхатга олинган «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-17/86-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 1) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 16 октябрда 51-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 4 ноябрда 519-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС №9) «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 3 июлда 942-сон билан рўйхатга олинган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида Низом;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 декабрда 140-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш қондалари.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот фойдаланувчиларга уларни ҳисобот даври давомида пул маблағларининг келиб тушиши ва чиқиб кетиши ҳақидаги маълумот билан таъминлаб, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгаришни баҳолаш имкониятини яратади.

Фаолиятининг хусусиятларидан катъи назар ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолиятини амалга ошириш учун, мажбуриятларини бажариш учун, инвесторларнинг даромадларини таъминлаш учун пул маблағлари зарур бўлади. Шунинг учун БХМС №9 га мувофиқ тузиладиган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда операцион, инвестициявий ва молиявий фаолият кесимида ҳисобот давридаги пул маблағлари оқимлари кўрсатилади.

Хўжалик юритувчи субъект пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни БХМС №9 га мувофиқ тузади ва уни ҳар ҳисобот йили учун молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми сифатида тақдим этади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл) молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари билан биргаликда бир йилда бир мартаба топширилади. Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 3 июлда 942-сон билан рўйхатга олинган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида Низом билан белгиланади.

Статистика ва молиявий ҳисобот шаклларини янада бирхиллаштириш, соддалаштириш ва қисқартириш, уни тақдим этиш даврийлигини такомиллаштириш, шунингдек ҳисобот тизимини халқаро стандартлар талабларига юқори даражада яқинлаштириш мақсадида 2002 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Статистика ва молия ҳисоботини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 227-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга 1-сонли иловага мувофиқ йирик корхоналар Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни бир йилда бир марта тақдим этади.

Бошқа молиявий ҳисоботлар билан бирга фойдаланиш чоғида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг молиявий ахборотлари молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини жалб этиш қобилиятини баҳолашга база бўлиб хизмат қилиши билан фойдалидир. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот пул тушумлари ва тўловларини учта асосий тоифага ажратади: операцион фаолияти, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолият. Ҳар уч тоифанинг пул маблағига биргаликда таъсири ҳисобот даврида пул маблағининг соф ўзгаришини белгилаб беради. Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ахборот бўлажак пул оқимлари прогнози тўғрилигини текшириш чоғида, фойда олиш ва пул оқимларининг соф ҳаракати ва нарх ўзгариши таъсири ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилиш чоғида зарур бўлади. Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари ундан ташкилотнинг пул маблағлари ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ҳажм жиҳатдан чекланган, лекин ахборот жиҳатдан тўлиқ маълумотларни олишни кўзда тутаяди, улар молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари кўрсаткичлари билан уйғунликда:



а) ташкилотнинг пул айланмасининг масштабини акс эттиради (пул маблағлари қаердан келиб тушди; уларнинг келиб чиқиш хусусияти қандай; улар сарфланганда нимага йўналтирилган);

б) ташкилот томонидан мулкдорлар, иш ҳамкорлари, давлат ва ходимлари олдидаги мажбуриятлари қандай бажарилганлиги ҳолатлари ни очиб беради. Мажбуриятларни қоплаш ташкилотнинг жорий ликвидлигини ва узоқ муддатли тўлов қобилиятини баҳолаш имкониятини яратади;

в) ташкилотнинг хўжалик операцияларини амалга ошириш натижа-сида пул маблағларини шакллантириш қобилиятини кўрсатади ва шу билан ташкилотнинг кредит бериш қобилияти даражасини, ташкилот-нинг фаолият масштабларини кенгайтириш бўйича лойиҳаларни амал-га ошириш имкониятини акс эттиради (инвестицион лойиҳалаштириш, капитални бюджетлаштириш, касса сметаларини назорат қилиш йўли билан). Пул айланмаси тўғрисидаги маълумот ташкилотнинг келгуси-да ҳам пул маблағлари кирими унинг чикимидан юқори бўлишини таъ-минлаш имкониятини баҳолашда ёрдам беради;

г) ташкилотнинг пул маблағлари ўсиши ва соф фойдаси орасидаги фарқларнинг сабабларини аниқлаш имконини беради; даромадлар, ҳа-ражатлар, захиралар, қарздорлик, пул маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши орасидаги яққол боғлиқликни таъминлайди. Бу пул маблағларини жалб этиш шароитларини, пул маблағларининг ҳаракат-сизлиги ҳажмини баҳолаш ва шунингдек, ташкилотнинг даромад шак-ллантирмайдиган ички пул айланмаларининг натижаларини кўриб чи-қишга ёрдам беради;

д) қарздорлик мажбуриятларига хизмат кўрсатиш жараёнини назо-рат қилиш ва қарзнинг асосий суммасини қоплаш учун зарур резерв-ларни шакллантириш имкониятини яратади (қоплаш фондларини, қайта сотиб олиш фондларини шакллантириш ва ҳ.к.).

Юқоридаги мақсадлардан ташқари, Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисо-ботнинг маълумотлари активларнинг айланувчанлигини баҳолашда, ин-вестициялар ва келгуси иқтисодий нафларни дисконтлаш моделларини яратишда, пул маблағларининг оптимал колдикларини баҳолашда кенг қўлланилади. Пул маблағларининг бюджети ва сметалари хўжалик юри-тишнинг замонавий шароитларида бизнесни режалаштиришнинг меъё-ри бўлиб колди.

## 2-§. Пул маблағлари ва пул эквивалентлари

Пул маблағлари — бу кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинган депозитлар, шунингдек банкнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счётларидаги маблағлар. Пул эквивалентлари — бу маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли бироз хатари бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қўйилмалар).

Бухгалтерия ҳисобида активларнинг асосий тоифаси бўлиб пул маблағлари — хўжалик юритувчи субъектнинг кассада, банклардаги ҳисоб-китоб, валюта ва махсус счётларида мавжуд бўлган, йўлдаги ўтказмалар ҳисобланади.

Ташкилот активларининг пул тоифалари ҳаракати молиявий режалаштиришда, молиявий менежментда, молиявий назоратда ва таҳлилда, ташкилотнинг нафақат ликвидлик ва тўловга қобиллиги хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда, балки ташкилотнинг пул маблағлари қийматининг қандай ўсганлигини таъминлаётганлигини назорат қилиш учун фаол қўлланилади. Буни ҳисобга олиш аввало шунинг учун ҳам лозимки, улар даромад келтирмайдиган актив саналади. Уларнинг тижорий фойдалилиги ва самарадорлиги фақатгина улар хўжалик айланмасидалигида намоён бўлади.

Пул эквивалентлари ташкилотнинг қисқа муддатли инвестицияларининг шундай элементларини ўз ичига оладики, баъзи ҳолатларда улар ўз хусусиятларига кўра пул маблағларига тенглаштирилади. Пул бозорларининг бундай молиявий инструментларига рискларсиз пулга айлантириш мумкин бўлган юқори ликвидли активлар — талаб қилиб олгунча депозит қўйилмалари, юқори ликвидли бозор қимматли ва тижорат қозғалари киради.

Республикамиз меъёрий ҳужжатларининг талабларига мувофиқ Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот касса, ҳисоб-китоб счёти, валюта счётлари ва банклардаги махсус счётларнинг бухгалтерия счётларида йиғилган маълумотлар асосида шакллантирилади. Шундай қилиб, ҳисоботни тузишда эътиборга олинган асосий хусусият — ликвидликдир.

Халқаро стандартларда пул маблағларининг концепцияси кенгрок ақс эттирилган — пул маблағлари ва пул эквивалентлари кўринишида, яъни ҳисоботни тузишда ликвидликдан ташқари молиявий даромадли инструментларга йўналтирилган вақтинча бўш пул маблағларини ҳисоб-

га олади. Бундай ахборотнинг очиб берилиши фойдаланувчи учун муҳим аҳамият касб этади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисоби счётлари Режасининг аниқ моддаларини қайтармаслиги мумкин. Ҳисоботда маълумотларни умумлаштиришдан мақсад нафақат ахборотларни қисқача тақдим этишдан иборат, балки ундан камроқ муҳим бўлмаган ташкилот пул маблағларининг келиб чиқиш ва уни тижорий ишлатиш йўллари ҳақидаги муҳим ахборотни ҳам кўрсатишдан иборат. Тижорат ташкилотларининг фаолиятини молиявий назорат ва таҳлил қилиш нуқтаи назаридан пул маблағларининг айланмаларини уларнинг келиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган ҳолда таснифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Пул маблағи эквивалентларидан асосан инвестициялар ва бошқа мақсадлар учун эмас, балки фақат қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловлар учун фойдаланилади. Инвестицияларни пул эквиваленти деб ҳисоблаш учун улар эркин равишда нақд пулга айлантириладиган бўлиши ва қийматининг ўзгаришида биров хавф бўлиши лозим. Шу сабабли инвестиция қисқа муддатда тўланадиган бўлса, яъни харид қилинган пайдан бошлаб тахминан уч ой ичида тўланадиган бўлса, уни пул эквиваленти деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Банк заёмлари молиявий фаолиятга тааллуқлидир, лекин талаб қилинган пайтда тўланадиган банк овердрафтлари корхоналар пул маблағини бошқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу муносабат билан банк овердрафтлари пул маблағининг таркибий қисми ёки уларнинг эквиваленти ҳисобланади.

Пул оқимлари пул маблағлари ва пул эквивалентлари моддалари ўртасидаги ҳаракатни ўз ичига олмайди, чунки улар операция, молия ёки инвестиция фаолиятга кирмайди ёки хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини бошқаришга тааллуқлидир. Пул маблағларини бошқариш пул маблағлари ва пул эквивалентларининг ортиқчасини ишга солишни ўз ичига олади.

### **3-§. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш**

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг умумий ғояси ҳисобот даври давомида операция, инвестиция ва молиявий фаолият на-

тижасида юзага келадиган кирувчи ва чиқувчи пул оқимларини аниқлашда намоён бўлади.

Бундай таснифлаш аввало, ҳисоботнинг фойдаланувчилари ушбу учта йўналишнинг корхонанинг молиявий ҳолатига ва унинг пул маблағлари ҳамда пул эквивалентлари ҳажмига таъсирини баҳолай олишлари учун мўлжалланган. Корхона фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда пул оқимлари операцион, инвестицион ёки молиявий фаолиятдан пул маблағлари ҳаракатига олиб борилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузишни тушунишни осонлаштириш мақсадида мазкур Услубий қўлланмага 1-сон иловада мисол келтирилган.

#### **4-§. Операцион фаолият**

Операцион фаолият — бу хўжалик юритувчи субъектнинг даромад келтирувчи асосий фаолияти, шунингдек субъектнинг инвестиция ва молия фаолиятига оид бўлмаган ўзга хўжалик фаолиятидир. Операцион фаолият натижасида юзага келган пул оқимларининг ҳажми ташкилотнинг мажбуриятларини қоплаш учун, ишлаб чиқишни ушлаб туриш учун, дивидендларни тўлаш ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларини жалб қилмасдан инвестициялаш учун пул маблағларининг етарлиги индикаторини акс эттиради. Қоидага кўра, бундай пул оқимлари компаниянинг барқарор даромадини келтирувчи фаолияти натижасида шаклланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг операцион фаолияти натижасида вужудга келадиган пул оқими ҳажми хўжалик юритувчи субъект амалга оширадиган операцион фаолияти натижасида олинadиган пул оқимлари ҳаракати ссудаларни тўлаш, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватларини саклаб туриш, дивидендларни тўлаш ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларига мурожаат қилинмай янги инвестициялар учун қанчалик етарли эканини акс эттирувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Операцион фаолиятдан келадиган олдинги пул оқимнинг айрим қисмлари тўғрисидаги ахборотдан операцион фаолиятдан бўлажак пул оқимларини прогноз қилиш учун ахборотнинг бошқа турларидан кўшиб фойдаланиш мумкин бўлади.

Операцион фаолиятдан пул оқими хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятдан келиб чиқади. Одатда хўжалик юритувчи субъект

тнинг асосий фаолияти маҳсулотни сотишга, ишларни бажаришга ёки хизмат кўрсатишга қаратилган бўлади. Операцион фаолиятидан асосий пул оқимига қуйидагилар киради:

- а) товарларни сотиш ва хизмат кўрсатишдан тушган пул;
- б) роялти, бадаллар, воситачилик ҳақи ва ўзга йўллар билан пул маблағлари тушуми;
- в) товарлар ва хизматлар учун уларни етказиб берувчиларга пул тўловлари;
- г) ходимларга ва ходимлар номидан тўловлар;
- д) суғурта компаниясининг суғурта полислари бўйича мукофотлари, талаблари, йиллик ва ўзга тўловлари бўйича пул тушумлари ва тўловлари;
- е) солиқлар бўйича пул тўловлари ёки унинг ўрнини босувчи тўловлар, агар улар инвестиция ва молия фаолиятига тааллуқли бўлмаса;
- з) савдо ёки дилерлик мақсадларида тузилган битимлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари ва бошқалар.

Асосий воситалар бирликларини сотиш каби айрим операциялар бўйича фойда келиши ва зарар кўрилиши мумкин, улар соф фойда ёки зарар каторига киритилади. Лекин бундай битимлар бўйича пул оқими инвестицион фаолиятидан чиқадиган пул оқимларига киритилади.

Корхона воситачилик ёки савдо мақсадлари учун қимматли қоғозлар ёки ссуда олган бўлиши мумкин, бундай ҳолатларда улар қайта сотиш учун харид қилинган товар-моддий захираларга ўхшаш бўлади. Бундай активларни сотиш ва харид қилишдан юзага келадиган пул оқимлари операцион фаолиятнинг пул оқимлари сифатида акс эттирилади, чунки бундай операцияларнинг иктисодий мазмуни корхонанинг олатий фаолиятига тааллуқлидир.

Операцион фаолиятдан пул маблағлари ҳаракатининг ҳажми ссудаларни тўлаш, ишлаб чиқариш даражасини ушлаб туриш, дивидендларни тўлаш ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларини жалб қилмасдан янги капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун пул маблағларининг етарли даражадаги ҳажмини жамлаш нуктаи назаридан корхона фаолияти самарадорлигининг аҳамиятли кўрсаткичи ҳисобланади. Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати биринчи навбатда даромад олиш бўйича асосий фаолиятнинг натижаси саналади. Операцион фаолият жараёнида юзага келадиган пул маблағларининг ҳаракатига мисол бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

1) пул маблағларининг кирими:

- маҳсулот, товарлар, хизматлар сотишдан;
- роялтидан (патентни ишлатиш учун тўлов, муаллифлик ҳуқуқлари ва бошқалар), турли хусусиятдаги мукофотлар, фоиз даромадлари, комиссия йиғим ва бошқа даромадлар;
- суғурта компаниясидан суғурта мукофоти ва даъволар ва бошқа мукофотлар сифатидаги пул тушумлари;
- солиқлар бўйича пул компенсациялари, агар уларни молиявий ва инвестицион фаолият билан боғлаб бўлмаса;
- дилерлик ва савдо мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул тушумлари;

2) пул маблағларининг чиқими:

- мол етказиб берувчиларга товарлар ва хизматлар учун тўловлар;
- корхона ходимларига пул тўловлари, операцион харажатлар;
- суғурта компанияларига суғурта тўлови сифатидаги пул тўловлари;
- солиқлар бўйича пул тўловлари, агар уларни молиявий ва инвестицион фаолият билан боғлаб бўлмаса;
- дилерлик ва савдо мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул тўловлари.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг (4-сонли шакл) «Операцион фаолият» бўлимида бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги счётларидаги маълумот кўрсатилади:

— «Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан пул тушумлари» 010-сатр суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000, 5100, 5200, 5500, 5600) дебети ва олиннадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар (4000) ва бошқа дебитор қарздорликни ҳисобга олувчи счётларнинг (4800) кредити билан боғланган ҳолда айланмасидан шаклланади, яъни ҳисобот даврида сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун корхонанинг банк ҳисобварақлари ва кассасига келиб тушган пул маблағлари суммасидан шакллантирилади.

— «Маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул тўловлари» 020-сатр суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000, 5100, 5200, 5500, 5600) кредити ва тўланадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар (6000, 7000) ва бошқа кредитор қарздорликларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6990) кредити билан боғланган ҳолда айланмасидан шаклланади, яъни маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизмат-

лар учун тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади, бундан узоқ муддатли активларни харид қилиш учун тўловлар мустасно.

— «Ходимларга ва улар номидан пул тўловлари» 030-сатр суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000, 5100, 5200, 5500, 5600) кредити ходимларга берилган авансларни ҳисобга олувчи счётлар (4200), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6700) дебети билан боғланган ҳолда айланмасидан шаклланади, яъни ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишида тўланган пул маблағлари суммаси, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига тўланган маблағлар суммалари, бюджетга жисмоний шахслар даромад солиғини тўлаш, касаба уюшмасига ажратмалар, алиментлар, уй-жой фондига, ходимларга берилган банк кредитлари бўйича тўлаш, ходимларга кўрсатиладиган хизматлар учун корхонанинг ҳақ тўлаши, кассадан ва банк ҳисобварақларидан ходимлар билан ва улар номидан операцияларга доир бошқа сарфлашлар кўрсатилади.

— «Операцион фаолиятга доир бошқа пул тушумлари ва тўловлар» 040-сатр суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000, 5100, 5200, 5500, 5600) дебети ва кредити бўйича тегишли активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган айланмасидан шаклланади, яъни «чиқим» устунида роялти, турли хил тақдирлашлар, комиссия йиғимлар ва бошқа операцион фаолиятдан тўланган пул маблағлари суммаси, «кирим» устунида эса улардан олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Жами: операцион фаолиятдан соф пул оқими/чиқими» моддаси бўйича (050-сатр), «Кирим» устуни бўйича «+» белгисининг ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олиб, 010, 020, 030, 040-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

Бунда «Кирим» устуни суммаси «Чиқим» устуни суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо «Кирим» устуни бўйича, тескари ҳолда эса — «Чиқим» устуни бўйича акс эттирилади.

## **5-§. Инвестиция фаолияти**

Инвестиция фаолияти — бу пул эквивалентларига киритилмаган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш

ва сотишдир. Пул оқимлари тўғрисидаги иккинчи элементини алоҳида кўриб ўтиш мумкин — инвестиция фаолияти билан боғлиқ пул айланмалари. Фаолиятнинг бу тури ташкилотнинг маблағларини келгусида барқарор даромадларни олишни таъминловчи ва шунинг учун капитал активлар тоифасига (ёки инвестиция шаклидаги капитал қўйилмаларга) олиб бориладиган узок муддатли моддий ва номоддий активларга, қимматли қоғозлар ва ҳуқуқларга жойлаштириш билан боғлиқ. Инвестициялар коплаш муддатига ўсиб боровчи хусусиятларга эгаллигини ҳисобга олиб, пул оқимлари таркибида инвестицион қўйилмалар бўйича қайтадиган суммалар ажратилади. Хўжалик юритувчи субъект инвестиция фаолиятдан келадиган пул оқими тўғрисидаги ахборотни алоҳида кўрсатиб беради. Инвестиция фаолиятдан пул оқими тўғрисидаги ахборот келажакда даромад ва пул оқими миқдорини белгилайдиган ресурслар бўйича қилинган харажатлар даражасини кўрсатади.

Инвестиция фаолиятдан олинган асосий пул оқимларига қуйидагилар киради:

а) асосий воситаларни, номоддий ва бошқа узок муддатли активларни харид қилишга пул тўловлари. Бу тўловлар тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган сармоялаштирилган харажатлар, шунингдек хўжалик суди билан амалга оширилган қурилишлар билан боғлиқ бўлган тўловларни ўз ичига олади;

б) асосий воситаларни, номоддий ва бошқа узок муддатли активларни сотишдан олинган пул тушуми;

в) бошқа субъектларнинг акциялари ёки қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш ҳуқуқини сотиб олишга доир пул тўловлари, пул эквивалентлари ҳисобланган ёки дилерлик мақсадларига ёки савдо мақсадларига сақлаб қўйилган тўлов ҳужжатлари бўйича тўловлар (векселлар каби ҳужжатлар бўйича тўловлар)дан ташқари;

г) бошқа субъектларнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш ҳуқуқини сотишдан келган пул тушумлари, пул эквиваленти ҳисобланган ёки дилерлик ёки савдо мақсадлари учун сақланаётган вексель каби тўлов ҳужжатлари бўйича тушумлар бунга кирмайди;

д) бошқа тарафларга берилган бўнақлар ва кредитлар (молиявий муассасаларга берилган бўнақлар ва кредитлардан ташқари);



е) бошқа тарафларга берилган бўнақлар ва ссудалар қайтарилишидан пул тушумлари (молиявий муассасаларга берилган бўнақлар ва кредитлардан ташқари);

з) фьючерс ва форвард битимлари, опцион битимлар ва своп битимлар бўйича тўловлар, улар дилер ёки савдо мақсадлари учун мўлжалланган ҳолатлар бундан мустасно бўлади ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида тасниф этилади;

ж) фьючерс ва форвард битимлари, опцион битимлар ва своп битимлар бўйича пул тушумлари, улар дилер ёки савдо мақсадларига мўлжалланган ҳолатлар бундан мустаснодир ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида тасниф этилади ва бошқалар.

Битим муайян позицияни ҳежлаш (суғурталаш) сифатида ҳисобга олинади, битим бўйича пул оқими суғурта қилинадиган позициядан пул оқими сифатида фаолият турига киритилади. Ҳеж, ҳежлаш тушунчасида субъект тахмин қилинган йўқотишларнинг ўрнини қоплаш ниятида хорижий валютада форвард, фьючерс битимлари ва бошқа битимлар бўйича активлар ёки мажбуриятларни сотиб олиш тарзида ифодаланган валюта қиймати фарқидан вужудга келадиган йўқотишлардан ўзини холи қилиш имкониятига эга бўладиган химоя воситаси сифатидаги битим тушунилади.

Шўъба ёки ассоциациялашган компанияларга инвестициялар ҳисобда улушли катнашиш усули бўйича ёки таннархи бўйича акс эттирилиши мумкин. Бундай ҳолатда инвестор пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ахборотни (дивидендларни, фозиларни) инвестиция объектига нисбатан акс эттиради. Агар компания БҲМС №8 «Жамланган молиявий ҳисобот ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестицияларни ҳисобга олиш»га мувофиқ биргаликда назорат қилинадиган компаниядаги улушини пропорционал ахборот усулида ҳисобот тақдим этса, у пул оқимлари бўйича жамланма ҳисоботга биргаликда назорат қиладиган компания пул оқимларининг ўз улушини пропорционал тарзда қўшади. Улушли катнашиш усулини қўллаганда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботга биргаликда назорат қилинадиган компанияга компания инвестицияларининг пул оқимлари, у ва биргаликда назорат қилинадиган компаниялар орасидаги тақсимлашлар ва бошқа тўловлар ёки тушумлар киритилади.

Шўъба компанияларни ва бошқа хўжалик бўлимларини сотиш ва харид қилиш пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда инвестицион фао-

лият сифатида таснифланади. Улар алоҳида тақдим этилади ва сотишдан пул маблағларининг ҳаракати сотиб олишдан пул маблағларининг ҳаракати натижасидан чиқариб ташланмайдн. Бу эса ушбу пул маблағлари ҳаракатини бошқа операцион, инвестицион ёки молиявий фаолиятдан пул маблағлари оқимларини ажратиш имконини беради. Сотишда ёки харид қилишда қоплов сифатида тўланган ёки олинган пул маблағларининг умумий суммаси ҳисоботда олинган ёки сарфланган пул маблағлари ёуи уларнинг эквивалентларини чиқариб ташланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даври давомида сотиб олинган, шунингдек, сотилган шўъба компаниялари ва бошқа бўлимлар бўйича молиявий ҳисоботда қуйдаги ахборот очиб берилиши лозим:

а) шўъба компаниясини харид қилишда ёки сотишдаги умумий қоплов суммаси; шўъба компаниясини харид қилишда ёки сотишда пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари билан қопланган қисми;

б) шўъба компанияларини ёки бошқа хўжалик бўлинмаларини сотиб олишда тўланган ёки сотишда олинган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари; шўъба компанияларда ёки хўжалик бўлинмаларидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини мустасно қилган ҳолда, асосий тоифалар бўйича сотиб олинган ёки сотилган активлар ва мажбуриятларнинг суммаси.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг (4-сонли шакл) «Инвестицион фаолият» бўлимида бухгалтерия ҳисобининг қуйдаги счётларидан ахборот келтирилади:

— «Асосий воситаларни харид қилиш ва сотиш» 060-сатрнинг суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000, 5100, 5200, 5500, 5600) дебет ва кредити айланмаси тегишли счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда шаклланади, яъни корхоналар «Чиким» устунида маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган асосий воситаларни харид қилганлик учун пул маблағлари суммасини, «Кирим» устунида эса — асосий воситаларни сотишдан келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

— «Номоддий активларни харид қилиш ва сотиш» 070-сатрнинг суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000, 5100, 5200, 5500, 5600) дебет ва кредити айланмаси тегишли счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда шаклланади, яъни корхоналар «Чиким» устунида номоддий активларни харид қилганлик учун маҳсулот етказ

зиб берувчига тўланган пул маблағлари суммасини, «Кирим» устунида эса — номоддий активларни сотганлик учун келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

— «Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни харид қилиш ва сотиш» 080-сатрининг суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000, 5100, 5200, 5500, 5600) дебет ва кредити айланмаси тегишли счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда шаклланади, яъни «Чиким» устунида қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини харид қилиш учун тўланган пул маблағлари суммаси, шу жумладан воситачиларга комиссия тақдирлашлар ва биржада тўланган фонзлар кўрсатилади, «Кирим» устунида эса қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

— «Инвестиция фаолиятига оид бошқа пул тушумлари ва тўловлар» 090-сатрининг суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000, 5100, 5200, 5500, 5600) дебет ва кредити айланмаси тегишли счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда шаклланади, яъни «Чиким» устунида бошқа инвестицион фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса — олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

— «Жами: инвестиция фаолиятига оид соф пул оқими / чикими» 100-сатрининг суммаси, «Кирим» устунида «+» ва «Чиким» устунини бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 060, 070, 080, 090-сатрларни жамлаш натижаси кўрсатилади.

Бунда «Кирим» устунини суммаси «Чиким» устунини суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо «Кирим» устунини бўйича, тескари ҳолда эса — «Чиким» устунини бўйича акс эттирилади.

## **6-§. Молиявий фаолият**

Пул маблағлари айланмасининг учинчи тоифа гуруҳи ташкилотнинг молиявий фаолияти билан боғлиқдир. Молиявий фаолият — хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўлиб, унинг натижасида ўз маблағи ва қарз маблағлари миқдори ва таркибида ўзгаришлар юз беради. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш мақсадинда молиявий фаолият ташкилотнинг янги ташки, ишлаб топилмаган пул маблағларини жалб этиш, лекин мулкдорлар ва қарз берувчилар томонидан

бериладиган қўшимча пул маблағлари манбаларини жалб қилиш бўйича ишчан фаоллик сифатида талқин этилади. Тижорат ташкилотининг иктисодий айланмасига жалб этилган пул массасининг ташкилотни пул кўринишида молиялаштириш манбаларини бундай экстенсив шаклда ўсиши қондага кўра баланс валютасининг ўсишига, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлари олдида мажбуриятларнинг ошишига олиб келади.

Молиявий фаолият аввало компанияни керакли айланма ва ноайланма маблағлар билан таъминлашга йўналтирилган. Бундай тушумларнинг манбаси бўлиб ташкилот мулкдорларининг қўйилмаси саналади (ички манбалар). Компаниянинг мулкдорлари нафакат акциядорлик капиталига улуш киритишлари мумкин, балки ташкилотнинг етарлича захираларини ўз навбатида айланма маблағларни шакллантириш учун қўшимча равишда пул маблағларини ҳам йўналтириши мумкин. Жорий ва узоқ муддатли активларнинг бошқа манбалари бўлиб кредиторлар (ташқи манбалар) ҳисобланади. Шуни такидлаб ўтиш жоизки, молиявий фаолиятга мол етказиб берувчилар, иш ҳақи ва солиқлардан вужудга келадиган кредиторлар қўшилмайди (мазкур турдаги кредиторлик қазрларининг ўзгариши стандартнинг «Операцион фаолият» моддасида кўриб ўтилади). Молиявий фаолиятга ижарачининг молиявий ижара бўйича тўловлари ҳам киради. Бу молиявий ижарани молиявий кредит сифатида тушунилиши билан боғлиқ.

Хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолиятдан пул оқимлари тўғрисидаги ахборотни алоҳида кўрсатади. Бу ахборот молиявий фаолиятдан келгусида бўладиган пул оқимларини тахмин қилиш учун зарур бўлади. Молиявий фаолиятдан асосий пул оқимларига қуйидагилар киради:

а) акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келадиган пул тушумлари;

б) субъектлар акцияларининг ҳақини тўлаш ёки сотиб олиш учун уларнинг эгаларига тўловлар;

в) таъминланмаган облигациялар эмиссиясидан, молия қорхоналари томонидан берилган ссудалардан, гаровга қўйилган ва бошқа қисқа ҳамда узоқ муддатли қарз (заём)лардан пул тушумлари;

г) қарз (заём)ларни тўлаш;

д) молиявий ижара бўйича мажбуриятларни қисқарттириш учун ижарачиларнинг тўловлари ва бошқалар.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг (4-сонли шакл) «Молиявий фаолият» бўлимида бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги счётларидаги маълумот кўрсатилади:

— «Олинган ва тўланган фойзалар» 110-сатри бўйича «Кирим» устунида олинган фойзалар суммаси, «Чиким» устунида эса тўланган фойзалар суммаси кўрсатилади.

— «Олинган ва тўланган дивидендлар» 120-сатри бўйича «Кирим» устунида олинган дивидендлар суммалари кўрсатилади, «Чиким» устунида эса тўланган дивидендлар суммалари акс эттирилади.

— «Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари» 130-сатри бўйича ҳисобот йилида чиқарилган (сотилган) акциялар ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлар учун акциядорлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

— «Хусусий акцияларни сотиб олганда ва уларни сотганда пул тўловлари ва тушумлари» 140-сатри бўйича сотиб олинган хусусий акцияларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммалари, шунингдек корхонада бўлган хусусий акциялар, ҳиссалар ва пайлар учун, уларни кейинги сотиш ёки йўқ қилиш (бекор қилиш) мақсадида, эгаларига тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

— «Узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар ҳамда қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари» 150-сатри бўйича «Кирим» устунида ҳисобот даврида келиб тушган кредитлар ва қарзлар суммаси, «Чиким» устунида эса — кредитлар ва қарзлар бўйича тўловлар кўрсатилади.

— «Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари» 160-сатри бўйича «Чиким» устунида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса — ижарачидан (лизинг олувчидан) келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

— «Молиявий фаолиятга оид бошқа пул тушумлари ва тўловлари» 170-сатри бўйича «Чиким» устунида бошқа молиявий фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса — олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

— «Жами: молиявий фаолиятга оид соф оқим/чиқим» 180-сатри бўйича «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиким» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 110, 120, 130, 140, 150, 160, 170-сатрлар суммаси кўрсатилади.

Бунда «Кирим» устуни суммаси «Чиким» устуни суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо «Кирим» устуни бўйича, тескари ҳолда эса — «Чиким» устуни бўйича акс эттирилади.

## 7-§. Операцион фаолиятдан пул оқимлари бўйича ҳисобот

Хўжалик юритувчи субъект операциялардан вужудга келган пул маблағлари ҳаракатини қуйидагилардан фойдаланиб, очиб беради:

- а) бевосита усул. Бу усулга мувофиқ ялпи пул тушумлари ва ялпи пул тўловлари асосий турлари очиб бериллади;

- б) билвосита усул. Бу усулга мувофиқ соф даромад ёки зарарга жорий активлар ва мажбуриятларнинг ўзгаришига, ишончсиз операцияларга, шунингдек операция инвестиция ёки молия фаолияти натижасида олинган даромадлар ва кўрилган зарарларга қараб ўзгартириш киритилади.

Биринчи усулга мувофиқ операциялардан пул маблағлари оқимининг суммаси ташкилотнинг асосий маҳсулотлари ва хизматлари учун хариддорлардан олинган сумма билан мол етказиб берувчиларга товарлар, ишлар, хизматлар учун тўланган сумма ўртасидаги фарк сифатида ҳисобланади. Билвосита усулда бошланғич нукта сифатида операциялар (жорий фаолият) бўйича фойда ёки зарар олинади ва кейин пул маблағларини оқимини юзага келтирмайдиган ёзувларга тузатишлар киритилади, масалан, амортизация ажратмалари, дебитор ва кредитор қарзларни ўзгариши. Мазкур усул пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот билан боғлайди.

Бевосита усулнинг асосий мазмуни шундан иборатки, унда ўртасидаги фарк операцияларнинг соф пул тушуми ёки соф чикимни ташкил этадиган операцияларнинг фаолият бўйича асосий тушумлар ва асосий тўловлар навбатма-навбат ҳисобланади.

Бевосита усулдан фойдаланилганда асосий ялпи пул тушумлар ва ялпи пул тўловлари очиб бериллади. Асосий ялпи пул тушумлар ва ялпи пул тўловлари тўғрисидаги маълумотларни ташкилотнинг ҳисоб ёзувларига, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг (2-сонли шакл) сотиш, сотишнинг таннари (фонизлар кўринишидаги даромадлар, фонизлар тўлашга харажатлар ва кредит ташкилотларининг шунга ўхшаш харажатлари) ва бошқа моддаларига тузатишлар киритиб олиш мумкин. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

— ҳисобот даври давомидаги захиралар, операцион кредитор ва дебиторлик қарзларидаги ўзгаришлар;

— бошқа пулсиз моддалар;

— инвестиция ёки молиявий пул оқимларини юзага келишига олиб келадиган бошқа моддалар.

Шунингдек ялпи пул тушумлар ва ялпи пул тўловларининг асосий турлари тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг маълумотларидан ҳам олинishi мумкин.

Иккита усул ўртасидаги асосий фарқ қуйидагидан иборат: билвосита усулдан фойдаланилганда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда фақат операцияларнинг натижалари, яъни соф фойда ёки зарар суммаси акс эттирилади. Мазкур усул билан тузилган молиявий ҳисоботда ташкилотнинг операцион фаолияти бўйича маълумотлар тўлиқ акс эттирилмайди. Бевосита усулда барча пул оқимлари (ялпи тушум ва тўловлар) очиб берилди, яъни ҳисоботларни ўрганаётган инвестор операцион фаолият бўйича ўзини қизиқтирган ва ўзига керак бўладиган барча маълумотларни олади.

Халқаро амалиётда пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузиш учун МХХС №37 бевосита усулдан фойдаланишни тавсия этади, чунки у билвосита усулдан фаркли равишда келгусидаги пул оқимини баҳолаш учун зарур маълумотларни олиш имкониятини беради. Бирок амалиётда кўпгина компаниялар бевосита усулдан фойдаланадилар. Буни у билвосита усулга нисбатан анча оддий, тақдим этилаётган маълумотларнинг сифатининг йўқотилиши минимал даражада эканлиги билан тушунтириш мумкин.

Билвосита усулдан фойдаланилганда соф фойда энг аввало айланма маблағлардаги ўзгаришлар таъсири ҳисобга олгунча бўлган операцион даромаднинг оралик кўрсаткичига келтирилади. Бунга кўпроқ тарқалган қуйидаги тузатишларни киритиш ёрдамида эришилади:

— олдин фойдани миқдорини камайтирган амортизация ажратмалари, тўланадиган фоизлар, асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотишдан зарарлар суммаси қайта тикланади;

— инвестиция ва молиявий операциялардан даромадлар, шунингдек олдин фойда ва зарарлар счётининг кредитига олиб борилган баҳоланган резервлар суммасини камайиши чегирилади.

Агар операцион фаолиятнинг пул оқимларини тақдим этиш учун билвосита усулдан фойдаланилса, узоқ муддатли активлар счётларига

тегишли курс фарқларини алоҳида ажратиш зарурияти юзага келади. Курс фарқлари Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)га қўшилганлиги туфайли, узок муддатли активлар счётларига тегишли курс фарқларига ҳам сторно ёзувлар қилиниши керак.

Амалдаги ҳисоботда олинган операцион даромаднинг оралик кўрсаткичи ҳисобот даврида айланма маблағларнинг умумий ҳажмида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олмайди. Шунинг учун кўрилатган кўрсаткич асосий фаолият бўйича дебиторлик қарзи, бўнақлар, моддий ишлаб чиқариш захиралари ва кредиторлик қарзларининг суммасига тузатиш бўлиши керак. Операцион даромад кўрсаткичини операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағларига келтириш учун унинг суммаси жорий активларнинг ўсиши суммасига камайтирилади ва қисқа муддатли мажбуриятларнинг ўсиши суммасига кўпайтирилади.

Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл), Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)дан ҳисоблаш натижасида олинган пул маблағларини тушуми суммаси ҳисоботга қўшилади. Фақат бир қатор пул маблағларининг оқими ҳақиқий ҳажми бўйича кўрсатилади. Буларга қуйидагилар қиради: амортизация ажратмалари; хусусий акцияларни, облигацияларни сотишдан тушум; дивидендларни олиш ва тўлаш; кредитлар ва қарз (заём)ларни олиш ҳамда тўлаш; асосий воситалар, номоддий активларга капитал қўйилмалар; айланма маблағларнинг ўсиши; асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозларни сотиш.

Билвосита усул бўйича тузилган ҳисоботда асосан молиявий ресурслар тўғрисидаги маълумотлар жамланади. Бундай ҳисоботни ташкил этадиган маълумотлари мустақил аналитик моҳиятга эга. Бундай ҳисоботда бевосита усулда тузилган шаклда мавжуд бўлмаган, бироқ ташкилот фаолиятининг молиялаштириш манбаларини ва бошқа йўналишларини тушуниш учун керак бўладиган маълумотлар келтирилади.

Операцион фаолиятдан пул маблағларини ҳисоблашнинг билвосита усулида ҳисоблашнинг бошланғич (таянч) нуқтаси сифатида соф фойда олинади ва кейинчалик бу сумма соф фойдани ҳисоблашга қирадиган, бироқ пул маблағларини ҳисоблашга қирмайдиган суммалар бўйича тузатишлар киритилади. Бу тузатишларни учта гуруҳга ажратиш мумкин:

— молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг пулни чиқиб кетишига ҳам, келиб тушишига ҳам олиб келмайдиган моддаларига тузатишлар киритиш;



— айланма маблағлар ва қисқа муддатли қарзларнинг пулсиз моддаларини ўзгаришларига тузатишлар киритиш;

— инвестиция фаолиятида ўз аксини топган моддаларга тузатишлар киритиш.

Билвосита усулдан фойдаланилганда Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот куйидаги босқичларда тузилади:

а) биринчи босқич. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг биринчи босқичида пул маблағларининг соф ўсиши ёки камайиши аниқланади. Аслида бу балансда акс эттирилган йил боши ва охиридаги пул маблағлари ўртасидаги фарқ ҳисобланади;

б) иккинчи босқич. Иккинчи босқичда операция фаолиятдан соф пул маблағлари аниқланади. МХХСларига мувофиқ республикамиздаги ҳисобда даромадлар ва харажатларни юзага келишига қараб тан олишни назарда тутадиган ҳисоблаш усулидан фойдаланилади, бироқ операция фаолиятдан реал пул маблағларини аниқлаш учун даромад ва харажатларини касса усули бўйича акс эттириш зарур. Ушбу мақсадда соф фойда пул маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган операцияларни таъсирини ҳисобга олган ҳолда тузатилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг «Операция фаолият» бўлимининг биринчи сатрида соф фойда акс эттирилади, кейин унга пул маблағлари оқимига таъсир қилмайдиган моддалар қўшилади (ёки чегирилади) ва натижада операция фаолиятдан соф пул маблағлари келиб чиқади.

Операция фаолиятдан соф пул маблағлари аниқланганда қисқа муддатли активлар (пул маблағлари бундан мустасно) ўсиши соф фойдадан чегирилади, камайиши эса соф фойдага қўшилади; қисқа муддатли мажбуриятларнинг ўсиши соф фойдага қўшилади, камайиши эса соф фойдадан чегирилади; амортизация ажратмалари ва асосий воситаларни сотишдан зарар соф фойдага қўшилади, асосий воситаларни сотишдан фойда эса соф фойдадан чегирилади;

в) учинчи босқич. Учинчи босқичда такқословчи бухгалтерия балансининг узоқ муддатли активлар ва мажбуриятларга тегишли моддаларига ўзгаришларга асосан, шунингдек бошқа малумотлардан келиб чиқиб инвестиция ва молиявий фаолиятдан соф пул маблағлари аниқланади.

Бевосита усулдан фойдаланилганда Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот куйидаги босқичларда тузилади:

а) биринчи босқич. Биринчи босқичда пул маблағларининг соф ўсиши ёки камайиши яъни йил боши ва охиридаги пул маблағлари ўртасидаги фарк аниқланади;

б) иккинчи босқич. Иккинчи босқичда Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ҳисоблаш усули билан акс эттирилган ҳар бир кўрсаткични касса усули билан ҳисобга олинган кўрсаткичга қайта ҳисоблаш йўли билан операцион фаолиятдан соф пул маблағлари аниқланади. Агар Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тушум 240 000 минг сўм акс эттирилган, дебиторлик қарзларининг йилдаги ўсиши эса 40 000 минг сўмни ташкил қилган бўлса, у ҳолда пул маблағларида олинган тушум 240 000 минг сўм — 40 000 минг сўм = 200 000 минг сўмни ташкил этади ёки агар Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион харажатлар 80 000 минг сўм миқдорда акс эттирилган, ҳисобланган харажатлар бўйича қарзнинг йилдаги ўсиши эса 14 000 минг сўмни ташкил қилган бўлса, у ҳолда пул маблағларида амалга оширилган операцион харажатлар 80 000 минг сўм — 14 000 минг сўм = 66 000 минг сўмни ташкил этади.

«Операцион фаолият» бўлимида пул тушумлари ва тўловлари факатгина асосий гуруҳлар бўйича акс эттирилади;

в) учинчи босқич. Учинчи босқичда таққословчи бухгалтерия балансининг узоқ муддатли активлар ва мажбуриятларга тегишли моддаларига ўзгаришларга асосан, шунингдек бошқа маълумотлардан келиб чиқиб инвестиция ва молиявий фаолиятдан соф пул маблағлари аниқланади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот тузишнинг иккита усулини таққослаш натижасида таҳлил мақсадида билвосита усулни маълумот бериш даражаси юқори эканлигини алоҳида такидлаб ўтиш мумкин.

Билвосита усулда тузилган ҳисоботдан фаркли равишда бевосита усулда тузилган ҳисоботда биз молиялаштириш манбаларини тавсифловчи муҳим кўрсаткичларни топмаймиз. Буларга соф фойда ва амортизация ажратмалари, айланма маблағлардаги, жумладан капитал ҳисобига юзага келадиган ўзгаришлар киради.

Ҳисобот тузишнинг ҳар бир усули фойдаланувчилар учун зарур бўлган маълумотларни беради. Бевосита усул пулнинг ялпи оқимини тўлов воситаси сифатида акс эттиради. Бевосита усул компаниянинг молиявий ресурслари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг ҳаракатини пул маблағларининг оқими сифатида ўзида жам қилади.

## **8-§. Инвестиция ва молия фаолиятдан тушган пул оқимлари бўйича ҳисобот**

Хўжалик юритувчи субъект инвестиция ва молия фаолиятдан ялпи пул тушумлари ва ялпи пул тўловларини ҳисоботда алоҳида-алоҳида акс эттириши керак, нетто асосида ҳисобга олинadиган пул оқимлари бундан мустаснодир. Бунда нетто-асос деганда пул маблағининг соф оқими ёки ҳисобот даврида камайиши тушунилади.

Мижозлар номидан пул оқимлари нетто асосида очиб берилади, бунда пул оқимларининг харакати юридик шахснинг фаолиятига нисбатан мижоз фаолиятини кўпроқ акс эттиради, масалан:

а) инвестиция ташкилоти ўз мижозларининг топшириғига биноан ушлаб турадиган жамғармалар;

б) мулк эгаси номидан ундириладиган ва унга берилadиган ижара тўловлари.

Тезда айланадиган, катта миқдордаги маблағни ўз ичига оладиган ва тўлаш муддати кичка бўлган моддалар бўйича пул оқимлари ҳам нетто асосида очиб берилиши мумкин, масалан:

а) пул тушумлари ҳамда тўлаш вақти қайд этилган депозитларни олиш ва тўлаш бўйича тўловлар;

б) депозитларни жойлаштириш ва уларни бошқа молия муассасаларидан қайтариб олиш;

в) мижозларга берилган пул бўнақлари ва кредитлар ҳамда бу бўнақлар ва кредитларнинг тўланиши.

Чет эл валютасидаги амалга оширилган операциялардан пул оқимлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан операция амалга оширилган кун учун белгилаб қўйилган валюталар курсидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси валютасида акс эттирилади. Чет эл валютасида ифодаланган хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш қуйидагиларга мувофиқ амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 22) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби»га (2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган);

Чет эл валютасида ифодаланган операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низомга (2004 йил йил 17 августда 1411-сон билан рўйхатга олинган).

Хорижий шўъба жамиятининг пул оқими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган пул оқими келиб чиққан вақтдаги валюталар курси бўйича қайта ҳисобланиши керак.

Чет эл валютасининг курси ўзгаришидан келиб чиқадиغان амалга оширилмаган даромад ва зарар пул маблағи ҳаракати ҳисобланмайди. Бирок валюта курслари ўзгаришининг чет эл валютасида сақланаётган ёки тўланиши лозим бўлган пул маблағига ёки уларнинг эквивалентларига таъсири пул маблағлари ҳаракатини ҳисобот даври бошланиши ва охирида бир-бирга мувофиқлаштириш учун Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бу миқдор операция, инвестиция ва молия фаолияти натижасида вужудга келадиган пул оқимидан алоҳида кўрсатилади ва агар пул маблағларининг бу ҳаракати ҳисобот даврининг охиридаги пул валюта курсида акс этадиган бўлса, тафовутга кўшилади.

Фавқулодда моддалар билан боғлиқ пул маблағларининг оқими ушбу моддаларнинг характерига қараб операция, инвестиция ёки молия фаолиятдан вужудга келадиган пул маблағларининг оқимлари сифатида таснифланади. Фавқулодда моддалар билан боғлиқ пул маблағларининг оқими Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг операция, инвестиция ва молия фаолияти бўлимларида фавқулодда моддаларни муҳимлиги тушунтириш ва уларни пул маблағларининг ҳозирги ва келгусидаги ҳаракатига таъсирини баҳолаш мақсадида алоҳида очиб берилади.

Фоишлар ва дивидендларни олиш ва тўлаш билан боғлиқ пул маблағларининг оқими бир ҳисобот давридан иккинчи ҳисобот даврига изчиллик билан операция, инвестиция ёки молия фаолияти сифатидаги субъектнинг хўжалик фаолиятдан келиб алоҳида очиб берилади ва таснифланади. Ҳисобот даври давомида тўланган фоишларнинг умумий суммаси, улар харажат сифатида Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинганлиги ёки капитализация қилинган (харид қилинган ёки қурилаётган активнинг қийматига қўшилган) лигидан қатъи назар Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда очиб берилади. Молия муассасалари учун тўланган ва олинган фоишлар ҳамда дивидендлар операция фаолиятдан пул маблағлари оқими сифатида тасниф этилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун тўланган ва олинган фоишлар ҳамда дивидендлар операция фаолиятдан келадиган пул маблағларининг оқимлари сифатида тасниф қилиниши мумкин, чунки улар соф даромад ёки зарарни аниқлашга кўшилади, бироқ молиявий ва инвестиция фаолиятдан пул маблағлари оқими сифатида ҳам таснифлани-

ши мумкин, чунки улар олинган молиявий ресурслар ёки инвестиция қилинган капиталдан олинган фойда учун тўлов ҳисобланади.

Фойда солиғи бўйича пул оқимлари алоҳида очиб берилиши лозим ва улар операция фаолиятларидан бўладиган пул оқимлари қаторига қиради. Фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисобланади ва тўланади. Фойда солиғи Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда операцион, инвестиция ва молиявий фаолият сифатида таснифланувчи, операциялар бўйича пул маблағларининг оқимидан юзага келади. Солиқ харажатлари инвестиция ва молиявий фаолият билан энгил боғланиши мумкин бўлганда тегишли солиқ бўйича пул маблағларини чиқишини аниқлаш кўп ҳолларда мақсадга мувофиқ эмас. Улар мазкур операциялар асос бўлган пул маблағлари юзага келган ҳисобот даврида юзага келмаслиги мумкин. Шунинг учун солиқлар одатда операцион фаолиятдан пул маблағларининг оқими сифатида таснифланади. Пул маблағларининг солиқ оқими ҳар хил фаолият турлари ўртасида тақсимланганда, тўланган солиқларнинг умумий суммаси очиб берилади.

Пул маблағлари ёки пул эквивалентларидан фойдаланишни талаб қилмайдиган инвестиция ва молиявий операциялар Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботга киритилмаслиги керак. Бундай операциялар бошқа молиявий ҳисоботларда фаолиятнинг шу инвестиция, молиявий турлари тўғрисидаги барча муҳим ахборотни кўрсатадиган тарзда очиб берилиши лозим.

Пул маблағлари ёки пул эквивалентлари оқимини юзага келтирмайдиган инвестиция ва молиявий операциялари Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботга киритилмаслиги керак. Бироқ улар компаниянинг капитали ва активлари таркибига таъсир қилганлиги учун бошқа молиявий ҳисоботларда очиб берилиши лозим. Пулсиз операция турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

- а) активларни тегишли мажбуриятларни қабул қилиш йўли билан ёхуд молиявий ижара бўйича харид қилиш;
- б) акция чиқариш йўли билан компанияни харид қилиш;
- в) қарз мажбуриятларини акцияларга алмаштириш.

Хўжалик юритувчи субъект пул маблағлари ва пул эквивалентларининг айрим моддаларини кўрсатиши ҳамда Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботдаги суммаларни бухгалтерия балансидаги тегишли моддаларни қиёсини тақдим этиши, шунингдек фойдаланиш имконияти бўлмаган

муҳим пул маблағлари ва пул эквивалентлари қолдиғи миқдорини очиқ бериши керак.

Хўжалик юритувчи субъект корхонада мавжуд бўлган, лекин гуруҳ фойдалана олмайдиган муҳим пул маблағлари ва пул эквивалентлари қолдиғи миқдорини раҳбариятнинг тушунтириши билан бирга очиқ бериши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектнинг пул оқими билан унинг бўғинлари ўртасидаги алоқаларни тушуниш учун пул оқимлари бўғинлар бўйича очиқ берилиши лозим.

Хўжалик фаолиятининг мазкур турида умуман пул оқими ҳаракати билан унинг айрим таркибий қисмлари ўртасидаги алоқани аниқлаш учун пул оқимларининг бўғинлардаги ҳаракатларини очиқ кўрсатиш зарур.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни  
тузиш бўйича услубий қўлланмага  
1-сонли илова

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш бўйича мисолни «Замин» компанияси мисолида батафсил кўриб чиқамиз.

«Замин» компанияси электрон асбоблар учун микрочиплар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Куйида «Замин» компаниясининг бухгалтерия баланси (1-сонли шакл) ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи (2-сонли шакл) келтирилган. Шунингдек ҳисобот давридаги «Замин» компаниясининг хўжалик операциялари келтирилган. Шундай қилиб, тақдим этилган маълумотлар асосида Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-сонли шакл)ни тайёрлаймиз.

**БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ — 1-сонли шакл**

**БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС — форма № 1**

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
<b>АКТИВ</b>			
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b> <b>I. Долгосрочные активы</b>			
<i>Асосий воситалар:</i> <i>Основные средства:</i>			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300) Первоначальная (восстановительная) стоимость (0100, 0300)	010	7 575	10 725
Эскириш суммаси (0200) Сумма износа (0200)	011	1 020	1 545
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр 010–011) Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 010–011)	012	6 555	9 180

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот дари бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот дари охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
<i>Номоддий активлар: Нематериальные активы:</i>			
Бошланғич қиймати (0400) Первоначальная стоимость (0400)	020	-	-
Амортизация суммаси (0500) Сумма амортизации (0500)	021	-	-
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр 020—021) Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 020—021)	022	-	-
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр 040+050+060+070+080), шу жумладан: Долгосрочные инвестиции, всего (стр. 040+050+060+070+080), в том числе:	030	-	-
Қимматли қоғозлар (0610) Ценные бумаги (0610)	040	-	-
Шўба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620) Инвестиции в дочерние хозяйственные общества (0620)	050	-	-
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630) Инвестиции в зависимые хозяйственные общества (0630)	060	-	-
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640) Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом (0640)	070	-	-
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) Прочие долгосрочные инвестиции (0690)	080	-	-
Ўрнатилдиган асбоб-ускуналар (0700) Оборудование к установке (0700)	090	-	-
Капитал қўйилмалар (0800) Капитальные вложения (0800)	100	-	-
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940) Долгосрочная дебиторская задолженность (0910, 0920, 0930, 0940)	110	-	-



Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990) Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990)	120	-	-
I бўлим бўйича жами (сатр 012+022+030+090+100+110+120) Итого по разделу I (стр. 012+022+030+090+100+110+120)	130	6 555	9 180
<b>II. Жорий активлар II. Текущие активы</b>			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр 150+160+170+180), шу жумладан: Товарно-материальные запасы, всего (стр. 150+160+170+180), в том числе:	140	1 650	2 160
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) Производственные запасы (1000, 1100, 1500, 1600)	150	-	-
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) Незавершенное производство (2000, 2100, 2300, 2700)	160	-	-
Тайёр маҳсулот (2800) Готовая продукция (2800)	170	1 650	2 160
Товарлар (2900дан 2980нинг айирмаси) Товары (2900 за минусом 2980)	180	-	-
Келгуси давр харажатлари (3100) Расходы будущих периодов (3100)	190	75	15
Кечиктирилган харажатлар (3200) Отсроченные расходы (3200)	200	-	-
Дебиторлар, жами (сатр 220+240+250+260+270+280+290+300+310) Дебиторы, всего (стр. 220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	825	705
шундан: муддати ўтган из нее: просроченная	211	-	-

<p>Кўрсаткичлар номи</p> <p>Наименование показателя</p>	<p>Сатр коди</p> <p>Код стр.</p>	<p>Ҳисобот даври бошига</p> <p>На начало отчетного периода</p>	<p>Ҳисобот даври охирига</p> <p>На конец отчетного периода</p>
1	2	3	4
<p>Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000дан 4900нинг айирмаси) Задолженность покупателей и заказчиков (4000 за минусом 4900)</p>	220	825	705
<p>Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110) Задолженность обособленных подразделений (4110)</p>	230	-	-
<p>Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120) Задолженность дочерних и зависимых хозяйственных обществ (4120)</p>	240	-	-
<p>Ходимларга берилган бўнақлар (4200) Авансы, выданные персоналу (4200)</p>	250	-	-
<p>Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300) Авансы, выданные поставщикам и подрядчикам (4300)</p>	260	-	-
<p>Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400) Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет (4400)</p>	270	-	-
<p>Мақсадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500) Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию (4500)</p>	280	-	-
<p>Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал (4600)</p>	290	-	-
<p>Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) Задолженность персонала по прочим операциям (4700)</p>	300	-	-
<p>Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) Прочие дебиторские задолженности (4800)</p>	310	-	-

## Иловалар

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Пул маблағлари, жами (сатр 330+340+350+360), шу жумладан: Денежные средства, всего (стр. 330+340+350+360), в том числе:	320	225	690
Кассадаги пул маблағлари (5000) Денежные средства в кассе (5000)	330	-	-
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100) Денежные средства на расчетном счете (5100)	340	225	690
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) Денежные средства в иностранной валюте (5200)	350	-	-
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) Прочие денежные средства и эквиваленты (5500, 5600, 5700)	360	-	-
Қисқа муддатли инвестициялар (5800) Краткосрочные инвестиции (5800)	370	1905	1725
Бошқа жорий активлар (5900) Прочие текущие активы (5900)	380	-	-
II бўлим бўйича жами (сатр 140+190+200+210+320+370+380) Итого по разделу II (стр. 140+190+200+210+320+370+380)	390	4680	5295
Баланс активи бўйича жами (сатр 130+390) Всего по активу баланса (стр. 130+390)	400	11 235	14 475
<b>ПАССИВ</b>			
<b>I. Ўз маблағлари маъбалари I. Источники собственных средств</b>			
Устав капитали (8300) Уставный капитал (8300)	410	3000	4140
Қўшилган капитал (8400) Добавленный капитал (8400)	420	1725	2835
Резерв капитали (8500) Резервный капитал (8500)	430	-	-

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот длари бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот длари охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600) Выкупленные собственные акции (8600)	440	-	-
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) (8700)	450	1980	2100
Мақсадли тушумлар (8800) Целевые поступления (8800)	460	-	-
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900) Резервы предстоящих расходов и платежей (8900)	470	-	-
I бўлим бўйича жами (сатр 410+420+430-440+450+460+470) Итого по разделу I (стр. 410+420+430-440+450+460+470)	480	6705	9075
<b>II. Мажбуриятлар II. Обязательства</b>			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр 500+520+530+540+550+560+570+580+590) Долгосрочные обязательства, всего (стр. 500+520+530+540+550+560+570+580+590)	490	3675	4425
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр 500+520+540+560+590) в том числе: долгосрочная кредиторская задолженность (стр. 500+520+540+560+590)	491		
Мол отказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000) Долгосрочная задолженность поставщикам и подрядчикам (7000)	500	-	-
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110) Долгосрочная задолженность обособленным подразделениям (7110)	510	-	-
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарз (7120) Долгосрочная задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (7120)	520	-	-

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Хисобот даври бошига На начало отчетного периода	Хисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230) Долгосрочные отсроченные доходы (7210, 7220, 7230)	530	-	-
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240) Долгосрочные отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (7240)	540	-	-
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290) Прочие долгосрочные отсроченные обязательства (7250, 7290)	550	-	-
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунақлар (7300) Авансы, полученные от покупателей и заказчиков (7300)	560	-	-
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810) Долгосрочные банковские кредиты (7810)	570	-	-
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) Долгосрочные займы (7820, 7830, 7840)	580	3675	4425
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900) Прочие долгосрочные кредиторские задолженности (7900)	590	-	-
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр 610+630+640+650+660+670+680+690+700+ +710+720+730+740+750+760) Текущие обязательства, всего (стр. 610+630+640+650+660+670+680+690+700+ +710+720+730+740+750+760)	600	855	975
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр 610+630+650+670+680+690+700+710+ +720+760) в том числе: текущая кредиторская задолжен- ность (стр. 610+630+650+670+680+690+700+ +710+720+760)	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари из нее: просроченная текущая кредиторская задолженность	602		

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Мол этказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000) Задолженность поставщикам и подрядчикам (6000)	610	645	750
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110) Задолженность обособленным подразделениям (6110)	620	-	-
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120) Задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (6120)	630	-	-
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) Отсроченные доходы (6210, 6220, 6230)	640	-	-
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240) Отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (6240)	650	-	-
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290) Прочие отсроченные обязательства (6250, 6290)	660	-	-
Олинган бўнақлар (6300) Полученные авансы (6300)	670	-	-
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400) Задолженность по платежам в бюджет (6400)	680	75	45
Сугурталар бўйича қарз (6510) Задолженность по страхованию (6510)	690	-	-
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520) Задолженность по платежам в государственные целевые фонды (6520)	700	-	-
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600) Задолженность учредителям (6600)	710	-	-
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700) Задолженность по оплате труда (6700)	720	-	-
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810) Краткосрочные банковские кредиты (6810)	730	-	-

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840) Краткосрочные займы (6820, 6830, 6840)	740	135	180
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950) Текущая часть долгосрочных обязательств (6950)	750	-	-
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950дан ташқари 6900) Прочие кредиторские задолженности (6900 кроме 6950)	760	-	-
II бўлим бўйича жами (сатр 490+600) Итого по разделу II (стр. 490+600)	770	4 530	5 400
Баланс пассиви бўйича жами (сатр 480+770) Всего по пассиву баланса (стр. 480+770)	780	11 235	14 475

**БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЇЁТЛАРДА ҲИСОБГА  
ОЛИНАДИГАН ҚИЙМАТЛИКЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ  
ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

**СПРАВКА О НАЛИЧИИ ЦЕННОСТЕЙ,  
УЧИТЫВАЕМЫХ НА ЗАБАЛАНСОВЫХ СЧЕТАХ**

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар (001) Основные средства, полученные по краткосрочной аренде (001)	790		
Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002) Товарно-материальные ценности, принятые на ответственное хранение (002)	800		
Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (003) Материалы, принятые в переработку (003)	810		
Комиссияга қабул қилинган товарлар (004) Товары, принятые на комиссию (004)	820		
Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (005) Оборудование, принятое для монтажа (005)	830		
Қатъий ҳисобот бланкалари (006) Бланки строгой отчетности (006)	840		
Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи (007) Списанная в убыток задолженность неплатежеспособных дебиторов (007)	850		
Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (008) Обеспечение обязательств и платежей — полученные (008)	860		
Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (009) Обеспечение обязательств и платежей — выданные (009)	870		



Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Узоқ муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситалар (010) Основные средства, сданные по договору долгосрочной аренды (010)	880		
Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (011) Имущество, полученное по договору ссуды (011)	890		
Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (012) Расходы, исключаемые из налогооблагаемой базы следующих периодов (012)	900		
Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) (013) Временные налоговые льготы (по видам) (013)	910		
Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари (014) Инвентарь и хозяйственные принадлежности в эксплуатации (014)	920		

Рахбар

Руководитель \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер

Главный бухгалтер \_\_\_\_\_

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ  
ҲИСОБОТ — 2-сонли шакл**

**ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ — форма № 2**

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр ко/ли  Код стро- ки	Утган йилнинг шу даврида За соответствующий период прошлого года		Ҳисобот даврида За отчетный период	
		Даро- маллар (foyла) Доходы (при- быль)	Хара- жатлар (зарар- лар) Расходы (убытки)	Даро- маллар (foyла) Доходы (при- быль)	Хара- жатлар (зарар- лар) Расходы (убытки)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум Чистая выручка от реализации продукции (товаров, работ и услуг)	010		x	10 470	x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннарихи Себестоимость реализованной продукции (товаров, работ и услуг)	020	x		x	7 800
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялли фойдаси (зарари) (сатр 010—020) Валовая прибыль (убыток) от реализации продукции (товаров, работ и услуг) (стр. 010—020)	030			2 670	
Давр харажатлари, жами (сатр 050+ +060+070+080), шу жумладан: Расходы периода, всего (стр. 050+ +060+070+080), в том числе:	040	x		x	2 250
Сотиш харажатлари Расходы по реализации	050	x		x	-
Маъмурий харажатлар Административные расходы	060	x		x	2 205
Бошқа операцион харажатлар Прочие операционные расходы	070	x		x	45
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари Расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемой базы в будущем	080	x		x	-

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди  Код стро- ки	Утган йилнинг шу даврида Эа соответствующий период прошлого года		Ҳисобот даврида Эа отчетный период	
		Даро- мадлар (фойла) Доходы (при- быль)	Хара- жатлар (зарар- лар) Расходы (убытки)	Даро- мадлар (фойла) Доходы (при- быль)	Хара- жатлар (зарар- лар) Расходы (убытки)
1	2	3	4	5	6
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари Прочие доходы от основной деятельности	090		x	-	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр 030-040+090) Прибыль (убыток) от основной деятельности (стр. 030-040+090)	100			420	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр 120+130+140+150+160), шу жумладан: Доходы от финансовой деятельности, всего (стр. 120+130+140+150+160), в том числе:	110		x	270	x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде дивидендов	120		x	-	x
Фоизлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде процентов	130		x	90	x
Узоқ муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар Доходы от долгосрочной аренды (лизинга)	140		x	-	x
Валюта курси фарқидан даромадлар Доходы от валютных курсовых разниц	150		x	-	x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари Прочие доходы от финансовой деятельности	160		x	180	x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр 180+190+200+210), шу жумладан: Расходы по финансовой деятельности (стр. 180+190+200+210), в том числе:	170	x		x	345

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди  Код стро- ки	Уттан йилнинг ну даярида За соответствующий период прошлого года		Ҳисобот даярида За отчетный период	
		Даро- мадлар (foyда) Доходы (при- быль)	Хара- жатлар (зарар- лар) Расходы (убытки)	Даро- мадлар (foyда) Доходы (при- быль)	Хара- жатлар (зарар- лар) Расходы (убытки)
1	2	3	4	5	6
Фоишлар шаклидаги харажатлар Расходы в виде процентов	180	x		x	345
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоишлар шаклидаги харажатлар Расходы в виде процентов по долгосрочной аренде (лизингу)	190	x		x	-
Валюта курси фарқидан зарарлар Убытки от валютных курсовых разниц	200	x		x	-
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар Прочие расходы по финансовой деятельности	210	x		x	-
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр 100+110-170) Прибыль (убыток) от обще- хозяйственной деятельности (стр. 100+110-170)	220			345	
Фавкуллоддаги фойда ва зарарлар Чрезвычайные прибыли и убытки	230			-	-
Даромад (foyда) солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр 220+/-230) Прибыль (убыток) до уплаты налога на доходы (прибыль) (стр. 220+/-230)	240			345	
Даромад (foyда) солиги Налог на доходы (прибыль)	250	x		x	105
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар Прочие налоги и сборы от прибыли	260	x		x	
Ҳисобот даярининг соф фойдаси (зарари) (сатр 240-250-260) Чистая прибыль (убыток) отчетного периода (стр. 240-250-260)	270			240	

## БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

## СПРАВКА О ПЛАТЕЖАХ В БЮДЖЕТ

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стро- ки	Ҳисобот даври учун ҳисоб- китоб бўйича тўланади Причитается по расчету за отчетный период	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобла- гандан ҳақиқатда тўлангани Фактически внесено из при- читающихся по расчету за от- четный период
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи Налог на прибыль юридических лиц	280	105	
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Налог на доходы физических лиц	290		
шу жумладан: шахсий жамғариб бо- риладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар в том числе: отчисления в индиви- дуальные накопительные пенсионные счета граждан	291		
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи Налог на благоустройство и развитие социальной инфраструктуры	300		
Кўшилган қиймат солиғи Налог на добавленную стоимость	310		
Акциз солиғи Акцизный налог	320		
Ер ости бойликларидан фойдалан- ганлик учун солиқ Налог за пользование недрами	330		
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ Налог за пользование водными ресурсами	340		
Юридик шахсларнинг мол-мулкига олинадиган солиқ Налог на имущество юридических лиц	350		

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стро- ки	Ҳисобот даври учун ҳисоб- китоб бўйича туланади Причисается по расчету за отчетный период	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобла- нгандан ҳақиқатда тулангани Фактически внесено из при- числяющихся по расчету за от- четный период
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи Земельный налог с юридических лиц	360		
Ягона солиқ тўлови Единый налоговый платеж	370		
Ягона ер солиғи Единый земельный налог	380		
Қағий белгиланган солиқ Фиксированный налог	390		
Бошқа солиқлар Прочие налоги	400		
Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар Обязательные отчисления в Республиканский дорожный фонд	410		
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар Обязательные отчисления во внебюджетный Пенсионный фонд	420		
Мақтаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлар Обязательные отчисления в Фонд школьного образования	430		
Ягона ижтимоий тўлов Единый социальный платеж	440		
Импорт бўйича божхона божи Импортные таможенные пошлины	450		
Маҳаллий бюджетга йиғимлар Сборы в местный бюджет	460		
Бюджетга тўловларнинг кечиктирил- ганлиги учун молиявий жазолар Финансовые санкции за просроченные платежи в бюджет	470		

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стро- ки	Ҳисобот даври учун ҳисоб- китоб бўйича тўланган Причитается по расчету за отчетный период	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблан- гандан ҳақиқатда тўланган Фактически внесено из при- читающихся по расчету за от- четный период
Жами бюджетга тўловлар суммаси (280дан 470 сатргача, 291 сатрдан ташқари) Всего сумма платежей в бюджет (стр. с 280 по 470, кроме стр. 291)	480	105	

Ҳисобот даврида амалга оширилган асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган бошқа операциялар:

1. Қимматли қозонлар харид қилинган — 1 170 000 сўм.
2. Қимматли қозонлар сотилган — 1 530 000 сўм. Мазкур қимматли қозонларнинг харид қилиш қиймати — 1 350 000 сўм.
3. Асосий воситалар харид қилинган — 1 800 000 сўм.
4. Асосий воситалар сотилган — 75 000 сўм. Бошланғич қиймати — 150 000 сўм, эскириши — 30 000 сўм.
5. Умумий номинал қиймати 1 500 000 сўм бўлган облигациялар чиқарилган ва нақдсиз асосда асосий воситаларга айирбошланган.
6. Қоплаш муддати келган облигациялар бўйича 750 000 сўм тўланган.
7. Номинал қиймати 75 сўм бўлган 15 200 дона оддий акциялар чиқарилган ва 2 250 000 сўмга сотилган.
8. Дивидендлар тўланди — 120 000 сўм.

Бевосита усул бўйича тузилган Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот шаклини қуйидаги шаклда тақдим этиш мумкин:

Кўрсаткичлар номи Наименование показателей	Сатр коди Код стр.	Кирим Приход	Чиким Расход
<b>Операцион фаолият</b> <b>Операционная деятельность</b>			
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари Денежные поступления от реализации продукции (товаров, работ и услуг)	010	10 590	-
Материал товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари Денежные выплаты поставщикам за материалы, товары, работы и услуги	020	-	8 205
Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари Денежные платежи персоналу и от их имени	030	-	-
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари Другие денежные поступления и выплаты от операционной деятельности	040	90	1 890
Жами: операцион фаолиятнинг соф пул кирими/чикими (сатр 010-020-030+/-040) Итого: чистый денежный приток/отток от операционной деятельности (стр. 010-020-030+/-040)	050	585	-
<b>Инвестиция фаолияти</b> <b>Инвестиционная деятельность</b>			
Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш Приобретение и продажа основных средств	060	75	1 800
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш Приобретение и продажа нематериальных активов	070	-	-
Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш Приобретение и продажа долгосрочных и краткосрочных инвестиций	080	1 530	1 170
Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари Другие денежные поступления и выплаты от инвестиционной деятельности	090	-	-



Кўрсаткичлар номи Наименование показателей	Сатр коди Код стр.	Кирим Приход	Чиким Расход
Жами: инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими/чикими (сатр 060+/-070+/-080+/-090) Итого: чистый денежный приток/отток от инвестиционной деятельности (стр. 060+/-070+/-080+/-090)	100	-	1365
<b>Молиявий фаолият Финансовая деятельность</b>			
Олинган ва тўланган фоизлар Полученные и выплаченные проценты	110	-	-
Олинган ва тўланган дивидендлар Полученные и выплаченные дивиденды	120		120
Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари Денежные поступления от выпуска акций или других инструментов, связанных с собственным капиталом	130		
Хусусий акцияларни сотиб олганда ва уларни сотганда пул тўловлари ва тушумлари Денежные выплаты и поступления при выкупе и реализации собственных акций	140	2 250	
Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари Денежные поступления и выплаты по долгосрочным и краткосрочным кредитам и займам	150		
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари Денежные поступления и платежи по долгосрочной аренде (лизингу)	160		
Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари Другие денежные поступления и выплаты от финансовой деятельности	170		750
Жами: молиявий фаолиятнинг соф пул кирими/чикими (сатр 110+/-120+130- -140+/-150+/-160+/-170) Итого: чистый денежный приток/отток от финансовой деятельности (стр. 110+/-120+ +130-140+/-150+/-160+/-170)	180	1 380	

Кўрсаткичлар номи Наименование показателей	Сатр коди Код стр.	Кириш Приход	Чиким Расход
<b>Солиққа тортиш Налогообложение</b>			
Туланган даромад (фойда) солиғи Уплаченный налог на доход (прибыль)	190		135
Туланган бошқа солиқлар Уплаченные прочие налоги	200		
Жами туланган солиқлар (сатр 190+200) Итого: уплаченные налоги (стр. 190+200)	210		135
Жами: молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул кирими/чикими (сатр 050+/-100+/-180-210) Итого: чистый денежный приток/отток от финансово-хозяйственной деятельности (стр. 050+/-100+/-180-210)	220	465	
Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси Сальдо курсовых разниц, образовавшихся от переоценки денежных средств в иностранной валюте	221		
Йил бошидаги пул маблағлари Денежные средства на начало года	230	225	
Йил охиридаги пул маблағлари Денежные средства на конец года	240	690	

**ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИНГ  
ХАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ  
СПРАВКА О ДВИЖЕНИИ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ  
В ИНОСТРАННОЙ ВАЛЮТЕ**

Кўрсаткичлар номи Наименование показателей	Сатр коди Код стр.	Миқдори Сумма
Йил бошига қолдиқ Остаток на начало года	250	
Келиб тушган валюта маблағлари, жами (сатр 261+262+263+264), шу жумладан Поступило валютных средств, всего (стр. 261+262+263+264) в том числе	260	
Сотишдан олинган тушум Выручка от реализации	261	
Конвертация қилинган Проконвертировано	262	
Молиявий фаолият бўйича По финансовой деятельности	263	
Бошқа манбалар Другие источники	264	
Сарфланган валюта маблағлари, жами (сатр 271+272+273), шу жумладан Израсходовано валютных средств, всего (стр. 271+272+273), в том числе	270	
Мол етказиб берувчилар ва худдатчиларга тўловлар Выплаты поставщикам и подрядчикам	271	
Молиявий фаолият бўйича тўловлар Выплаты по финансовой деятельности	272	
Бошқа мақсадлар учун На другие цели	273	
Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзига келган курс фарқлари сальдоси Сальдо курсовых разниц, образовавшихся от переоценки денежных средств в иностранной валюте	280	
Йил охиридаги қолдиқ (сатр 250+260-270+/-280) Остаток на конец года (стр. 250+260-270+/-280)	290	

Рахбар

Руководитель \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер

Главный бухгалтер \_\_\_\_\_

I. Операцион фаолиятдан пул маблағларининг оқимини аниқлаш — бевосита усул

1. Реализациядан пул маблағлари келиб тушиши. Реализациядан пул маблағлари келиб тушиши қуйидаги формула билан акс эттирилиши мумкин:

$$\begin{array}{l} \text{Реализациядан пул маблағлари келиб тушиши} \\ \text{=} \\ \text{Реализациядан тушум (Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот)} \end{array} \begin{array}{l} + \\ - \end{array} \begin{array}{l} \text{Олинадиган счётларнинг камайиши ёки} \\ \text{Олинадиган счётларнинг кўпайиши (Баланс)} \end{array}$$

$$\text{Реализациядан пул маблағлари келиб тушиши} = 10\,470\,000 + 120\,000 = 10\,590\,000 \text{ сўм.}$$

2. Берилган кредитлар учун фоиз кўринишида ва дивиденд кўринишида пул маблағларини келиб тушиши. БХМСда фоизлар ва дивидендларни таснифи бўйича ҳеч нарса айтилмаган, фақатгина уларни олинган ва тўланганлари бўйича ажратиш лозимлиги айтиб ўтилган. Амалиётда кўп ҳолларда олинган фоизлар ва дивидендлар инвестиция фаолиятига олиб борилади, тўланган фоизлар ва дивидендларни эса одатда молиявий фаолият билан боғлашади, бироқ ўз навбатида тўланган фоизлар операцион фаолиятга тегишли бўлиши ҳам мумкин.

«Замин» компаниясининг Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида фоиз кўринишидаги даромадлар 90 000 сўмни ташкил этади, балансда эса «Олинадиган фоизлар» счётида қолдиқ мавжуд эмас, яъни барча фоизлар олинган.

3. Харид қилинган товарлар ва хизматлар учун пул маблағлари тўлови. Харид қилинган товарлар ва хизматлар учун тўланган пул маблағлари миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\begin{array}{l} \text{Харид қилинган товарлар учун пул тўловлари} \\ \text{=} \\ \text{Соғилган товарлар таннари (Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот)} \end{array} \begin{array}{l} + \\ - \end{array} \begin{array}{l} \text{Товар захира-ларининг кўпайиши ёки} \\ \text{Товар захира-ларининг кўпайиши (Баланс)} \end{array} \begin{array}{l} + \\ - \end{array} \begin{array}{l} \text{Тўланадиган счётларнинг камайиши ёки} \\ \text{Тўланадиган счётларнинг кўпайиши (Баланс)} \end{array}$$

$$\text{Мисолимизнинг маълумотларига кўра харид қилинган товарлар учун пул тўловлари} = 7\,800\,000 + 510\,000 - 105\,000 = 8\,205\,000 \text{ сўм.}$$

4. Операцион харажатлар бўйича пул тўловлари. Операцион харажатлар бўйича пул тўловлари операцион харажатларга тузатишлар қиритиш билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\begin{array}{r} \text{Операцион харажатлар} \\ \text{бўйича пул тўловлари} \end{array} = \begin{array}{r} \text{Операцион харажатлар} \\ \text{(Молиявий натижалар} \\ \text{тўғрисидаги ҳисобот)} \end{array} + \begin{array}{r} \text{Келгуси давр харажатларини} \\ \text{кўпайиши ёки} \\ \text{Келгуси давр харажатларини} \\ \text{камайиши (Баланс)} \end{array} + \begin{array}{r} \text{Ҳисобланган мажбуриятларни} \\ \text{камайиши ёки} \\ \text{Ҳисобланган мажбуриятларни} \\ \text{кўпайиши (Баланс)} \end{array} - \begin{array}{r} \text{Амортизация ва бошқа} \\ \text{пулсиз харажатлар} \\ \text{(Молиявий натижалар} \\ \text{тўғрисидаги ҳисобот)} \end{array}$$

Мисолимиздан келиб чиқиб, операцион харажатлар бўйича пул тўловлари = 2 205 000 – 60 000 – 45 000 – 555 000 = 1 545 000 сўм.

5. Олинган кредитларнинг фоизлари бўйича пул маблағи тўловлари. Мазкур илованинг 2-бандига мувофиқ кредитларнинг фоизлари бўйича пул маблағи тўловларини молиявий фаолиятга олиб бориш лозим, шундан келиб чиқиб кредитларнинг фоизлари бўйича пул маблағи тўловлари мазкур фоизлар бўйича харажатларга тенг.

«Замин» компаниясининг Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида фоизлар бўйича харажатлар 345 000 сўмни ташкил этади, балансда эса «Тўланадиган фоизлар» счётида қолдиқ мавжуд эмас, яъни барча фоизлар тўланган.

6. Фойда солиғи бўйича пул маблағи тўловлари. Фойда солиғи бўйича пул маблағи тўловлари миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\begin{array}{r} \text{Фойда солиғи} \\ \text{бўйича пул маблағи} \\ \text{тўловлари} \end{array} = \begin{array}{r} \text{Фойда солиғи} \\ \text{(Молиявий натижалар} \\ \text{тўғрисидаги ҳисобот)} \end{array} + \begin{array}{r} \text{Фойда солиғи қарзларни} \\ \text{камайиши ёки} \\ \text{Фойда солиғи қарзларни} \\ \text{кўпайиши (Баланс)} \end{array}$$

Мисолимизнинг маълумотларига кўра фойда солиғи бўйича пул маблағи тўловлари = 105 000 + 30 000 = 135 000 сўм.

**Билвосита усул бўйича тузилган Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот шаклини қуйидаги шаклда тақдим этиш мумкин:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича Қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 140-сонли буйруғида «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» 4-сонли шакл факатгина бевосита усул бўйича назарда тутилган. Шунинг учун билвосита усул бўйича Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг шакли мустақил равишда тузилиши мумкин.

**ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ  
2008 йилнинг 1 январидан 31 декабригача бўлган давр учун  
«Замин» компанияси**

Операцион фаолиятдан пул маблағларининг оқими		
Соф фойда		240 000
Соф фойдага киритилган тузатишлар:		
Амортизация бўйича харажатлар	+555 000	
Қимматли қозғаларни сотишдан фойда	-180 000	
Асосий воситаларни сотишдан зарар	+45 000	
Олинадиган счёتلарнинг камайиши	+120 000	
Товар захираларини кўпайиши	-510 000	
Келгуси давр харажатларини камайиши	+60 000	
Тўланадиган счёتلарнинг кўпайиши	+105 000	
Ҳисобланган мажбуриятларни кўпайиши	+45 000	
Ҳисобланган фойда солигини камайиши	-30 000	
Соф фойдага киритилган жами тузатишлар		+210 000
Операцион фаолиятдан пул маблағларининг ҳолати		+450 000

Иловалар

Инвестиция фаолиятдан пул маблағларининг оқими		
Қимматли қоғозларни харид қилиш	-1 170 000	
Қимматли қоғозларни сотиш	+1 530 000	
Асосий воситаларни харид қилиш	-1 800 000	
Асосий воситаларни сотиш	+75 000	
Инвестиция фаолиятдан пул маблағларининг ҳолати		(1 365 000)
Молиявий фаолиятдан пул маблағларининг оқими		
Облигацияларни қопланиши	-750 000	
Оддий акцияларни чиқариш	+2 250 000	
Дивидендлар тўлаш	-120 000	
Молиявий фаолиятдан пул маблағларининг ҳолати		+1 380 000
Пул маблағлари ҳолатининг соф ўзгариши		+465 000
Йил бошига пул маблағлари	225 000	
Ҳисобот даври охирига пул маблағлари	690 000	
Инвестиция ва молиявий фаолият билан боғлиқ пулсиз операциялар рўйхати		
Асосий воситалар харид қилиш учун облигациялар чиқарилган		1 500 000

II. Операцион фаолиятдан пул маблағларининг оқимини аниқлаш — билвосита усул. Билвосита усулда ҳам бевосита усулдагига ўхшаш тарзда тузатишлар амалга оширилади. Фарқи шундан иборатки, билвосита усулда ҳар бир моддага алоҳида тузатишлар киритилмайди, балки тўғридан-тўғри соф фойда суммасига тузатишлар киритилади. Қуйида операцион фаолиятдан пул маблағларининг ҳолатини ҳисоблаш учун лозим бўлган барча тузатишлар санаб ўтилган.

	Соф фойдани операциядан пул маблағларининг ҳолатига ўтказиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар	
	Соф фойдага қўпилади	Соф фойдалан чегирлани
Жорий активлар:		
Олинган счётлар	Камайиши	Қўпайиши
Товар захиралари	Камайиши	Қўпайиши
Келгуси давр харажатлари	Камайиши	Қўпайиши
Жорий мажбуриятлар:		
Тўланган счётлар	Қўпайиши	Камайиши
Ҳисобланган мажбуриятлар	Қўпайиши	Камайиши
Бюджет бўйича қарзлар	Қўпайиши	Камайиши
Амортизация бўйича харажатлар:		
Асосий воситалар	Қўпилади	
Номоддий активлар	Қўпилади	
Бошқа зарарлар (асосий фаолиятдан эмас)	Қўпилади	
Бошқа фойдалар (асосий фаолиятдан эмас)	Чегирлади	

III. Инвестиция фаолияти натижасида пул маблағларининг оқими аниқлаш. Инвестиция фаолиятига асосан бухгалтерия балансининг узок муддатли активлар бўлимида, қисқа муддатли молиявий қўйилмаларга тегишли операциялар жорий активлар бўлимида акс эттирилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қимматли қоғозларни, асосий воситаларни сотиш ва ҳоказолар кўрсатилади. Бундан ташқари, инвестиция фаолиятдан пул маблағларининг оқимини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотлар асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган бошқа операциялар рўйхатида ҳам мавжуд. «Замин» компаниясининг мазкур рўйхат бўйича 1, 2, 3 ва 4-операциялари инвестиция фаолиятдан пул маблағлари оқимига кириди.



---

IV. Молиявий фаолият натижасида пул мабларларининг оқимини акс эттириш. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг мазкур бўлимида узоқ муддатли қарзлар ва акционер капитал счётлари, шунингдек тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотлар кўрилади. «Замин» компаниясининг асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган бошқа операциялар рўйхатида 6, 7 ва 8-операциялар молиявий фаолиятдан пул оқимларига киради.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМАЛАР ТЎПЛАМИ**

Чикариш учун масъул *Мелибоев М.*  
*Мусаххих Раҳимбекова З.*

Оригинал-макетдан 28.02.2010 йда босишга рухсат этилди.  
Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Гарнитура «AntiquaUZ». Офсет босма.  
Шартли 23,0 б. т. Адади 400 нусха. Буюртма 392.

«NORMA» МЧЖ, Тошкент ш., Х. Олимжон майдони, 10а.

«TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Миробод тумани, Толимаржон (Фетисов) кўч., 1/1.